

П. ИГНАТОВ

АКА-УКА ҚАҲРАМОНЛАР

Повесть



Учқун Раҳмон ва Ёнғин Мирзо
таржимаси

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ШІЛДАР» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1962

Улуг Ватан уруши йилларида Кубанда немис фашист бос-қынчиларига қарши кураш олиб борган партизан отрядининг командири Петр Карпович Игнатов қўлингиздаги китобнинг авторидир. Бу асарида у ўз ўғиллари Ёвгений, Валентин, Геннадийларнинг болалик ва ёшлик даврларини ҳикоя қиласди, уларнинг қандай ўстанлиги, вояга етиши, чиниқишиларини ҳамда урушнинг дастлабки кунларидаёқ ота-оналари билан бирликда Ватан мудофаасига отланганликларини тасвирлайди. Вафотидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрий номга сазовор бўлган Евгений, Геннадийларнинг курашда кўрсатган ажойиб мардликлари тўғрисида отанинг ҳаяжонли ҳикоялари айниқса таъсирлидир.

Игнатов П. К.

*Ака-ука қаҳрамонлар. Повесть. Ўрта ёшидағи болалар учун.
Т., «Ёши гвардия », 1962.*

224 бет.

Игнатов П. К. Братъя-герои. Повесть.



Шараф-шон байроби баланд порлади,
Халқ ўғилларини сафга чорлади.
Кўрсатдик пўлатдек қалбларнинг кучи--
Жонажон юртимиз номуси учун.

A. Сурков.

1. Халқ жангга отланди ..

Якшанба. Мусаффо тонг. Ёзниг сахий қуёши ва ҳарорати туфайли Кубань яна ҳам оромбахш бўлибди; бу пайт ёзниг гул-гул очилган чоғи эди.

Лекин эрталаб жазирама унча сезилмасди. Ҳали июнь қуёши пастда, қуюқ баргли бақувват шохлари билан бизнинг томимизгача қулоч ёзган кекса каштан дарахтининг учига кўтарилганича йўқ. Қуёш ёғдулари уфқ тубидан юқорига санчиларди, майса-кўкатлар устида, капалакгул, лотин чечаги, мёва тумайдиган дарахтлар баргига ҳам ўчмай йилтираб турган шабнам доналари устида ранго-ранг чўғлар ёлқинланади, ҳаво очик, булоқ сувидай тиниқ.

Қайси бир томнинг устида кантарлар дўстона ғув-ғувлашади. Қуёш эндиғина кўтарилиб келаётган эрта тонгда, ўрмон ичиди жилдираб оқаётган сойни эслатадиган ва тобора мавжланиб бораётган бундай майин товушни эшитиш қишига ҳузур бағишларди!

Айвоннинг ҳамма ери соя-салқин. Тожнинг барглари шу қадар қуюқки, фақат қуёш тиккага келгандагина япроқлар орасидан зўрға ўта олади, шунда қуёш ёғдусининг олтин ёй ўқлари тешиб ўтиб, айвонни кўкишисимон нимқоронги ранг қоплаб олади.

Ҳали вақт жуда эрта бўлишига қарамай, Геня аллақачон уйқуни тарқ этиб, ивирсиб юрибди. У айвоннинг бурчагида турган стол устига отвертка, қисқич, омбур каби асбобларни қўйди. Михлар, винтиклар, қирқилган симларни ҳам унинг устига келтириб ўйди. Кейин у оҳиста ҳуштак чала туриб, велосипеднинг олдидаги рамасига паррак ўрната бошлади. Бу иш унинг таъбири билан айтганда «шунчаки эрмак» эди. «Буни зерикканимдан қиляпман,— деди у менга,— мен велосипедда учиб кетаётган вақтимда ўзича тириллаб айлана берсин!»

Назаримда у мактабдаги ўртоқлари билан шаҳар атрофига саёҳатга чиқиш учун отланаётганга ўхшаб қолди. Шунинг учун Геня ўртоқлари олдидаги ўзининг бу янги «кашфиёти»ни кўз-кўз қилмайди, дейсизми! Шубҳасиз, буни кўргач эртанинг ўзидаёқ Генянинг ҳамма дўстлари ўз велосипедларига худди шунга ўхшаётган, эҳтимол ундан ҳам тузукроқ—«такомиллаштирилган» парраклар ўрнатиб олишадилар.

Мен Генянинг олдига туриб, унинг «шунчаки эрмаки»га қизиқиб разм солдим. Паррак пишиқ дарахт шоҳидан жуда моҳирлик билан кесиб олинган, пўстлоғи эса шилиниб ташланиб, кейин паррак лак билан бўялганди. Бу устачиликка, санъатга қойил қолдим.

— Энди велосипедга қанот ва қўйруқ ясаш қолибди-да,— деган эдим, ўғлим ҳозиржавоблик қилди:

— Дада, гап унда эмас-да!

— Геня, кел, чойингни ич!— деб, чақириб қолди онаси шу чоқ.

Мен кўчага чиқиб кетдим. Якшанба жуни бўлишига қарамай, ишҳоиам — кимё-технологик институтига бироров кириб чиқишим керак эди.

* * *

Ҳозир ўша — 1941 йил 22 июнь тонгини эслагудек бўлсанг кўз олдингда дарахтларнинг йўлдаги сояси ҳам, гуллар юзидағи шудринг ҳам ва Генянинг парраклари ҳам худди кечагидек ёрқин намоён бўлади.

Ўғлингнинг хотинингнинг овозини, баргларнинг шитирлашини, жаптарларнинг ғув-ғувлашларини эшигандай бўласан жиши... Буларнинг ҳаммаси хотирамизда ўчмас бўлиб умрбод қолган! Ахир, биз Геня билан айвонда ҳазиллашиб турган пайтимизда, уруш бўлишини хаёлимизга келтирибмизми, асло! Биз тинч, фарогатли ҳаёт кечирав эдик.

Мен институтга чиқиб кетишим билан орқама-орқа қўшнимиз йиғлаб кўзлари қизарган ҳолда хотиним ҳузурига ҳаллослаб кириди.

— Елена Ивановна, жонгинам! Гапдан хабаринг борми, ланати фашистлар шаҳарларимизга бомба ташлабди... Киевга бомба ташлашибди. Эрим худди ўша ёққа командировкага кетган эди! Вой шўрим! Энди нима қиламиз!— деб у кўз ёшларини пешбанди билан артиб, йиги қиляпти.

— Фашистлар деяпсанми? Киевга бомба ташлашибди?— деб Елена Ивановна, нима бўлганини тушунмай сўрайди. Кейин бирдан ақли етади:— Уруш бошланибдими?

— Ҳа, Елена Ивановна, уруш! Ростдан эшиганингиз ўқуми? Радио орқали гапирдилар.

Геня шошиб приёмник ёнига келади, жон ҳолатда уни бурайди.

Музика жанговар марш чаларди.

— Ойи! Ростдан уруш бўляптими? Ахир... қандай қиilib...

Қўшни хотин ҳамон хўрсинар, бурнини артар, уҳ тортарди. Генянинг онаси ўғлининг бирдан қовоғи солиниб кетганини ва тескарига бурилиб олганини пайқади: Геня қўшни хотиннинг ташвишланаётганидан озср чекарди.

Радиода берилаётган ҳарбий марш шу қадар таъсирили эдики, ҳатто сафда кетаётган жангчиларнинг дадил қадам ташлашлари ҳам эшитиларди. Ноғоралар дўпирлар, дўмбираалар жаранглар, карнайлар чалинарди.

Кейинчалик Елена Ивановна менга шу дақиқада Геняни бағрига босиб, уни эркалатгиси келганини айтиб берди. Аммо у сирбой бермайди, ўзини тутади: энг аввал осойишталик ва чидам керак эди. Ахир унинг уч ўғли бор... энг кичиги ўн олти ёшли Геня — ўқувчи, ўртанчаси Валентин — узоқда, Гарбий ўлкада электро-

станцияда ишлайди. Каттаси Евгений — шу ерда, Краснодардаги «Главмаргарин» комбинатида инженер-конструктор бўлиб ишлайди. У ўз ўғилларининг қалбини, феъл-авторини жуда яхши биларди: агар Ватан чақирадиган бўлса улардан ҳеч биронтаси, ҳаттоқи «кенжатой» Геня ҳам бир нафас хаёл сурмасдан «лаббай» деб жавоб қайтарадилар.

— Ойи, нега сиз жим бўлиб қолдингиз? Юринг институтга, дадамнинг олдига кириб чиқамиз!

— Юрақол, ўғлим!

Улар мени институтдан топиша олмабди: мен фашистлар Германиясининг бизга ҳужум қилганини эшишиб тўппа-тўғри райком партияга кетган эдим. Қўнгиллари тинчимай она-бала катта ўғлимиз Евгенийнига жўнашибди. Боришса уйда на Евгений, на хотини Маша бор. Билишса улар комбинатга кетишибди. Уйда Евгенийнинг дўмбоқ қизи Инночка бор экан. У ҳовлида қумдан сомса ясад, ёпиб юрибди. Машанинг синглиси уйда унга қараб қолган экан.

— Енья тоға, Енья тоға! — деб қизча бийрон тили билан бидирлаб ўзи жуда яхши қўрадиган Генянинг эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қиласади.

Геня ҳам ўзининг дўндиқ жиянига ўрганиб қолган эди. У бир неча маротаба муруват қилиб: «Мен бу чинқироқ болаларингизни жуда ҳам ёқтирмайман, аммо Инка жуда ёқимтой! дерди. Бундан ташқари, унга ўзининг энди «тоға» бўлиб қолгани кўпроқ ёқарди.

Лекин ҳозир бўлса Геня қизнинг соchlарини паришонхотир силаб қўя қолади.

— Ойи, юринг уйга! — дейди Геня, — эҳтимол дадам келиб, бизни кутиб ўтиргандирлар. Қаерда бўлсалар ҳам уйга етиб келадилар.

Генянинг тахмини тўғри чиқди. Мен уйда уларни кутиб ўтирас эдим. Ўғлон менга ташланди, мени қучоқлаб олмоқчи эди-ю, негадир ўзини тутиб олди. Фақат қўлимини қисди ва кўзларимга қаради:

— Дадажон!

Бўлак ҳеч нарса демади.

Биз айвонда туриб ўтқир қуёш нурида товланаётган ток баргларини кўздан кечирардик. Мовий осмонда — баланд-баландларда оқ каптарлар ўмбалоқ ошиб парвоз қилишарди. Ҳовлида, каштан дараҳтининг тагида ўйнашаётган қўшни болаларининг қулгиси эшити-

ларди. Шунда беихтиёр мен шу кичкина, тинчгина бурчак-ошён устида ҳам, бутун гўзал, баҳтиёр Ватанимиз устига тушгандай урушнинг қол-қора даҳшатли сояси пайдо бўлганини ўйлаб кетдим.

Уруш!.. Биз яшаётган бу ерларда эса қуёш сокин, илиқ нур сочади, дараҳт барглари ором бағишилаб шитирлашади. У томонда, Фарбда эса душманлар муқаддас ерларимизни топтамоқда. У томонда азиз жишиларимизнинг қони тўкилмоқда...

— Дада, биз урушга ҳаммамиз борамиз, шунаقا-ми?— деди Геня менинг олдимда тикка туриб кўзимга тикилгани ҳолда.— Ҳамма, бутун ҳалқ боради! Биз анойи эмасмиз. Уларни еримизга қўймаймиз... Шундайми?.. Улар бизни енголмайди! Қизил Армиямизни ҳеч қачон енголмайди!

Геня ҳам барча совет болалари каби меҳрибон Қизил Армиямизни жондан севарди. У армиямиз билап фахрланар, унинг муваффакиятларини хурсандчилик билан кузатиб бораради. Совет мамлакати қўриқчисини севмасдан, у билан фахрланмасдан бўлармиди ахир! Ана, ўша севимли армиямиз Фарбий Украина ва Фарбий Белоруссия ерига кириб, у ердаги биродарларимиз — украин ва белорусларга озодлик олиб беришди. Мана, Армиямиз фин ҳарбий корчалонларининг ифволарига қатъий зарба бериб, Карелия бўйнида енгилмас ҳисобланган истеҳкомларни янчиб, тор-мор келтириб, фин уришқоқларини ярашишга мажбур эттиридилар.

Кейинги икки-уч йил ичидаги бўлиб ўтган бундай ажойиб ҳодисалар барча совет болаларини жуда қизиқтириди, улар тушунчасида ўчмас таассуротлар қолдирди. Булар, бу ҳодисалар бизнинг болаларимизда юксак ватанпарварлик туйғусини, она-Ватанга бўлган муҳаббатини ўтириди, ҳамма қудратли, кучли, одил ва қўллари қардошлиқ ёрдамини кўрсатишга, муқаддас чегараларимизни сақлашга ҳамма вақт тайёр туриш туйғусини тарбиялади.

Бу воқеалар бошлангунча Геня ҳарбий билимларга унча-мунча қизиқиб юрарди. Бу ҳақиқатан ҳам жиддий, бир мақсадга қаратилган қизиқиш эди. У совет гражданлиги бурчини бажариш навбати қачон келишини — Қизил Армия сафига кириш кунини ўйларди ва армияга тайёрланган, кўп нарсани билган ҳолда боришни истарди.

Занас командир бўлганим учун менда ҳар турли ҳарбий китобчалар, қўлланмалар, уставлар бўларди. Геня буларни қунт билан ўқириди. Айниқса уни танкка тегишли бўлган ҳамма нарса қизиқтиарди. Бу эса боланинг илгаридан, ёш болалигидан машинага, моторга бўлган ҳавасидан далолат берарди.

У баъзан кечалари, иш тикиб ва тўр тўқиб ўтирган онасига далда бериш учун унга танкларнинг оғирлиги, тез юришлиги, қуролланиши жиҳатидан бир-биридан фарқи, ўрта ва оғир танкларнинг тактик вазифалари, сув ҳамда қуруқликда юра оладиган танклар ҳақида, танклар ҳозирги замон урушида механикалаштирилган қўшилмалар ва қисмларнинг асосий жанговар қуроли эканлиги ҳақида ҳиқоя қилиб берарди,— у ўзий-вериб ёд бўлай деб қолган бу фикрларни танк ҳақида ги справочникдан билиб олганди.

Фарбий Европада уруш алангаси тобора авж оларди. Франция, Голландия, Бельгия шаҳарлари тутун ичидан бурқсиб, харобазорларга айланмоқда эди. Қочоқларнинг сон-саноғига етиш қийин — йўлларда уй-жойидан, оиласидан, қариндош-уругларидан ажралган бечора кишилар тўзиб борарди. Тутун қоплаган осмонда бомба ортган шўнғувчи самолётлар гувилларди. Фашист ҳарбий машинаси миллионлаб одамларни ҳалок этар, майиб ва яшашга яроқсиз қиларди... Гуллаётган ери тақири, куйган саҳрога айлантиарди...

Геня бир куни онасига шундай деди:

— Мен бир журналда Норвегиядаги партизанлар ҳақида қизиқ нарса ўқидим. Улар нима қилишаётганини биласизми, ойи? Улар темир йўлларга мина кўмишаркан. Жасурликларига қаранг! Немис аскарлари тушган поездлар Осло — Берген темир йўлида қатнаётганда йўлга мина кўмилган-кўмилмаганини текшириш учун олдига қум-шағал тўлдирилган платформани қўяр эканлар. Демак, ҳали халқлар фашистларга тиз чўккани йўқ! Тўғрими, ойи?..

Шундай қилиб, уруш бизнинг чегарамизга ҳам босиб кирди. Биздан узоқда — бегона чегара орқасида, бизга бегона юртда бўлган нарсалар — энди бизга жуда ҳам яқин келиб қолди. Қуёшли бу июнь куни кечаги тинч ҳаёт ва эртаги оловли, момақалдироқли кун ўртасида сира ўчмас чегара бўлиб ётарди. Бошимизда уруш даҳшатидан дарак берувчи булутлар сузарди.

Ўша куни кечгача бизникига таниш-билишлар, бирга ишлайдиган хизматчилар, қўшнилар келишиди. Уларнинг желиб ҳол-аҳвол сўрашлари соз бўлди: ўша куни ёлғиз қолиш жуда оғир эди — одамлар билан бирга бўлишни истарди кўнгил. Ҳаммани бир фикр: душманга қарши курашиш туйғуси бирлаштиарди. Қишилар бир-бирларига янада яқин, қариндош бўлиб қолдилар.

Кечқурун оиласиз аъзолари йиғилишди, Евгений билан Маша ҳам келди.

— Бизнинг Валяга бир нарса бўлмадимикан? — деди оҳистагина Елена Ивановна.

Унга ҳеч ким жавоб бермади. Валентин ғарбий чегарада, душманга биздан кўра яқин жойда эди...

Ўн саккизинчи йил январининг бир оқшоми ёдимга тушди. Петроград... Мен хотиним билан (у вақтда биз ҳали «Питер»нинг ёш ишчилари эдик) бирга фронтга юборишларини сўрабрайком партияга бордик: ўша вақтда душман галалари ёш Совет республикасига ҳамла бошлаган эдилар. Биз эса ёшлигимиздан нима учун курашиб келган бўлсак, шу муқаддас нарсани ҳимоя қилишни орзу қилдик. Биз эру хотин бирга Петроград остоналаридаги жангларда қатнашдик. Ўн тўқ-қизинчи йилларда қаҳрамонона Царицин мудофаачилари сафида туриб бирга мардонавор курашдик. Дон атрофидаги чўлларда оқ гвардиячи ва қулоқ бандарини тор-мор келтиришда қатнашдик...

Энди эса душман ўша вақтда биз курашиб қўлга киритган, тўла-тўқис қуриб олган ҳаётимизга суюқасд қилди. Наҳотки, биз душманга қарши курашишга бормасак?

Мен Евгений билан айвонга чиқдим. Ҳамма ёқ жимжит эди. Юлдузлар қора тусдаги барглар орасидан мўралаб ғамгин нур сочарди.

У менга, худди илгаридан қатъий қарор қилинб қўйгандай, бундай деди:

— Эртага барвақт туриб военкоматга бораман.

— Олдимга киргин, бирга кетамиз.

У қоронғида қўлимни пайпаслаб топди-да, қаттиқ қисди.

Айвон эшиги бирдан ланг очилиб кетди. Эшиқдан тушган нурда ёришган жой ўртасида Геня турарди:

— Дэда, Женя, сизлар шу ердамисизлар?.. Бу ерда нималарни пичирлашяпсизлар?

— !Олдузларга қараб қавасимиз келяпти, укажон!— деди хушчақчақлик билан Евгений укасини эркалаб.

* * *

Эртаси кун эрталаб шаҳар ҳарбий комиссариатига йўл олдик.

Ёнимда икки ўғлим бирга борарди: бири қирчилла-ма, айни куч-қувватга тўлган Евгений, бири эса ёшлик тонгчни кечираётган Геня. Валентин биз билан бирга эмасди. Аммо унинг биздан қолишиналигига, Ватан ҳимоячилари сафидан ўз ўрнини топиб олишига ишонардик.

Геня ҳам, ҳатто Евгений ҳам ҳаяжонланарди. Мен уларнинг жиддий, ўйчан юзларига тикилиб қарадим — болаларимиз бу кунгача менга бунчалик қадрдон, бунчалик яқин туюлмаганди.

Ҳали Геня жуда ёш эди. Аммо биз Евгений билан бирга, ҳарбий комиссариатга кетяпмиз деганимизда у индамасдан шапкасини кийиб олди. Унинг юзи шу да-қиқада худди катталар каби жиддий бир вазият олган эди. Шунинг учун мен унга бир оғиз ҳам сўз айтмадим, бормагин деб қаршилик қилолмадим. Онаси Геняга шундай қаради-ю, у ҳам ҳеч нарса дея олмади...

Ҳарбий комиссариатнинг кенг хоналарида кишилар ҳаддан ташқари гавжум. Бу ерда менга ўхшаган кексалар ҳам бор, лекин кўпроғи ёшлардан иборат эди. Хотин-қизлар ҳам кам эмасди. Ҳамманинг фикри-ёди бир; юзлар, оташин кўзлар ҳаммаси бир туйфуни — тезроқ қўлга қурол олиш истагини ифода этарди.

Навбатда турган бесаноқ кишилар қатори борган сарн чўзилиб узайиб борарди. Толиққан, уйқусизликдан ранги сарғайиб кетган офицер ўтирган стол ёнига боргач, ундан биз: «йўқ, бўлмайди» деган совуқ жавобни олдик.

Касаллигим ва ёшим ўтганлиги туфайли ҳамда ҳарбий учётнинг учинчи группасида бўлганим учун мени запасда қолдиришди. Евгенийни мудофаа аҳамиятига эга бўлган комбинатда инженер-конструктор бўлиб ишлаб тургани сабабли Қизил Армия сафига қабул қилишмади. Хўш, Геняни бўлса-чи, ўзи шундаям маълум. Бу ҳали ёш бола, ўн олти ёшли мактаб ўқувчиси деб олишмади.

Биз қанча уринмайлик, ҳаракат қилмайлик, барибир натижа чиқмади. Шундан кейин биз Евгений билан халқ кўнгилли лашкарлари сафига ёзилдик. Елена Ивановна бўлса кўп ўтмай шаҳар госпиталларидан бирида ишлай бошлади. Бу ерга энди биринчи ярадорлар келтирилган эди.

Биз ҳалига қадар Валентин ҳақида ҳеч қандай хабар эшита олмадик. Шунинг учун унинг тўғрисида жуда ҳам таъвиш чека бошладик.

* * *

Барча кишилар Ватанга фарзандлик бурчини ўташ, бутун совет халқи билан биродарларча ҳамжиҳат бўлиш иштиёқида ёнаётган бир пайтда, Геня ҳам ўзини халқ ишига бағишлишни сидқидилдан орзу қиласади. Ахир унинг ҳам ҳаёти халқ ҳаётидаги, мамлакат ҳаётидаги барча севинч, қайғулар билан чамбарчас боғланган эди-ла!

У комсомол ўртоқлари билан районом комсомолга борди. Болалар ўзларини мудофаа аҳамиятига эга бўлган бирор заводга юборилишларини ўтиниб сўрашди.

— Мен оз-моз ўргансам бўлгани,—деб ишонтиришга уринарди Геня районом секретарини,— биласизми, кейин ўзим слесаръ бўлиб ишлаб кетаман...

Унинг гапи рост: Генянинг слесарликдан бир оз хабари бор эди.

Тенгқурлари сингари у ҳам спортга қизиқарди. Қиши фаслида юнъки отишни, чанғида учишни, ёз пайтида бўлса сузишни, қайиқда эшкак эшиш, велосипедда юришни яхши кўради. Аммо бу барча болалар ўйинлари ичидаги унга кўпроқ, биз ҳазиллашиб айтганимиздек, «ота мерос» бўлиб қолган механика билан шуғулланиш афзал кўринарди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки буваси механик-машинист бўлиб ишлаган эди, отаси бўлса слесаръ-механик. Катта акаси инженер-конструктор, иккинчи акаси эса — теплоход механиги.

Генянинг уйига кирсангиз гўё устахона дейсиз. Стол тагида асбоб-ускуна ва материаллар солинган қутилар, стол устида бўлса исканжа-тискилар...

У ўз атрофига механика, техникани жондан севадиган ихлосманд ўртоқларини йиғиб олган. Биз баъзан Елена Ивановна билан болаларнинг тортишувларига

қулоқ солиб, уларнинг шунга нарсаларни билишлари-га қойил қолиб, ёқамизни ушлардик.

Баҳор келиб кунлар исий бошлиши билан Геня ўз устахонасини ҳовлига, ўтиналар турадиган саройга ту-таш бўлган пешайвонга кўчириб чиқарди. Бу жой бир оз кенгроқ эди. Бу ерда энди унинг «Ойи, мен ҳозир қалайлаб оламан, бир оз тутун бўлади!.. Майлими, ке-йин мен хонани шамоллатиб қўйман!»— деб ёки бўлма-са «Дада, сиз ухлаб қолганингиз йўқми? Мен мана бу пармани бир оз чинғиллатсан хафа бўлмайсизми? Те-шикларни пармалаб олиш керак» деб бизга ялиниб-ёлворишига ҳожат қолмасди.

Уйдаги барча нарсалар — қулфлар, эшик зулфин-лари, қўнгироқлар, дазмол, чойнаклар, кастрюллар, чи-роқларгача Генянинг «техник» назорати остида эди, шу сабабли буларнинг ҳаммаси доим бешикаст турар эди.

Генянинг устахонасига бизнинг ҳовлимизда яшов-чи хотинлар ҳам тез-тез кириб туришарди.

— Генуша, менинг кастрюлим тешилиб қолибди... қалайлаб беролмайсанми?

— Нега қалайлаб беролмас эканман! Кастрюлингиз-ни қолдириб кетинг...— деб олиб қолиб, ҳожатларини чиқаради.

Геня ҳозир заводда ишлашни қанча хоҳламасин, барибир орзусига етолмади.

Райкомда болаларга: яқин кунларда комсомол ва ўқувчи ёшлар ҳосилни йиғиб олиш учун колхозларга сафарбар қилинадилар, деган гапни айтишиди.

«Бу ҳам майли, ҳақиқий меҳнат бўлади,— деб му-ҳокама қилишди болалар.— Нон Қизил Армияга ҳар-бий снаряд каби зарур. Қани энди тезроқ борсак!»

Шундай қилиб, Геня ҳам жўнаш кунини сабрсизлик билан кутарди.

Ўша вақтда фронтга ёрдам бериш керак бўладиган бўлса, ҳамма иш ҳам совет кишилари қўлидан келади-гандай туюларди.

Биз кимё-технология институтида медикаментлар ҳамда мудофаа аҳамиятига эга бошқа ҳар хил модда ва материалларни ишлаб чиқаришни ташкил қилдик. Евгений ишлаган комбинатда эса қисқа вақт ичida миномёт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Евгений ком-бинатда кечакундуз қолиб кетарди. Ўйга зўрға бирор соат вақт топиб, ўшанда ҳам Инночкани кўришга оши-

қиб келиб кетарди. Ниҳоят, кўп вақтдан бери кутилган кун ҳам етиб келди: у қабул комиссияси билан бирга артиллерия машқ майдонига — полигонга, конструкциясида ўзи қатнашган миномётни синаб кўриш учун жўнади. Кечки пайт қайтаётib бизниги кириб ўтди.

У ҳаддан ташқари чарчаган, ҳаяжонланган, аммо хушчакчақ, руҳи баланд эди. Диванга ўтириб олиб, ўша қуннинг барча ҳаяжонли ҳолатларига киргани ҳолда миномётларнинг синови ҳақида ҳикоя қилиб берарди.

У тинчлик кунларида ҳам бир неча марта мана шу эски диваанда ўтириб, онаси билан бизга ўз иши, комбинатдаги бирор ютуқлари ҳақида ҳозиргидай ҳаяжонланиб гапириб берган эди! У ҳар қандай ишга қўл урса ихлос билан қизиқиб киришиб кетарди.

Мана, ҳозир ҳам худди шундай ҳолатда эди у.

— Тасаввур қиласизми ахир, биз миномётни жанговар ҳолатга қўйиб қўйдик,— дейди у.— Биринчи бўлиб ўзим отмоқчи бўлдим. Яшикдан минани олдим, отишма масофасини аниқладим, кейин минани зарб билан миномётнинг стволига ташладим. Шундан кейин нима бўлди денг? Мина вишиллаб учиб чиқди-ю, биздан атиги икки метрча нарироқда ерга тушди!.. Вуй биласизми, жонимиз ҳалқумимизга келди! Ҳар ким ҳар томонга ўзларини ташлаб қолиши — ҳаммамиз ерга қалишдик. Ётибмиз, ҳадеб кутяпмиз, ҳеч нарсадан дарақ йўқ. Портлаш бўлмади; мина ёрилмади!— Евгений диваандан иргиб туриб сўзида давом этди.— Ўша дам биринчи дақиқаларда ҳатто нафасларим тиқилиб қолай деди. Секин ўрнимдан жилдим. Минага яқин келдим. Уни қўлга олиб қарадим. Шундан кейин нима бўлди демайсизми? Бир вақт қарасам ростакам эмас, машқ мина экан!— у кулиб юборди.— Ҳа, лекин кейин ҳамма ишлар яхшигина юришиб кетди! Миналар мўлжалланган ерларга тушиб қарсиллаб ёрилаверди... Елкамдан тоғдай юкни иргитиб ташлагандай енгил сезяпман ўзимни.

Яна ўтириб олди, алланималар ҳақида ўйланиб, бир оз сукут қилди.

— Мен миномёт ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганимиз учун бениҳоя хурсандман, албатта,— деди у.— Лекин менимча булар ҳалп жуда ҳам оз, тушуняпсанми — жуда ҳам оз! Бутун кучингни душман билан кураш-

га бергинг келади... Эҳ, қани энди мени фронтга юбо-ришса!.. Ахир бу уруш алоҳида уруш-ку, дада; ҳалқ жангла отланди, бизнинг келажагимиз учун — коммунизм учун бўлаётган жанг бу!

Ҳа, у ҳақ эди: бизнинг келажагимиз учун бўлаётган жанг эди...

— Ҳўш, уй ичларинг қалай? Инночка қизинг қалай,— деб сўрадим мен.

Унинг шу кунлар ичида озиб-тўзиб кетган юзи бирдан қандайдир яшнагандай бўлиб, кўзлари қувнаб кетди.

— У соғ-саломат ва онадан туғилганига икки йил бўлган ёш бола қандай бўлиши лозим бўлса, у ҳам шундай, қувноқ, баҳтиёр. Лекин уни камдан-кам кўраман... доимо унинг ҳақида ўйлаганим-ўйлаган. Тўғрироғи, фақат унитина эмас. Гитлер желажак ҳаётларига чанг солган барча болалар ҳақида ўйлаймиз, қайфурман.

* * *

Июль кунларидан бирида Геня уйга, одамлар таъбири билан айтганда, фифони фалакка чиқиб келди.

— Мен қандай воқеаларга дуч келганимни кўрсангиз эди, ойижон, сочларингиз тикка бўлиб кетарди. Шундай кишилар ҳам бўлар эканки, ҳа, йўқ, мен ўзим нималар деб алжираяпман! Кишилар эмас, балки газандалар, ҳақиқий газандалар деса бўлади уларни.— У бу сўзларни гапирганида юзлари нафратдан қизариб кетди.— Бозорни айланиб юриб велосипедга запас қисмлар кўриш учун бир ерда тўхтадим. Бир тасқара башара ўшанақа нарсалар билан савдо-сотиқ қилиб ўтирар экан. Унинг олдида мис шамдонлар, занг босган қулф, шиша идиш, бурама мих, гайкалар ёйиб қўйилганди... Мен чўққайиб ўтириб ҳалиги нарсаларни кавлаб ётувдим, унинг ўз ёнидаги шунақа нарсаларни сотиб ўтирувчи хотинга бемаъни гаплар гапираётгани қулоғимга чалиниб қолди: «Сиз, хотинчалар,— дерди у,— олтин йифинглар. Имкониятингиз борича узук, тилла тўғноғичларингизни асранг, ғамланглар... Қизил Армия бўлса,— дерди ҳалиги абллаҳ,— инқирозга юз тутмоқда. Мана, мана шу яқин кунлар ичида немислар Москвани босиб олади. Эҳтимол, аллақачонлар олгандир ҳам,

фақат биздан яширишади! Ким ақлли, ким уддабурон экан, унинг янги бўладиган хўжайнилар даврида ҳам чўмичи мой бўлади!..» Ойижон, мен бу сўзларни эшитяпман-у, лекин қулоқларимга ҳеч ишонгим келмасди. «Қандай қилиб у бундай нарсаларни айтишга журъат қилияпти! Ҳири у нималар деб алжираяпти?»— деб ўйлайман. Унинг афтига қарасам: кўзлари олазарак, ўзи эчки сокол бир мурдорбашара экан. Унинг сўзлари менинг бошимга осмон агдарилиб тушгандай қаттиқ таъсир қилди. «Сиз гражданин,— дедим,— нима деяётганингизни биласизми?» ва дарров кўнглимдан шундай фикр ўтди: «Нега мен уни гражданин деб атадим. У граждан бўлишга муносибми?» У менга қараб: «Сенинг нима ишинг бор, итвачча?» деб бақириб қолди. Ўзи эса нарсаларини йиғиштиряпти. «Йўқ, ҳали шошмай турасиз!» дедим. Мушт туширишига сал қолди. Мен бўлсам уни қочиб кетади деб ташвишланардим. Яхшиямки, яқин ерда милиционер бор экан. Шундай қилиб, биз уни милиция бўлимига олиб бордик. Навбатчи қўлимни қисиб: «Ҳушёрлик қилганингиз учун сизга раҳмат!»— деди.

Геня икки кундан кейин колхозга кетиш учун тайёрлана бошлади. Қош қорайиши билан анжомлар солинадиган халтасини саранжомлаб қўйди: тонг фиравшира отаётгандага туриши керак эди.

Мен тунги навбатчиликни ўташ учун институтга жўнаш олдидан хайрлашгани Геня ёнига кирдим. У ўриннада ётарди. Менинг кўзимга кейинги вақтларда Геня хийла ўзгаргандай, тўғриси, катта бўлиб қолгандай туюлди. Озиб ҳам кетган эди ва кўзларидаги шодлик учқунлари аҳён-аҳёнда ёниб туарди.

— Дада, сиз капитан Гастелло ҳақида ўқидингизми?

— Үқидим.

— У дегрез ўғли бўлиб, ўзи ҳам илгари ишчи бўлган экан... У-чи, дада, биласизми, Халхин-Гол ёнида япон босқинчиларига қотириб зарба берган, «Маннергейм линияси»ни тор-мор келтирган. Мана энди бўлсачи... Қойил қилди. Ӯшанақа одам бўлиш учун, қанчалик иродага кучига эга бўлиш керак-а? Ҳазилакамми... Қалтис бир дақиқада ҳеч иккиланмасдан ёнаётган самолётини душманнинг бир тўда танк ва цистерналарига олиб бориб уриш!..

Геня бир қанча вақт жим ётди. Сўнгра оҳистагина деди:

— Мана қаҳрамон... Совет Иттифоқининг Қаҳрамони!

Ўрнидан сапчиб туриб, бўйнимга осилди, қучоқлади, эркаланиб юзларини юзларимга босди:

— Эҳ, энди биз бўлсак, дадажон, колхозда ишлаб турамиз-да!..

* * *

Геня бир ойдан кўпроқ вақт ўртоқлари — комсомоллар билан ҳосилни йиғиб-териб олишда иштирок этди. Колхозда ишчи кучи етишмасди. Ахир, урушга озмунча эркаклар кетганиди. Иш бошдан ошарди: яна қанақа денг: оғир, кўницилмаган ишлар. Кун чиққандан то кун ботгунча ишлаш керак эди. Бу машаққатлардан комсомоллар зорланмас, балки қувонишарди, иш қанча кўп бўлса, демак улар мамлакатга, фронтга шунча кўп ёрдам етказажакларини ҳис қиласдилар. Кечалари билан азобда зирқираган, ҳорган елкалар, қақшаб оғриган қўл-оёқлар, кафтдаги қавариб чиққан қонли қадоқлар — булар ҳали ҳеч гап эмас! Фронтдаги жангчиларга бундан ҳам қийин эди, ахир!..

Геня дала ишларидан бўшагач, кечалари ремонт устахонасига келиб қишлоқ хўжалик машиналарини оддий ремонт қилишда механикка ёрдам кўрсатиб ҳам турарди. У шунча ишласа ҳам ўзини олдирмасди, эрталаб дарёчага югуриб бориб чўмиларди-да, шу билан уйқуси ҳам ўчиб, яна тетиклашиб кетаверарди.

Геня колхоз ҳашаридан офтобда қорайиб, озиб-тўзизб, қишлоқ болалари каби соchlари ўсиб, бадани пишиб, тетик, хушчақчақ бўлиб қайтди.

Онаси, колхозда қандай туришганини, қандай ишлашганини сўраб суриштира бошлади:

— Нима десам бўларкин,— деб жавоб қайтарди у,— жуда яхши турдик! Сиз, ойижон, одамларимизнинг қандай ишлашларини бир кўрганингизда эди... Қарилар ҳам, ёшлар ҳам, хотинлар ҳам, қизлар ҳам — ҳаммалари фронтга ёрдам беришга интилаётганларини кўриб фахрланардингиз. Кишиларимиз ажойиб экан, ойижон! Наҳотки шундай кишилар Гитлер асоратига тушса! Мумкин эмас, бу!..

Айниқса, колхозда учрашиб танишган эски казак, Юхим бобо Геня кўнглига ёқиб қолибди.

— Юхим бобо саксон беш ёшга кирган!— деб ҳикоя қилиб берди бизга Геня.— Унинг уч ўғли ва икки невараси фронтга кетган. У колхоз раиси олдига келиб: «Қариларнинг печка устига чиқиб ётадиган вақти ўтиб кетган. Қани, раис, энди менга ҳам иш топиб бер!» дебди. Уни аввал қоровул қилиб тайнламоқчи бўлган экан, чол хафа бўлиб: «Йўқ, менга сизлар фойдали иш беринглар!» дебди. У, раисдан йифим-теримга боришга ижозат олибди: бригадир бўлиб борди. Юхим бобо шундай берилиб ишладики, ёшлар ора йўлда қолиб кетишиди. Жуда талабчан, қаттиққўлли чол. Бизга қараб бакирган вақтлари ҳам кўп бўлди: «Дориламон совет хаёти сиз ёшларни жуда ҳам эркалатиб юборибди! Силлиққина беозор бўлганларини қаранг-а! Ёки «Олмоқнинг бермоғи ҳам бор!» деган мақол эсларингдан чиқдими? Она-Ватанга бўлган қарзни тўлаш пайти келди!»— деб ишга даъват этиб турди.

Геня мактабда дарслар бошланиши олдидан, унинг учун ҳозир ўқишидан кўра ҳар ҳолда мудофаа аҳамияти бор бир заводга кириб ишлаш дуруст эмасмикин деган маънода, бизлар билан бир гапиришиб кўрмоқчи бўлди.

Суҳбат вақтида қулоқ солиб ўтирган Евгений унга шундай деди:

— Биласанми, Геня, агар фашистлар, совет мактаби ўқувчилари ўқишини тўхтатиб қўйганини билсалар, жуда курсанд бўладилар.

Геня қизариб кетди, жим бўлиб қолди. Шундан сўнг у заводда ишлаш ҳақида оғиз очмади.

* * *

Геняниг деразаси зич ёпиладиган кичкинагина хонасидаги «Мажлис» бир соатдан ошиқроқ давом этди. Бу ерга Геняниг Алик Анапский, Володя Николаев, Сема Назаретян, Витя Алавердовлардан иборат мактабдosh ўртоқлари — комсомоллар йиғилган.

Улар авваллари ҳам, кечки пайтлари Геняниги ўтиришарди. Ӯшанда кечалар жуда хушчақчақ бўларди: болалар шовқин-сурон қилишар ва бир нималар билан овора бўлишар; янги кинокартиналар, ўқиб чиқилган китоблар тўғрисида баҳслашишар, ўзларининг мактаб, комсомол ишлари ҳақида тортишар алар. Шундай

вақтлар ҳам бўлардики, Елена Ивановна келиб: «Дўстларим, эртага барвақт туриб кетишларингизни эсингиздан чиқарганларингиз йўқми?» демагунича, алла вақтгача тортишиб, ўтиришиб чиқишарди.

Шунда «Ҳозир, ойижон!— деб жавоб қайтарарди Геня.— Қани, Алик, тарқалиш ҳақидаги ашулангни бошла!»

Геня, болаларнинг ашуласи ойисига ёқишини яхши биларди.

Аликнинг овози жуда ҳам ёқимли, тоза, тиниқ эди. У бир бурчакка қараб, уялиб ва қизариб паст товуш билан қўшиқ бошларди:

Бургутча, ҳой бургутча,
Кундан баланд қил парвоз!..

«Бургутча»— болаларнинг энг севган қўшиқларидан бири эди...

Уларнинг бугунги гаплари бошқачароқ. Улар ҳарбий-лаштирилган комсомол-ёшлар походида қатнашишлари керак. Юриш машқлари бўлиб ўтган ва «бешлик» кўрсаткичлари чакки бўлмаганди. Лекин машқ бошқа, походнинг ўзи бошқа гап, албатта. Бунинг устига ҳавонинг бирдан айнаб қолганини айтмайсизми: эрталабдан бери муттасил ёмғир қўйяпти. Қўйинг-чи, эртага беҳазил, чинакам синов бўладиган бўлди-да.

Геня бу фикрни ўз ўртоқларига уқтиришга уриниб кўрди, унингча баъзи бирлари ўзларига ортиқча ишониб, бино қўйишгандек туюларди.

— Сема, сенинг назарингда ҳамма нарса осон бўлиб кўринаверади!— деди Геня.— Албатта ўз кучимизга ишонган бўлишимиз лозим. Лекин ҳар қандай тасодифларнинг ҳам бўлиб қолишини илгаридан ўйлашиб қўйсак, ёмон бўлмас. Бунга нима дейсиз, болалар?

— Унга ҳеч нарсамас. Кўрдингми, буқачага ўхшайди, тоғни урса талқон қиласди!— деб бақувват Семага суқланиб лўқма ташлади, юзи қонсиз, қиз болага ўхшаш нимжон Алик.

— Эй, дўстим!— дейди йўғон овоз билан очиқ кўнгилли Сема.— Сен қийналиб қолсанг — мен ёрдам бермай қараб турардимми?

— Тўғри гапирияпсан, Сема! Жуда ҳам соз!— деб хурсандчилигини изҳор қилди Геня.— Албатта ҳамма-

миз бир-бири мизга ёрдам берамиз. Аммо ҳар ким аввали ўз куч-қувватига сунниши лозим. «Бешлиқ»ларнинг муваффақияти шунга боғлиқ эканини унумаслик керак. Тўғри йўлнинг қанақалигини биласизми? Тўғрисини айтганда жуда ҳам бўлмағур йўл! Ҳамма ёғи лой...

Болалар деразага шитирлаб урилаётган ёмғир товушига қулоқ солиб, жим бўлиб қолишиди.

Володя Николаев бошини чайқади, хўрсишиб нафас олди:

— Агар шу ишнинг уддасидан чиқолмасак, бизни нобоп жангчилар дейишлари мумкин.

— Болалар, менда бир фикр пайдо бўлди,— деди Витя Алавердов.— Бизнинг босиб ўтадиган йўлимиз Дубинкагача боради. Кейин биз Усть-Лабуга олиб борадиган тош йўлга чиқиб оламиз ва Пашковский станциясигача йўл оламиз. Пашковскийдан яна қайриламиз. Шундайми?

— Ҳа, шундай!

— Шунақа бўлса, мен мана бундай таклиф киритаман: биз то шаҳардан чиқиб кетгунча, яъни нисбатан бир қадар яхши бўлган бу йўлдан жадал юриб, олдинга ёриб ўтишимиз лозим...

— Роса бўладигани бўлар экан-да,— деди Алик, Витянинг сўзини бўлиб,— унда йўлнинг оғир қисми — қишлоқ йўли бошлангач вақтда биз чарчаб қолган бўламиз ва дарров тинкамиз қуриб қолади.

— Рост, Алик, рост!— деб, ўртоғининг сўзини маъқулади Геня.— Ҳамма гап шундаки, дўстлар, куч ва вақтни тўғри тақсимлашимиз керак. Шошмаслик, бўлар бўлмасга олдинга интилавермаслик керак.

Болалар бўлажак походнинг ҳамма икир-чикирларини узоқ вақтгача муҳокама қилиб чиқишиди. «Санитария бўлинма мудири» Алик, асраб қўйилган ва ўзлари билан олиб юрадиган сафар аптечкаси ҳақида маълумот берди; юришга отланиш олдидан оёқларни ювиб олиш ҳақида яна бир марта огоҳлантириб қўйди. Бу ишнинг устаси ҳисобланган Сема Назаретян, оёққа пайтавани тўғри ўраш кераклигини амалда кўрсатиб берди.

Геня Володядан ботинкасининг узилиб кетган или ўрнига бошқасини олган-олмаганлигини сўраб билди.

— Болалар, мен бир нарсани айтишини эсдан чиқа-раёзибман!— деб қичқирди Алик.— Биласизми, юрганда

бурунларингиздан нафас олинглар, шунда ташна бўлмайсизлар!

— Йўл халтачасининг қайиши калта бўлмасин, тортилиб қолади,— деб огоҳлантириди Сема.— Эсларингизда бўлсин: йўл халтачаси бел устида бемалол туриши лозим!..

Гўё ҳамма ишлар олдиндан белгилаб қўйилгандай эди, аммо болалар тарқалишмади.

Вазифанинг оғир ва жавобгарлиги дўстларни бирбirlари билан яна ҳам иноқлаштириб қўйди. Лекин айтишни кўнгил тилаб турган яна бир муҳим ва каттагина нарса бор эди, аммо уни сўз билан ифодалаш қиин эди. Болалар сукут сақлашди.

— Нима дейсизлар, қўшиқ бошлаймизми?— деб бирдан таклиф қилиб қолди Алик.—«Бургутча»ни, хўлми?

Геня сапчиб турди:

— Рост! Бир қўшиқ айтайлик!

Севимли қўшиқда шу кечаси болаларнинг юрагида тўлиб-тошган муҳим ва катта нарса ўз ифодасини топган эди:

Бургутча, бургутча,
Қанотли ўртоқ,
Олис даштлар оловдек ёнар!
Мададга шошилишар комсомоллар — бургутчалар
Ҳаёт яна менинг ёнимга қайтар...

Эртаси куни институтга кетаётиб йўл устида Геняларнинг мактаби тушган кўчага қайрилдим. Бу ерда эрта тонгданоқ одатдан ташқари жонланиш ҳукм сурарди. Уткинчилар тўхтаб сафарга отланаётган ўсмирларни қизиқиб томоша қилишарди. Бу қиз-йигитлар калта чанги курткасида, пахталика, қўпол ботинка ёки этик кийиб олган бўлиб, елкаларида оғир қопу қўлларида машқ милтиқлари бор эди.

Геня бўлса ўзини қуршаб олган «бешлиги» билан даврада турар ва қўлини пахса қилиб нималарнидир уқтиарди. Алик мени кўрди-ю, дарров Геняга айтди. Геня чаққон юриб ёнимга келди-да, қизариб:

— Ҳаммаси жойида, дада! Ҳаммаси ўз тартиби билан, ҳаммаси ҳам бир-бисидан соз сафар формасида!— деб доклад қилди.

Военкомнинг командаси эшитилди:

— Сафга турилсин!

Геня менга қайрилиб қараб, қўлини силкитган ҳолда ўртоқлари олдига чопиб кетди.

Иқрор бўлишим керак: юрагим титраб кетди. Нашотки, ўғилларимизни худди шу тахлитда урушга жўнатсан?..

Шундай қилиб, кечқурун ўз шодлигини ичига сифдиролмаган Геня бизга бундай ҳикоя қилиб берди:

— Бизнинг «бешлигимиз» биринчи ўринни эгалланган экан, унинг ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқ, менимча! Болаларнинг ҳаммаси бақувват, яхши тайёргарлик кўришди. Бунинг устига ҳаммалари комсомол, онгли ва интизомли кишилар. Биз ҳали яна бундан ҳам яхши натижаларга эришар эдик-ку, бўлмади-да, аксига, қаранг, олдинда келаётган «бешлик»ка ёрдам беришга тўғри келиб қолди. Улар бинт ҳам олишмалти, йигитлардан биттаси бўлса аллақачон оёғини қабартирибди...— Шундан кейин, у ўз одати бўйича кўзимга тикилиб туриб сўради:— Дада, биз ҳар қандай ҳақиқий жангчилар каби ўзимизнинг кучли, чидамли эканимизни исбот қилдик-ку-а? Ростми?

* * *

Фронтдан ваҳимали хабарлар келиб турарди. Қизил Армия душманнинг тинкасини қуритиб, ўзи орқага чекиниб бормоқда эди. Душман Москвага яқинлашиб қолганди...

1941 йилнинг нояброда гитлерчилар Ростов-Донни ишғол қилиб, Кубань ва Кавказ дарбозалари бўсағасида турарди.

Қатъий план асосида Краснодардаги ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар бошқа ёққа кўчирилмоқда эди. Бизнинг институтимиз ҳам кўчирилиши керак эди. Ичкари орқа сафга кўчиб кетиш ҳақида ўйлаш кишига жуда алам қиласарди...

Уйда худди олдиндан бир-биримиз билан келишиб қўйгандек, кўчирилиш ҳақида сўз очмасликка ҳаракат қиласардик. Геня ўз сезгиси, туйғусини яширишга каттадардан кўра моҳир эди ва ҳар гал, бирор киши «кўчирилиш» сўзини айтиб қолгудек бўлса, унинг юзларида очиқдан-очиқ ранжиш, ҳаттоқи баҳтсизлик кўринишлари намоён бўларди,— дейиш мумкин.

Кунлардан бир кун — ноябрнинг ёмғирли кечаларидан бирида биз Елена Ивановна билан уйда ўтирадик.

Кундуз куни Евгенийнинг хотини Маша келди ва у Евгений бугун кечқурун бизникига келмоқчи эканлигиги-ни, бир муҳим иш ҳақида гаплашажагини изҳор қилди. Бу вақтда Геня уйда йўқ — комсомол мажлисига кетган экан.

Баданни увиштирадиган ёмғир савалаб туарди. Дे-раза орқасидаги дараҳтларнинг яланғоч шоҳларини эгиб, силкитиб, шамол эсарди. Гўё бирор иссиққина уй-га кириш учун ойнани чертиб ижозат сўраётгандай туюларди...

Овчарка итимиз Дакс печка ёнидаги тўшак устида, чўзилган икки оёғининг панжалари устига бошини қўйиб ётарди. У ухламасди, сезгирилик билан шамол ва ёмғир товушига қулоқ соларди.

Дакс бизнинг уйда анча йиллардан бери яшарди. Евгений уни бизга — Киевга бундан етти йил илгари олиб келган эди.

Ҳали-ҳали эсимда: Евгений вокзалдан тушиб келган «пикап» уйимиз остонасида тўхташи билан Геня (шу вақтда у энди ўн ёшга тўлаётган эди) хонага ўқдай учиб кириб шовқин кўтарган эди:

«Ойижон! Дадажон!.. Дада! Женя келди! Тезроқ!.. У нима олиб келганини бир кўринглар-а!»

Биз зинапояга чиқдик. Машина ёнида қўлида кичик чамадон билан Евгений кулиб туарди. Бўри боласига ўхшаган кичкина немис овчаркасининг кучук боласи унинг оёқларига ёпишарди. Кучук бола қора пешонаси-ни буруштириб, гоҳ бизга — ҳали ўзига бегона киши-ларга ишончсизлик билан қараб, гоҳ Женяга, гўё ундан «Сен мени хафа қилмайсанми?» деб сўрагандай умид билан қараб, олдинги йўғон панжалари билан қадам ташларди.

«Сизларни Дакс билан таништириб қўйишга рухсат этинглар! — деди Евгений.— Бунинг номи Дакс!»

Кучук боланинг қулоқлари диккайди, пешона териси устида кулгили тиришлар пайдо бўлди ва у кутилмаган холда йўғон овоз билан «Вов!» деб вовуллаб қўйди.

«Мана, овоз бунақа бўлади!» — деб сўз қотди Елена Ивановна, қўлларини бир-бирига уриб қўйиб.

«У яхшигина кўпак бўлади», — деди Евгений.

Ҳаммамиз бу ёқимли Даксга ўрганиб қолдик, у ҳам бизга эркалиқ қила бошлади.

Энди Дакс каттагина, кўринишидан худди қаҳрли

кўпракка ўхшаб қолди. У Геняни ўйин вақтида бирга ўйнашадиган ўртоқ эмас, балки сўзи қонун ҳисобланган ўзининг эгаси деб тушуна бошлади, унга кўнишиб қолди.

...Дакснинг катта, қора шалпанг қулоқлари хушёрлик билан диккайди. Аммо у акилламади — демак, ўзимизнилардан кимдир келаётган экан-да.

Айвонда тез-тез ва енгил юриб келаётган оёқ товушлари эштилди. Эшик тиқиллади.

Евгений кириб келди.

Кейинги вақтларда биз бир-бprimиз билан камдан-кам кўришардик — ҳеч бир вақт туғишганлар уйда бўлишмасди, кечасию кундузи ишлардик. Евгенийнинг озиб-тўзиб кетгани дарров кўзга ташланарди. Аммо ўзини худди илгаригидай тетик, шинам тутарди. Фақат кўзларида чарчаш аломатлари кўринарди.

У ечиниб бўлгунча, Дакс хурсандлигидан ангиллаб, унинг ёнида парвона бўла бошлади.

Евгений ойисини ўпиб, меҳрибонлик билан унинг кўзларига тикилди:

— Толиқмадингизми? Эҳтимол, ҳамма уй ишлари ва оммавий ишларни ҳам бажаришни ўз устларига олган бўлсалар керак?

Елена Ивановна илжайди: Ҳақиқатан ҳам, у ҳам госпиталда, ҳам уйда жуда кўп ишларди.

У ўғлидан Инночканинг соғлигини сўради ва чойнакни оловга қўйиб чиқиши учун шошилиб ошхонага кетди. Евгений менинг хонамга ўтди, эшикни ёпиб қўйди. Диванда мен билан ёнма-ён ўтириб, қўлини елкамга қўйди:

— Хўш, нима дейсиз?..— деди у ва жавоб кутмасданоқ давом этди:— Менинг сизга айтадиган жуда ҳам жиддий бир гапим бор, дадажон!— Юзимга қараб жим бўлиб қолди,— гап шундай: мен Краснодардан кетмайман. Шу ерда қоламан!

Бундай тасодифдан мен титраб кетдим. Ахир ўзимнинг ҳам кетгим келмасди, мен ҳам бу ҳақда охирги кунларда доим ўйлаб юрардим. Фақат ўйладимгина эмас, балки туғилиб ўсган жойимда подполия — яширин партия ишларида қолиш ёки партизан отрядига кириш ҳақидаги фикримни яқиндагина район партия комитети секретарига изҳор қилгандим.

— Хўш, айтиб берчи, ўғлим, нима ўйлаган эдинг!

Евгений юрагини ёра бошлади.

Ҳали Ростов-Дон гитлерчилар томонидан босиб олин-масданоқ, «Главмаргарин» комбинатида аҳолини кўчириш ҳақида биринчи гап очилганда унинг миясида, душманнинг орқа томонида қолиб ишлаш фикри пайдо бўлади. У қўмондонликнинг 1941 йил 3 июлдаги мурожаатини синчилаб ўрганиб чиқади.

Гап шундаки, душман томонидан ишғол қилинган районларда партизан отрядларини тузиб ва диверсия тўдалари ташкил қилиб, душман армияси қисмлари билан курашиш, «ҳамма ёққа ва ҳар ерда партизанлар уруши оловини ёқиши» шу билан душман босиб олган районларда душман ва унинг бутун шерилари учун чида бўлмаслик даражадаги оғир шароитни яратиш учун курашиш Евгений юрагида зўр ғайрат қўзгатди. У, дурустгина техника маълумотига эга бўлган кишилар, партизанларнинг босқинчиларга қарши олиб борадиган курашида катта фойда келтира олишларига ишонарди.

У ўзининг бу борадаги фикрини комбинат партия ташкилоти секретарига айтиб беради. Секретарь ҳам унинг фикрига қўшилиб, икковлари биргаликда келажакда тузилажак партизан отрядининг ядроси ҳақида фикр олишадилар. Кейин улар комбинатнинг бош механизми инженер Ветлугин билан ва Евгенийнинг институтда бирга ўқишиган ўртоғи Масло-экстракцион заводининг директори Литвинов, Теплоэлектрик централнинг бошлиғи Сафонов, инженер-технолог Янукевич, комбинатнинг савдо ишлари бўйича директори Мусъяченколар билан бир-бир гаплашишади. Булар матонатли, баҳодир, Ватан ва партияга содиқ кишилар эди. Узоқ йиллик дўстлик Евгенийни уларга чамбарчас боғлаб қўйган эди. Ҳаммалари унинг таклифини хурсандчилик билан қабул қилишади.

Шундан кейин Евгений шаҳар партия комитетининг секретари Поповнинг ҳузурига киради.

Секретарь Евгенийнинг сўзини обдан эшитгач, лўнда қилиб шундай дейди:

— Яхшигина «детал»ни лойиҳалаштиряпсан, Женя!

Попов Евгенийни яхши биларди. У «Главмаргарин»да эндиғина меҳнат фаолиятини бошлаган кезлари Попов комбинатда бош инженер бўлиб ишларди.

Мана энди, яқинда Попов ўлка партия комитетидан

комбинатда алоҳида вазифаларни бажарадиган партизан отряди таҳт қилинсин, деган маҳсус топшириқ олганини Евгенийга хабар қилди...

Евгений оғзимдан нима гап чиқишини кутиб, жим бўлиб қолди. Мен ҳам ўйланиб жим турдим. Кубанда партизан курашларини олиб бориш осон иш эмас, ахир! Атроф төп-текис, у бошидан бу боши кўринадиган тақир чўл, ўрмон эса аҳоли кам яшайдиган тоғ этакларидаги на ёйилган эди. Босқинчилар кенг чўлдаги кўпчилик станцияларга катта гарнizonларини жойлаштириб олиб, ўрмон ва тоғларни тўсиб, ажратиб қўйишлари мумкин...

Мен бу мулоҳазаларимни ўғлимга гапирган вақтимда у кулиб қўйди ва мен тўғри гапирганимни, у ҳам худди шундай ўйлаётганини айтди ва шу заҳоти гап орасида у келажакдаги партизан отрядининг командирлигини олишни менга таклиф қилишмоқчи эканликларини билдириди. Бу масала партия ташкилоти билан келишиб ҳам қўйилган экан.

— Қийинчилик бўлади, дада, анчагина катта қийинчилик... Лекин ҳар қандай кураш ҳам қийинчиликсиз бўлиши мумкин эмас-ку!

Қўшни хонада эса Елена Ивановна идиш-товоқларни жараганглатиб, стол устиларини ясатиб юрарди. Бизни овқатлантириб, сўнгра госпиталга тунги дежурликка кетишга шошиларди. Ахир бу урушда у мендан орқада қолиши мумкинми? Аммо кичик ўғлим — ўн олти ёшли Геня билан нима қилишим керак? Уни ўзимиздан ажратиб, партизанлар курашида қатнаштирмасдан бўладими? Демак, кетадиган бўлгач, бутун оила билан жўнаш керак!

Мен ўғлимга худди шундай дедим:

— Ҳаммамиз борамиз, Женя! Бутун оиласиз билан борамиз!

Елена Ивановна хона ичига мўралаб қаради:

— Хўш, бу ерда нима деб, сир беркитиб пичирлаш япсизлар? Қани, туринглар энди, чой тайёр!

У бизнинг ҳаяжондан бўртган ўзимиздан бирор мұҳим нарса ҳақида гапиришиб ўтирганимизни дарров пайқаб олди. Унинг кўзларида яширин бир ташвиш ифодаланаарди. Аммо биз унга бу ерда қолиш ҳамда душман орқасида кураш олиб бориш ҳақидаги ниятимизни айтганимизда, у ажабланганини ҳам, ҳаяжонланганини ҳам сөздирмади.

Хонанинг бурчагида турган ва кўчиб кетишга тайёр турганликни эслатадиган чамадонлар ёнига борди.

— Нима ҳам қиласан,— деди у бизга мурожаат қилишдан кўра, ўз фикрига ўзи жавоб қайтариб,— керак бўлмайдиган ашёларни иргитиб ташлаб чамадонни бинт, дори-дармонлар билан тўллатишига тўғри келади.

— Нима учун?— деб сўрадим, ўзимни ҳайронликка солиб.— Сен ҳам?..

— Билмаган кишидай анграйишингни қара!— деб оддийгина жавоб берди у.— Наҳотки, партизанлар отрядига медицинани биладиган киши керак бўлмаса?

— Шошманг, ойи!— деди ҳамма нарсани таги-туги билан ўйлаб қилишни яхши кўрадиган Евгений.— Ҳаммасини режалаб кўриш керак. Масалан, Геняни нима қилиш керак? Нима, у энди ўн йилликни йигиштириб қўйиши керакми?

Елена Ивановна ўғлининг кўзига тикилди:

— Айт-чи, агар сенинг ҳамма оиланг, энг яқинларинг босқинчиларни тор-мор қилиш учун кетишаётганини билсанг нима қилардинг?

Евгений жавоб қайтармасдан, онасига диққат билан қаради.

— Мен ўйлайманки, Женя,— деб давом этди онаси,— озодлигимизни, бахтимизни, энг бебаҳо нарсани асрагандек асрашимиз керак, бунинг учун курашиш ҳар кимнинг: қарининг ҳам, ёшнинг ҳам ватанпарварлик бурчи. Геня ҳам, албатта, биз билан кетиши керак!

Унинг сўзларидан таъсирланган, ҳаяжонланган Евгений онасининг қўлини ушлаб, юзларини тутиб жимгина унинг бағрига қисилди.

Биз ўша куни кечқурун Евгений билан бирга шаҳар партия комитетига, Поповнинг олдига бордик.

Шаҳарда қоронфилик ҳукм сурарди, чунки фашист самолётлари Краснодарга бир неча бор бомба ташлашга уриниб кўрди. Кўчалар зим-зиё, бирон ерда ёруғ йўқ, шамол. Қор аралаш ёмғир уриб ёғмоқда.

Марказий кўчага чиқдик. Бу ердан юриш бир оз қўйлайроқ баланд уйлар Кубань чўлларидан бўраб келаётган шамолдан сақларди.

Шаҳар комсомол комитети биноси ёнидан ўтиб боряпмиз. Унинг катта ойналари ҳам бошқа уйларникига

ўхшаб қоп-қоронғи. Аммо ичкаридан ёшларнинг овозлари эшитилади. Бизнинг Генямиз мана шу ерда...

Ниҳоят шаҳар партия комитетининг биноси кўринди. Етиб ҳам келдик.

Бизга қарама-қарши бўлган столдан, қорачадан келган, қора сочли, унча бўйдор бўлмаган бир одам ўрнидан турди:

— Салом. Салом, ўртоқлар!— деди у қўлимизни қисиб,— келганларингиздан хурсандман!— ва менга мурожаат қила туриб қўшиб қўйди:— сиз рози бўласиз, деб ишонгандим! Буни қаранг-а? Қани, ўтиинглар, бир гаплашайлик!

* * *

Ўша кечаке узоқ вақтгача ухлаёлмадим...

Йўқ, мен қийинчиликдан қўрққаним йўқ! Гражданлар уруши йилларида — Петроград остонасидағи Пулков тепаликларида, Царицинда ҳам, ундан кейпн Донда ҳам жуда қийин бўлганди. Ҳаттоқи, ҳаёт йўлида ҳам қийинчиликлар билан бир неча бор тўқнашишга тўғри келди.

Партия — бизни ҳаётга олиб кираётган, биз оддий кишиларга куч бағишилаётган, ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қилишимиз учун бизга ёрдам бераётган енгилмас кучдир!..

Поповга розилик берганимдан сўнг, мен ўз устимга қандай жавобгарликни олганимни пайқаб қолдим. Партизан отрядининг командири бўлиш, яна шу ёшим ва шу соғлиғим билан шундай бир урушда-я... Тўғри, менинг оқ гвардиячилар ва қулоқ тўдалари билан курашдаги тажрибам кам эмас. Аммо, гражданлар уруши йилларида танка, миномёт, мерганлик миљтиғи деган нарсаларни кўрганимиз йўқ эди-да!..

Биз ҳаммамиз партизанлар урушида кутаётган имтиҳонга қандай тайёрланганимизни ҳам ўйлаб қолдим. Бизда, хотиним билан лккимизнинг босиб ўтган йўлимида яширин ташкилот иши, сургун, гражданлар уруши ва мамлакатнинг кўпгина қурилишларидағи ишлар бор эди. Ҳўш, бизнинг ўғилларимиз-чи? Улар ўзлари кутаётган қаттиқ синовни қандай қарши олишар экан? Улар етарли даражада мустаҳкам тобланганмичанлар?

2. Болалик ва ёшлик ҳақида

Евгений ва Валентинларнинг болалик чоғларини «олтин» болалик йиллари деб аташга сира тил бормайди.

Мамлакатимиз уруш вайронагарчилигига учраган ва фронтларнинг темир ҳалқаси билан айлантириб ўраб олинган эди. Оч, қашшоқ ҳалқ фароғатли ҳаёт кечириш учун эмас, балки ўша вақтда панжа урмоқчи бўлган ўлимга қарши кураш олиб борарди. Ўша кезларда ёш Советлар республикаси болаларга ҳозирги кунда болалар олаётган нарсаларни беришга сира қодир эмасди.

Женя билан Валя ҳали жуда гўдак бўлишларига қарамай, ғилдираклар устида кечеётган ҳаётимизнинг барча ташвиш ва мashaққатларига биз билан баббара-вар бардош беришга мажбур әдилар. Уларнинг болалик йиллари тинч, фароғатли уй шароитидан — болаликка ҳусн берадиган, қуҷоғи ҳамиша иссиқ ва меҳрибонликдан иборат шароитдан, болаликнинг энг гўзал фаслидан бенасиб әдилар. Гўдаклар биз билан бирга гражданлар урушининг йўлларида дарбадар кезишарди. Улар кўп вақт ота-оналари назоратидан, эркалатиш ва ардоқлашлардан маҳрум бўлиб, бошқа бегона кишилар қўлида қолиб кетардилар.

Ўша йиллари ҳаёт жуда қўрқинчли, аччиқ ҳаёт эди. Демак, бизнинг катта болаларимизнинг болалик йиллари ҳам ана шундай аянчли, аччиқ ўтган эди. Эсимда: уларнинг ўйинлари ҳам ўзларини ўраб олган ҳаётга жуда мос тушарди.

Бизлар йигирманчи йиллар бошида Дон атрофидаги чўлларда яшардик. Бизнинг маҳаллий коммунист ва комсомоллардан тузилган отрядимиз округимизда бебошлиқ қилиб ғовға кўтарадиган қулоқ ва оқ гвардиячи тўдаларга қарши қуролли тўқнашувларда тез-тез қатнашиб туарди.

Ўша вақтда Женя ҳамда Валянинг tengқур, тўполончи ўртоқларининг яхши кўриб ўйнайдиган ўйинлари «бандитлар билан уруш» деган ўйин эди. Бу ўйинда болалар жангчи — халоскор бўлиб ўйнашни талашишарди-да, «бандит» бўлишга келганда ҳеч ким рози бўлмасди. Шунда қуръа ташлаб, кимнинг чекига тушса, ўша одам бу ролга тайинланарди. Тўрт ёшли Валя кетма-кет икки марта «бандит» бўлиб ўйнашга тўғри келганда,

кўз ёшини оқизиб аччиқ-аччиқ йиғлагани ҳали-ҳали өсимда.

Бир куни Елена Ивановна билан кечқурун партия мажлисига кетдик. Кетаётганимизда катта ўғлимиз Женяга биз келгунимизча ҳеч кимга ҳеч қачон эшикни оча кўрма деб, қайта-қайта тайинладик.

Мажлис чўзилиб кетди. Уйга биз ярим кечада, ёнма-ён турадиган қўшнимиз билан бирга келдик. Эшикни шунча тақиллатамиз, тақиллатамиз қани бирор ҳа деб жавоб берса-чи! Демак, данг қотиб ухлаб қолишибди. Охири Женяниг овози эштилди.

— Ким тақиллатяпти?

— Биз, Женечка, оч! Биз аданг билан ойинг!

Женя уйқули кўзи билан келиб эшикни очди. Қўлига Елена Ивановна ошхонада тараша майдалаб юрадиган, учи синиб тушган эски казак қиличини кўтариб олганди. Белидаги камарида қўлда ёрочдан ясалган тўппонча осилиб турарди. Эшик олдида — оstonада ерга солиб қўйилган эски, калта пўстин устида Валя совуқдан ғуҗанак бўлиб, тескарига қараб, ширин уйқуда ётарди: эшик тагидан қаттиқ совуқ ғизиллаб уриб турибди. Унинг ёнида «Артиллерия» турарди: бу эса болалар қарғаларни ов қилиб юрадиган менинг эски бир отар ов милтиғим ҳамда ёғоч камон эди.

Тахта эшиги ёниб қўйилган ҳар учта дераза орқасида табуретка, стуллар, пақирлар ва кастрюллардан иборат «баррикада»лар қурилган эди, қурувчиларнинг мўлжалича агар душман деразага ҳужум қилгудай бўлса, даҳшатли гумбурлаш билан бузилиб, сочилиб кетиши лозим эди.

Болакайлар ўйлаб топиб қурган «ҳар ёқлама мудо-фа»ни кўриб кула-кула ичакларимиз узилай деди.

Биз бу хушчақчақлигимиз билан Женяни ҳафа қилиб қўйгандек бўлдик. У қизариб, қош-қовоғи осилиб, киприги пирпираб, лаблари титраб кетди. Елена Ивановна ҳали ҳам уйғонмаган Валяни ердан даст кўтариб олди ва Женяга, биз ундан эмас, балки бандитлар устидан кулганимизни тушунтириди.

— Ўша кастрюль ва пақирларни билмай жаранглатиб юборган бандитларни бир кўрмоқчи эдим! — деди онаси.

Женя ғазабдан тушди, илжайиб очилиб кетди. Онаси уни ечинтириди ва ўринга ётқизди.

— Болаларнинг ишига қойил! — деди бизни кузатиб көлган ўртоқлардан бири. — Улар устидан чакки кулдимиз! Тан бериш керак!

Бизнинг катта ўғилларимиз Женя билан Валя ҳамма ўйин, томошалардан кўра, ойлари билан менинг стол атрофида ўз қурол-яроғларимизни тозалашга ўтирган кечаларимизни кўпроқ ёқтиришарди. Стол устидан клиёнкани олиб, газета солинар, латталар, асбоб-ускуналар, ёғдон олиб келинарди-да, — «Муқаддас иш»ни бошлаб юборардик.

Болалар стол атрофини ўраб олишиб, нари жилишмасди. Қачон бўлмасин биронтамиз уларнинг қўлига латта билан бирор детални артишга ижозат берганимизда қувончларини ичларига сиғдиролмасдилар. Улар милтиқ қисмларининг баъзи бир хил номларини ёдлаб олишарди-да, билимдонликларини кўрсатиб, бир-бирларидан устун келиш учун ҳаракат қилишарди.

— Ударник с бойком! — дейди етти ёшлик Женя.

— Бунисими, спусковая скобка! — деб қичқиради Валя.

— Ана, янглишдинг — скобка эмас, билиб қўй, бу скоба!

Болалар, албатта «ростакам» қуролни жуда ўйнагулари келарди. Лекин улар биз йўқ вақтимизда унга ҳеч қўйл тегизишимасди. Улар, қурол — ўйинчоқ эмас, балки алоҳида парваришни, ихтиёткорона муносабатда бўлишни талаб қиласдиган жиддий бир нарса эканини яхши билиб олгандилар.

Ўрмон ва саҳроларда бутун бир ҳафталаб бандитлар тўдасини қуролли отрядимиз билан қувиб юрганимизда кўпинча Елена Ивановна ҳам биз билан бирга бўларди. У бизнинг ичимизда медицинани биладиган ягона киши эди ва шунинг учун ҳам унинг ёрдами доим зарур эди.

Қўшнилардан биронтасига ялиниб ўз болаларига қараб туришларини сўрарди-да, медицина сумкасини олиб, қалта бешотар милтиғини елкасига ташлар, тўппонча ва гранаталар осилиб турган солдатча камарини эса белига сириб боғлар ва отга миниб отряд билан бирга бандитлар тўдасини қувиш учун Дон атрофидаги чўлларга чиқиб кетарди.

Ўша кез — огир, очарчилик ва ташвишли йиллар эди. Аммо биз хотиним билан ўша дамларни ҳали-ҳали юра-

гимиз орзиқиб эслаб қўямиз. Бизнинг авлод кишиларининг баҳодирлик, матонатлик руҳи ўша кураш оловларида чиниқди.

Одатда катталар болаларга «Ким бўлишни истайсан?» деб савол берган вақтларида улар ўз тасаввурларидги энг қаҳрамонлик касбини тез танлаб олиб, дароров «учувчи», «ўт ўчирувчи», «дэнгизчи», «саёҳатчи» бўламан деб жавоб беришади.

Ўша йиллари кимdir бизнинг болаларимиздан «қароғларим, сиз ким бўлмоқчисиз?» деб сўрагундек бўлса, Женя билан Валя бир дақиқа ҳам ўйлаб-нетиб турмай «Комунистлар бўламиз!» деб жавоб бериши муқаррар эди.

Уларнинг болалик тасаввурлари бўйича бу сўзда одамнинг барча қаҳрамонлик хусусиятлари йиғилган эди. Албатта, улар коммунистларнинг ким эканликларини яхши тушунириб беролмасликлари мумкин эди. Лекин улар энг баҳодир, энг ҳақиқатчи, энг яхши кишиларни, меҳнатда ҳам, жангда ҳам илфор кишиларни коммунистлар деймиз деб оддийгина айтиб беришлари мумкин эди. Чунки улар бундай сифатли одамларни, жонбозлил кўрсатиб меҳнаткаш халқнинг душманлари билан курашиб келган кишиларни ўз атрофларида кўрардилар ва уларга ўхшашни орзу қилардилар.

Бундай фикрлар болаларнинг ҳаёт ҳақиқидаги тушунчаларининг дастлабки холосаси — уларнинг илк ҳаёттий тажрибаларининг биринчи қатъий эътиқодларининг якуни эди.

Гражданлар уруши тугаши билан, болаларга кўпроқ эътибор бера бошладик ва улар учун кўпроқ вақт ажрата олдик. Ҳаёт шунга қадар фарзандларимиз билан керагича машғул бўлишга йўл қўймаганди. Эндинга куртак ёзаётгани ёш ниҳолчага қанчалик парвариш лозим бўлса, уларга ҳам шунчалик ихлос, тарбия зарур эди. Бу вақтда Женя энди саккиз ёшга қадам қўя бошлаганди, Валя ундан бир ёш кичик эди.

Болалар катта бўлишган сари улар бир-бирларига кам ўхшаб, феъллари ҳар хил бўлаётгандари равшанлашиб борарди. Женя ўқишини ўзи ўрганиб олди, доим китобга қизиқди, билишга интилди ва тезроқ мактабга киришни орзу қилди. Валентин бутунлай бошқача чиқди: у, жуда тўполончи, тиниб-тингимас, ўт юракли шумтака эди, гўё у шўхлик учун туғилганди, уришиш-мушт-

лашишда ҳам чакана эмасди, доим уни ўзига ўхшаган тўполончи ва шўх дўст-оғайнилари ўраб олишарди.

У билан ҳамиша можаролар — баъзан қизиқ, баъзан қайғу-ташвишга соладиган ёки чуқур ҳаяжонлантирадиган ҳодисалар юз бериб турарди. Шунга иқорор бўлиш керакки, бу «можаролар» замирида ҳамма вақт мурғак юракнинг яхши нияти, яхши орзу-тилаги ётарди.

Биз Армавирда яшаб турган вақтимизда бир кун бирдан Валентин йўқолиб қолди. Қеч кириб, қош қорайиб, ётар пайти бўляпти, лекин ундан ҳамон дарак йўқ эди.

Елена Ивановна ҳамма қўни-қўшниларни кига бир-бир кириб чиқди. Ундан ҳам кўпроқ ҳаяжонга тушган, ташвишланган Женя, Валянинг ҳамма ўртоқларининг уйларига бориб келди. Унинг тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди.

Ниҳоят милицияга боришга тўғри келди. У ерда ҳам ҳеч нарса айтишолмади. Навбатчи милиционер кейинги бир кеча-кундуз ичидан бирон бахтсиз ҳодиса юз бергани ҳақида ҳеч қандай маълумот, шикоят тушмаганини айтиб тинчитмоқчи бўлди. Аммо бу мулойимгина юпатиш кўнгилга таскин беролмади.

Кечани игна устида, паришонхотир ўтказдик. Ҳеч ким ухламади. Елена Ивановна йиғларди. Ҳатто Женянинг қўзлари ҳам эрталаб қизариб қолганди. Тонг ёриши билан яна қидириш бошланди. Бизда энди балки Валя Армавир яқинидаги қишлоқда ўз оғайниларидан биронтасиникида ётиб қолгандир деган умид қолган эди. Кейин суриштирасак бу фикримиз ҳам чиппакка чиқди.

Яна маълум бўлишича, биргина бизнинг ўғлимиз эмас, унинг қадрдан дўсти Мишка Панкратов ҳам уйига келмаган экан. Уларни ўтган кун тушки овқат вақтида дарё қирғоғида чўмилишаётган пайтда кўришган экан. Аммо уларнинг сувга чўкиб кетмаганлиги равшан эди. Чунки, биринчидан, дарё лабида кийим-кечаклари қолмаган, иккинчидан эса, худди шу воқеадан кейин Валяни бизнинг уйимиз ёнида кўрганлар ҳам бор.

Умуман айтганда, болалар худди сувга чўккандай дом-дараксиз ғойиб бўлишди. Уларни фақат иккovi тил бириктириб бирор ёққа қочиб кетишган деб тахмин қилишгина қолган эди. Темир йўллар бўйлаб ҳамма ёққа телеграмма юборилди. Натижасини кутишдан бошқа

илож қолмади. Бу, албатта осоп гап эмас эди. Унинг устига бир кун, икки кун эмас, роса беш кун қутишга тўғри келди!

Бешинчи кун деганда менинг ишхонамга темир йўл милициясидан қўнғироқ қилишди ва ўғлимни — Валентин Игнатовни олиб кетишимни илтимос қилишди. Елкамдан худди тоф ағдарилиб тушгандай бўлди ўшанда.

Мен шодликни Елена Ивановнага етказиши учун уйга шошиб келдим ва у билан бирга милиция бўлумига қараб кетдик. Бир вақт қарасак Валя ҳам, Миша ҳам — икковлари ўша срда навбатчи билан бемалол сұхбатлашиб ўтиришибди, иккови ҳам ифлос, кийимлари йиртилиб кетган.

Елена Ивановна ўзини тутолмади, бирдан йиғлаб юборди, ўғлини бағрига босиш учун унга ташланди.

Валентин ҳам ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ойижон... Мен энди ҳеч қачон... мен бормасам ҳеч бўлмасди... Ахир олтин ханжар... Мишка... мен шунча кеч қолиб кетамиз деб ўйламагандим... Мен кичкина хат ёзиб қолдирган эдим! — деб тўнгиллаб қўйди кўз ёши аралаш ва менга кўз қирини ташлаб қўйди.

Мен бўлсам бир четроқда кузатиб турибман; бу қо-чоқни ҳам бағримга босгим, ҳам уни шапалоқ билан уриб қўйгим келаётгандигини сездирмай турибман.

Ойиси уйда Валентинни «ялтираб кетгунча» ювиб таради. У бошдан-оёқ топ-тоза кийинди-ю, кейин бизнинг олдимизга чиқди.

Аммо бундан илгари, боя Валентин эшигимиз осто-насида пайдо бўлиши биланоқ, Женя унга ташланди ва қаттиқ бағрига босиб қучоқлади. Кейин уни бирдан ўзидан нари итариб юбориб бақирди:

— Йўқол кўзимдан, сени кўргим ҳам келмайди, тўн-ғиз! Яна бу пионер эмиш!

Валентин жавдирар, лаблари қалтиради, у бошини қўйи солди...

Мана энди у, бизнинг қаршимизда «суд» бўлишини кутиб туарди.

— Қани, айтиб бер-чи, қаерда эдинг? — деб сўрадим.

У хўрсинди. Нафаси ичига тушиб кетди ва гуноҳко-рона тарзда тўнгиллаб қўйди:

— Мен... менинг жуда ҳам қорним очиб кетибди.

— Қани, айтиб бер! — қатъий равища сўрадим мен.

У бақирганимдан чўчиб тушди, кўзлари ёшга тўлди. Ахир болаларимизга биз камдан-кам бақириб гапи-рардик.

— Биламан: мен гуноҳкорман... Сиз мендан аччиғ-ланманг. Яхшиси сиз менга жазо беринг... аччиғлан-манг... Мен ахир шўхлик қилганим йўқ-ку. Мен дўстлик қилиб... Мен Мишкага сўз бериб қўйган эдим... Мен дўс-тимни ташлаб кетишга кўзим қиймади...

Шундан кейин у, ажойиб сафар тарихини ҳикоя қи-либ берди.

Ўғлим Миша Панкратов билан жуда қалин дўст эди, улар бирга ўқишар, битта пионер звеноси ҳисобида эдилар. Миша жоҳил ўгай отанинг қўлида бўлгандан, яхши яшамасди. Шу сабабдан Валентин ўз дўстига раҳ-ми келиб, қурби етганча унга ёрдам беришга ҳаракат қиласди. Ўша куни нима бўпти денг. Улар Кубань дарё-сида чўмилишибди. Кейин қирғоқча чиқишибди. Бир вақт қарашса Мишанинг кийим-кечаклари йўқ, кимдир олиб кетиб қолибди...

Мишанинг хўрлиги келиб қум устида ўтириб, бақи-риб йиглай бошлабди.

— Ўйга бормайман, ўч бормайман. Бундан жўра сувга чўкиб кетганим яхши! Ахир иштоним яп-янги эди. Ўгай отам «Агар иштонингни йиртадиган бўлсанг ях-шиси уйга қайтиб келмай қўя қол!» деган. Бормай-ман!— деб туриб олади.

Валя Мишкага қараб ачинганидан ўзи йиғлаб юбо-ришига сал қолибди.

— Мишка, сен менга унақа: чўкиб ўлсам! деган сўз-ларни гапирма! Қўй, йиғлама!.. Мен сени ташлаб кет-майман. Чин пионерлик сўзим, ташлаб кетмайман!— дебди у.

Лайишга-ку осон, хўш энди нима қилиш керак? Энди уйга, ўгай отасининг олдига қандай қолиб

Лекин сўз бердингми — унинг уддасидан чиқ! йиғлаб боши қотибди. Охири бир қарорга ке-ундай дебди:

— сиғмайди. Шунинг учун сенга Же-
ч кўйлагини олиб келиб бераман.

ўтирамиз-у, Кавказга жўнай-
берган: Минеральний Води

. Унинг энг баланд чўққи-
тошлар қадалган филоф-



да олтиндан ясалган ханжар тўмиб қўйилган. Уни юз йил аввал бир машҳур қароқчи ўша ерда қолдириб кетган экан. Биз биласаними, ўзимиз билан бирга арқон, нон, помидорлар олиб, ўша ханжар бор жойгача кўтарилимиз. Ханжарни топиб олиб кейин катта пулга пуллаймиз ва сенга нима керак бўлса ҳаммасини сотиб оламиз. Шундан кейин ўгай отанг уйидан чиқиб кетсанг ҳам бўлади. Кўп пулинг бўлгач, бир ўзинг, яшашинг ва ўқишинг мумкин.

Бу ажойиб режа кийим-бошларпни йўқотган болага жуда ҳам ёқиб тушади. Айтилган сўз — отилган ўқ! — Валя уйга зинғиллаб келиб, ваъда берган нарсаларини ахтариб толиб, бориб кийинтиради ва болалар поездга ўтиришиб, ханжарни ахтариб кетишади.

Улар Минеральний Води станциясига етишибди-да, дам олишмай инқилаб-синқиллааб Ханжар тоги чўққисига ҳам чиқишибди. Бу ҳазил эмас! Бахтга қарши улар тоғ бошида ҳеч нарса топиша олмабди. Валентининг тахминича улардан илгари кимдир чўққига чиққан-у, қиммат баҳо ханжарни ўша одам олиб кетган бўлса керак.

Болалар хафа бўлиб, тарвузлари қўлтиқларидан тушади, ахир, шундай яхши режа барбод бўлди-да! Дурустгина овози бор Миша, Валяга қишлоқма-қишлоқ ашула айтиб юриб шу йўл билан ҳам пул ишлаб олиш мумкинлигини таклиф қилади! Аммо болаларнинг бу режасига милиция бўлими халақит беради: дўстларни Армавиргача кузатиб қўйишиади.

Қочқоқ стол четига келиб ўтириб, икки лунжини тўлдириб ширгуруч ея бошлади. У менга ёки онасига кўзи тушиб қолмаслик учун, гёв овқат ейиш билангина банд бўлгандек кўринишга ҳаракат қиларди. Шунда Елена Ивановна сўради:

— Хўп яхши, Валя! Мен, ўз сўзинг устидан чиқмоқчи ва ўртоғингга ёрдам бермоқчи бўлганингни тушунаман. Аммо наҳотки, сенинг тўғрингда ташвиш тортишимизни ўйлаб кўрмаган бўлсанг! Бир неча кундан берли безовталаниб, ҳар хил хаёлларга борганимизни билсанми?

Валя жиққа ёш кўзларини онасига қадади:

— Ойижон, рост сўзим, мен ўйловдимки!.. Шу қилганига мен эртага унинг қулоқларини узиб олмасам...

— Сен кимнинг қулоғини узиб олмоқчисан? Нима важдан?

— Кимни бўларди, Колькани-да, ахир! Мен сизларга олиб келиб берсин деб унга хат ёзиб берган эдим, у бўлса олиб келиб бермапти. Мен унга кўрсатиб қўйман...

— Колькани ҳам, унинг қулоғини ҳам ўз ҳолига тинч қўйишингни сўрайман. Хатингда нима деб ёзган эдинг?

— Мен ханжар топиб келиш учун кетаётганимни ёзган эдим. Сизлар мендан хавотир олманглар деган эдим. Тўғри, сизлардан рухсат олмай кетаётганим яхши эмас, лекин сўраганимда барибир сизлар менга ижозат бермасдиларингиз... хатда эса худди шундай, мен ханжар топиб келиш учун кетяпман!— деб ёзган эдим.

— Валя, шу гап ростми?

— Ойижон! Чип сўзим, рост гап!

У бу сўзни онасиининг кўзига тикка қараб туриб айтди.

Эртаси куни Елена Ивановна дафтардан йиртиб олинган, ғижимланган бир варақ қоғозни менга кўрсатди. Унда қинғир-қийшиқ йўғон ҳарфлар билан шу сўзлар ёзилган эди:

«*Ойижон, дадажон! Мен ханжар олиб келиш учун Мин. Води станциясига кетяпман. Мен Мишага ёрдам беришм керак. Хавотирланиб ўтирганлар. Тезда қайтиб келаман. Ўғлингиз Валентин Игнатов*».

Бу хатни Елена Ивановна ўша Валя уйга олиб бориб бергин деб, тайинлаб топшириб кетган Колькадан олибди. Колька бўлса нима учундир буни олиб келиб беришга аввало оз-моз қўрққан, кейин буваси билан шаҳардан ташқарига, балиқ овига чиқиб кетиб, қайтиб келганида эса Валентин аллақачон уйга келиб ўтирган экан.

— Валя бизга рост гапирибди,— деди онаси.— Мана шунинг учун ҳам мен унинг кўлгина гуноҳларини кечиришга розимац... Лекин шундаям Кольканинг қулоқлари азоб ейди деб қўрқаман-да!

Женя ўз ўқувчилик ва пионерлик йилларида мулојим, ювош бола бўлганди. У новча ва ориқ бўлганидан онаси доимо унинг саломатлиги тўғрисида қайғириб юрарди. У бошқаларда тортинчоқ, ҳатто ҳеч нарсага аралашмайдиган писмиқ бир боладек таассурот қолдирган.

Аммо унинг кўнглининг бирор нозик торларига те-

гиб, яхши кўрган ва қизиқсан нарсаси ҳақида чакки гапириб қўйсанг борми, у дарҳол бошқача бўлиб, ўзгариб кетарди. У билан яқиндан танишган кишилар ҳам тез орада унинг ташқи кўринишидаги тортинчоқ ва писмиқ бола эмас, балки тетик, қайноқ юракли эканини билиб олишарди.

Унинг болалигида яқин дўстлари кам эди. Бунинг сабаби шу эдики, биз кўп вақтлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрардик, шунинг учун қисқа вақт ичида у дўст орттироимас ва ўзи ҳам хоҳламасди.

Китоблар дўстларининг ўрнини босди. Шунинг учун ҳам таниш-билиш, қўни-қўшнилар уни: «Китобхон бола» деб аташарди.

Унинг қолган ҳамма болалик қизиқишилари, у қанча диққат билан киришмасин, шу ёшдаги болаларда бўлиб турганидек барибир вақт билан бирга ўтиб кетарди. Лекин мана шу китобга бўлган муҳаббати — оташин садоқатли ва баракали муҳаббати — бўлса унга абадий содиқ бўлиб қолди. Унинг учун дунёда янги, яхши китобдан кўра бошқа шодлик йўқ шекилли эди!

Ака-укалар ҳаётига меҳнат жуда эрта кириб келди. Уларда меҳнатга онгли, самимий муносабатда бўлиш туйғулари уйгонди.

— Женянинг иш фаолияти унинг шаҳарда чиқадиган газетадан (биз ўша вақтда Майкопда яшардик) шу ернинг заводи қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш планини бажармаётганлиги ҳақидаги материални ўқишидан бошлади. Баҳорги экин-текин пайти яқинлашиб келарди. Отрядда Женя қолоқ завод ҳақида сўзлаб берганида, пионерлар «Заводга ёрдам бериш керак» деб қарор қилишди.

Болалар мактабдаги машғулотдан кейин заводга ёрдамлашамиз деган таклиф билан ўз вакилларини юборишиди. Заводда эса ишчи кучлари етишмасди. Шунинг учун ҳам болаларнинг бу таклифини жон-дил билан қабул қилишди. Ўртоқлари Женяни бригадир қилиб сайлашди.

Пионерлар завод ҳовлисини, ҳар хил темир-терсак, эски-туски буюмлар уюмидан тозаладилар. Бу уюмларнинг ичидан эса озмунча металл ва ишга яроқли қисмлар топилтмади! Уларни хилларга ажратишиб омборга топширишиди. Кейин цехларни тозалаш ва тартибга келтирнб қўйишга киришилди. Бу ишлар ҳам тамомлан-

гач, Женя ўз бригадасидаги болаларни цехларга ёрдамчи ишчи қилиб бўлиб юборди. Женянинг ўзи асбоб-ускуналар устахонасига ёрдам берарди.

Болалар ҳар куни кечқурун уйга чарчаган, оч, ифлос, қўллари тимдаланган ҳолда, аммо доим хушчақчақ, мамнун ва янги-янги таассуротлар билан қайтишарди.

Ҳа, бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Улар ахир бирон сайилдан келишгани йўқ, балки ишдан, заводдаги энг ҳақиқий, «Беш йиллик» ишидан келишиди-да.

Болалар бу билан мағурурланиб юрардилар: иш кунидан кейинги чарчаш қиссиётлари ёқарди, уларга ўзларининг худди «ҳақиқий» ишчилардай меҳнат қилаётгани, уйга желиб ювиниш, бошқатдан кийиниш ва овқатланиш учун стол атрофига ўтиришлари жуда ёқиб қолганди. Уларнинг олдига оналарининг қўйган овқати ҳам жуда мазали туюларди.

Валентин заводдаги ишларга берилиб кетгани учун энди у ўзини Профтехника мактабига жойлаб қўйишизмизни сўрай бошлади; чилангар — электрикликни ўқимоқчи бўлди. У ўзи тугилиб ўсган масканидан биринчи бўлиб парвоз қилди: Ростов-Донга ўқиш учун кетди; сўнгра Азов-Қора денгиз флотидаги савдо кемасида кема механиги бўлиб ишлаб, денгизда сузиб юрди. Ўша вақтда у эндингина ўн олти ўшда эди. Ўйда Валентиннинг «Бир неча кунга келиб-кетишини» орзиқиб кутишган вақтларимиз бўлганди. Валянинг келишини, ҳаммадан ҳам, кўпроқ Геня зориқиб, муштоқ бўлиб кутарди. Юзи офтобдан қорайиб кетган Валентин совғалар солинган матрос сандиқчаси билан уйда пайдо бўлиб қолган пайтида Геня жуда ҳам севиниб кетарди. Валянинг сандиқчасида онаси учун чиганоқлар ёпиширилган қутича, акасига — китоб, укасига — «матрос» пичоғи каби совғалари бўларди. Ростини айтганда, бу чархланган оддий пичоқ эди, фақат Валентин «Матрос» пичоғи дедими бўлди. У Генянинг кўзига янги, бебаҳо бўлиб кўринарди.

Ҳикоя ҳеч тамом бўлмасди. Геня биз ўша вақтда «Денгизчи» деб атаган Валентиннинг ёнидан ҳеч бир кетгиси келмасди. Бўлмасам-чи: Валентин бунаقا ажойиб саргузашларнинг қанчасига ўзи иштирокчи бўлган-да!

Бир куни кечаси, Валя хизмат қиладиган «Талла» пароходи қирғоққа яқин бир жойда турганида, дарёда

сузиб бораётган катта бир кеманинг руль бошқармаси занжири тўсатдан узилиб кетади. У бир томонга қараб энгашиб келиб тезлик ва шиддат билан кичик «Талла»га урилади ва уни сувга ботириб юборади. Ўша кечаси «Талла»да команда аъзоларидан ҳаммаси бўлиб учгина киши, шу жумладан Валентин ҳам ётиб қолган бўлиб, у димиқишдан қочиб кема саҳнига — палубага чиқиб ётган эди. Бир вақт кўзини очса сув ичидаги ўзини кўради, уни қаттиқ туртки дарёга ирғитиб юборганди. У бошини алланарсага уриб олади. Оғзига сув кириб кетишига сал қолади. Бир шўнғиб сув юзига чиқиши биланоқ қараса «Талла» йўқ; кемача сувнинг тагида, лекин, баҳтига саёзроқ жойда ботиб ётиди. Ҳамма ёққа қоп-қоронғи тун пардаси ёпилган, чироқлар йилт-йилт этиб кўриниб турарди... Валентин бирдан қичқиради, уни шу соатдаёқ қутқаришиб қайиқка олиб қўйишади. Аммо шу пайтнинг ўзидаёқ у, кеманинг пастки қаватида қолган иккита ўртоғини эслайди-да, сувга қараб ўзини отади...

— Нима учун унақа қилдинг?... Ахир ўзинг ҳалок бўлишинг мумкин-ку? — деб гап қистирди Геня.

— Нима учун ҳалок бўлар эканман. Мен сузишни яхши биламан-ку, — деб жавоб берди Валя софдил кулги билан.

У чўқтириб юборилган кеманинг пастки қаватига етгунча бир неча маротаба сув тагига шўнғийди ва матросларни охирни тортиб олиб чиқади. Баҳодирона иш кўрсатгани учун Валентинни катта «Феодосия» кемасига ишга ўтказишади.

«Денгизчи» мизнинг содда, самимий ҳикояларидан Генянинг кўз олдида жанубнинг ёрқин табиати, шовқин-суронли гўзал порт ҳаёти жонланар ва баъзан денгизчилар меҳнатидаги сезилмас, аммо тўла фидокорликлар очилиб борарди.

Валентиннинг овқат вақтида офтобда мис рангига кирган бақувват қўлларини стол устига қўйиб ёйилиб ўтиришини кўриш кишини қизиқтиради. Тугмалари очиқ турган ёқаси ичидан унинг кенг кўкрагига ёпишиб турган матросча ола-кўк қўйлаги кўриниб турарди. Унинг ўнг қўлида — арzon тамаки билан тўлдирилган қисқагина трубкаси бўларди. У, ҳақиқий «Денгиз бўриси»нинг ўзгинаси! Наҳотки, шу бизнинг ўглимиз бўлса?..

Унинг қаршисида бошини қўллари орасига олиб тўққиз ёшлик Геня ўтиради. У ҳамма нарсани унутиб,

маҳлиё бўлганидан оғзини кенг очиб, акасининг сўзларини эштирди.

— Ойижон, агар рухсат этсангиз бир чекиб олсам,— деб торгиниб сўрарди «Денгиз бўриси».

У уйда чекиш учун доимо ижозат сўрарди. Онаси норози бир тарзда қўлини силтаб қўярди. «Майли, чексанг чекиб ола қол, нима ҳам қиласардик, чидаймиз-да!» оқ тутун ҳалқалари шипгача қалқиб кўтириларди. «Денгизчи» бўлса ўз ҳикоясини давом эттиарди...

Валентин кейинроқ машинасозлик техникумини таоммоди ва Белоруссияда, чегарага яқин жойда бошланган катта электростанция қурилишига — ишга тайинланди.

Евгений бўлса етти йилликни тугатиб, олий мактабга тайёрлайдиган кечки курсга кирди. Ёшлигига Евгений жуда мўмин-қобил, камгап, камтар, бир-оз одамови бўлиб ўсганди. Шунинг учун ҳам биз, онаси билан унга қараб туриб, тез-тез ўзимизга «у баҳтли бўлармикан, ўзини тутиб кетармикан?» деб савол берардик. У жуда эрта улғайди, ўз ёшига қарамай жиҳдий бўла берди, катталиктининг нуқси урди. Иил сайин унда мактаб, пионер ташкилоти, комсомол ва ҳаётимизнинг ҳамма тузуми туфайли туғилиб, вояга етган фазилатлар: куч-қудратини она-Ватанга, жонажон ҳалқига багиашлаш туйғуси, ёшларни меҳнат қаҳрамонлиги ва келажагимиз учун, коммунизм учун курашга чорловчи ҳамда илҳомлантирувчи ёрқин ватанпарварлик туйғуси кучайиб, мустаҳкамланиб бормоқда эди. Унинг баҳти мана шунда эди. Хўш, бундан ҳам юксакроқ баҳт борми, ўзи?..

Евгений йигирма бир ёшида инженерлик дипломини олишга мұяссар бўлди. У энг сўнгги техника қонун-қоидалари билан қурилган, Краснодар ўлкасининг чиройи ва фурури ҳисобланган катта ишлаб чиқариш корхонаси —«Главмаргарин» комбинатида ишлай бошлади. Евгений комбинатга келганида комсомол эди, уни шу ерда партияга қабул қилишди.

Тез орада уйланди, бир қиз ҳам кўрди.

Евгений жуда берилиб, қизиқиб, ихлос билан ишларди ва уни ҳеч ким, ҳеч қачон ранжиган, асабийлашган кайфиятда кўрмасди; у ҳеч қачон ишининг кўплигидан нолиб гапирмасди. Евгений бажариши лозим бўлган вазифалар қанча оғир, қанча жавобгарлироқ, проект ва

чертёжлар қанча қийинроқ бўлган бўлса, у ишга шунча катта иштиёқ ва ҳавас билан киришарди.

Шундай вақтлар ҳам бўлар эдики; у завод цехларини айланиб, машиналарини кўздан кечириб чиқаётиб, хотинига фахрланиб гапиради:

Машенька, мана шу юк ташувчи транспортёр машина, ёки мана шу металл қирқадиган асбоб менинг чертёжларим билан яратилганини биласанми? Қандай қувончли! Менимча ҳали кўп вақт хизмат қилаверади — токи энг мукаммал, энг яхшилари билан алмашмагунча (эҳтимол, уларнинг лойиҳасини ҳам ўзим кўриб чиқарман) ишлайди,— дерди.

Бир қанча вақт ўтгач, Евгений комбинат техника бўлимининг старший инженер-конструктори этиб таинланди.

Умуман айтганда, катта ўғилларимизнинг ҳаёти, ўзлари мансуб бўлган барча авлод ҳаётидек бахтли ва соз кечарди.

* * *

Генянинг болалик чоғлари акалариникига ўхшамади, у осойишта, хушчақчақ, меҳнаткаш аҳил оиласининг иссиқ қучогида улғая бошлади. Чунки у гражданлар уруши даҳшатининг шовқин-суронлари босилган ҳамда мамлакат тинч, ижодий меҳнатга ўтган бир паллада туфилди-да.

У бақувват, кучли бўлиб ўсди. Болалигида думалоқ, тиниқ юзи,mallа ранг жингалак соchlари билан худди қиз болага ўхшаб кетарди. Елена Ивановна ёш болалик чоғларида унинг соchlарига ҳаво ранг лентани капалак нусха қилиб бойлаб қўйишини яхши кўрарди. Икки, уч йил ўтгандан кейин эса бизлардан бирортамиз, агар унга бу капалак ҳақида эслатгудек бўлсак, жуда қаттиқ хафа бўлиб, ранжийдиган бўлди.

Акаларига ўхшаб унда ҳам машинага ҳавас жуда эрта уйгонди. У олти-етти ёшлиқ чоғидаёқ мен ишлаган трестга қарашли заводга боришини яхши кўрарди. Цехларга кириб чиқар, ишчилардан у ёки бу машинанинг нима «қилаётгани»ни ҳижжатаб сўраб оларди. Унинг ҳар нарсага қизиқувчанлигини кўрган ишчилар бўлса, ҳар бир нарсани жон диллари билан тушунтириб берардилар. Агар бирор кимса ҳисобсиз «нима учун»-лардан шошилмаб, ўзини қутқариб қолмоқчи бўлиб ҳазил

қилса, Геня дарров алдашганини сезар ва хафа бўлиб галирарди:

— Йўқ, сиз тўғри гапирмаяпсиз! Нима учун мени алдайсиз?

У ўн ёшидаёқ биринчи маротаба, ўзи мустақил автомобиль ҳайдаб кетди. Бу воқеа Киев яқинидаги Дарница деган жойда ўша вақтда мен директор бўлиб ишлаб турган фанер заводида юз берганди. Заводнинг каттагина автобазаси бор эди. Геня ўқишидан бўш вақтларида ҳамиша гараж олдида гирди-капалак бўлиб юради. У шоферлар билан дўстлашиб олганди. Кўп вақт ўғлимни юқ машинасининг тагида ётган шофер олдида чўққайиб ўтириб олиб унинг тушунтиришини диққат билан эшитаётган пайтда кўрардим. У айниқса шоферлар унинг ўзига моторнинг баъзи бир қисмларини тозалаш, ёғлаш ёки енгил тузатишларни қилишга рухсат берганларида жуда хурсанд бўларди.

Уйга қўллари тимдаланган, кир-чир, қийим-кечаклари ювса кетмайдиган, ёғли-доғли бўлиб келадиган вақтлари бўларди. Елена Ивановна бу иши учун уни койимоқчи бўлиб шайланиб турганида, у, онаси энг бир оддий нарсани ҳам тушунмаганидан ҳайрон бўлиб, тушунтириб кетарди:

— Хўш, онажон-ей, сизнингча нима қилиш керак, бўлмаса? Биз ахир бугун скорост коробкасини кўриб чиқдик-ку!

Дарницада у тез орада ёшликтан машинага муҳаббат қўйган ихлоси зўр шофер Гриша билан дўстлашиб олди. Шофер Гриша, Геня сиймосида ҳам худди ўзига ўхшаган серғайрат бир кишини кўрди. У боладан машинага жиддий, ўйлаб муносабатда бўлишни талаб қилди. «Оғайни, бу сизга ўйинчоқ эмас!— дерди у Геняга, ёпқични кўтариб ва эпчил қўллари билан мотор ичини титиб,— мотор жуда нозик нарса, ўзи билан са-мимий муносабатда бўлишни ёқтиради, унинг тилини тушуниш лозим. Бу ерда чала-чулла иш қилиш керак эмас!..»

Унинг ғамхўрлик билан кузатиб бориши орқасида Геня «моторни тушуна» бошлади, шундан кейин Гриша уни ўзининг ўрнига ўтиришга, рулни бошқаришга рухсат берди.

Куз офтоби порлаб турган кунлардан бирида биз Елена Ивановна билан коридорда Гришани кутиб тур-

ганимизни ҳамон эслайман: у бизни олиб кетиш учун келиши керак эди. Мана, кўз тутиб ўтирилган «пикап»-нинг кузови бирдан дарахтлар орасидан кўзга ташланди. Машина абжирлик билан бизнинг уй томонга кела-диган йўлга қараб бурилди ва келиб уй бўсағасида тўхтади.

Геня рулнинг чамбарагини ушлаб ўтиради! Унинг ёнида — йўловчи ўтирадиган жойда шофер — новча Гриша зерикиб, эснаб ёнбошлаб ётарди. Гриша — шундай ажойиб бир кунда саёҳат қилишдан бош тортмайдиган бекорчи йўловчига ўхшарди.

Кабинанинг чап эшиги очилиб, ундан кичик шофер чиқди:

— Ойижон, дада, қани чиқиб ўтиринглар!

Генянинг юзлари қизариб кетган, кўзлари ёнарди.

— Баракалла,— деди онаси.— Мен кўпдан бери сени шофер бўласан деб кузатиб юрардим!

— Ҳа, ҳудди шундай, аввало шофер, кейинроқ танкист ёки учувчи бўламан!

— Ишқилиб машинани пачақламайсанми?— деб қатъий сўрадим мен Генядан.

— Нималар деяпсиз, дада!..

Гриша кабинадан бошини чиқарди:

— Хавотир олманг, ўртоқ директор! Бу биринчи класс шофери-я! Менинг шогирдим бўлади!

Биз Елена Ивановна билан кузовга чиқиб ён томондаги курсига ўтирилди. Кабинадан Гришанинг секингингина товуши эшитилди:

— Оҳисталик билан, эҳтиёт бўлиб ҳайди, шошилма, силтама! Бу машина — от эмас сенга. Ҳудди ёғ устида силлиқ кетаётгандай юргизишига ҳаракат қил. Ҳудди шундай, эҳтиётлик билан. Тош йўлга чиқиб оламиз — ана у ерда газни кўчайтиришинг мумкин!

«Пикап» тош йўл бўйлаб силлиқ юриб кетди. Чапда ёғуда порлаб турган зангори Днепр кенгликлари кўзга ташланарди.

Мен шоферлик кабинасининг ён томонидаги ойнасидан қарадим. Генанинг юзлари жиддий, лаблари қаттиқ қисилган эди. Эҳтимол, шу дақиқада у, ўзини эскириб қолган, дориллаб турадиган ва пишиллайверадиган «Пикап» рулининг чамбараги олдида эмас, балки Ватан чегараларини қўриқлаётган жағговар самолётнинг штурвалини бошқариб бораётган одам ўринида ҳис

қилаётгандир. У бир қайрилиб ойнадан мени кўриб қолди ва шу заҳоти юзларида баҳтиёрлик табассумлари пайдо бўлди...

* * *

У мактабда биринчи синфдан бошлаб яхши ўқирди. Биронтамиз унинг дарслари жойида эмаслигини кўриб қолиб, секингина ўз ёрдамимизни таклиф қилганимизда, у ҳамиша шундай жавоб қайтарарди:

— Раҳмингиз келгани учун раҳмат! Аммо уч ёки беш баҳони ўз ҳаракатим билан олмоқчиман.

Боланинг юрагида ҳамма ёшларимизга хос бўлган олижаноб беғараз орзу — қаҳрамонлик ишлар кўрсатиш орзуси жуда эрта уйғонган эди.

Бир кун Геня (ўша вақтда ўн икки ёшлар чамасида эди) нима бўлди-ю, катта студент акаси билан қаҳрамонлик ҳақида гап талашиб қолди.

Ака-укалар то қош қорайгунча деразамиз олдидаги кичик боғчамизда ер чопишарди. Улар баҳорда оналарининг назоратида гулзорларнинг жўягини ажратишар, гул ўтқазишарди. Бутун ёз ва куз бўйи, ҳатто қиши пайтигача уйимизнинг олдида кетма-кет гулсафсар, салла гул, капалак гул, мевасиз дарахт, астра, «эманча»—майда-чуйда хризантема гуллари ўсиб ётарди.

Болалар дам олгани курсига ўтиришди. Геня катта акаси билан бирга ўтириб баҳсласишишни, талашиб-тортишишни жуда ёқтиарди. Улар гарчи бир уйда яшасалар ҳам бир-бирлари билан кам кўришардилар. Женя эрта кетиб, кеч келар, кун бўйи уйда бўлмасди. Уйда бўлганда ҳам ё ўз хонасига кириб олиб ишга шўнғиб кетар ёки унинг олдида институтдаги ўртоқларидан биронтаси келиб суҳбатлашиб ўтирган бўларди.

— Йўқ, сен нотўғри гапиряпсан!— деб ҳаяжон билан гапирди Геня.— Қаҳрамонлар ҳар ҳолда алоҳида тахлитдаги кишилар бўлади!

— Хўш, бўлмаса сен нима деб ўйлайсан, сенингча «Челюскин»да капитандан тортиб қозон-товоқ юувучигача — ҳамма команда алоҳида тахлитдаги кишилардан териб олинганми?— деб сўради Евгений.— Ёки қутуб учувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам алоҳида тахлитдаги кишиларми? Йўқ, дўстим! Гап худди ана шуларнинг оддий совет кишилари бўлганлигига. Ҳа, албатта, улар

дадил, марданавор, фидокор кишилар. Аммо бизда мана шундай ўз ватанини севувчи, ўз партиясига содиқ бўлган, ор-номусли, яхши кишилар миллионлаб бор. Булар умумхалқ иши турганда ўз шахсий ишини орқага қўйиб турадиган кишилардир.. Нима ҳақида гапираётганим сенга тушунарлими?

— Хўш, Женя, ахир, қандай қилиб бунақа бўлиши мумкин? Кишилар икки ойлаб муз устида яшаши, ана шу муз устида туриб илмий иш олиб бориши. Буни ҳатто кўз олдингга келтиришинг ҳам қийин. Хўш, уларни қутқариб қолган ва ўз ҳаётларини хавф остида қолдирган учувчилар-чи?.. Тағин сен бўлсанг уларни оддий, содда кишилар дейсан.. Йўқ, булар чинакам қаҳрамонлар!

Евгений кулиб қўйди:

— Укажон, нима, мен улар қаҳрамон эмас деяпманми? Мен фақат шуни айтмоқчиманки, оддий совет кишилари қаҳрамон бўлиб қолдилар. Ҳар ким ўз бурчини шараф билан бажарди. Шундай бўлиши ҳам керак!

Жимлик ҳукм сурди.

— Женя... Сен ким бўлишни истар эдинг: «Челюскинчи»ми ёки учувчими?

— Учувчи бўлишни.

Геня чукур нафас олди:

— Мен ҳам учувчи бўлишни хоҳлардим... Совет Иттифоқи Қаҳрамони! Йўқ, Женя, йўқ, сен менга бу ҳақда гапирмаёқ қўя қол... Бундай одам қандай киши бўлиши кераклигини кўз олдингга келтиришнинг ўзи жуда қийин! Ҳа, сен хоҳлармидинг?.. Совет Иттифоқининг Қаҳрамони бўлишни хоҳлармидинг? Бўла олармидинг?

Катта акаси шошилмасдан жавоб берди.

— Сенга нима дейишимни ҳам билмайман, Геня... Лекин шуни ҳам билиб қўйгинки, агар Ватан, партия мендан бутун куч-қувватимни, ҳаётимни, бор-йўғимни талаб қилар экан, мен унинг ҳаммасини беришга тайёрман...

Кўпдан бери Геня каравоти устида оддий рамка ичида бир фотография — мулоим табиатли, думалоқ юзли ёш бир йигитнинг ярим белидан тушган сурати осиғлиқ турарди. Йигитмисан-йигит! Унинг қўлида бешотар милтиқ, белида эса қўл гранаталари осилган, силлиқ мўмдай қора сочлари устидан пилоткага ўхшаган

испан шалкасини қийшиқ кийиб олган эди. Ёш испан ватанпарвари Хосе Салуенъя суратда шундай кўринарди. Геня бу суратни журнaldан қирқиб олган, унинг тагида «Хўкумат армиясининг ёш жангчиси» деган ёзув ҳам бор. Геняниг ўзи уни Хосе Салуенъя деб атай бошлаган эди. Хосе сурати испан ҳалқи фашист исёнчи босқинчиларига қарши мардонавор курашаётганини бутун инсоният зўр ҳаяжон билан жузатиб турган кунларда Геняниг каравоти устида пайдо бўлди.

Геняниг хонасида байроқчалар қадаб қўйилган Испания картаси осиглик турарди. Геня картада қизил байроқчалар билан ҳўкумат аскарларининг, қора байроқчалар билан фашист исёнчи қўшинларининг силжиш ҳаракатларини белгилаб борарди.

У мактабдан қайтган вақтларида Испания картаси олдида узоқ вақт ўзи яхши кўрган ҳолатда курсининг устига чиқиб олиб, тирсагини курсининг орқасига қўйиб ва сочи қирдирилган бошини осилтирган ҳолда тикилиб қоларди. Унинг юзлари ўйчан, қош-қовоғи солинган. У ўзи-ўзича Барселона, Сарагосса, Мадрид, Талавера фронти, Арагон фронти, Гвадалахара каби испанча жарангли сўзларни тақрорларди. Мана бу ер фашист самолётлари бомба ташлаб харобага айлантирган басковлар мামлакатининг қадимий поитахти Герника шаҳри... Немис «Юнкерслари» ва итальянларнинг «Капронлари» тинч испан шаҳарларига бомба ташлади, хотин-қизларни, болаларни нобуд қилди. Фашист техникасининг барча темир куч-қуввати ёнаётган ерга ёпирилди, ташланди. Аммо испан ҳалқи ўз озодлиги учун сабот билан курашди — баррикадаларда, шаҳарнинг бомба тушиб бузилиб кетган деворлари устида туриб жанг қилди. Ҳамма — қарилар ҳам, ёшлар ҳам, эркаклар ҳам, аёллар ҳам жанг қилишди. „No passagap!“ («Ўта олмайди!» деган сўз уларнинг шиори бўлиб қолди.

Болалар, отряднинг ҳамма йигилишларида Испания воқеалари ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрашарди. Энди ҳеч бир йиғилиш Испания ҳақида гап бўлмасдан ўтмасди. Болаларнинг ўзлари ҳам Испания воқеалари ҳақида китоб, газета, журнallарда ўқиганларини ҳикоя қилиб беришар эди.

Бир кун Геня журналдан Салуенъя деган испан учувчининг кўрсатган ҳаҳрамонлиги ҳақида ёзилган мақолани ўқиб қолди. Бу учувчи исёнчилар ишғол қилиб

олган, ўша ерда ўзининг оиласи қолиб кетган Сарагос-сага бомба ташлаган экан.

— Бу қанақаси ахир?— деб ҳаяжонланиб сўради Геня Елена Ивановнадан,— Сарагоссага бомба ташлаши!.. Ахир у ерда... Ие, у бомба ташлаган шаҳарда хотини, бола-чақалари яшайди-ку?

Испан учувчининг фидокорлиги ва юксак даражадаги мардлик тимсоли ўша вақтда Геняга қаттиқ таъсир қилган эди.

— Мана шу чинакам инсон экан!.. Агар унинг ўғли бўлса, эҳтимол, у ҳам ҳозир исёнчилар билан урушаётгандир!

Худди ана шу кундан бошлаб номаълум «Ёш жангчи» Хосе Салуенъя деб аталадиган бўлди, яъни бу Геняning таассуротида қаҳрамон учувчининг ўғлига айланниб қолди.

— Ойи, сиз нима деб ўйлайсиз?— деб сўради Геня,— эҳтимол, бу Хосе мендан озгина каттароқдир-а? Унинг ёши қанчада бўлиши мумкин?

— Ўн олти ёшларда бўлса керак, деб ўйлайман,— деб жавоб берди Геняning мойиллигини тушунган онаси.

— Мана кўрдингизми! У мендан атиги уч-тўрт ёш катта экан, холос. Мен эса, Испанияда бундан ҳам ёш жангчилар борлигига ишонаман! Тўғрими? Улар жангчи бўлмасалар, разведкачиidlар ёки патрон ташувчидирлар.

Геня хўрсинди-ю, узоқ хаёлга чўмди. У ерда, Пиренея тоглари орқасида ҳалқ озодлик учун капитализмнинг энг ёмон ва энг жирканч иллати — фашизм билан қатъий кураш олиб борарди. Бу фақат испан ҳалқининггина иши бўлиб қолмай, балки барча эркесвар одамзоднинг иши эди. Шунинг учун ҳам испан ватанпарварларининг «No passaran!» сўзи озодликни қадрлаган барча кишиларнинг юрагида бир оҳангда бир қудратли куч бўлиб жарангларди. Геняning қудратли, чароғон, сахий Ватани курашаётган Испанияга қардошлиқ ёрдам қўлини чўзи ва мадад берди.

Хўш, шу ернинг ўзида, Совет мамлакатида, жонажон совет кишиларининг ҳар бир ўғил-қиз юрагини завқшавқ билан тўлдирадиган қаҳрамонликлари озми!

1937 йил 21 майда Совет Йттифоқи Қаҳрамони Водольянов самолёти Шимолий қутб районидаги музлика

қўнди ва тўртта довюрак қишлочиларни омон-эсон олиб келди. Шу кундан бошлаб муздаги яхлаган брезент чодири устида шамол парраги тинмай айланиб турган ижод хонасида тўрт нафар совет кишисининг кундалик қаҳрамонлиги билан кўчиб юрувчи «Шимолий Қутб» станцияси ўқувчиларнинг қаҳрамонлик ҳақидаги орзуларини мужассамлантирган фокусдай, мардлик нуқтасидай бўлиб қолди.

Мана, бирин-кетин Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Чкалов ва Громовларнинг қизил қанотли қудратли самолётлари Шимолий қутб орқали Америкага учиб ўтилар. Бу кишилар ҳаддан ташқари оғир қийинчиликларни енгиги ўтиб, Арктиканинг қаттиқ табиатини ўзларига бўйсундириб, ҳамма табиат ҳодисаларини иоймол қилиб, Ватан шон-шуҳрати учун олға қараб учдилар. Геня уларнинг мардлигига тан берди; уларнинг Ватанга қаҳрамонона хизмат қилиш мисоли унга она тупроқни қандай севиш кераклигини ўргатди.

* * *

Евгений укаси Геняга унинг тугилган кунида Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» китобини тақдим этди. Акасининг бу мукофотидан ҳаяжонланган Геня, уни қучоқлаб олди. У кўпдан бери бу китоб ҳақида эшитиб юрган бўлса ҳам, ҳали ўқимаган эди.

— Биласанми,— дўстим,— деди унга Евгений,— бундан анча йиллар муқаддам, ҳа, роса ўн тўрт йил бурун, эндиғина сен дунёга келган чоғингда, мен сенга ўсиб, улгайиб йигит ёшига кирганингда, ўзимнинг энг севимли китобимни тақдим этаман деб, ўзимга-ўзим ваъда берганман. Мана энди, ҳақиқатан бир оз кечикиб бўлса ҳам мен ўз ваъдамнинг устидан чиқдим. «Пўлат қандай тобланди» менинг энг яхши кўрган китобларимдан бири, бу шундай ажойиб китобки Геня!.. ўқиб чиқсанг, ўзинг биласан...

Островскийнинг китоби Геняни шу қадар ўзига мафтун этдики, бунгача ўқиган бошқа ҳеч бир китоби уни бунчалик маҳлиә қилмаган эди. Китобнинг ҳар бир варағи ҳаяжонга солар, гоҳ севинтирап, гоҳ ғазаблантирап, у киши эътиборини тизгинлаб олиб, ҳамма вақт Павка Корчагиннинг оғир қисматини доимо дикқат билан кузатиб боришга мажбур қиларди. Яна бу китобнинг кучи шунда эдикси, «мўъжиза» содир бўлиб, гўё

Павка унинг варагидан чиқді-ю, у Геняга унинг эни яқин дўстидай, таниш ва қариндошидай бўлди-қўйди. Унинг билан гаплашиш, унга муқаддас орзуларни тортинимай изҳор кишиш ҳам мумкин эди. Қайнисқ қон, қайсар, саботли Павка эса дўстга дўстларча жавоб берарди: у Генядан ҳеч бир сирини яширмайди, ҳеч бир нарсани бўяб гапирмайди, ўзнинг бутун ҳаётини очиб беради.

Шундай қилиб, унинг ҳаётига аралashiш, оддий бир ишчи йигит қандай қилиб ер юзида ҳақиқат ва адолат учун оташин курашчи — коммунист бўлиб қолганини кузатиб бориш жуда қизиқ эди. Унинг энг қудратли куччи ҳам мана шу. Чидаб бўлмаидиган оғир касаллик уни қўрига-тўшакка ётқизиб қўйганида ҳам ана шу куч унинг курашчи бўлиб қолнишага имконият берди.

Геня китобни ўқиб чиққач, Павел Корчагиндан бўлишим керак! деб орзу қила бошлади. Ҳулди шундай тиришқоқ, дадил, кучли бўлниш керак! Аммо бунга қандай қилиб эришиб бўларкин? Бўнинг учун нима қилиш керак?

Бу масалани ҳал қилиш, бир қиши учун анча қийин эди. Геня ҳам бунақа муҳим масалаларни битта ўзи ечишга ўрганмаган эди. У акаси берган совғанин қанчалик қадрламасин, барибир бу азиз қитоб Генянинг ўртоқлари орасида қўлма-қўл юра бошлади. Қўпгина болалар ўқиб чиқиши, кейин қитоб отряднинг сборида муҳокама қилинди.

— Мен сиздан жуда ўтиниб сўрайман,—деди Геня онасига,— сиз менга ёрдам қилмасангиз бўлмайди!.. Агар мен бирор ишни тўғри қилмаётган бўлсам... Ҳа, ўзингиз биласиз-ку, ҳар хили бўлади. Агар дангасалигим тутса ёки мақтаниб гапириб қўйсам ё бўлмаса яна бошқа бирор нарса... Сиз шу замониёқ менга «Павка Корчагин» деб қўйсангиз тамом, вассадом! Мен хато қилганимни дарров пайқаб оламан.... Ҳўпми, ойижон? Чунки биз энди ҳамма жиҳатдан Павкага эргашишга, унга ўхшашга қарор қилдик!

Қирқинчи йил баҳорида Геняни комсомол сафига қабул қилишди. Уйимизда илгаридан шундай бир одат ҳуқм суреб келар эди: ўғилларимизни пионер, комсомол, партия сафига қабул қилдими — уларнинг ҳаёти-

даги бу шодиёна ва унунтаси мухим воқеа оилавий тантанага айланиб кетарди. Шундай қилиб Геня район комсомол комитетидан келиши лозим бўлган куни кечқурун уйда уни Елена Ивановна тайёрлаган, хушбўй долчин солинган, олмали катта пирог нон кутар эди. Генянинг хонасида ва ошхона столи устида хушбўй, оч бинафша ранг сирентан ясалган гулдасталар кўзни қамаштириб туардп.

Аллақачон ер юзига илиққина баҳор оқшомининг соялари ёйилганди. Айвончамизга келадиган йўлда ўглимизнинг тез-тез гурс-гурс қадам босиб келаётгани эшитилди. У зинапоялардан югуриб чиқди, эшикни ланг очиб юборди ва оstonада тўхтади.

Масала равшан — ҳамма иш жойида! Унинг юз-кўзлари кулиб турибди дейишининг ўзигина кифоя қилмайди, йўқ, улар унинг шодлигини тўлдириб, нур сочиб туарди.

У наасини эркалаб, миннадорчилик изҳор қилиб, ўпди, қаттиқ қўллари билан менинг қўлимни қисди. Ўз ҳаяжонидан уялиб, стол ёнига борди, қизариб кетган юзларини бир бойлам муздаккина хушбўй бинафша ранг сиренъ гул билан яшириди:

— Зап хушбўй сиренъ эканми?

Мен райком комсомолда қандай ва нима гап бўлганини сўрадим. Геня қисқа жавоб берди:

— Ҳамма иш жойида бўлди!..

Бир оз жим бўлиб, кейин қўшиб қўйди:

— Мен секретарга: «Павка Корчагин қандай комсомол бўлган бўлса, мен ҳам шундай бўлишга ҳаракат қиласман!..» дедим.

* * *

Геня кейинги икки йил ичидаги балогатга стиб, бўйи чўзилиб қолди, яғринини қўйиб юборди. У ўз ҳаётининг ҳар бир кунини қандайдир, алоҳида хурсандчилик билан кутиб оларди. У доим лабларида табассум билан уйғонар эди. Ҳар куни уни шу қадар яхши, шу қадар қизиқ нарсалар: ўртоқлари — комсомоллар, мактаби, китоблар, ўйинлар, спорт, ўз жонажон осмони, қуёш... кутар эди. Бундай ҳаётдан хурсанд бўлмай бўладими! Ҳар бир янги кунни табассум ва қўшиқсиз кутиб бўладими, ахир!

... Инсоннинг ўз она юртига бўлган муҳаббатидан

ҳам құдратлироқ күч бўлиши мумкинми? Йўқ. Агар у ўз она Ватанини севар экан, ҳеч қандай синовлар унга писанд эмас. Бизнинг ўғилларимизга эса нимани севиш, нимани ҳикоя қилиш кераклиги маълум эди.

3. Биз қандай тайёрландик

Қизил Армия гитлерчиларни Ростов-Дондан тез орада қувиб чиқарди. Аммо душманнинг Кубанга бостириб кириш хавфи ҳали тугамаганди. Улар чекиниб Ростовдан узоқ бўлмаган ерда тўхташган эди. Бундан гитлерчилар Кубанга бостириб киришга ҳаракат қилинб, күч тўплаётгани ва фурсатни пойлаб ётгани маълум эди.

Биз бу вақт ичиди отряднинг отланиши учун бўлган тайёргарлигини давом эттироқда эдик.

Комбинатининг механика устахоналарида асбобларнинг барча турлари — қуролдаи тортиб, то сапёрлик, хирургия учун керак бўладиган инструментларгача тайёрланарди. Биз ҳатто компас ва карталаргача ахтариб топиб қўйдик. Қишки кийим-кечаклар олдик. Минглаб майда-чўйда нарсаларни олдиндан қараб чиқиш керак эди. Отрядни тузиш учун қилинган ишларнинг ҳаммасини эсга олсанг, қандай қилиб биз уни бажара олганимизга ҳайрон қолади киши! Барчамиз ҳамжиҳат бўлиб ишладик, биримиз иккинчимзининг ўрнини босдик. Мана бу — чиндан ҳам бир мақсадга интигувчи кишиларнинг ҳақиқиҳи, баҳодирона кучини, қиёфасини кўрсатарди.

Ҳақиқатан ҳам отрядни тайёрлашда энг жиддий, энг жавобгарлик ишлардан бири, Қавказ тоғ этакларига бирга чиқиб кетишимиз лозим бўлган кишиларни танлашдан иборат бўлди. Шаҳар партия комитети секретари Попов биз билан қилган биринчи суҳбатида шундай деган эди:

— Дўстларим, одамларни танлашда шуни ҳисобга олайликки, келгуси партизанларнинг ҳар бири ҳарбий мутахассисликдан ташқари, қандайдир яна бир гражданлик ҳунарига эга бўлсин! Агар қизил аскарга мамлакат ичкарисида беш-олти одам қаравиб турса, сизнинг партизанингизга ҳеч ким қараволмайди... Ана шунинг учун ҳам кишиларни шундай танлаш керакки, отряднинг ўз этикдўзи, қурол-яроғ тузатувчи устаси, темирчиси, тикувчиси, дурадгори ва бошқалари бўлсин.

Бу фикр шак-шубҳасиз тўғри. Биз Евгений ва унинг дўстлари — Ветлугин, Янукевич, Литвинов ва Сафонов-

лар билан янги бир ўртоқи отрядга киритишдан илгари сиртдан уни жиддий кузатиб, синчилаб ўргандик. У комбинатда ўз ишлаб чиқариш программасини қандай қилиб бажарди экан, деб қизиқиб қарадик биз. Отрядга дангасаларнинг кераги йўқ! У бирон ташаббускорлик, бирон мътлумот олишга қизиқиш кўрсатганми? Унинг ҳарбий тайёргарлиги қандай? Ҳарбий мутахассислиги борми, қаерда туғилиб ўсган? Ҳар тарафлама ўргандик... Бизга, айниқса, тоғ этагини яхши биладиган ва тог этагидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли билан алоқаси бор кубанликлар керак эди.

Ниҳоят отряднинг асосий ядроси танлаб олинди. Биз комбинатда, брон қилиб қўйилган инженер ва техниклар ҳамда яралангани учун ҳарбий хизматдан қайтарилилганлар ичидан турли ҳарбий мутахассисларни танлаб олдик. Биз танлаб олган ўртоқларнинг ичидан яхшигина темирчилар, тикувчилар, қурол-яроғларга қараб турувчилар, дурадгорлар ва бошқа усталар чиқиб қолди.

Биз — тўрт Игнатовлар, яна Янукевич билан унинг хотини Мариялардан бўлак ҳаммалари жубанликлар эди. Кўплари ўрта мактабдагина эмас, балки олий ўқув юртида немис тилини ўқиб чиқишган. Тўққиз киши немис тилини худди рус тилида гапиришгандай сўзлашарди.

Отрядимизга эллик саккиз киши танланди. Булардан етитаси хотинлар эди. Гражданлар урушида жатта тиббий иш тажрибасига эга бўлган Елена Ивановна, бизда «бош» хирург ҳисобланарди.

Қандай қилиб бўлса ҳам, биз яхшигина бир шофер-механикка эга бўлишимиз керак эди. Ростини айтганда жуда яхши шофер бўлтмаса ҳам, ҳар ҳолда ҳаваскор шофер Геня бор эди.

Албатта, тан олиш керак, ҳали у ҳақиқий шофер эмас эди ва шунинг учун ҳам кейинги вақтлар ичida у Краснодарда жуда камдан-кам машина ҳайдаб юрарди. Мана шунинг учун ҳам биз Геня барибир партизан отряди ичida бўлади-ку, деб Евгений билан маслаҳатлашиб, уни шаҳар военкомати қошидаги шофер-механиклар курсига юбормоқчи бўлдик, лекин шу билан бирга унинг олдига алоҳида шарт қўйдик: мактабда яхши ўқийсан ва бир вақтда тўққизинчи синфи ҳам битирасан!

Ундан ташқари, биз Геняга немис тили билан жид-

дий шуғулланиш керактигинн маслаҳат бердик. Бу эса унга разведкачи бўлганида керак бўлиб қоларди. Геня-нинг ёнига муаллима келиб турадиган бўлди. Муаллима ҳафтада уч марта у билан машгулот ўтказди.

Геняга партизан отряди ҳақида гапириб беришга тўғри келди. Чунки биз уни шоферлар курсига ўқишга юбордик, немис тилини ёдлаб олишни мажбур қила бошладик. Табиийки, унда ўз-ўзидан: «Буларнинг менга нима кераги бор?» деган савол туғилади. Шунинг учун энди масалани ундан яшириш бефойда эди.

Мен унга: биз партизанлар отрядига кетяпмиз деган вақтимда, у қошларини чимириб, бир қанча вақт менга жимгина тикилиб қолди. Қейин сўради:

— Демак, биз ҳеч қаерга кетмаймизми? Демак, биз... партизан бўламизми?— унинг юзларига қон югурди. Унинг чеҳраси очилиб кетди, шиддат билан ўрнидан турди ва ниманидир қичқирмоқчи эди, аммо, яна тўхтаб қолди. Фақат эски болалик одати бўйича унинг оғзидан,— эҳ сеними!.. деган ибора чиқиб кетди.

— Геня, сен шуни жиддий тушунишинг ва эсда тутишинг керакки...

— Дадажон, азизим!— деб сўзимни бўлди у,— нима қиласиз менга бундай нарсани гапириб? Наҳотки, мен буни тушунмасам, наҳот сиз мени...

У сўзини охиригача етказмадп, жим бўлиб, хаёлга чўмди.

Кўринишича, Геня ўзига кўрсатилган ишонч учун жуда фахрланди. У ҳатто биринчи кунлари ўзига жиддий тус беришга, катталарга тақлид қилиб йўғон овоз билан гапиришга уриниб кўрди. Аммо унинг Евгенийнига ўхшаш кул ранг мовий кўзлари баҳтиёр нур сочар, ёнар, қаттиқ қиси.лган лаблари эса, табассумнинг ихтиёрига қарши келотмас эди. Эҳтимол, у орзу оғушида ўзини аллақачон бирор ердаги қадам етмаган тоғ ораларида фашистларга қарши бир неча мартаба курашган партизан деб ҳис қилгандир...

Ҳа, унинг ҳиссиёти тушунарли! Ахир Қизил Армия сафиға чақирилишига ҳам салкам икки йил бор бўла туриб бирдан, кутилмаган бир пайтда у партизанлар билан тоққа чиқиб кетади! Бунинг устига ҳамиша ҳамма ишда унга ўрнак бўлиб келган отаси, онаси, акаси ёнида бўлади! Геня гапиришда ҳам, юриш-туришда ҳам Евгенийга тақлид қиларди. Ҳатто сочларини ҳам Женя-

га ўхшаб тараб, бир хил ҳаракатлар қилиб юрарди. Яна у ўзини келажакда инженер-конструктор бўламан деб ишонарди.

Эҳтимол, Геняга ўз юрагини ҳаяжонлантирган, ҳаётини тўлдирган нарсаларни гапириб, ўзаро ўртоқлашишга одатланиб қолган сирдош комсомол ўртоқларидан энди бу сирини яшириш осон бўлмаган бўлса керак. Яна бунинг устига улар бирдан унинг «Партизан» бўлиб қолганини билишиб қолса, бу уларнинг олдиларида қанчалик ўсиб кетган бўларди! Партизан!.. Ахир бу сўз ёнгилмас ҳалқнинг курашга бўлган мустаҳкам иродасини, унинг қаҳрамонлигини, ўз манфаатларидан воз кечишини, унинг шон-шавкати ва жасоратини — совет кишиларининг барча яхши фазилатларини ўзида акс эттиради-ку!

Геня комсомол сафида бирга ўсган ориққина қора сочли, қўй қўзли қиз — дўсти Динага ҳам ҳеч нарса айтмади. Ҳа, эҳтимол, отряд билан тоққа чиқиб кетмоқчи бўлганини ҳаммадан ҳам унга айтишни хоҳлагандир... Лекин...

Агар янгишмасам, ўша кезларда икковлари бирликда рус ҳалқининг чет эл босқинчилари билан кураши ҳақида доклад қилишга тайёрланаётган эдилар. Дина кечки пайт Генянинг олдига тез-тез кириб турар, улар бир-бирлари билан маслаҳат қилишар, материалларидан бирга фойдаланишарди.

Мана, айвоннинг эшиги ғижирлади.

— Мумкинми? — деган Динанинг майин овози эшилтилди.

— Қиравер, марҳамат! — деди Геня ва қатъий развишда қўшимча қилиб қўйди: — Бугун етти минут кеч қолдинг!

Шу заҳотиёқ қизнинг юзи қизариб кетди, ҳайрон бўлиб ингичка қошлари тепага кўтарилди:

— Ундай эмасдир, Геня!

— Ахборотинг учун шундай...

Улар аллақачон столга керакли китоблар ёйиб қўйилган Генянинг хонасига ўтиб, ишга киришишди.

Орадан бир-икки соат ўтди, ниҳоят Динанинг кетадиган вақти бўлиб қолди.

— Мен... Дакс билан чиқиб сени кузатиб қўяман! — деди Геня.

— Вуй, Геня, йўқ! Нима учун? Ҳеч бир кераги йўқ!

Қизнинг юзларига яна қон югуради, у ерга қарайди;
Генянинг кузатиб қўяётганлиги унга ёқарди.

— Қани, Дакс, кетдик!

Дакс ҳамиша тайёр. У тилини чиқариб, жағ томонига осилтириб, олдинга югуриб ўтиб кетар, ёш хўжайнининг юзига қараб қўярди.

— Вой, Геня-ей... жуда қизиқсан-да! Мен ўзим ҳам қўрқмасдан кетаверардим.

— Бўпти, бас қил. Кўча шу қадар қоп-қоронфики,— деган овози эшитилди Генянинг айвондан,— эҳтиёт бўл. Мана бу ерда зина бор! Қани, қўлингни бер-чи... Ҳа, ана шундай.

Дина бизга яқин ерда турарди. Геня ярим соатдан кейиноқ уйда бўлди.

Тўсатдан Динанинг ўз оиласлари билан Краснодардан Куйбишевга кўчиб кетишлири маълум бўлиб қолибди. Қизча хайрлашиб кетиш учун бизнинг олдимизга келди; у ғамгин эди, ҳатто бир оз йиглаб олганга ҳам ўхшайди.

— Ҳа, сен кетмайсанми?— деб сўради у Генядан.— Ахир мен ҳам кетаман деб гапирган эдинг-ку, ўзинг!

— Менми?.. Ҳа... Йўқ, Дина... Ҳалиги нима ҳам эди, ҳа, биз ҳам кетамиз!— Геня гангиб қолди, қизарип кетди: у ёлғон-яшиқ гапиришни билмасди.

Елена Ивановна унга кўмаклашди.

— Биз ҳам кетамиз. Лекин бир оз кейинроқ,— деди у Динага.

— Эсингда бўлсин, Геня, менга хат ёзиб тур! Тез-тез ёзиб тур!

— Албатта, Дина! Албатта ёзиб тураман. Эртага эса кузатгани вокзалга ҳам чиқаман.. Сенинг поездинг қачон кетар экан?

Динани қоронфи кўчалардан уйигача кузатиб қўйиб қайтган Геня, ўз хонасига кириб, эшигини маҳкам ёпди.

Мана, эшик орқасидан унинг секингина овози эшитила бошлади:

Айт-чи, қайга йўллайман хатим,
Кимдан билай кетган йўлнингни?..

* * *

Генянинг қиладиган ишлари кўп эди. Лекин ҳали ҳам унда танкка бўлган илгариги қизиқиш совимаганди.

Бўш вақтларидан маълумотномаларни, техника китобларини титишда, варақлашда давом этарди.

Бир кун ундан сўрадим:

— Менинг кутубхонамга кириб эгалик қилаётган сенмисан?

— Ҳа, мен.. нима қилди, мумкинмасми?

— Бу аҳволда ўқишингга зарар етмаса деб қўрқаман.

— Ҳечқиси йўқ! Болалигига Женяни ҳам ҳамма «китобхон бола» деб чақиришарди, барибир ўшанақа масхара қилишса ҳам аълочи бўлди-ку!

Мен, ҳозирги вақтда, Ватанимизда ҳамма ўз кучини сўмай меҳнат қилаётган бир паллада, унинг дастлаб ўз бурчи ҳақида ўйлаши кераклигини гапирган эдим, у буни яхши тушунишини айтди ва шу билан гапимиз тугади.

Елена Ивановна госпиталдан эндиғина келиб турган эди. Стол устига дастурхон ёза туриб, у ўтган кечаси соат учлар пайтида Генянинг хонасида чироқ ёниб турганини шивирлаб айтиб берди. Кирса, Геня танк ҳақидаги қандайдир бир кичик китобчага тикилганича ўз ёрида ётгай экан. Унинг аччиғи келиб, тезда чироқни ўчиришни буюрибди. Шунда Геня онасига ўз сирини айтиб берибди:

«Ойижон, буни тагин Женяга ва дадамга гапириб юрманг, эштишса яна мендан кулиб юришади... Биласизми, мен бир нарса ҳақида ўйлаб юрибман: отрядимизнинг ўз танки бўлиши керак! Биз уни фашистлардан қўлга тушириб оламиз... Мана шунинг учун ҳам мен уларнинг танкларининг ҳар бир винтини, дастагини ўрганиб, билиб олмоқчиман. Сиз бўлсангиз ухлагани ётгин, дейсиз...»

Елена Ивановна унинг бу сўзига нима деб жавоб берга олишга лол қолганлигини айтди.

Шундан менга маълум бўлдики, хотиним ўғлининг ёнини оларди.

Аммо кутилиши мумкин бўлган воқеа юз берди: Геня мактабда ўқишдан оқсай бошлади. У билан жиддий сұҳбатлашишга тўғри келиб қолди. Мен унинг ўзи ҳам ҳаммасини тушуниб турганини, мактабидаги баъзи бир етишмовчиликлар унн қийнаётганини кўра-била туриб яна сўрадим:

— Геня, сен ҳар бир комсомолиниг шу кундаги ва-

зифаси нимадан иборат эканлигини қандай тушунасан?

— Ватанни озод қилиш учун, тўла ғалаба қозониш учун қатра қони қолгунча курашиш!— деб жавоб берди Геня. Унинг кўзлари чақнарди.

— Шундай... лекин бу фронтда шундай. Хўш, комсомолнинг мамлакат ичкарисидаги вазифалари ҳақида нима дея оласан?

— Мамлакат ичкарисидами?.. Мамлакат ичкарисида ҳам — худди шундай бутун кучни мудофаа ишига бериш...

— Мана сен бўлсанг ёмон ишлайпсан!— дедим мен ва шу заҳоти кескин гапириб қўйганимга ачиндим.

Генянинг рангги ўчиб кетди. Кейин унинг юзларига яна қон югурди. У хафа бўлиб деди:

— Дада, сиз мени жуда яхши биласиз деб ўйлардим.. Мен ўқишидан оз-моз совиб қолдим, буни бўйнимга оламан. Аммо ҳали имтиҳонгача аллақанча вақт боркү! Менинг ҳисобимча шундай: икки ой немис тили ва моторни ўқиб ўрганишга кетади. Кейинги ойлар ичida эса мен имтиҳонга юз марта тайёрланишим керак бўлса ҳам улгура оламан. Женя институтнинг иккинчи курсига кириш учун икки ой ичидаёқ тайёрланиб отди-ку!

Ў менинг елкамга бошини қўйди ва оҳиста, худди ёш болалигидагидек, зорланиб гапириди:— Сиз... Сиз буининг устига яна шундай гапларни гапирасиз...

Биз бир-биризнинг кўзимизга тикилишиб қарапдик, баъзи вақтда бундай қарашда кўнглидаги муродини сўздан кўра осонроқ тушунтира олади, киши. Мен, тўғрисини айтганда, Генянинг бўй жиҳатидан мендан ҳам ўсиб кетганини биринчи маротаба пайқаб қолдим. Евгений қандай новча бўлган бўлса, бу ҳам худди шунинг ўзи бўлибди қўйибди.

Авваллари Геня кўп ухлашни яхши кўрарди, энди эса соат бешдаёқ тура бошлар, тез-тез чой ичиб кетиб қоларди.

— Нима учун сен курсга бу қадар жуда барвақт жўнайсан?— деб сўраб қолди бир кун ундан Елена Ивановна.

— Шундай қилмасам бўлмайди, ойижон,— деб жавоб берди у,— мен синф бошлиғиман. Машғулот ўтказиш учун ҳамма нарсаининг таҳт бўлишига қарашим керак.

У бир мактабдан чиқиб иккинчисига шошиларди.

Кейинроқ баҳор пайтларида Геня учун ўрта мактабда ҳам ва шофер-механиклар тайёрлаш курсида ҳам — икковида бир вақтда имтиҳон топширишга тўғри келиб қолди. У уйга икки хил: бири тўққизинчи синфни битиргандилиги, яна бири шоферлар тайёрлаш курсини тамомланганди ҳақида справка олиб келди. Худди шу пайтда Евгений бизникida эди. У Геняни ўз қучоғига босди ва шундай деди:

— Баракалла! Бизларни уялтириб қўймаслигингга сира шубҳа қўлмаган эдим!

Акасининг бу сўзлари одатдаги сахий мақташлардан эмасди. Шунинг учун у Геняни шодликдан қизаришга мажбур қилди ва у шу заҳотиёқ ўз хонасига кириб кетди.

Орадан бир неча минут ўтгандан жейин, унинг олдига кириб қарасам, очиқ китобга юзини қўйганча стулда ўтириб қаттиқ ухлаб қолибди. Секин оёқ учиди юриб унинг ёнига келдим. Бу 1812 йилдаги қаҳрамон-партизан Денис Давидовнинг «Партизанлар ҳаракатининг кундалиги» номли китобининг эски нашри экан... Генянинг толиққанлиги кўриниб турар, кўзларининг таги кўкимтири тус олган, пешонасида ажин аломатлари кўринарди. Тимдаланган ва тилиниб ётган болалик қўлларида бўёқ мойининг ювиб бўлмас доғлари бор эди.

Биз бутун умр бўйи, бизнинг болаларимиз озод ва баҳтиёр бўлиб яшайдилар деб орзу қилган эдик, энди бўлса ҳаётни курашиб сақлаб қолиш ҳуқуқи уларнинг ўз зиммаларига тушди... Мен қўлларим билан Генянинг соchlарини силадим ва шундай дедим:

— Геняжон, сен диванга бориб ётсанг бўларди.

Сезгир ўғлим сапчиб ўрнидан турдп, бир-икки дақиқа у ёқ-бу ёғига аланглаб қараб олди. Кейин диванга яқинлашди-ю ва унга табассум билан узала тушиб ётиб олди, ҳатто оғир ботинкасини ҳам ечмади...

* * *

Елена Ивановна ҳарбий касалхона навбатчилигидан анча кеч, ўзи парвариш қилиб, қараб даволаётган беморларнинг чекаётган азобларидан изтироб чеккан, эзилган ҳолда жуда ҳорнб қайтди. Даҳлизда уни Геня Дакс билан кутиб турарди:

— Чарчадингизми, ойижон? Жуда ҳам кеч қайтдингиз!.. Миленушкинни нима қилишди, осколкасини олишдими? Егор Иванович ҳали ҳам олмадими?

Геня ҳарбий касалхонада Елена Ивановнанинг қўлида даволанган жуда кўп ярадорларни биларди; ким қандай вазиятда, нима важдан ярадор бўлганини, нима нарсага муҳтоҷ эканликларини биларди ва бу уларни фақатгина онасининг ҳикоясидангина эмас, балки Елена Ивановна навбатчилик қилганда, унинг ўзи бир неча маротаба борган эди. Ҳар борганда у ярадорларга газета ўқиб берар, уларнинг хатларини ёзиб бериб ҳожатини чиқарар ёки бўлмаса оиласи, уйини соғинган кишилар билан суҳбатлашиб ўтириб қайтар эди.

Бошидан яраланган капитан Егор Иванович Постоевнинг Геня билан тенг ўғли бор экан. Бу баҳтсизликни қарангки, капитаннинг оиласи Курскдан бошқа шаҳарга кўчирилган, аммо қаердалиги маълум эмас. Шунинг учун ҳам капитан совет ерининг ҳар қайси бурчакларига оиласининг қайдалигини билиб беришни сўраб юборган талаб хатларига ҳар куни жавоб хати кутаркан...

— Ойижон, диванга ўтиринг. Мана, шиппакни кийинг. Овқатни иситдим, ҳозир олиб келаман... Дадамми? Ҳали ҳам овқатлангани келганлари йўқ.

У стол атрофида онасига қарама-қарши ўтириб ва унинг иштаҳасиз овқатланётганига тикилган ҳолда хафа бўлиб гапиради:

— Ойижон, нега сиз камтомуқсиз? Кўп ишлайсиз-ку! Ҳеч нарса емайсиз. Бундай қилиш ярамайди!— дейди у ва бир оз жим туриб, кейин сўрайди:— Бугун сиз «Правда»ни ўқидингизми?

Унинг нима ҳақида сўраётганини Елена Ивановна дарҳол тушунади.

— Ўқидим, Геняжон... ўқидим. Бутун ҳарбий касалхонамиздагилар ўқиб чиқиши. Ҳатто, одамлар қандай изтироб чекиб, ҳаяжонланганини айтиш оғир... Федорчукни эслайсанми? Ӯша младший лейтенант ўқиб туриб, йиглаб юборди-я! «Менинг синглим ҳам шунақа эди»,— дейди. Ҳақиқатан ҳам шундай Геня; у сенга опа, менга эса жонажон қиз!.. Ўйласалг, даҳшатга тушасан!

Елена Ивановнанинг юзида кўз ёшлари дув оқиб тушади. Геня онасини йиглаган ҳолда кўришга ўрганмаганиданми — ўрнидан сакраб туради ва қулоқлайди:

— Ойижон, қўйинг, йиғламанг, керак эмас.. ойижон! Биз улардан ўч оламиз, улар бу барча ёвуз қылмишлари учун, Таня учун, бошқалар учун ҳам тўла жавоб беради!

Шу куни «Правда» газетасида П. Лидовнинг Петришчево қишлоғида немислар томонидан азобланган партизанка қиз ҳақидаги «Таня» деган мақоласи босилганди ва шу билан калтак азобидан мўматалоқ бўлиб шишиб кетган, аммо шу қадар ёш, чиройли, иссиқ юзли бу қизнинг бўйнига жаллод сиртмоғи солинган ҳолдаги сурати ҳам қўшимча эълон қилинганди.

Январнинг союқ шамоли ҳаҳрига олиб эсиб турган ўша кечаси, жипс қилиб ёпилган ойнавонли ярим қоронғи уйдати диванда бир-бирининг пинжига қисилишган ҳолда она-бола ўтиришарди. Улар бошқа ҳеч нарса ҳақида гапиришмади, энг муҳими шу эдик, улар ёнма-ён бирга эдилар...

Кейинроқ, бу номини, Таня деб юритган қизнинг Москва мактаб ўқувчиларидан бири Зоя Космодемьянская эканлиги маълум бўлган ва унинг ёрқин образи совет халқларининг юрагидан муқаддас жой эгаллаган бир вақтда, Геня ўз столи тепасига унинг суратини тоинб, осиб қўйди.

Геня қора сочи калта қирқилган, истараси иссиқ, кўзларининг мулойим, оқилона қарашлари билан киши юрагида чуқур из қолдирадиган қизнинг сурати олдида узоқ вақт термилиб қоларди.

Яна ҳамиша то биз Краснодардан кетгунимизча Зоянинг сурати тагида ё эндиғина барг чиқарган ёпиш-қоқ каштан дарахтининг кичкина шохчаси, ё бўлмаса оқ барглари тез титилувчан олча новдаси, ёки оч бинафша ранг сиренъ гулнинг бир бойлами қадаб қўйилган бўларди.

* * *

Биз отряд ташкил қилинишининг биринчи қадамидан бошлаб токи тоғ этакларига чиққунимизча ҳарбий тайёргарлик ишига катта эътибор бердик. Ахир одамларни ҳаммадан илгари отишга, қурол билан муомала қила билишга яхши ўргатиш лозим эди. Отряд-

дагиларнинг ҳаммаси отишни бир хилда қойил қилишолмагани, баъзилари қийналгани туфайли биз бу ишга кўпроқ вақт ажратдик. Авваллари ТИРда отишиб ўргандик, кейин комбинат орқасидаги яланг жойга чиқдик. Қейинчароқ эса даладаги отиш машғулотига қатнаша бошладик. Отрядда ҳамма ҳаракат қилувчи, нишонга ўқ узид беш очконинг камидаги тўртгасини мўлжалга тегизадиган бўлиб қолишишга, Ветлугин ҳазил қилиб айтгандай «ўмон ҳаво билан отишгани» ёмғир, туман, қаттиқ шамолда ҳам ҳар қандай бошқа машғулотни йигишириб қўйиб, шаҳардан ташқаридаги кенг майдонга отиш машғулотига чиқардик.

Милтиқнинг ҳар хил турларнда отишни билишга ҳаракат қиласардик, немисларни кунни ҳам зўр иштиёқ билан ўрганардик. Биз душманларнинг орқа томонида қолганимизда, унинг қуроли билан ўзига қарши курашишга тўғри келишини ҳисобга олиб қўйгандик. Ҳаракат қилувчи — ўрмаловчи танк макетига гранаталар ва суюқ ёнилғи моддалари солинган шишалар ташлашни ҳам ўргандик.

Биз билан машғулот ўтказган инструкторнинг таъбирича Евгений «Туғма снайпер» эди. Ҳакиқатан ҳам у аъло даражада отарди. Геня айниқса, дастлабки кайтларда ундан жуда орқада қолиб кетди. Унда акасидан каби совуқонлик, чидам етишмасди. Айниқса бизнинг отиш қобилиятларимизни билиш-аниқлаш учун ўтказилган биринчи синовда, Надя Короткова билан тенг бўлиб қолишига сал қолган пайтда, бу муваффақиятсизлик Геня дилини қанчалик ранжитганини тасвирлаб бериш ҳам қийин.

Отрядимизда бир комсомолка қиз бор эди. У комбинат механика устахоналарининг бухгалтери лавозимида ишлаган, қадди-қомати келишган, кўркам қиз (Кубань қишлоқларида бундай зеболар ҳақида «онаси сутга чайиб олган» деб галиришадиган қизлардан) эди. У жамдан-кам учрайдиган вазмин, мулойимлик хислатлари билан кишилардан ажралиб турарди. Лекин у жуда ҳам ёмон отарди: кичик калибрли пистолетдан отганида ҳеч бўлмаса нишондаги қора «олмача» ёнидан ҳам эмас, нишон ёнидан аллақаёқларга, «нариги дунёга» дегандай, орқама-орқа ўқ узарди ва тегмаганига зиғирча ҳам бўлса ташвиш тортмасди. Инструктор фақат қўйини силтаб қўяқоларди.

Бир кун Надя отаётганида унга ёрдам бергани Евгений қошига келди.

— Қани, яна бир марта шошмасдан, ҳовлиқмасдан ҳаракат қилиб кўрайлик-чи,— деди у.

— Мен ҳали ҳам ҳовлиқаётганим йўқ!— деб оҳангдор қилиб жавоб берди Надя.

Унга Евгений қўлни қандай тутиш ва қандай қилиб нишонни мўлжалга олиш кераклигини узоқ ва ҳар томонлама тушунтириб берди.

Шундан кейин Надя отиб юборган эди... Мўлжалга тегди!

— Мана қўрдингизми?!— курсандлик билан хитоб қилди Евгений.

— Бу тасодифан тегиб қолди,— деб совуққонлик билан жавоб берди Надя.

Қиз ҳақли бўлиб чиқди. У шу куни ҳаљиги биттадан бошқа бирор марта ҳам нишонга тегизолмади.

Уз навбатини сабрсизлик билан кутаётган Геня акасига оҳистагина деди:

— Тушунолмадим, Надя учун бунчалик куйиб-пиншишнинг нима ҳожати бор экан! Ахир, барибир ундан ҳеч бир натижа чиқмайди...

Евгений индамади. Отиш навбати Геняга желди. У отди, лекин нишонга тегизолмади. Яна бир марта отувди, яна нишонга тегмади. Унинг бешта ўқидан биттаси нишонга тегди, холос, Генянинг қўллари титрар ва кичик калибрли пистолетни партизан Ермизиннга топшираётган вақтида унга тикилган кишининг жуда ҳам раҳми келарди. У бир четга чиқатуриб иложи бўлса Евгенийнинг кўзига кўзини туширмасликка уринди.

Ермизин аъло даражада отди: ўқни нишонга жетмакет қадади. Танаффус чоғида унинг ёнига Надя Коротова келди... Унинг одатдаги оғирликлари қаерларда қолиб кетди денг!

— Сиз отгандай ота билиш — бу, баҳтдир!— деди у Ермизинга.— Мени оталиққа олишингизни сиздан илтинос қиласман!.. Мен ўрганиб оламан деб сизга ваъда бераман. Комсомолка яхши ота билиши керак!

— Надяга қойил!— деди Евгений Геняга,— у сўзи нинг устидан чиқади!

Геня қизариб кетди. У акасининг сўзига жавоб қайтармай, Ермизиннинг ёнига яқинлашди ва қатъий деди:

— Ўртоқ Ермизин, мен ҳам сиздан... мени ҳам мана бу Надя билан бирга... Үқитишга олишингизни сўрайман!

Албатта, Ермизин комсомолларнинг илтимосини қайтармади.

«Меҳнатнинг таги роҳат» дейдилар-ку! Вақти-соати келиб Геня яхшигина отувчи бўлиб олди. Надя эса отряддаги снайперлар группасига ҳам қатнай бошлади.

Дастлабки вақтларда Геняда ҳар бир онгли жангчининг хислатларидан бирн ҳисобланган қурол-яроққа меҳрибонлик, «ҳурмат билан» муносабатда бўлиш кўринмади. Бир кун у менга: инструктор мени ҳамманинг олдида «уялтириди» деб шикоят қилиб қолди. Унга ўргамчик милтигининг магазинний каробкаси қопқоғида занглаб қолган кичкинагина доғни кўрсатган экан.

— Доғнинг катталиги ҳам нўхатдай келмайди. Гапнишга гап топилиб қолди инструкторга — бу, инжиқлик! — деб елкасини қисди Геня.

— Йўқ, Геня, бу инжиқлик эмас! — дедим мен.

Мен унга, биз Петроград ишчилари 1917 йилда Октябрь жангига тайёрлана туриб, қизил гвардия отрядида ҳарбий машғулотларга қандай тайёрланганимизни, қандай ўқиб-ўрганганимизни ҳикоя қилиб бердим. Ўшанда, инструкторларимизнинг ичидаги 1905 йилда Шуе шаҳрида Михаил Васильевич Фрунзе томонидан ташкил этилган ишчилар дружинасида биринчи маротаба жанговарлик таълимими олиб, тобланиб чиққан бир кекса ишчи бор эди. У, Фрунзе ишчиларни қандай қилиб революция жангига тайёрлаганини эсга туширишни, биз эса унга қулоқ солиб, эшитиб ўтиришни яхши кўрардик.

Фрунзе шаҳар четидаги жар ёқасида бўлажак жанговар курашчиларни милтиқни ўқлашга, мўлжалга олишга, браунинг ёки оғир маузерни қўлда қандай тутишга, ўқни қандай узишга ўргатарди. Фрунзенинг ўзи аъло даражада отарди. У чап қўйини букиб, тирсаги усттига маузерни қўяр, эҳтиётлик билан мўлжалга олар ва юз қадам масофадан туриб ўқни ўқ билан уради. Фрунзе ҳаммадан ҳам қурол-яроққа бефарқ қарашга, ёмон муносабатда бўлишга қарши эди, бу масалада қаттиқ туради. Бир кун дружина аъзоларидан бирининг револьвер дастаси кертиқ-кертиқ бўлиб қолганини қўриб қолди.

— Нима қилдинг, бу билан миҳ қоқдингми?— деб сўради у.

У ҳазил қилмоқчи бўлиб турган эди, аммо Фрунзенинг авзойи ўзгарганини кўриб тилини тишлади.

«Сенга нима ёбўлди, ахир! Қурол-яроғнинг қандай қийинчилик билан қўлга келишини биласанми ўзинг?»

Фрунзе ҳақли эди. Қурол-яроғ жуда қимматга тушар эди. Қўргина қаҳрамон кишилар ишчилар дружинасини қурол-яроғ билан таъминлаш учун ўз жонларини фидо қўилган эдилар.

— Геня,— дедим мен, ҳикоямни тамомлаб,— бу қуролни сенга ўзини ҳимоя қилишинг учун Ватан берди, бу қатта шараф. Мана, энди сен ҳам уни худди кўз қорачигингдай авайлаб сақлашпиг, ардоқлашнинг керак!

Мен бундан кейин ҳеч вақт, ҳатто партизанлар ҳаётининг энг оғир пайтларида ҳам Геняниңг ўз қурол-яроғига бефарқ қараган, ёмон муносабатда бўлган вақтларини билмайман. Йўлда, тўхтаган жойларида зерикмасдан, эримасдан, чўнтағидан латтани олиб кара-биннинг тўқ гунафша раңгда тобланиб турган металл қисмини ялтиратиб ўтиради.

* * *

Январнинг охирларига бориб отряднинг состави асосан аниқланди. Биз энди бўлажак партизанларнинг матонатини, чидамлилигини биринчи маротаба синааб кўришга қарор қилдик. Биз атрофимиздаги ўрмонларга кириб, «дushmanга ногаҳон ҳужум қилиш» машқини ўтказдик.

Геня бунга алоҳида, батафсил тайёргарлик кўрди. Унга ўтган кузда ҳарбийлашган комсомол-ёшлар походига қатнашгани фойда берди: анча нарсаларни ўрганиб олган экан. У менга ўз таъбири билан айтганда бир қанча «амалий маслаҳатлар» берди.

Тонгда шаҳардан чиқиб кетдик. Январь ойи бўлсада, қуёш кўтарилиши билан сезиларли равишда баҳор нафаси келарди. Пўрсилдоқ Кубань ерлари куннинг ярмига бориб эриб кетар, унинг парча лойлари этигимизнинг ҳамма ёғига елимдек ёпишиб кетарди.

— Оёқ билан оғирликни қўтариш машғулоти бу,— деб ҳазил қилиб гапирди, сира хафачиликнинг кўчасидан ўтмаган Ветлугин, хотинларға раҳмдиллик билан қараб.

«Кўярмиз ҳали,— деб ўйладим мен,— қайтишда ҳазиллашишга ўрин қолармикан, йўқмикан!..»

Бизни комбинатнинг савдо-сотиқ ишлари бўйича директори Петр Петрович Мусъяченко бошлаб борарди. У қирқларга яқинлашиб қолган бўлса ҳам, лекин хушчақчақ табиати уни яшартириб юборгандек туюларди. У комбинатга ишга кирганига қадар сурункасига ўн беш йил Қавказ тоги этакларида геологик қидирув партиясининг бошлиғи бўлиб ишлади. Яқин станциялардан бирида туғилиб ўсган Мусъяченко бу тоғ этакларидаги ҳамма йўллар ва ҳайвонлар юрадиган сўқмоқларни жуда яхши билганидан бошлаб борарди-да!

Геня ўзини унга яқинроқ олиб юришга ҳаракат қиларди: бу қувноқ, тетик одам унга ёқиб қолганди.

— Тўхтанг!— деб команда берди Мусъяченко, шаҳардан уч-тўрт километр узоқлашиб қолган пайтимизда,— огоҳлантириб қўйя: қайтишда ҳам худди мана шу йўлдан келамиз, аммо мен бошлаб келмайман. Марҳамат қилиб йўлни синчиклаб ўрганиб, белгилаб боринглар. Мана, шу дўнг ерга шохча тиқиб кетаман. Ўртоқ Литвинов, эртага кечқурун мана шу шохчани шу ердан сууриб олиб келиб қўлимга топшириш вазифаси сизга юкланади!

Литвинов ҳайрон бўлиб, қўлларини икки томонга ўйди. Кулги эшигилди.

— Сиз ҳазил қиласпиз, ўртоқ Мусъяченко!— ёлворган оҳанга деди Литвинов.— Ахир атрофда белгилаб оладиган ҳеч қандай нарса йўқ — тап-тақир дашт-ку! Бу ердан шох-шабба қидириш, денгиздан янтоқ қидиргандай гап!

— Белгилаб оладиган нарса йўқ деганинг нимаси,— деди ажабланиб Мусъяченко,— яхшилаб кузатиб боришини ўрганинглар. Қаранг: фарбий-шимолий томонда уч километрча нарида силос минорасининг чўққиси кўриниб турибди. Шимол томонда кичик бир қўргон. Йигирма қадам орқароқда эса йўлнинг ўнқир-чўнқирлари бор. Бугун у ердан арпа ортилган уч тонналик машина ўтди, ўша ўнқир уни жуда ҳам қаттиқ кўтариб ташлади; бир тўда чумчуклар оёғимизнинг тагидан бекорга пириллаб учиб кетишмади. Ҳеч бўлмаганда шохчалардан йўл устига тикка қилиб ғов ташлаб қўясизлар.— У рақамлар чекилган телеграф сим ёғочига ўзини уриб, тўхтаб қолади.

Геня айтилган ҳамма нарсани эслаб қолиш учун Мусъяченконинг сўзларини диққат билан эшилди.

Сўнгра Мусъяченко шундай бир машғулот ўтказди. У тўдани занжир каби тизиб чиқди ва ҳар бирини олдинда кетаётган этикларнинг худди изидан босиб юришга мажбур қилди. Чиндан ҳам, энди ҳар қандай тажрибали изтопар ҳам бу ердан кўп одам ўтган деб айтолмас эди.

Кечга яқин ўрмонга кириб бордик. Ўрмон ичида ҳали қиши ҳоким эди. Дараҳт осталарида оппоқ қор ва унда ҳар томонга қараб кетган қуён оёғининг анчагина излари ётарди. Ўрмон жимжит. Озгинагина шитирлаган овоз ҳам узоқ атрофдан эшитилаётгандай туюларди.

— Қани, дўстлар, шундай қадам босайликки, оёғимиз тагидаги шохчалардан биронтасининг ҳам шарақашуруғи шитирламасин,— деб таклиф қилди Мусъяченко.

Геня, ўрмон ичидан ҳар дақиқада душман пистирмаси чиқиб қолиши мумкинлигини кутгандай, қуюқ дараҳт соялари ястанган йўлга ҳушёрлик билан тикилганича, чарчоқ қадам ташлаб, сирпаниб, қаддини сал букиб, олға энгашиб борарди.

Мусъяченконинг:

— Диққат!— деган секингина овози эшитилди,— бу ердан яқинда, бир одам ўтибди. Қани айтинглар-чи, буни қаёқдан билиш мумкин?

Геня, Мусъяченко томонидан берилган топишмоқни ечишга ҳаракат қилиб, теварак-атрофга аланглаб қаради. Ҳа! Сўқмоқ йўл устида синдирилган дараҳт новдаси ётипти. Яқингинада наъматак бўлиб, унинг бутоғидаги қорлар дув тўкилган ва бир тутам сомон парчасигина шамолда силкиниб осилиб турипти. Геня ана шу белгиларни кўрсатиб ўтди. Мусъяченко қаноат ҳосил қилиб, бошини қимирлатиб қўйди.

Қош қорая бошлади, совуқ турди. Ҳаммалари чарчашди, анча совқотишиди. Аммо ҳеч кимда қалтираш, куч ва мадорнинг тугаши каби ҳоллар сезилмади. Геня энг охири «ўз оёғини сезмай қолганига» тан берди, у шундай совқотаётган эдики, тиши-тишига тегмасди.

Ўрмон борган сари қуюқлашиб, юриш қийинлашиб борарди. Ҳамма ёқ зулмат пардасига ўралди. Бирдан дараҳтлар орасидан милтиллаб ўт ёруғи кўринди. Бирор уч дақиқалардан сўнг биз ўрмон қоровулининг кичкинагина бир ёнга қараб қийшайиб турган кулбаси

ёнига бордик. Мусъяченко мильтиқнинг қўндоғи билан эшикни тақиллатди ва ҳазилона-даҳшатли йўғон овоз билан қичқирди:

— Оч!

— Ҳозир, Петр Петрович, ҳозир!— деган кекса одамнинг овози эшитилди ичкаридан.

Эшик очилди-ю, йўлакда кичкинагина, мошгуруч соқолли, нимжон бир чолнинг гавдаси кўринди.

— Хўш, Гаврило бобо, нима қилиб юрибсан, колхоз сомонини ташиб оляпсанми?

— Ҳа, Петр Петрович, сени унинг устига чиқариб қўйиб ухлатиш учун олиб келяпман.

— Нега ойналарни беркитмадинг? Душман авиацияси пайқасин демоқчимисан?

— У бугун келолмайди — ҳаво булат! Сен адашиб юрмагин деб олов ёқиб қўйдим. Сенинг қелишга ваъда қилганингни эсимдан чиқарганим йўқ... Э, ҳа ростдан ҳам, сен бир ўзинг эмассан шекилли?

Кулба ичи топ-тоза ва иссиқ әди. Ўрмончи самоварга олов солиб пуфлашга бошлаган әди, аммо Мусъяченко уни тўхтатди:

— Уринмай қўя қол, бобо! Бугун меҳмон бўлиб ўти-ролмаймиз. Ҳатто ўз асалинг билан ҳам бизни қизиқти-ролмайсан!

Йўлга чиққанда ҳеч нарса ичмаслик ва емаслик ҳақида бошданоқ бир қарорга келиб олинган әди.

Ҳақиқатан ҳам бизлардан биронтамиз унга меҳмон бўлмаслигимизни тушунгач, чол хафа бўлганидан сал бўлмаса йиғлаб юборай деди.

— Ҳа, сен-чи, йигитча,— деди у энг кичик бўлгани учун Геняга мурожаат қилиб:— Наҳотки сен ҳам менинг асалимдан тотиб кўрмасанг. Менинг асалим шундай асалки!..

— Раҳмат, раҳмат, буважон!— деб кулиб жавоб берди Геня.— Йўқ, мен... мен хоҳламайман.

— Қандай қайсар одамлар экан-а!— деб ғамгин хўрсинди бобо.

Бобо бизлар ўрмонда қурол билан бекордан-бекорга ўйнаб юрмаётганимизни фаҳмлади. Лекин биздан ҳеч нарса ҳақида сўраб-суриштириб ўтирмади.

Дам олиб ва бир оз исиниб олга, яна келган изимизга қараб қайтдик. Энди бизни Евгений бошлаб борарди. Дарахт ва буталарнинг шохига тегиб кетмаслик

учун яна кетма-кет бўлиб юриб келардик. Душман эгилган ва синдирилган бутоқлар орқали осонгина кишининг изига тушиши мумкин. Кечаси ҳаво булатли бўлди, бу эса Мусъяченкога, Евгенийнинг юлдузларга қараб яхшигина йўл топиб олиш-олмаслигини текширишга халақит берди; Евгений компасга қараб бошлаб борди.

Эрта тонг пайтида кечагина босиб ўтган дашту биёбонга чиқдик. Геня шохчаларни ахтариб топгиси келганди. Лекин Ветлугин бу ишда ундан ўзиб кетди.

Умуман айтганда биринчи имтиҳондан ҳамма яхши ўтди. Албатта кишилар анча чарчашди. Лекин ҳеч ким касал бўлмади ва шикоят ҳам қилмади. Бизнинг бу синов учун ўтказилган юришга чиқишимиз нотаниш жойда йўл топа олиш, ҳар қандай аломат ва изларни аниқлай билиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатди.

Евгенийнинг таклифи билан албатта ўша Петр Петрович раҳбарлигига «Ўрмон семинария» ташкил қилинган эди. Мусъяченко бу семинарда бизни нималарга ўргатмади дейсиз. Компас биз учун худди чўнтақ соатидай олиб юрадиган расмий нарса бўлиб қолди. Биз юлдузларнинг номларини, ҳатто уларнинг осмонда туннинг қайси пайтида чиқишилари ва қайси пайтда ботишларини ҳам ёдлаб олдик. Мусъяченко бизга, дарахтнинг илдизига қараб шимол ва фарбни қандай аниқлаш, тоғда тўнгиз изи билан бориб ичиладиган сувни қандай қилиб топиш мумкин эканлигини ҳам айтиб берганди. Ҳаммасининг ҳисобига етолмайсан киши!

Петр Петрович, душманни фақат бизгина кузатиб қолмаслигимизни, балки душман ҳам бизни кузатиб боришилигини, шунинг учун ҳам изни йўқ қилишни, уни жуда ҳам диққат билан яширишни уқтирарди. Бир куни у бизга навбатдаги машғулотимизда «янги фан» ўтишимизни огоҳлантириб қўйди. Мен институтда бир оз ушланиб қолиб, кечроқ, машғулот бошланиб қолганда келдим. Кириб қарасам — кирилган ва сиёҳ тўкилиб доф-дуг бўлиб кетган таниш стол атрофида, ҳар галгидай бўлажак партизанлар, шу жумладан менинг иккала ўғлим ўтиришарди.

Кириб боришимга Геронтий Николаевич Ветлугин диққат билан менга қаради ва «Салом» дейишнинг ўрнига «Ba-a-қ! Ba-a-қ!» қилиб вақиллай бошлади. Мусъ-

яченко менга қараб бошини қимирлатиб қўйди. Кейин Ветлугинга қараган эди, яна у вақиллаб қўйди! Ўзини илиққина кўл сувида деб яхши ҳис қилган қурбақага ўхшаб, талтайиб вақилларди. Мен «янги фан» дегани мана шунинг ўзи эканда,— деб ўйладим ва беихтиёр кулгини босишига уриниб, ўтириб олдим.

— Петр Карпович, қани, сиздан илтимос қиласиз,— деди Мусъяченко.

Нима ҳам дёрдим, ҳаракат қилиб кўраман... Кўзими ни ерга тикдим ва вақиллаб кўрдим. Ажабо, ҳеч ким кулмади.

— Йўқ, Петр Карпович, ундаи эмас!— деб қўлини силтади Мусъяченко.— Бунақанги қурбақа бўлса, фашист автоматчисининг ўқпига дучор бўлади. Сал нозикроқ қилиб, чўзиброқ «Ва-а-қ» қилиш керак. Аммо, ўртоқлар шуни унумтнгларки, қурбақа офтобли, иссиқ кунлар тушиши олдидан фақат кечқурунги пайтларда мана шунақа вақиллайди, холос. Улар эрталаб «Вақвақ» қилиб кескин, қисқа-қисқа вақиллайди.

Петр Петрович бизни худди ўрмон тўрғайи ва ҳашаротлардек чириллашга, тўнғиз каби хуруллашга ўргатарди. Кейинчалик булар биз учун жанговар сигнал бўлиб хизмат қилган эди.

Генянинг бир дақиқа вақти бўлмаса ҳам, лекин у спорт, овчилик, табиатшунослик китоблари ва журнallарни қизиқиб варақлагани-варақлаган эди. У табиатнинг улуғ китобини худди Мусъяченко ўқигандек ўқиб ўргангиси келарди.

— Мен қанча марта дала ва ўрмонда бўлсам ҳам,— деб хўрлиги келиб гапирди Геня,— худди кўр одамга ўхшаб бориб келар эканман, у ердаги ҳеч бир нарсани кўрмаганимни фақат эндиғина тушуниб турибман!

4. Фронтдан келган межмон.

Үйимиз бирдан кутилмаган қувончга тўлди: апрелнинг бошида Валентинимиз кириб келди. Бу шодлик соати, кечқурун қандайдир воқеа сабаб бўлиб ҳаммамиз уйга йиғилиб қолган пайтимизда (кейинги вақтларда бундай тўпланиш камдан-кам бўларди) рўй берганди. Дакс бирдан вовиллаб қолди, ҳушёр ит қулоғини диккайтирди, эшикка яқинлашди. Ўзи нима гап? Бир вақт

қарасак: йўлдан уй остонаси томон офтобда қорайиб кетган, ориқ, елкасига юқ қопчиғини осиб олган бир ҳарбий киши келяпти. Уни биринчи бўлиб узоқдан онаси таниб қолди. Қичқириб юборди, чопиб зинадан тушди. У ойисига бир қўлини чўзди — маълум бўлишича, унинг бошқа қўли гапига кирмаган бўлса керак...

Биз уруш бошланганидан бери — ўн ой мобайнида Валентин тўғрисида ҳеч нарса эшитмагандик. Мана энди у ёнимизда турибди. У жуда ҳам ўзгариб кетибди! Бу, душман билан курашда чишиқкан, хонавайрон бўлган совет шаҳарларини кўрган, душман томонидан ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум қилинган одамларимизни, фашистларнинг совет кишилари учун келтирган ҳасрат, кўз ёшлирини кўрган, ўзи ҳам қайғу-аламларни бошидан кечирган бир жангчи эди. Илгариги хушчақчақ, қувноқ Валентин бутунлай ўзгарибди. Кам сўз бўлиб қолибди. У бизга ўзи ҳақида қисқагина гапирди.

Гитлерчи галалар Совет Иттифоқига бостириб кирган пайтда, Валентин фарбий ўлжада, чегарага яқин жойдаги каттагина электростанцияда бош механик бўлиб ишларди. У ўз ихтиёри билан Қизил Армия сафига қўшилди. Душманлар унинг оиласи яшаб турган қишлоқни хонавайрон қилишди. Кўп ўтмай гитлерчилар унинг хотинини, кичкина қизчасини ўлдирганини эшитди ва манфур босқинчилардан қасос олиш учун қасамёд қилди.

— Бунинг ҳаммасини айтиб тутатолмайсан киши,— деди Валентин, биз уни тинчлантириш учун сўз ахтариб қийналган вақтимизда. Қўкрагида қайнаб турган қайғу ва ғазабини босиб, жим бўлиб қолди ва оҳиста қўшиб қўйди:— Душман билан ҳисоб-китобни охирига етказмагунча қуролни қўлдан ташламайман!.. Қасам ичганман!

Тинчланиб, ором олсин деб биз уни ўз ихтиёрига қўйиб бердик, бошқа ҳеч нарса ҳақида сўрамадик. Агар истаса — ўзи айтар. Уни гапга солмай, меҳрибонлиқ қилиб, ўз оиласида ҳордиқ чиқаришини хоҳлардик. Евгений, айниқса Геня, бўш қолдими, дарров унинг ёнида пайдо бўларди.

Валентин Евгенийнинг уйига тез-тез бориб туради. У боғчадаги клубда бир соатлаб бўлса ҳам Инночканинг уюлган қумни титиб ўйнашини, унинг болаларча бидирлаб гапиришини эшитиб, жимгина кузатиб, ўти-рафарди. Қизча авваллари бу баджаҳл юзли ва аламзада

қўзли, ҳеч индамайдиган, кўп чекувчи «Валия тоға»га боришига тортинчоқлик қиласарди. Кейинроқ эса унга ўрганиб кетди. Ҳатто у кўп вақтгача келмай қолса соғи-надиган ҳам бўлиб қолди.

Валентин жуда оғир йўл босиб ўтган эди. У Минск остоналарида бўлган жангларда биринчи марта катта жанговарлик хислатларини кўрсатди. Бир группа командир ва қизил аскарлар билан қуршовга тушиб қолди. Ҳам ўзини қутқарди, ҳам ўртоқларини қуршовдан олиб чиқиб кетишига муваффақ бўлди.

Фашистлар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳақида ичган ўз қасамини бир кун ҳам унугмади, кўпгина жангларда қатнашди. Ярадор бўлди. Ҳали яраси битиб тузуккина соғайиб кетмасданоқ яна фронтга жўнади.

Қўшинларимиз Ростов-Донни олган пайтида иккинчи марта ярадор бўлди. Лекин бу галги даволаниш анчага чўзилиб кетди, тузалганидан кейин эса уни инвалидликка чиқаришди. Ватан тақдиди ҳал бўлаётган бир пайтда, унинг мамлакат ичкарисида бўлиши ҳақидаги фикр қийнаб, унга тинчлик бермасди. У врач комиссияларга шундай арз қилди:

— Мени армия сафида қолдиришларингизни илтимос қиласман! Винтовкада бўлмаса, револьверда бир қўллаб ота оламан. Гранатани ҳам бехато мўлжалга иргита оламан...

Валентин талабчан, бир сўзли эди. Қўмондонлик унинг илтимосини инобатга олди. Унинг қўлига Қрим участкасига тайинлангани ҳақида буйруқ тегди. Ўша ёққа кета туриб, йўл устида бизникига кириб бир неча кун турди. Мана, ҳозир у қадар кўп вақтга бўлмаса ҳам, ҳамма оила аъзоларимиз бир ерга тўпланишиб, суҳбатлашиб ўлтирибмиз.

* * *

Орадан бир неча кун ўтди — нимагадир Валентин бир оз юмшагандай бўлиб кўринди. У мулойимлашиб, эркалашларга меҳру шафқат билан жавоб бера бошлади. Юзларидаги ҳам майнлик пайдо бўлди — одамовиликдан қутулгандай бўлди. Бу — дастлаб она меҳри, қолаверса ака-укаларининг, айниқса, ҳаммадан аввал Ёвгенийдан ҳам кўпроқ у билан тез-тез кўришиб турган Генянинг самимий, хушёрлик билан муомалада бўлганинг натижасидир.

Кўпинча ака-укалар аввалги тинч турмушларини, болалик ҷоғларини эслашарди. «Ҳа, сенинг эсингда борми Валя?». «Ҳа, Женя, сенинг эсингдан чиққани йўқми?..»—деб гап бошланса борми, кети йўқ ҳикоялар уланиб кетарди деяверинг. Уларнинг ҳаётида ураган ҳар хил эсдаликлар дейсизми, айниқса, шу кунлар ичida жуда ҳам қимматли ҳисобланган кичкинагина нарсалар ҳақида дейсизми, ҳикоялар туғилаверарди.

— Валя, сен менинг гилосларимни еб қўйганинг эсингда борми?— деб сўради Евгений.

Валентин бошини қўмирлатиб қўйди. Нега ҳам эсидаи чиқар экан!

...Бир кун онаси гилос сотиб олиб келди, кичкина Валяга бера туриб: «Аканг билан бўлишиб егин-а, хўпми?»— деб тайинлади. Женя уйда йўқ эди. Валя гилосларни улаша бошлади. Гилосни ҳар бир томонидан қараб чиқиб ҳақиқатан ҳам роппа-роса иккига бўлди. Ўзига тегишли бўлган гилосларни тезда саранжом қилди. Акасига тегишли улушини эса бир идишга солиб дераза токчасига қўйди. Ҳовлида юриб-юриб, уйга қайтиб келди. Қарасаки, деразада ҳалиги пушти ранг қобиғли, қаҳрабосимон гилос турибди. Қараб тоқат қилиб туролмади — биттасини еди, яна бошқа биттасини. Тезда яна ҳовлига чопиб чиқиб кетди. Югурби-югурби яна уйга қайтиб келди — яна уч донасини еди...

Бир вақт Женя келиб қарасаки, Валентин дераза токчасига ўтириб олиб, ҳадеб йиғлаляпти. Қуруқ идиш ичига кўз ёшини тўкяпти.

— Сенга нима бўлди?

— Женя-а-а! Мен ўзимни тийиб туролмадим... ҳамма гилосларингни еб қўйдим!..

— Вой сен-эй! Мен бўлганимда ўзимни тия олардим.

— Биламан... сен ўзингни тийиб олардинг, мен эса ўзимни тийиб ололмадим... Янаги сафар мен сенга ўзимнинг ҳамма гилосларимни бераман! Рост!..

— Ундай бўлса жуда соз... фақат йиғламасанг бўлгани.

Онаси кечқурун яна болаларга гилос олиб келиб улашди. Валя бир уюм мевали ликопчасини индамасдан Женянинг олдига сурис қўйди.

— Майли, ўзинг еяқол!— деди мурувват билан Женя ва ликопчани укаси олдига сурис қўйди.

Валя қизариб кетди:

— Йўқ! Емайман! Сенинг эса емасликка ҳаққинг йўқ! Мендан яхши бўлмоқчимисан? Шундайми? Мен ахир сўз берганман,— сўзимнинг устидан чиқишим керакми, йўқми ахир?

— Ахир шу гилослар меникими?— деб сўради Женя, кулгисини яшириб.— Меники! Ана холос, шундай бўлгандан кейин мен уни сенга тақдим этаман.

— Йўқ, мен истамайман! Шундай қилишга ҳаққинг йўқ...

— Кел бўлмаса, тенг шериклик билан еймиз, хўпми?

— Оббо... тенг бўламиزمи? Үндоқ бўлса майли, кел...

Ақа-укалар бошларини бир-бирларига уриб олишдан чўчимай ширали мева билан тўлиб турган ликопча устига ётиб олиб боплаб туширишди..

Бу воқеани эшитиб, Геня роса хохолаб кулди. Унга қараб Валентин ҳам кулиб қўйди. Евгений унинг кулгисини қистатгани учун хурсанд эди.

— Ҳаммаси эсимда,— деб қўйди секингина Валентин. Юмшоқ, ўйчан табассум унинг юзидан ҳали кетмаганди,— фақат эслашгина эмас... Болалик, ёшлик ва уйимиз хотираларини юрагимда энг бебаҳо нарса каби сақлайман!.. Биз турмушимиздаги мавжуд ва бўлажак нарсалар учун фашистларга қарши курашувимиз лозим!

* * *

Бир кун кечки пайтда Валентин жуда гапга тушиб кетди. У қайғу-ҳасратлари эмас, балки жанговар ишлари, жанговар ўртоқлари ҳақида гапирди. Уч ақа-ука диванда қатор ўтиришарди. Валентин — ўртада, Евгений — ўнг томонда, Геня — чап томонда. Улар тинчлик йилларида ҳаммалари бирдан ҳамма ёққа кетадиган бўлиб қолган пайтларда шундай ўтиришарди. Уша вақтда қандай хушчақчақлик, ҳазилкашлик, қанча кулгилар бўларди!..

Евгений елкаси билан орқага ташланди, болишига тирсагини қўйди. У Валентиннинг ҳикояларини диққат билан эшитарди. Геня Валентиннинг тиззасига сўяниб, олдинроққа ташланди ва унинг оғзига тикилиб қолди. У акасининг ҳар бир сўзини илиб олар, яна бунинг устига Валентиннинг озган башарасини буриштираётгани-

ни сезмай, ҳадеб унинг чап елкасига турттарди! Унинг кейинги яраси ўз ишини кўрсатди. Чап қўли ёмои ишларди. Валя бошқа бирор кишининг ёрдамисиз кийина олмасди. Унга уйда Геня ёрдам берарди, сафарда эса жангчилар.

Геняга гўё Валентин бошидан охиригача ҳаммасини етарли равишда айтиб бермаётгандай туюларди. Акаси бирор дақиқа тўхтаб қолдими, Геня тоқат қилолмай уни шошилтираверарди:

— Хўш, давоми-чи? Кейин нима бўлди?

— Мана шундай кўзимни юмсан, ҳаммаси: вайронага айланган, ёнаётган Смоленск, Ельня, Мценок... кўз олдимга келади,— дейди Валентин.— Фашистларнинг бизга мунофиқона, хоинона ҳужум қилган кунларини эслайман... Уша кундан бери кўп мاشаққатлар бошдан кечди! Мен танк қисмларида ҳам бўлдим. Сўнгра эса мени, тажрибали механик бўлганим учун авиация қисмига юбориши. Қирқ биринчи йилнинг қишида ҳарбий касалхонага келтиришди: қўлимни совуққа олдириб қўйдим. Бостириб кирган гитлерчилар, аэродромдаги аномларни тўла йигиштириб кўчиб кетгунимизча имкон бермади. Охирроқда қолган машинамизнинг шофери ҳам ҳалок бўлди. Мен рулга ўтирдим, душманлар ишғол қилиб олган аҳоли яшайдиган пунктларнинг ёнидаги йўллардан ўтиб, шарққа қараб йўл олдим. Ўттиз градусли совуқ эди. Машинанинг мотори тез-тез инжиклик қилар, қўлқопсиз яланғач қўл билан уни эпақага келтирадим. Кузовдаги ярадорлар совуқ еб қолишади деб жуда шошилардим. Қўлларни бензинга тиқиб, бир неча марта бензин найчасини пуллашга тўғри келди. Кейин қисмларимиз ёнига етиб олиб, қарасам, қўлни совуқ урибди. Ҳарбий касалхонага юборишид... Мен худди мана шу ерда сўнгги күнларда бутун қийинчилик, барча фалокатларни мен билан бирга ўз бошларидан кечирган дўстларни топиб олдим.

У хаёлга чўмиб жим бўлиб қоларди. Геня қизғаниб сўрашини қўймасди.

— Ўртоқларингнинг ўзлари кимлар? Улар ҳам сенга ўхшаган фронтдан келган жангчиларми?

Валентин бошини силкитиб жавоб берди. ва:

— Уларни ҳам ўша куни кечаси худди менга ўхшаб фронт ҳарбий касалхонасидан олиб келишди,— деди у чека туриб.— Жанговар йигитлар эди — Николай Коле-

сов, Борис Бодоков, Вася Резанов... Бизда яна бир Галя Маркова деган радиост қиз ҳам бор әди; у бизнинг орамизга бир оз кейинроқ келганди... Ҳарбий касалхонадан бизнинг тўртталамизни ҳам бир вақтда бўшатишди ва армиянинг машқ командаси қисмига юбориши. Сапёрлик ишига айниқса мина ишига ўқита бошлаши...

Фақатгина Геня эмас, Евгений ҳам укасининг ҳикоясини ихлос қўйиб эшитарди. Ҳўш, бунинг ҳайрон қоладиган жойи борми? Ахир Валентин бу ака-укалари эндиғина ўтишга тайёрланаётган йўлнинг ҳаммасини босиб ўтди-да. Уларнинг ҳар бирининг ҳаёлидан беихтиёр: «Агар мен Валентиннинг ўрнида бўлганимда нима қиласдим, ўзимни қандай тутардим?»— деган савол ўтарди.

Жанговар ишлар ҳақидаги акасининг ҳикоясини эшитган Геня энди Валентинни унинг фронтдаги дўстларидан қизғаниб рашк қиласди. Эҳ, агар ҳеч бўлмaganда улардан биронтасининг ўрнида Валя билан унинг ўзи ёнма-ён бўлганда эди!..

Евгений ва Геня, Валентиннинг партизанлар орасига кириб келиш ҳикоясини жуда қизиқиш билан тинглашди. Тўрт дўст машқ команда ўқув курсини битиришгандан сўнг тез кун ичидаги уларни тажрибакор миначилар сифатида душман орқасига, каттагина партизан бирлашмасига юбориши. Фарбнинг ҳайбатли қалин ўрмонларида кўпгина партизан отрядлари бор әди. Гитлерчилар ўз фронт орқасини хавф-хатардан сақлаш учун, фронтдан бир қанча дивизияларини чақириб олиб, партизанлар макон қуриб олган ўрмон ерларини катта куч билан қуршаб олиши. Фашистлар таъбирича партизанлар «қозон ичига» тушиб қолишган әди. Аммо бу «қозон» гитлерчилар учун жуда қимматга тушди. Партизанлар ҳар куни кечаси тўсатдан хужум қилиб душманнинг ўнлаб ва юзлаб солдат ҳамда офицерларини қирап, фронтга олиб борувчи темир йўл ва тош йўлларга ўтиб олишар, ўқ-дори ва техника ортилган поездларни, автоколонналарни остин-устин қилишар, энг керакли алоқа йўлларидағи кўприкларни портлатишар, ишдан чиқаришарди.

Валентин ака-укаларига ўз ўртоқлари билан биринчи марта қандай қилиб партизанлар разведкасида қатнашганини айтиб берди:

— Биз катта ўрмон ёқасида ётардик; бизларни ҳар томондан қуршаб олган гитлерчиларни алдаб, қаторни ёриб ўтиб, қуршовдан чикиб кетиш учун қулай пайтни кутардик. Тун булутли бўлди. Майдалаб ёмғир ёға бўшлади. Разведкачилар бунақа кечани «бизнинг кечамиз» дейишади... Ҳаммамиз яшириниб, ерга ёпишиб ётиб олганимиз. Атроф жимжит, аммо бу жимликка ишониб бўлмайди. Команда занжир бўлиб кетма-кет ётган партизанлар орқали берилади. Биз ҳам ерга ёпишиб, эмаклаб бораардик. Баланд овоз чиқариб гапириш қатъиян мумкин эмас эди. Остимдаги ер зах эканлигини пайқаб қолдим — қўлларим ботқоқликка ботиб боряпти. Ӯша вақтда бунақаларга аҳамият бериб бўладими?! Ӯнгда гитлерчиларнинг гаплашаётганлари эшитилиб қолди! Жойимизда қотиб қолдик... Юрак шундай қаттиқ үрардики, гўё уни фашистлар эшитиб қолмасин, деб қўрқасан. Жимлик чўқди, яна йўлга тушдик. Яна нам, ботқоқлик. Борган сари ботқоқликка дуч келиб, чуқурроқ ботиб боряпмиз. Аҳён-аҳёнда дўнглик ер учраб қолади. Қаердандир орқа томондан ўқ овози эшитилди. Аввал сув тизза бўйидан келарди, кейин ярим белимизгача чиқди. Аммо мана оёғимиз тагидаги ер борган сари энди қаттиқроқ бўлиб боряпти. Қадамларимизни тезлатамиз, қандай қилиб бўлса ҳам тонг отгунча ўрмонимизни ўраб-қамраб олган фашистлардан нарироққа кетиш лозим. Бирдан олд томонимизда папирос тутаттичи-зажигалканинг алангаси йилтиллаб кетди. Турган жойимизда яна қотиб қолдик... Шундай бизнинг ёни-миздаги йўлдан икки фашист этикларини дўкиллатиб, алланималар тўғрисида гапиришиб ўтиб кетди. Гитлерчилар овози бир оз узоқлашиб тингандан кейин, Колесов: биз энди йўлга чиқиб олдик, деди...

Валентин жим бўлиб қолди ва бир қанча вақт укасига тикилди. У ўсмирнинг кўзларидан паришонликни, ҳайратланишга ўхшаган нарса пайдо бўлганини сезиб қолди.

— Дўстим,— деди у,— партизан-разведекачиларнинг ҳаёти ана шунақа бўлади. Яна шуниси ҳам борки, Геня мен доимо: нима қийин экан, нима нарса кўпроқ рўхий куч-қувват талаб қиласр экан — қўл жангими ё бўлмаса мана шу ҳар кунги машаққатли меҳнат — ботқоқликда лойга ботиш, эмаклаб юриш, совуқда ҳам уйқусиз, дам олмай, тўхтамасдан ишлашми?— деб ўйлардим.

— Тушунаман,— деди Геня ва ўйланиб қолди.

Ака-укалар жим бўлиб қолиши.— Демак, ҳар ким ўзича ўйларди.

Валентиннинг барча ҳикоялари ичida ҳаммадан ҳам Генянинг эсида кўпроқ қолгани Березина дарёси устидаги кўприкнинг портлатилиши ҳақидаги қисса бўлди, эсда аниқ қолганлигининг сабаби шуки, бу жанговар қиссада мина иши мутахассисларининг машаққатли, фидокорона меҳнатлари жуда ёрқин акс этди.

Березина дарёси устидаги, икки йўл ўтадиган кўприкни жуда кўп зенит батареялари билан қўриқлашарди. Улар кўприкка ўтадиган бутун ҳаво йўлларини ўт билан тўсиб турар эди. Авиациямиз кўприкка бир неча мартаба бомба ташлади ва у қисман баъзи жойларни қўпориб ҳам юборди. Лекин разведкачи самолётларнинг аниқлашича фашистлар кўприкни яна қайтадан тиклаганлар. Шундай қилиб кунлардан бир кун, ярим кечада бошлиқ Валентинни чақириб қолади ва унга фронт қўмондонлиги кўприкка бориш йўлини разведка қилишиш, агар иложи бўлса уни портлатиш кераклигини таклиф қилганлигини айтади.

«Мен сизнинг группангизни юборишга қарор қилдим. Шуни назарда тутингки, бу бутун фронт учун катта аҳамиятга эга бўлган жиддий операция!»— дейди бошлиқ.

Валентин эртаси куни эрталаб, фронт штаби вакили — майор билан бўладиган операция планини ишлаб, картадан кўприкка бориш йўлларини белгилаб қўйишиди, кейин у операция учун ҳамма нарса таҳт эканлигини билдириди. Валентин ва унинг ўртоқлари самолётда фашистларнинг орқа томонига ташланиши керак эди. Шамол аралаш ёмғир ёғиб турарди. Бошлиқ сўраб қолди: «Балки операцияни бир оз кечиктирасакмикин?— Лекин шу заҳотиёқ сўз орасида,— гитлерчилар фронтга кўпроқ нарсани шу кўприк орқали ташламоқдалар, деган маълумотлар бор...» деб қўшиб қўйди.

«Бундай об-ҳаво вазифани бажаришга жуда қулай ва яхши ёрдам беради,—деб жавоб берди Валентин,— учишин кечиктиришнинг нима ҳожати бор?»

Учib кетишиди. Мана, қоронфилик ичida зўрға кўринаётган кулранг дарё лентаси устида кўприкнинг қорамтири чизиги кўринди. Валентин парашют билан биринчи бўлиб ўзини ташлади. У, ўзини тубсиз чуқурга

тушиб кетаётгандай ҳис қилди. Мўлжални у дарров йўқотиб қўйди. Ёмғир, шамол... Ер пастда, аллақаёқда, жуда ҳам узоқ-узоқларда кўринарди. У ҳавони ёриб ерга томон жуда ҳам тез тушиб борарди. Парашютни очиб юборди-ю, кейин тушуниб қолди: бу кетишида тўп-па-тўғри дарёга бориб тушади. Парашютда қаттиқ чай-қалиб турарди. Парашютнинг арқони билан роса олишиди, баъзан кўтарилиб, баъзан тортиб кетарди. Бирдан ер сурилиб яқинлашиб қолгандай бўлди ва бир қанча вақтгача парашют уни ерда судраб кетди. Сўнгра қирғоқ бўйидаги буталар орасида илашиб, унга осилиб қолди. Валентин ўз устидан қайишни ечиб ташлаб, парашютдан қутулди. Арқонларини қоидага мувофиқ қилиб қирқди. Парашютни эса ўраб буталарнинг тагига беркитиб қўйди.

У ҳали бу ишини тамом қилиб улгурмаган эди ҳамики, қирғоқда бир оғир нарсанинг сувга шалоп этиб тушганини эшитиб қолди: ҳа, бу равшан — унинг ўртоқларидан бири дарёга тушиб кетган эди. Валентин тезда елкасидан тол солингган қопчиғини, қурол-яроғларини — шу топда унга нима халақит бераётган бўлса ҳаммасини ечиб ташлаб, дарёга қараб чопди. Узок вақт ахтариб туришга ҳам тўғри келмади. Қарасаки, сувнинг оқимига қараб парашют оқиб боряпти, бир одам унга ўралишиб кўмакчисиз шапир-шупир этиб кетяпти. Валентин ўзини сувга отди, унга томон сузиб кетди. Парашютчи қирғоқдан унча узоқ бўлмаган ерга тушган бўлса ҳам тезда дармони қуриган эди. Ахир унинг устида озмунча яроғ-аслаҳа борми? Бу — радист қиз Галя эди. Уни сувнинг ичидаги ушлаб туриб, арқонларини ешишга ва парашютдан бўшатишга тўғри келди.

Довулли шамол эсар, шаррос ёмғир қуярди. Валентин гарчанд яхши сузаётган бўлса ҳам чарчаётганини сезди. Қўллари совқотди. У қанча ҳаракат қилса ҳам қизнинг камаридаги юқ бойлайдиган қайиш арқонларини еча олмади. Уни пичоқ билан қирқишига тўғри келди. Шундай қилиб Галя охири парашютдан қутулди. Валентин унинг қирғоққача сузиб чиқиб олишига ёрдам берди ва шу заҳотиёқ уни илгари ўргатганларидай сувга қўниш вақтида парашютни ташлаб юбора олмагани учун анча койиди.

Валентин ўз дўстларини шартли сигналлар билан тўплай бошлади. Бир қанча вақт ўтгач ҳаммалари бир

жойга тўнланишиди. Парашютларнинг ичига тош тўлдиришиб, дарёга ташлашиди. Уни қуритиб ўтиришга жой ҳам, вақт ҳам йўқ эди. Ундан ташқари разведкачилар, барибир кечаси билан ёмғирда ва муздай дарёда ивиб, чиқишиларига тўғри келарди. Валентин Борис билан Васяга қирғоқдан сув ичидаги ушлаб тура оладиган бирор нарса топиб келишга бўйруқ берди. Кўп ўтмай Борис қирғоқдан жаттагина тўнка топишганини билдириди.

Сузиб кетишга тайёрлик бошланди. Ичига портловчи тол солинган қопчиқни жуфт-жуфт қилиб бойлашиди ва уни зарур бўлиб қолган вақтида тезда еча олиш мумкин бўладиган қилиб тўнканинг устидан айлантириб бойлаб олишиди.

Валентин кўприк ёнига сув остидан шўнғиб сузиб боришини ҳам слдиндан мўлжаллаб қўйганди. Кўприкда эса проJECTорлар ўрнатилган, улар истаган дақиқада дарё ва тўнка ёнидаги разведкачиларни ёрита оларди. Ундан ташқари, кўприк олдидаги фонус дарёга нур сочиб ёниб туарди. Разведкачиларнинг ўзида сув тагида сузиб юриб нафас оладиган узун резинкали найчақамышлари бор эди. Уларни ҳам тўнкага боғлаб қўйишиди.

Валентин ҳаммага жой-жойини кўрсатиб берди. Ўнг томондан Николай Колесов сузиши лозим, унинг кетидан Вася. Чап томондан эса Борис сузиши керак эди. Унинг орқасидан Гаяя. Улар биргаликда тўнкани сувга туширишиди ва уни ушлаган ҳолда суза кетишиди. Валентин тўнкани сувнинг оқими томонга тўғрилаб, кетидан сузиб келарди. Анча вақт сузишга тўғри келди. Со вуқ сув ичидаги қўл ва оёқ билан кўпроқ ишлаб бир озиб олишга ҳаракат қилишиди. Лекин бу ишнинг унчалик фойдаси бўлмади. Ҳаммани қалтироқ босди.

Ниҳоят узоқларда ўт кўринди. Кўприк!.. Унинг ўрта устуни яққол кўриниб туарди. Валентин тўнкани бутун куч-қуввати билан ўша томонга тўғрилашга ҳаракат қилди. Яна бир оз юрса разведкачилар фонус билан ёритилган нур доираси ичига кирадилар. Улар резинкали найчаларнинг учларини оғзиларига солишиб, сув тагига шўнғишиди ва тўнкани ушлаганча сузиб кетишиди. Бу ҳақиқатан ҳам оғир, қўрқинчли эди — чакканг тиришади, аъзойи-баданингни титроқ қақшатади. У ҳам майли-я, агар резинка найчани оғзингдан чиқариб юборсанг борми, кўраверасан, сув бўғзинггача тиқилади... Чидаш, тоқат қилиш керак!

Кўпrik устида турган соқчи тўнкага қараб ўқ уза бошлади. Ҳар томондан ўқлар тасир-тусир ёғиларди. Вася қўлларини ёзиб юборди ва оғзига сув кира бошлади. Валентин уни қўлтиғидан зўрға ушлаб қолди: Вася яраланган эди.

Худди шу пайтда тўнка кўпrikнинг ўрта устунига бориб урилди ва уни айланиб ўтиб худди зарур томоннинг ўзига сузиб кетди. Ҳаммалари сувнинг тагидан бошларини кўтариб чиқиши. Валентин Васяга ўрмалаб тўнка устига чиқиб олиши учун ёрдам берди ва сувга тушиб кетмасин деб тўппайиб чиқиб турган бутоғига уни камаридан бойлаб қўйди. Бу вақтда эса бошқалар қўллари билан безгак тутгандай устуннинг деворини тимискилар—ташқи нарвоннинг бандини қидиришарди. Борис биринчи бўлиб бандни ушлаб қолишга мусассар бўлди. Разведкачилар бир дақиқадаёқ тўнка устидаги, ичидаги тол бор қопчиқни олиши. Дармони кетган Вася тўнка устида ўтириб қолди. Зўр оқим уни узоқларга—кўриб бўлмас қоп-қоронғи кечака қўйнига ҳайдаб борарди...

Кўпrik ости худди гўр ичидай қоп-қоронғи эди. Улар сув ичидан оҳисталик билан чиқишиб, эҳтиёткорлик билан атрофга қулоқ солиши. Ўқ овозлари тинди. Гитлерчиларнинг разведкачиларга эшитилиб турган алланималар ҳақида тортишаётган баланд овозлари ҳам тез орада ўчди.

Ишни чўзиб ўтириш ярамайди. Тонг ҳам отай деб қолганди. Разведкачилар толли қопчиқларини елкала-рига ташлаб овоз чиқармай тепага кўтарилилар. Кўпrik фронтдан анча ичкарироқда эди. Шунинг учун гитлерчилар бу ерда ўзларини жуда беозор, бамайлихотир сезардилар. Фақат кўпrikка яқин жойлар жуда ҳушёрлик билан муҳофаза қилинарди. Мана бу ўрта устуннинг юқоридаги қаватида ҳозир нима учундир соқчи кўринмайди.

Қоронғиликда кўпrikнинг йўғон темир устун-харилари баҳодирларнинг боши узра ғира-шира суратлар ҳосил қилиб турарди. Толни жойлаштириш учун шошилиб, жой ахтара бошлашди. Ахир кўпrikни шундай портлатиш лозим эдикни, ҳатто унинг харилари устунга осилиб қолмай, дарёга тушиб кетсин! Бўлмаса гитлерчилар кўпrikни тез орада қайтадан қуриб, тиклаб олишлари ҳеч гап эмас!

Валентин «Миналаштирила бошлансин!» деб команда берди. Разведкачилар портловчи тол солинган халтани кўприкнинг асосий суюнчиқ тўсинига боғлашди. Ҳаммаси тайёр бўлгандан сўнг, Валентин барчани сувга тушишга ва учрашиш учун аввалдан келишиб қўйилган жойга сузуб кетишга буюрди. У Борис Бодюковга эса тўнка билан Васяни қидириб топишни топшириди.

— Мана шундай қилиб, мен ёлгиз ўзим қолдим...— деди Валентин ҳикоясини шу ерда тўхтатиб.— У портсигарини очди, ичидан папирос олиб чека бошлади...

Геня ҳатто қимирлаб кетишдан чўчиб, ундан кўзини узмасди. У илгарилари акасининг денгиз саргузаштлари ҳақидаги ҳикояларини ҳам худди шундай мароқ ва иштиёқ билан эшитарди. Лекин уларнинг ҳаммаси бошқачароқ эди; у вақтларда Геняни фақат саргузаштларнинг ўзигина қизиқтиради. Энди бўлса, асосий нарса саргузашт эмас, балки Валентин ўзи ҳикоя қилиб бераётган воқеаларни ўз бошидан қандай кечира олганлиги қизиқтиради. Мана, у ўз хотиралари гирдобига тушиб, эслаб жимгина папирос чекмоқда. Эҳтимол, Валяга қийин бўлгандир!

— Мана шундай қилиб ёлгиз ўзим қолдим,— деб тақорорлади Валентин.— Бикфордовий шнур (портлатиш учун ишлатиладиган секин ёнадиган плита)ларни бирбири билан чамбарчас боғлаб, сув ўтмас жилд ичидан зажигалкани олгунимча йироқдан тақиллаган овоз эшитилди. Борган сари бу овоз яқинлашиб келар, аниқроқ эшитиларди. Ниҳоят Шарққа қараб оғир юқ ортилган поезд кетаётганини тушундим. «Галаба мана бундай бўлти-да! Бирданига икки қуённи урадиган бўлдик» деган фикр ўтди миямдан.

Поезднинг тақиллаган овози энди жуда яқинлашиб қолганди. Шунда бирдан кўприк устунининг юқори қаватига олиб чиқадиган темир нарвончада этик товушлари эшитилди. Гитлер солдатларининг қора-қура соялари кўринди. Патруль!.. Поезд ўтишидан илгари пастга — пастки майдончани кўздан кечириб чиқиш учун соқчи тушиб кетаётган бўлса керак.

Энди мен нима қилишим керак? Келаётган поезднинг гумбурлаши сал бўлмаса худди менинг бошим устида эшитилаётгандай эди. Зажигалкани чақдим, шнур бўйлаб олов ёниб кетди. Эҳ, дўстларим! Ўзимни сувга ташлашни, сузуб тезроқ қўприкдан нарироққа жўнаб

қолишини шу қадар истардимки.. Лекин ҳали кетишга эрта эди. Шунинг учун ҳам мен у ерда қолдим.

Қолганим яхши бўлган экан. Гитлерчилар — улар икки нафар эди — нарвончадан тушиб, майдончанинг қарама-қарши қирғоғида тўхташди. Шнур бўйлаб ёниб кетаётган оловни кўриб қолишиди ва ҳаддан ташқари қичқириб уни ўчиришга тушишиди. Мен уларга юзма-юз чиқиб, ташландим. Қучимни тўплаб, югуриб кела туриб солдатни сувга итариб юбордим. Улар билан бирга ўзим ҳам йиқилдим...

Поезд кўпприк устига етиб келди.

Қоп-қора тутун булути билан қопланган ёрқин шуъла бирдан атрофни ёритиб юборди ва бирдан сўниб қолди. Қулоқларни қар қилгудай портлаш овозлари эшитилган пайтда паровозгина қарши қирғоққа ўтиб олишга улгурган эди. Аммо вагонлар бири кетидан бири кўпприк парчалари билан бирга сувга пайраҳадай учиб тушарди. Дарё қайнарди, жўш урарди. Дарёга тушган кўпприк парчалари ва вагон зарбаларидан сув устунлари юқорига кўтарилиб чиқарди. Прожекторлар билан ёритилган кўпприк хариларининг уни ҳавода муаллақ бўлиб осилиб қолди. Зенит пулемётлари портлатиб юборилган кўпприкнинг ён-вери бўйлаб тўхтамасдан потиллатиб ўқ ёғдиради...

Мен жуда ҳам баландликдан ноқулай бир вазиятда ийқилдим—сувга қаттиқ тушдим. Қаттиқ йиқилиш билан сув тагига кириб кетиш ҳам ҳеч гап эмас эди. Лекин сув оқими мени сувнинг юзасига чиқариб қўйди. Бутун аъзойи-баданим оғрирди, қирғоққа сузиб чиқиш учун дармон қолмаган. Мен дарё суви устида ўзимни жуда ҳам қийинлик билан ушлаб турдим. Бир вақт қарасам оқим мени пастки томонга қараб олиб кетяпти. Ўртоқлар билан учрашиш учун белгиланган жойдан — бир тўп баланд дарахтлар ёнидан ўтиб кетаётубман...

Қирғоқда қоровуллик қилиб турган Галя мени сувда кўриб қолди ва ўзини дарёга отиб, ёнимга сузиб келди. Ўз вақтида мен унга ёрдам бергандай, у ҳам менга сув ёқасидаги қумлик ерга етиб олгунимча кўмаклашди... У бундан илгари ҳам бир неча марта мени сузиб келяпти, деб ўйлаб ўзини сувга ташлаб, ёки фашист мурдаларига учрар ёҳуд оқиб келаётган поезд парчаларига ва кўпприк тахталарига ўзини уриб олган экан.

Борис бир иложини қилиб Васяни топди. Уни тўнка-

дан ажратиб ўз устига ўнгариб йифилиш жойимизга олиб келди. Васяни ечинтирдик ва кўкрагининг бир неча еридан ўқ тешиб ўтганини кўрдик. У ҳушсиз ётарди. Унинг яраларини боғлаб, кейин Колесов билан Бодюков ясад қўйган замбилга ётқизишиди.

Йўлга тушдик. Мен зўрға юриб борардим. Галя ўзи зўрға оёқда турса ҳамки, мени қўлтифимдан суяб олганди. Николай билан Борис Васяни кўтариб юришиди. Тонг ёришиб қолган эди. Шунинг учун ҳам биз портлатилган ердан тезроқ нарироққа кетишга ҳаракат қиласардик.

Афтидан гитлерчилар ўзларини йўқотиб қўйганларидан, портлашнинг айборлари ким эканини ахтаришмаган эди. Эҳтимол, улар кўприкни портлатган бомбани самолётдан ташланган деб ўйлашгандир.

Самолёт бизни олиб кетиши лозим бўлган жойгача бехатар етиб келдик. Вася қуёш ботиши олдидан ўз қўлимида жон берди. Аммо биз уни бу ерда, фронт линияси орқасида дафн қилишни истамадик ва унинг жасадини самолётга олиб чиқдик.

Умуман айтганда ҳамма гап мана шундан иборат... Яна қандай гап бўлиши мумкин? Галяни госпиталга ётқизишига тўғри келди. Маълум бўлишича у ярадор бўлса ҳам буни биздан яширган экан. Менинг жуда ҳам абжағим чиққан, мадорим қолмаган эди. Мени ҳам госпиталга жўнатишиди...

Валентин папироси ўчиб қолган муштукни тишлаб туриб, ўзини диваннинг орқа суянчиғига ташлади. Евгений қўлини укасининг қўли устига қўйди, бу силаш сўздан кўра кўпроқ меҳр-муҳаббатни ифодаларди.

— Шундай. Бу ишлар жуда, жуда ҳам қийин!—деди Геня Валентинга яқинроқ сурилиб.— Буларнинг ҳаммасини бошдан кечириш учун ҳақиқатан ҳам жуда кучли бўлиш лозим!...— У укасининг кўзларига тикилиб қаради:— Валя, бу иш жуда қийин ва қўрқинчли, шундайми?

— Қийин,— деди мийифида кулиб Валентин.— Ҳам қийин, ҳам қўрқинчли.— У бақувват қўллари билан укасини ўзига тортди:

— Геня, барча қийинчилик, барча қўрқинчларни бартараф қилишда инсонга кўмак бера олувчи куч бор. Ватанинни севсанг, душмандан нафратлансанг, сенинг учун ҳеч қандай қийинчилик, ҳеч қандай қўрқинч бўлмайди, укам, тушундингми?

* * *

Валентин бизникида узоқ турмади. Унинг кетиши вақти дарров яқинлашиб қолди. Мен Майкопда комантировкада эдим. Валентинни кузатиб қўйиш учун онаси ва ака-укаси чиқишибди. Қейинчалик отряддаги вақтларимизда ака-укалар, айниқса Геня, Валентинни кўп эслашарди. У Евгенийдан бир неча марта: «Қани, сен айт-чи, шундай пайтларда Валя нима қиласди, масала-ни қандай ҳал қиласди?»— деб сўраганини эшигганман!

* * *

Мана, баҳор ҳам келди. Боглар гуллади. Куртак очган олмаларнинг тўқилган оқ пушти барглари кўчаларни, девор тагларини қор каби қоплади. Оғир ҳарбий йилларнинг бу баҳори қандайдир қадрли ва юракка азиз, ёқимтой туюларди...

5. Биз жўнаб кетдик

Июлнинг охирларида Совинформбюросининг қўйидаги ахбороти радио орқали эшигтирилди: гитлерчилар Ростов-Донга яқинлашдилар ва қаттиқ жанглардан кейин яна шаҳарни эгалладилар. Улар Донни кечиб ўтиб, кенг Кубан даштларига қараб интилмоқдалар...

* * *

Отрядимиз тўла жанговар ҳолатда турарди. Биз отряднинг ҳамма раҳбарлари: яқиндагина тайинланган комиссар Голубев, отряд бўйича менинг ёрдамчим Мусъяченко, Евгений, унинг дўстлари — Ветлугин, Янукевич, Литвинов, Сафроновлар ва мен, ҳаммамиз барча ишни ҳисобга олган-олмаганлигимиз ҳақида қайта-қайта ўлашиб, фикрлашиб, текшириб чиқдик. Қундуз кунлари турли ташкилотларга бориб, қолган ва энг зарур бўлган нарсаларни олардик. Қечалари бўлса карта устида ўтирадик, ўрганардик, отряднинг тўхташ жойларини белгилардик. Қўмондонликнинг кўрсатмаси бўйича биз Краснодар билан Новороссийск ўртасидаги тоғ этакларида жойлашиб олишимиз лозим эди.

2 августда биринчи олти жуфтотли аравамиз партизанларнинг мол-мулкларини ортиб энг яқиндаги, ошиб ўтадиган базамиз — Крепостной станицасига жўнашди.

Бу от-аравалар кетидан тезда бошқалари ҳам йўлга тушди.

Геня бир неча кундан кейин отряд учун лиммо-лим озиқ-овқат ва яроф-аслаҳа ортилган юқ машинасида Крепостнойга жўнаб кетди. У билан бирга Елена Ивановна ва вафодор Дакс ҳам жўнашди.

Биз уч киши — Елена Ивановна, Геня ва мен шу қадар яхши, шу қадар бахтиёр ҳаёт кечирган хоналаримизга, уйимизга сўнгги марта нигоҳ ташлаб, ўйланиб турганимиз ҳали-ҳали эсимда.

Кетишимиз олдидан Елена Ивановна хоналарини тоза қилиб супуриб-сидирди, ҳатто полларни ювди. У уйимизнинг қандай бўлган бўлса доимо шундайлигича бизнинг эсимизда қолишини истарди. Отрядга чиқиб кетишимиз олдида ўзимиз билан бирга энг зарур кийим-кечакдан бошқа ҳеч нарса олмадик. Ҳамма нарса ўз жойида қандай турган бўлса, шундайлигича қолаверди. Аммо ҳамиша шундай шинам, меҳрибон бўлган шу хона ҳозир одам яшамайдиган, ташландик, файзсиз бир жойдай ҳувиллаб кўринарди. Бизнинг бу фойдасиз хотира ва эслашларга берилишга вақтимиз ҳам бўлмади ва нима ҳам кераги бор. Биз бу фурсатда қолдирив кетаётган бу уйимизни ўйламадик. Бизни шу чоқда қуршаб олган бирдан-бир қудратли фикр — қанчадан-қанча совет кишилари оиласини хонавайрон қилибгина қолмай, балки бутун халқимизнинг озодлигига қасд қилган маккор ва шафқатсиз душман билан курашиш фикри эди.

Ҳаммамизнинг кўнглимиздаги бор муддаони биринчи бўлиб Геня айтиб қўя қолди:

— Ойижон, дадажон!.. Бу ердан тезроқ кетайлик! Биз, ахир яна уйга қайтиб келамиз-ку... қайтиб келамиз. Яна ҳам роҳатда яшаймиз!

Ўғлон ўз уйидан умрида биринчи маротаба узоқ муддатга хайрлашмоқда. Аммо у сиртқи кўринишидан бўлса ҳам анча хотиржам, босиқ эди. Айвонга чиқди, ҳуштак чалиб Даксни чақирди. У ўзининг барча «шахсий» нарсалари ичидан кидириб, Зоя Космодемьянскаянинг суратини олди. Уни эҳтиётлик билан думалоқ қилиб ўради ва Николай Островскийнинг муқоваси анчагина титилиб кетган «Пўлат қандай тёбланди?» деган китобини ҳам қолдирмади.

Хўш, нима қилипти, бу жуда яхши иш! Островскийнинг китоби — ҳақиқий синалган дўст, уни отряднинг

«қуроли» учун олиб олиш ортиқчалик қилмайди! Мен яна бир нарсани сезиб қолдим: Геня бирон киши кўриб қолмасмикин, дегандек у ёқ-бу ёққа аланглаб, велосипед рулидан олиб қўйган пропеллерни ҳам юк халтачасига солиб қўйди.

Евгенийнинг хотини Машанинг жажжигина дўмбоғи Инночка билан Краснодарда қолаётгани биз учун жуда ҳам оғир бўлди. Июль ойининг охирларида Маша касал бўлиб қолди. Шундай қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолдики, унинг отряд билан бирга кетиши ҳақида эмас, ҳаттоқи ўрнидан қўзғатиб шаҳардан олиб чиқиб кетиш ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас эди. Кечаси биз уни ва ухлаб ётган Инночкани уйларидан олиб чиқдик ва машинага ўтқазиб, шаҳарнинг иккинчи бир чеккасига олиб бориб қўйдик. Маша бу ерда — узоқ қариндошлариницида қизи билан қолиши — тўғрисини айтганда, биз қайтгунимизча, ғалабамизгача шу ерда яшириниб туриши керак эди. Ҳамиша беозор, оғир табиатли Евгений ухлаб ётган Инночкани сўнгги марта ўпид, бегона уйдан орқасига қарамай чиқиб кетаётган пайтда унинг эс-хуши ўзида эмас эди.

Хуллас, шундай қилиб, мана хеч бир кутилмаган нарса рўй берди! Елена Ивановна ўзини анча олдириб қўйди. У сўнгги кунларгача ишлаб келган госпитални бошқа шаҳарга қўчиришда энг фаол иш кўрсатди, яқин пайтларда ҳам тетик, серташвиш эди. Госпиталнинг қўчириб юборилиши гўё унинг жонини суғуриб олгандай бўлди. Биз авваллари унинг қўзларида ҳеч қачон бундай ғам-ғуссани кўрмаган эдик.

— Сенга нима бўлди ўзи? — деб суриштирдим мен ундан.

У зўрма-зўраки кулиб қўйди ва бошини чайқади:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ!

Шундай қилиб, у ўзини қандай азоб-уқубатлар қийнаётганини айтмасдан йўлга чиқди.

* * *

Краснодардан отряднинг жўнаб кетиши лозим бўлган кундан бир кун олдин, кечаси шаҳар партия комитети биносида бўлажак партизанлар йиғилишди. Мажлис бўлиб ўтган катта хона президиум столи устидаги кўк қалпоқча кийгизилган лампадан тушаётган фиравшира шуъладан зўрға ёритилган эди. Ойнага осиб қўйи

Йилган парда орқасида, жимжит, хавфли кеча ҳоким. Ҳар замонда узоқдан келган артиллерия отишмалари-нинг даҳшатли гумбурлашлари тун сукунатини бузиб турарди. Йиғилганларнинг ҳаммаси жим бўлиб қолиши. Ҳаммалари бирон катта аҳамиятга эга бўлган зарур воқеа бўлиши лозимлигини сезишарди...

Ҳатто, ҳозир, кўп йиллар ўтиб кетган бўлишига қарамай, биринчи маротаба партизан қасамининг сўзларини айтган ўша кечани ҳаяжонланмасдан эслолмайман:

«Мен, улуғ Совет Иттифоқининг граждани, қаҳрамон совет халқининг содиқ фарзанди, қасам ёд қиласманки...»

«Қасам ёд қиласманки, мен ўзимни, ўз оиласми ва бутун совет халқини маккор фашизм қуллигига топшириб қўйгандан кўра, душманга қарши жангда мардонавор курашиб ҳалок бўлишни афзал кўраман»...

Қасам сўзларининг ҳар бирини юрагига жойлаб қасам ёд қилган Евгенийнинг овози ўша пайт қанчалик кучли ва баланд жараглангани ҳали-ҳали эсимда. Ҳар ким қасамни имзо чекиб тасдиқларди. Шу вақтда отрядимизни «Боту отряди» деб аташга қарор қилинган эди.

* * *

Гитлерчилар шаҳарга бир чеккадан босиб киришди, биз бошқа томонидан чиқиб кетдик. Бу қора кун бутун умр бўйи эсда қолди! Ҳар биримизнинг юрагимиз ғам ва аламдан эзилиб кетди. Юракда душманга нисбатан шу қадар нафрат туғилдики, ҳозироқ жангга киргинг, душманга ўт очгинг келарди.

Баландликдан туриб, узоқда тутуни чиқиб ётган жонажон Краснодарга боқиш жуда даҳшатли ва оғир эди. Ахир у ерда озмунча одамларимиз ва партизанларимизнинг оиласлари қолиб кетдими? У ерда Маша ҳам кичкина қизчаси билан қолиб кетди...

Евгенийнинг ранги оқариб кетганди, лабларини тишлаганича жим турарди. Унинг юрагида нималар борлигини билиш қийин эмас эди албатта! Лекин ўша пайтда уни юпата оладиган, тинчлантира оладиган сўзни топиб бўлармиди?.. Қўллари билан қуруқ ва шишиб кетган кўзларини артиб, шаҳар томонга орқасини ўтириб туриб олди. Шундан сўнг биз ёнма-ён юриб, отряд кетидан жўнадик.

— Биз — партизанлар трактор шатагига тиркалган

араваларга ҳали олиб кетилмаган партизанларнинг мол-мулкларини қолган-қутганини юклаб, Краснодардан чиқиб кетаётган вақтимизда, шаҳарда портлашлар гумбурлай бошлади. Ветлугин раҳбарлигидаги бизнинг партизан отрядимизнинг портлатувчилари «Главмаргарин» комбинатини портлатган эдилар. Бошқа отряд портлатувчилари Седина номидаги заводни, нефть то-залаш заводини, электр станциясини портлатиб, ишдан чиқардилар. Ҳаммаси қатъий ва аниқ ишлаб чиқилган план асосида бажариларди.

Шундан сўнг шаҳарга, кишини ғам-ғуссага ғарқ қи-ладиган жонсиз сукунат чўқди. Шаҳар — унинг кўча-лари, майдонлари, тор кўчалари, боғчалари, хиёбонла-ри, уйлари худди ер билан яксон бўлгандай. Ҳеч қаерда, ҳеч ким... биронта жонли одам йўқ...

Душманнинг олдинги танк колоннаси Краснодарга Будённий кўчаси орқали кириб келди. Гитлерчилар Ново-Кузничийнинг катта, тош ётқизилган йўлидан юришга юраклари дов бермади — пиистирма бўлиши мумкин леб қўрқдилар. Фашист танклари гумбурлаган ва шарақлаган овоз билан марказий бозор майдонла-рига қараб юрди. Бу ерда хам қўп-қуруқ эди. Шаҳар-нинг қарама-қарши бир чеккасида бўғиқ овоздаги порт-лаш садолари эшилди. Тутундан пайдо бўлган устун-лар осмонга кўтарилди.

Командир танки тўхтади. Унинг очиқ қубба қопқо-ридан фашист офицерининг боши кўринди. Яқин орада-ги дўкон ичидан тўсатдан ҳавода камонча хосил қилиб, танкага қарши ишланган оғир граната учиб ўтди. Уни қаттиқ тажрибакор қўл ташлаган эди: граната туйнук-ка, тўппа-тўғри офицернинг қоқ бошига бориб тушганди. Орқа-орқадан бир икки портлаш гумбурлаб кетди. Танкнинг айланма қуббасидан қора тутун кўтарилди. Фашист танклари тусмоллаб тўпдан деворларга, дўкон, бўш пештахталарга қараб ота бошлади. Сўнг нарироқ-қа, Краснодарнинг бош Карсной кўчаси бўйлаб кетиши-ди. Олдинги танк Пролетар кўчасини кесиб ўтаётганда унинг тагидан олов дастаси баландга отилиб чиқди. Үр-малаб юрувчи ғилдирак узилиб, парча-парча бўлиб тош йўлга тарақлаб урилди. Машина силкиниб кетди, ағдарилди ва турған ерида тош қотди. Унинг орқасидан кузатиб келаётган танк тезда ўзини тротуарга бурди. Унинг юриш қисми тагидан янги портлаш эшилди.

Бузилган машиналар йўлларни тўсиб қўйди. Уларнинг орқасидан кузатиб келаётган танклар жой-жойида тўхтаб қолди ва пала-партиш ўт очиши.

Шу пайтда уй деразаларидан, дарвозалардан, девор орқаларидан гранаталар учиб туша бошлади. Мерганлар танкнинг кузатиши тирқишига қараб урардилар. Машинанинг зирҳли қалқонига қараб урилган ёнилғи шишалари шарақлади. Кўпгина танклар ўт олиб ёниб кетди. Шунда Краснодарнинг бир чеккасидан жанг овозларини қамраб бирдан катта, кучли портлаш гумбирлади: бу Кубань орқали ўтиладиган дарёдаги охирги кўпприкнинг бизнинг жасоратли портлатувчиларимиз томонидан сувга ағдариб ташланиши эди.

Шаҳар фашист галаларининг бостириб киришини ана шундай кутиб олди...

Бу вақт ичидан бизнинг партизан отрядимиз Қавказ тоғ этаклари томонига қараб тез ҳаракат қилмоқда эди.

Биз бир неча кун ўтгандан кейин, тоғда партизан лагерида алоқачиларимизнинг гитлерчилар Краснодарга қандай қилиб кирганлари ҳақидаги ҳикояларини юрак ҳаяжонлари, қайғу ва ачиниш билан эшилдик.

— Мактабга-чи? Улар бизнинг мактабимизга заарар етказишмабдими?— деб сўради Геня алоқачидан.

— Сенинг мактабинг ҳақида эса ҳеч нарса дея олмайман, тўғриси, билмайман!— деди у,— сизнинг уйга бўлса қандайдир фрицлар, офицерлар жойлашиб олибди, дарров!

— Лаънатилар!— деб пичирлаб қўйди Геня.— Мен бўлсам уларни...

Ҳаммамиз ҳам Краснодорни сўнгги дақиқаларгача ҳимоя қилиб келганлар қаторида бўлишни истар эдик. Орзу қиласидик. Начора! Жонажон, севимли шаҳринг фашист тутқинлигининг қора булутлари остида қолганлигини фикр қилиб кетиш жуда қийин гап эди, ахир!

* * *

Крепостной станицасида узоқроқ тўхтаб туриш хатарли, чунки у ер Краснодарга жуда ҳам яқин эди. Биз яна партизанлик мулк-анжомларимизни от-араваларга, Генянинг машинасига, трактор шатакларга юкладик ва тоғ этакларига қараб юришни давом эттиридик. Тракторни ёш йигит Павлик Худоерко ҳайдаб юради. Кеинчалик Геня у билан қалин дўст бўлиб олди.

Комбинатнинг энг муҳим объектларини ишдан чиқариш учун Краснодарда қолдирилган ўртоқларимизнинг, партизанларнинг, шу жумладан Ветлугиннинг тақдири бизни қаттиқ ташвишга соларди. Улар мана шу Крепостнойда бизга етиб олмоқчи эдилар. Лекин ҳалигача улардан дарак йўқ эди. Улар бизга кечроқ, Қрим дала-ларига борганимизда етиб олишди.

Биз ҳали Крепостнойда турган вақтимизда Геня бир неча бор олдимга келди. Афтидан унинг менга бирор нарса айтгиси бор эди. Аммо менинг ҳам бошқаларни-кига ўшаган шу пайтда турли-туман ишларим кўп бўлганидан: «Шошмай тур, ҳозир вақтим йўқ!»— деб тингламай қўйган эдим. Ў эса ранжиган қиёфада қайтиб кетганди. Фақатгина Қрим далалари йўлида кетаётган пайтда, қандайдир тасодифий ва қисқагина вақтга тўхтаган жойимизда, мен юк машинаси ёнига яқин келдим ва сўрадим:

— Сен менга бир нарса айтмоқчимидинг, Геня?

— Ҳа, дадажон! Мен Краснодарда ҳамма партизанлар қасамёд қилишибди деб эшилдим. Мен ахир ўша вақтда йўқ эдим-ку...

— Гам ема! Имконияти бўлганда комиссар Краснодарда қасамёд қилолмаганларнинг ҳаммасини қасамёд қилдирари.

— Яна бир оғиз сўзим бор эди, дадажон...— У ҳабиба ойнасидан бошини чиқариб, қулоғим томонга энгашди ва машинанинг кузовида ўтирган Елена Ивановна эшитиб қолмасин деб, пичирлаб гапирди:— Мен ойимдан хавотир оляпман.., билишимча унинг саломатлиги яхши эмас. Унинг юзлари шу қадар ҳорғин, оқариб кетибдики... Мен ундан сўрадим, у бўлса — ҳечқиси йўқ, ўзимни дуруст сезяпман,— дейди. Аммо ҳеч ундаи эмас, аксинча!

Мен машинанинг кузовига яқин келдим. Елена Ивановна ҳақиқатан ҳам қийналган бир ҳолатда эди. Чакирганимни эшитиб бошини мен томонга бургандга, унинг кўзлари носоғлом оқариб, қовоқлари шишиб, қизариб кетганлиги мени таажжубда қолдирди.

— Сен соғмисан?— деб сўрадим мен.

— Саломатман... Шунчаки, бир оз чарчадим шекилли,— деди ва кўзини бошқа ёққа олди.

«Уйни соғинаётгандир, Валентин ҳақида ташвиш тортаётгандир», деб ўйладим мен.

Уша вақтда ҳеч биримиз — мен ҳам, ўғилларим ҳам шу кунларда унинг ёлғиз бир ўзи қандай оғирликларни бошидан кечираётганини, унинг юраги сиқилаётганини ва бу азобларни биздан яширин сақлаш учун унга қанчалик сабру тоқат керак бўлганини билмасдик ва кўз олдимизга келтира олмасдик.

Сир бу ёқда эди: биз Краснодарни ташлаб кетишимиз олдида Елена Ивановна, тасодифан Валентиннинг ўлими ҳақидаги шум хабарни эшитиб қолган ва бизни хафа қилишни истамай, буни биздан яшириб, айрилиқ азобининг бутун оғирлигини ўз устига олган экан. Госпитални бошқа жойга кўчирадиган вақтда ярадорлардан бири, Қримда Валентин билан битта ҳарбий қисмда бирга хизмат қилган одам Елена Ивановнанинг фамилиясини эшитиб қолиб, унга Валентиннинг ҳалокати ҳақида ҳикоя қилиб берган экан...

Душман истеҳкомларини ёриб ўтиш учун тайинланган, Валентин қўмандонлик қилган зарбдор группани фронтнинг олдинги қисмига ташлашибди. Сапёрлар аллақачоноқ мина далаларидан ўтиш жойларини тайёрлаб қўйишган ва шиддатли ҳужум бошлаш эртанги кунга тайинланган экан. Гитлерчилар шунда тўсатдан ҳужум бошлаб қолибди. Қўмандонлигимиз орқага чекиниш учун бўйруқ беришга мажбур бўлади. Аммо душманни тўсиб, чекинувчиларни ҳимоя қилиб туриш шарт! Энг сўнгги киши қолгунча душманни ушлаб туриш вазифаси зарбдор группанинг зиммасига тушади.

Фашистлар қалин занжир каби тизилиб келишибди. Гитлерчиларнинг шиддатли ҳужуми ҳали тамом бўлмайдигандай кўринади. Аммо барча шиддатли ҳужумни қайтаришга мусасар бўлинибди. Теварак-атрофда мина, снаряд ёрила бошлайди. Шунда бизнинг пулемётларимиз бири орқасидан-бири жим бўлиб қолишади. Валентин ўзининг омон қолган жангчиларига орқага чекинишга бўйруқ бериб, ўзи эса пулемётчи билан бирга қулайроқ жойга сурилади ва шиддатли ўт очади. Орқага бориб турган жангчилар, унинг ёнида бир минанинг, кейин яна бошқа бирининг ёрилганини кўриб қолишади. Пулемётчи ўлган эди. Мана Валентин ҳам ёни билан ағдарилади. Бир қанча жангчилар у ётган томонга қараб ташланмоқчи бўлишади. Аммо фашистлар ўти пулемёт яқинига боришга имкон бермайди. Мина ва снарядлар жангчилар устига селдай

ёғилади. Улар командирларининг жасадини фронт ли-
нияси орқасида қолдириб, бир оз нарироққа чекинишига
мажбур бўладилар.

Валентиннинг ўртоғи айтиб берган бу ҳикояни Еле-
на Ивановна бизга анча вақт ўтгандан кейин айтиб
берди.

* * *

Отрядимиз қандай қилиб бўлса ҳам янги манзил—
Қрим кўқаламзорларига тезроқ етиб олиш учун олдинга
қараб юрди. Тоғ ёзининг барқ уриб гуллаган чори эди.
Ўсиб етилган, ширали ўтлар оёқ остида кўк гиламдай
тўшалиб ётарди. Қадимий серсоя ўрмон, серновда қай-
рафочлар ўз соя-салқини билан кишини ўзига тортарди.
Ҳаво шаффоғ ва тоза эди. Шундай қилиб табиатнинг
бундай муъжизакор фазилатидан руҳланишиб, кишилар
гўё азоб-уқубатларни, қийналишларни кўрмагандай таш-
лаб кетилган жонажон шаҳар ҳақида ғам-ғуссалар
ютишмагандек бўлишиб, тезда ҳаммалари тетиклашиб
кетишиди ва ҳатто севиниб ҳам қолишиди. Олдинда, жа-
зира ма сароб ичидаги тоғлар кўриниб турарди. Уларнинг
яланғоч чўққилари булутсиз, нур сочиб турган ҳавога
кўтарилган. Карабет тоғининг кўк рангдаги тизмалари
худди бизнинг ёнимизда тургандай кўринади. Ўнгда—
муҳташам ҳаво ранг Сибербаша, чапда — ҳайбатли Саб-
тоғи.

Бизнинг шу ерда яшашимиз, душман билан кураши-
шимиз, ўтилиши оғир бўлган дара йўлларида қийналиб
бўлса ҳам душманни шу тоғли, сўқмоқ йўлларда пой-
лаб туришимиз лозим эди. Тоғлар, тоғлар... Улар биз-
нинг ўйимиз, бизнинг қўрғонимиз бўлади энди. Биз—
кичкинагина бир тўда кишиларнинг кўз олдимизда Пуш-
кин ва Лермонтов томонидан куйланган рус қурол-ярого
шон-шуҳратининг қадимий гувоҳи бўлган қудратли Кав-
каз тоғлари ниҳоятда катта бир амфитеатрдай намоён
бўлди.

— Эсингизда борми, ойижон, худди Толстойнинг
«Кавказ асири»даги каби,— деди Геня, кузовдан ту-
шиб ўз ёнига-кабинага кириб ўтирган Елена Иванов-
нага.— Жилиннинг тоғларга тикилгани эсингиздами?..
Ҳа, анави тоғнинг орқасида яна тоғлар бор. Тоғлар
орасида ўрмон кўкариб ётипти, ундан кейин яна тоғлар
борган сари баланд-баландларга кўтарилади. Ҳамма-

дан баландликда эса оппоқ қанд қаби оқариб, қор та-
гидағи тоғлар турибди.. Буни бешинчи ёки олтинчи
синфда ўқиган эдим, ҳозирга қадар ҳамма сўзи ёдимда!..

Ү хәёлга чўмди. Унинг чеҳраси доимо мактабни, уй-
ни қўмсаган вақтидагидай ғамгин бўлиб қолди. Аммо
бирор дақиқадан сўнг яна хушчақчақ бўлиб қолди. У,
иштиёқ-ҳавас билан атрофга қараб-қараб қўярди. Уни
ҳамма нарса: қўёш тушиб турган кичкина-кичкина ям-
яшил ўтлоқлар ҳам, йўл ёқасидан четроқдаги ҳайбат-
ли қайрағчлар ҳам, машина товушидан қўрқиб, гур
этуб кўтарилиган қора қанот тўрғайлар ҳам қизиқтира-
ди. Геня ўзининг тоғ ҳаёти ҳақидаги: тоғ дарёлари ёни-
да дам олиш, очиқ ҳавода гулхан ёнида тунаб қолиш ҳа-
қидаги энг дадил фикрларини энди тушида эмас, ўнги-
да бошдан кечирарди.

Отряд тоғ этагидаги биринчи партизан кечасини
Крим ўтлоқларида ўтказди. Илгари бу ерда, қуюқ ўр-
мон билан қуршалган кенг ўтлоқда, ўрмон заводи бор
эди. Аммо урушнинг биринчи куниданоқ унда ишлаган
ҳамма кишилар кетнб қолишган. Завод ҳозир ташлан-
диқ ҳолда ётарди.

Шундан кейин мана шу тоғ, ўрмон жимжитлиги
ҳукм сурган жойда, яна қайтадан кишилар овози янг-
раб кетди. Отлар кишинади. Болта зарбалари эшитилди.
Тутунлар бўралаб чиқа бошлади.

* * *

— Дадажон! Мен сиздан жуда, жуда ҳам ўтиниб
сўрайман.. Сиз мени кечқурунги лагерь қоровуллигига
тайинлашингиз керак! Хўпми! Менинг кечаси шундай
навбатчилик қилгим келяптики!

Генянинг кўзлари чақнади. У эҳтимол, тунги сирли
шовқун-сурон ва шитирлашларга эҳтиёткорлик билан
қулоқ солиб, қўлида винтовка билан лагерь тинчлигини
сақлаб, соқчиликда туриш ҳақида бир неча марта орзу
қилгандир. Атрофда эса тоғлар... Аммо мен хотиржам-
лик ва қатъий қилиб жавоб бердим:

— Геня, мен отряд иш-ҳаракатининг муваффақияти-
ни ва унинг ҳавфсизлигини таъминлашим лозим. Шунинг-
дай сен ҳам отрядда ўзингнинг кўнглингга ёқкан ишни
эмас, балки буюрилган нарсани бажаришинг керак!

У мендан кўзини олди ва қизариб кетди:

— Тушундим...

У орқасига ўгирилди-да, олдимдан кетди. «Ҳечқиси йўқ,— деб ўйладим мен,— ўрганиб кетади».

* * *

Биз эртаси куни кечқурун у қадар катта бўлмаган бир водига етиб келдик. Узоқ тоққа олиб чиқиб кетадиган узун, тор Планческ тоғ оралиғи ўша ердан бошланган. Биз шу ерда, даранинг охиригача етмасдан, бизни «521 белги»га олиб борувчи, зўргагина кўринадиган сўқмоқ йўлни қидириб топишимиш керак эди. Бизнинг йиғилишиб келиб жойлашиб оладиган еримиз, карта да ана шундай рақам билан кўрсатилган эди.

Энди ҳамма жамул-жам. Комиссар илгари ҳар хил сабаблар билан Краснодарда қасамёд қила оламаган партизанларни тўплаганди. Уларнинг ичидаги Елена Ивановна ва Геня ҳам қасамёд қилишди.

Геня, қасамёд қилгандан сўнг камарини тортиб боғлаб, жиҳдий тусда ёнимга келди.

— Мана холос,— деди у оҳистагина,— ҳамма иш битди!

Мана шу «Ҳамма иш битди» деган сўзнинг маъносида — унинг бу тоғ этакларидаги ўзини кутиб турган қийин ва қаттиқ ишга бутун куч-қувватини сарф этиш учун тайёр эканлиги ифодаланарди. Эҳтимол ёш партизан қасамёд қилаётуб, ҳозиргина ўз зиммасига олган бутун жавобгарлигини биринчи маротаба тўла аниқ тушунгандир. У тушунди, титрамади ва ҳаяжонга тушмади, ўз кучига шубҳа қилмади, балки унга кўрсатилган ишончга лойиқ бўлиш учун қилинган қасамёдни умрбод сақлаб боришга қарор қилди. У шу куни кечаси билан мутлақо камгап бўлиб чиқди. Эси ўзига келгандек бўлди. Кейин у ҳамиша онаси ёки мен томонга яқинроқ жойда туришга ҳаракат қиладиган бўлиб қолди...

Ўша куни, кечқурун отряднинг биринчи партия мажлиси бўлди. Биз тўгаракка ҳам худди шу ернинг ўзига, ўтлоқдаги эски қайрағочнинг остига йиғилдик.

Ботиб бораётган қўёшнинг нури билан ярқираб турган тоғ чўққилари ҳали пушти ранг, дараларга эса аллақачон кўк тусдаги қуюқ кўланка тушиб қолган эди. Саратоннинг чириллашлари қулоқларни батанг қиларди. Қайрағоч шохларидаги биз безовта қилган қушчалар ҳам уйқусираб ҳар замон, ҳар замонда бир чийиллаб қўйишарди.

Ҳаммамизни чуқур бир ҳаяжон босди. Партиямизнинг душман қуршови ичидаги биз фарзандлари, бу ерда фақат унинг кўрсатган йўли билан яшаймиз ва ҳаракат қиласиз, бизнинг ҳар биримиз шундай деб ўйлардик. Бу эса бизни яна ҳам кўпроқ жипслаштирас, бир-бirimizga яқин қиласди.

Отрядда йигрма олтига коммунист бор эди. Сафронов партия ташкилотининг секретари қилиб сайланган эди. Ўша пайтда Владимир Николаевич Сафронов қирқ ёшларда бўлса бор эдики, аммо ундан ошмасди. Уни, комбинатнинг теплоэлектроцентрали бошлиғи сифатида, бутун отряд деярли яхши биларди. У ўзининг инсонийлиги билан ҳамманинг меҳри-муҳаббатига сазовор бўлган эди. Унинг юраги касал, кабинет одами — масъул ишчи, каттакон, йўғон, салмоқ билан гапирадиган бу одам, отрядни тайёрлашда ёшлар билан бир қаторда ҳамма машгулотни тўла ўтарди. У ҳеч қачон ўз касалидан зорланмас, гўё соғ одамдек кўринарди. Кўринишидан соддадилга ўхшаб туюларди, аммо бу соддадиллик матонатлиги ва фикрида мустаҳкам туришлиги билан қўшилиб кетган эди. Қисқача қилиб айтганда, партия ташкилоти секретарлигига бундан яхшироғини орзу қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ эди.

Лагерь бўйича соқчиликни ёшлардан — Геня, Павлик, Худоерко ва яна бир қанча ёш ўспириналар олиб боришарди. Улар бу вазифани — ёш авлод кекса ўртоқларни қўриқлайди, деб фахр билан бажаардилар.

6. Тогдаги лагерь

Планческ тоғ оралиғи бизни илтифотсизлик билан қарши олди. Отряд ўз йўлини бошлаган ўтлоқнинг кўккат ва япроқларида шабнам томчилари ялтирас, қушлар овози янграб, қуёш аллақачон ўз нурини сочган эди. Бу тоғ оралиғида эса қали тонг қоронғиси бор эди, чиринди ҳиди келар ва бу ер, айниқса, жимжит, пастқам туюларди. Мана буни ҳақиқатан ҳам оралиқ деса бўлади! Ўз устингдаги очиқ ҳавони кўриш учун, бошни орқага ташлаб қарашга тўғри келади. Баландликда, хира баргларнинг безак солинган доирасида равшан зангори осмон шуъла сочиб турарди. Пастда эса йўсин ўтлар билан кийинтирилган улкан тошлар орасида аҳён-аҳёнда бир бутазор кўкариб турар, сершоҳ, патли

қирққулоқ, дараҳтларнинг ингичка, узун таналари тепага қараб, ёруғликка, қуёшга қад чўзишарди.

Геня бу ерда, тоғда учратаетганларни ва бу қоронғи оралиқни ҳам кўриб ҳайратда қолган бўлса керак.

— Ана жой-у, мана жой!— деди у онасига.— Бу ерда фақат қароқчилар йўқ, холос... Рост гапириятман, худди эртакдаги жойларга ўхшайди—бирдан уч бошли илон чиқиб, сенга қараб ўрмалаб келаверса-я!— Кейин у оҳиста куйлади:

Юрди чаққон эскадронлар
Краснодарлик партизанлар!..

У тоғда бўлишни кўпдан бери орзу қилган эди, мана орзуси ҳам рўёбга чиқди: тоғлар унга ўзининг бир кунлик эмас, барча янги сирларини айтиб берди.

Бизнинг «белги»мизга олиб борадиган сўқмоқ йўл дарадан ўнгга қараб, тиккасига тепага кўтарилади. Унинг қаердан бошланганини белгилаш қийин. Табиатнинг ўзи унга айланиб бориш йўлини, ўтиб бўлмас дарражада қуюқ новда ва дараҳтлар билан ниқоблаб ташлаган эди. Ҳатто биз «521 белги»га етиб келганимизнинг охирги даврларида ҳам партизанлар манзилга олиб борадиган бош сўқмоқ йўлнинг ёнидан ўтиб кетиб қолиши ҳодисалари бўлган эди. Биз бўлсак бу жойни кейинчалик яна ҳам пухтароқ қилиб ниқоблаб қўйган эдик.

Биз жуда ҳам секин ҳаракат қилиб бораётган бу тикка тош йўлнинг ким томонидан ва қачон ётқизилгани Геняни жуда қизиқтиради. «Шубҳасиз,— деб мулодхаза қилди у,— атрофидаги тоғларни яхшигина ўрганиб чиқишишган, мард, жасур кишилар қурган бўлса керак!»

Йўл ёки тўғрироқ қилиб айтганда сўқмоқ йўл тикка кўтарилиган қоялар тагидан ўтарди; йўл шундай мардонавор бурилишлар ясад қурилган эдик, ҳатто машина қийинчалик билан бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда ундан ўта оларди.

Тоғлар, тоғлар ҳисобсиз тоғлар... Уларнинг тепалари гоҳ жонсиз, яланғоч чўққи бўлиб осмонга кўтарилиб, гоҳ ўтиб бўлмас ўрмоннинг қоп-қора ҳурпайган кийимига уланиб турар, гоҳ ўтлоқнинг кўм-кўк майсазорлари кўзни қувонтиради. Биз қанча нарироқ юриб жетганимиз сари, узоқдаги тоғлар шунча юксак ва айланма бўлиб кўтарилиб чиқарди.

Иўл Афипс дарёси бўйлаб кетарди. Дарё бўлганда қанақа! Қайрилади, ҳалқа-ҳалқа бўлиб оқади, баъзам гирдблар ҳосил қилади. Бирдан орқага қайрилади ва яна буралиб-буралиб, айланаб оқади. Унинг юз метрча бўлса ҳам тўғри-равон оқиб борган жойи бўлмаса керак. Жўшқин, қайсар тог дарёси доимо тўхтовсиз, шовқин-сурон билан оқади. У оқ кўпикли гирдоб ичиде муздек зангор тўлқинлари билан тошларга қараб ошиқаяпти. Тошлар юмалагани сари қуёш нурининг учқунлари сувда ялтираб кўринарди. Баъзи жойларда қирғоқ бўйидаги бута ва дараҳтлар дарё устида паст бўлиб эгилиб унинг тез оқимида ўз повдаларни чўмилтириб, силкитиб турарди.

Буларнинг барчаси жуда ҳам гўзал, аммо биз бу қайсар тог дарёсини жуда лаъиатладик! Икки марта Афипс орқали ва саккиз мартача исми номаълум дарёлар орқали — уларнинг тагидаги тошларга урилиб-сурилиб, сув остидаги тўнкаларга туртаниб, тўсатдан чукурларга тушиб кетиб, кечиб ўтишга тўғри келди.

Шуниси ҳам борки, барча бу муваффақиятсизликларнинг бўлиши учун ўзимиз ҳам анча айбдор эдик. Дарёнинг тошлар устини зўрга беркита оладиган ва тўпиқдан ошмайдиган саёз жойларидан ўтишда дикқат қилиш лозим эди. У ёқ-бу ёққа қийшаймасанг дарёдан қуруқликдан чиққандай кечиб ўта оласан. Генянинг машинаси ва Павликнинг шатаги бирор марта бўлса ҳам сувда ботиб қолгани йўқ. Сув ялаб кетган тошлар остидан бизнинг от-аравалар ҳам эсон-омон ўтиб олди. Отлар сирғанчиқ шағаллар устидан дадил қадам ташлаб бораради. Лекин биз, тог қуёшида қорайиб кетган, терлаган, чарчаганларга келсак, эҳтиётсизлигимиз орқасида ҳийлакор дарёда тўла асбоб-анжомларимиз билан бир неча бор чўмилишга тўғри келди.

* * *

Кун ботарда ранг-баранг, анвойи гуллар, қалин сербаргли ўтлар ўсган кенг ялангликка чиқдик. Иш қилиб қаердадир, мана шу атрофда, шу ерга яқин бир жойда «521 белги»ли бизнинг бўлажак лагеримиз жойлашган бўлиши лозим.

Евгений кеча, Қрим яланглигига бўлган партия мажлисидан жайиноқ дарров отга миниб, «белги»ни топиш учун олдинроқ жўнаб кетди. Уни кутиб ўтириб, йирти-

либ, титилиб хийлагина ишдан чиқиб қолган кийим-кечакларни ямашга, юкларни тоғ қуёшининг қиздирувчи шуъласидан эҳтиёт қилиб, сояга олиб қўйишга киришдик.

Кечга яқин катта гулхан ёқдик. Унинг атрофига қоровуллик қилаётганлардан ташқари ҳамма отряд йиғилди. Аланга ҳамма вақт, қаттоки энг ғамгин ва қайғули пайтларда ҳам кишида ҳузур-ҳаловат туйғуларини уйғотади, фақатгина бадани эмас, балки юракни ҳам иситади. Гулхан атрофида товушлар, кулгилар кўтарилди.

Геня ҳаяжон билан Павлик Худоеркога ниманидир ҳикоя қилиб берарди. У афтидан, камтар, оғир ва кейинроқ маълум бўлишича, ажойиб баҳодир, жанг пайтида довюрак Павликка қизиқиб қолган эди. Павлик Евгений раҳбарлигига отрядда айғоқчилик разведкаси ни яхши ўйлга қўя билди. У Генядан бир неча ёш катта эди, холос, шунга қарамасдан у фронтда бўлган эди, бу эса Геняга катта ишдек кўринарди. Фронтга бориб келган киши билан дўст бўлиш бахт эди, назарида. Улар тез орада бир-бирлари билан топишиб олишди. Кейинчалик дўстлашиб ҳам кетишиди. Эндиғина ҳаётга қириб келган икки ёшнинг жанговар дўстлигига уларга кучли таъсир кўрсатган нарса энг қийин, энг оғир, қаттиқ ҳарбий вазият, ҳарбий вақт эди.

Хали Краснодарда эканимизда бутун оиласиз билан партизанликка чиқиб кетиш ҳақидаги масала ҳал қилинаётган бир пайтда биз, Геня отрядда ўз ўрини қандай туттар экан?— деб анча хавотирланган эдик. Яна у ишда, разведкада, жангда доимо катталар билан бирга бўлгиси келади, энди атрофдагиларнинг уни ёш бола ҳисоблаб муомала қилганларини кўрганда қийналармикан, деб қўрқардик.

Амалда ҳамма ўйлаганларимизнинг беҳудалиги билиниб қолди. Геня тез фурсатда отрядда ўз ўрини топиб олди. Агар унда биринчи кунларда қатъий интизомни тез-тез эсидан чиқариб қўйиш воқеалари юз берган бўлса, бу тартиб-интизомни тушунмаганлигидан уни ҳурмат қилмаганлигидан эмас, балки унинг бу болалик қизиқонлигидан шуни удалай олмаган эди, холос. Биз уни тартиб-интизомга ўргатдик. Бунинг устига унинг кўзи олдида, ҳамиша ўзини тутиб олган, озода кийиниб юрадиган, ўзи ва бошқаларга талабчанлик билан қарайдиган катта акаси ўрнак бўлиб турарди. Геня ҳам ўз

истақларини отряд тартиб-интизомининг талабларига бўйсундиришга ўрганди. Ўзини камтар тутар, ҳеч қандай, ҳаттоти энг кир, лой ва бошқа оғир ишлардан ҳам қўрқмас ва жирканмасди. Вақтлар ўтиши билан унда партизанлар билан самимий дўстона алоқалар вужудга келди. Ёш йигитлар эса фақатгина бизнинг отрядда эмас, балки қўшни отряддагилар ҳам Геняни севиб қолишиди ва у билан жон деб разведкага боришарди.

Геня ўз атрофидаги зўр иродали, букилмас, тетик фидокор, шунинг билан бир вақтда жуда камтар кишилар билан бўлган дўстлигини жуда қадрлар, у билан фахрланар ҳам эди. Генянинг, ўз фикрича «ўрмон до-нишманд»лигининг хазинаси, ҳақиқий «из топар», яна бунинг устига ҳамиша шоду-хуррам, хушчақчақ муоммалалик Петр Петрович Мусъяченко билан дўстлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўларди. Геня яна Виктор Иванович Янукевичга чуқур ҳурмат сақларди ва уни ўқтиради. Бу — ўрта бўйли, нимжон, касалманд (унинг сил касали бор эди) бўлса-да, жуда оғир, энг оғир ишларни бажариш учун ҳар доим тайёр турадиган одам эди. Унинг мустаҳкам руҳий куч билан оғир касалликни енга билгани болани ҳайрон қолдирган эди. Хўш, унинг хотини Мария-чи! Бу ёш, ғайратчан, ҳипчагина, кўзлари катта-катта, гоҳида дағаллик ҳам қилиб қўядиган хотин, аввалига Генянинг кўзига инжиқ бўлиб кўринди, уни ёқимтой деб билмади. Бунинг устига хотин яна бу болага бепарво қарабарди, бу эса Геняга яна алам қиларди. Геня вақтлар ўтиши билан Мариянинг ташқи дағаллиги — унинг принципиалиги, кишиларга ва албатта ўзига ҳам бўлган талабчанлигидан келиб чиққанини тушунди. Унинг ҳурматига ва дўстлигига сазовор бўлиш учун ўзини амалда, ишда кўрсатиш лозим. Яна Мария Янукевичнинг ўта камтарлигини айтмайсизми! Қрим фронтидаги қаҳрамонлик ишлари, отрядга келиб қўшилгунча ҳарбий фельдшер бўлганлиги ҳақида у ўзи бир оғиз ҳам мақтаниб гаи очмади. Ахир, ҳақиқий қаҳрамонлик ҳам шунчалик бўлади-да!

... Тунги жанг кетарди. Мария Янукевич олдинги ўтлиниясида ярадор матроснинг яраларини боғларди. У бу билан овора бўлиб атрофида нималар юз берганлигига аҳамият бермасди. Бирдан матрос ўрнидан ирғиб, оёққа турди ва ҳамширага суюниб туриб граната улоқтирди. У жанг шовқин-суронлари ичида алланималар деб

бақирдп, шима деганини Мария яхши тушунмади. У, теваракка тез пазар ташлаб, ўзларини душманлар ҳалқа қилиб ўраб олаётганини пайқаб қолди. Мария ва матрос ўқ узиб, ўзларини ҳимоя қилиб, граната билан зарба бериб, гоҳ ерга йиқилиб, гоҳ кўтарилиб-судралиб денигиз қирғоғига секин-аста чиқиб олишди. Қоронғилик уларнинг яширинишларига ёрдам берди. Ортиқ чекинадиган жой қолмаган эди. У ёғи денигиз. Матрос ҳам кучдан, ҳолдан кетди. Мария уни сув урилиб турган катта бесўнақай тошнинг орқасига судраб олиб келди. Улар у ерда: жанг шовқуи-суронлари қандайдир ўнг томонга қараб ўтиб кетганини эшигтиб ётишди. Тонг пайти яқинлашиб келарди. Матрос бўғоздан сузиб ўтиб кетишига ҳаракат қилиш керак деб таклиф қилди. Барин бир шу ерда бир ўлиш бор. У томонда — денигизнинг қўрғошин минтақаси орқасида эса — жонажон Кубань қирғоғи ястаниб ётибди. Мария икки дона тахта топди, уни камар ва бинт билан бир-бирига маҳкам боғлади, итариб сувга туширди. Ярадорни тахтага ётқизди. Узи эса тахтани ушлаб суза бошлади. Қандай қилиб суза олгани ва бу фавқулодда саёҳат қанча вақтгача чўзилганини эслай олмайди. Қўзини очса, носилкада ётибди. Шамоллаб зотилжам касали билан гаспиталда бир ойдан кўпроқ вақт даволаниб ётди. У ердан чиққач Краснодарга қайтиб келди. Гарчи унинг ҳарбий билети устида «Ҳисобдан ўчирилсин» деган штамп бўлса ҳам: у бизнинг отрядга келиб қўшилганди.

Мариянинг бу қаҳрамонлигини Геня ўртоқларидан эшитиб, бир куни бошидан кечирганларини охиригача ўзи сўзлаб беришини илтиғомос қилиб кўрди. Қаёқда дейсиз! Мария қошини чимириб, қўлини силтади «урушда нималар бўлмайди! Шундай нарсалар юз бериб қолладики, кейин ўзинг ҳам ишонмай юрасан. Ошиима, жангга кирганингда биласан!» деди, холос.

Хўш, Владимир Николаевич Сафронов-чи? У ҳар кимга ёндошишни, одамларни қандай қилиб йўлга солиб юборишни, ҳимоя қилишни хўп жойига қўяди-я! Яна у, бу ишни доимо оҳиста, кўпинча мулойимгина жилмайиш билан қиласди. Бир марта, бизнинг партизан ҳаётимизнинг бошланиш пайтларида шунақа воқеа содир бўлди — яқиндагина комбинат инженери бўлган бир партизанга у кир кўйлак кийиб юргани учун танбех берди:

—«Ўртоқ, кўйлагингизни ечинг-да, уни ювиб олинг. Отрядда совун кўп, шундай ёнгинангизда дарё оқяпти!»— деди у.

Инженер бунга хафа бўлди:

— «Нима, мен — кир юувучиманми? Бу ерга кир ювгани келганим йўқ. Отрядда хотинлар кўп-ку! Ювишни, йиртиқ-ямоқни ана ўша хотинларга топшириб қўйиш керак!»

Сафронов инженерни ўзининг олдига, чодир ичига чақириди. Халтадан бир кулча совун чиқарди.

— «Кўйлагингизни ечиб беринг,— деди у,— уни мен ювиб бераман. Лекин шуни эсингизда тутингки, хотин-қизларимиз ҳам худди сиз ва бизга ўхшаган жангчилардир. Мен сизнинг олдингизга Мария Янукевични юбораман. У кўйлагингиз қуригунча сиз билан бир оз машғулот ўтказади. У Қизил Армия Уставини жуда ҳам аъло даражада билади ва айниқса пулемётда мендан ҳам яхши отади».

Инженер хижолатдан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди...

Бу воқеани эшитган Геня: «Мен ўлганда ҳам унинг ўрнида шундай хижолат бўлишни истамасдим!»— деди кулиб. Биз ўша воқеадан кейин, у имконияти борича ўз кийим-кечакларини доимо тоза ва покиза тутиб, унга алоҳида эътибор бериб қараб юрганини сездик.

Геня отрядимиздаги мина ишлари мутахассисларидан бири — Кириченко билан дўстлашиб қолди. Лапашанг, йўғон гавдали Кириченко айиққа ўхшаб кўринарди. У писмиқ, камгап, аммо унинг қуюқ киприклари орасига яширинган нурли кулранг кўзлари осойишта бир текис нур сочар ва гўдак боланинг кўзларидай мулойим эди. Чиндан ҳам ҳеч бир хафа бўлишни билмасди. Отрядда Кириченко ўрнини босадиган мина мутахассислари йўқ даражада эди. Униш ўз табиий туйғулари бор эди, ҳамма ёқши зиёраклик билан қаарарди ва ўйлни эмас, балки ҳеч ким пайқамайдиган шохчаларни миналаштиради. «Сен ўзинг нималар қиляпсан?— деб ҳайрон бўлишарди ўртоқлари.— Фашистлар мана шу шохча тагига киравмишми?» Кириченко оҳисталич билан тўнғиллаб қўярди: «Бу ерга уларнинг мерганчлари кириб ётади, унга бошқа бошпана йўқ». Ҳақиқатан ҳам тўғри чиқди: орадан бир кун ўтгач, биз бу ердан қўк кулранг шинелларнинг қийқимлари ва оптик

милтиқнинг бўлакларини топиб олдик. Кириченко Геняга ўзининг бу хавф-хатарли ҳунарини аста-секин ва эҳтиёткорлик билан таништира бошлади. Шундай эҳтиёткорлик билан иш олиб боришдики, биз онаси билан ундан мутлақо бехавотир бўлдик.

* * *

Гулхан ўтлоқда олтин учқунлар сачратиб, чирсиллаб ёнарди. У кишилар юзини қизғин шуъла билан ёритар, қоронғиликда дарахтларнинг қорамтири шохларигача ғўзиларди.

Азиз Қубань, эй сен жонажон,
Юртимизда колхозчи ботир.
Сувга сероб, озод, бепоён
Қучоғингда нур оқаётир.

Бу— ўзимиз тўқиган жонажон қўшиқ. Партизанлар уни бирин-кетин қўшилишиб айтишарди. Ҳамма ўз овози билан мақтана олмаса ҳам, аммо қандайдир ҳис-туйғулар билан айтилганидан яхлит бир бутун бўлиб чиқарди.

Муқаддас, ҳур Ватанимизга
Қўл тегизса душман агарда—
Учқур отлар шайланар жангга,
Ёвлар олар қақшатқич зарба!

Евгений тонг отарда қайтиб келди. У биз қўйған «белги»ни топиб келди. Унинг айтишича: ботқоқликдан узоқда, булоқлари бор, атрофи ўрмонзор бўлган бу жой, унга жуда маъқул тушибди.

* * *

Яширин, доим сергаклик талаб қиласидиган партизанлик ҳаёти бошланди. Ўйқуда кўзинг ярим очиқ, қўлтиғингда эса милтиқ. Бизга ўхшаган шаҳар кишилари, гарчанд у қадар ёмон бўлмаган тайёргарлик кўрган бўлсак-да, бундай нотаниш ҳаётга осонгина кўнигиб кета олмадик.

Август ойи иссиқ бўлди. Ҳаво очиқ келди. Аммо узун, салқин кечаларда жунжиқиб чиққанимизда ёз энди кузга йўл бераётганини сезиб турардик. Осмондаги юлдузлар ҳам тўлиқ ва равшанроқ жилваланар ва кўкатлар устидаги кўк чироқлар — ялтироқ қуртлар тобора камаймоқда эди.

«521 белги»да ўтказилган биринчи кечадаги отряд раҳбарларининг мажлисида маҳаллий аҳоли билан алоқа ўрнатилсан деган қарор қабул қилинганди. Евгений эртаси куниёқ агентлик алоқаларини йўлга қўйиш учун жўнаб кетиши зарур бўлиб қолди. Ҳар бир станицада отрядга фойда келтириши мумкин бўлган кўпгина дўстлар топилиб қолиши мумкин.

— Ўзим билан бирга бир неча кишини олиб кетаман,— деди Евгений. Биратўла лагерь атрофидаги ерларни ҳам синчилаб билиб оламиз. Йўл бошловчига ишонгинн-у, аммо билганингдан қолма!.. Тоғдаги ўтиш йўлларини душмандан яшириб, ёпиб ташлаш учун ўзимиз тогнинг ўп километрлаб айлана-атрофларини — ҳар бир тўнғиз сўқмоқларигача билишимиз керак...

У эрталаб лагердан йўлга чиқди. Разведкачилар унинг орқасидан қатор тизилишиб кетишиди. Генянинг ўз акаси билан бирга боргиси жуда ҳам келарди, аммо... бизнинг Қрим ўтлоғида бўлган гапларимиз ҳали унинг эсидан чиқмаган эди. Шунинг учун ҳам у, Евгенийни ўзи билан бирга олиб кетиш ҳақида сўраб ҳам ўтирамади.

Евгений кетгач, бир оз вақтдан кейин деярли ҳамма партизанлар, шулар қаторида Геня билан биз ҳам, ҳали яқинимизда душман горизони бўлмаганлиги имкониятидан файдаланиб, шу теварак-атрофни текшириб чиқиши учун йўлга равона бўлдик. Жанговар қоровулларни ҳисобга олмагандা, З лагерда хотинлар, яна икки-уч касалларгина қолишиди. Бу кезиши — сайр қишида Краснодарда ўтказганимиздан қийинроқ эди. У вақтдагиси оддийгина бир машқ ўтказиш эди, холос. Ҳозир эса бу оғир партизанлик иши бўлиб қолди: ҳақиқатан ҳам биз энди теварак-атрофдаги жойларни чуқур ўрганишимиз, уларни беш бармоғимиздай яхши билишимиз лозим эди.

Биз икки кунлаб тоғларда кезиб юрдик, ўн мартараб Афипс ва «афипчалар»дан кечиб ўтдик. Ҳайвонларнинг сўқмоқ йўллари билан тоғолчазор ва чангалзорларни сралаб ўтдик.

Афипс қирғоқлари ранго-ранг ва ажойиб. Гоҳ шовиллаб оқувчи дарё устидан тикка кўтарилган қоя осилиб туради, биз сал нишоб жойларни танлаб, кафтларни тираб, қонатиб ва тирноқларни қайириб унинг устуга чирмашиб кўтарнилиб чиқамиз. Гоҳ ўжар афипс тикили чангалзорлар орасида тез-тез оқади, гоҳ пас-

так қирғоқлар орасида ювош бўлиб қолади. Биз эса тошлар ортига яшириниб, майда шағалларга қоқилиб, тиқилиб, ўрмалаб борамиз. Қуёш чидаб бўлмаслик даражада қиздиради.

— Мана шунинг ўзини амалий ўрмон семинари деса бўлади,— деб мулойимгина кулиб қўйди Ветлугин, кафтига кирган олча тиканини оларкап.

Аммо мен катта иродат кучига эга бўлган у одамга ҳам ҳазил осонга тушмаётганини кўриб турардим. Ниша ҳам қиласан. Лагерь атрофидаги жойларни ўрганиш шарт эди.

Мусъяченко бизнинг энг яхши из қидиувчиларимиздан бўлиб, қуёшга, дарахтнинг пўстлоғига, кесилган тўнканинг безагига қараб, ўзи турган жойини аниқлашни ўртоқларига қайта-қайта гапириб, тушунтириб бепарар эди. Сўқмоқ йўлдаги тўнғиз изларига синчиклаб қарашни ўргатарди. Агар у из янги босилган бўлса, у вақтда — сўқмоқ йўл миналаштирилмаган — хотиржам кетаверишингиз мумкин. Энди у Краснодардаги «ўрмон семинари»да ҳикоя қилинган ҳамма нарсаларни амалда кўрсатиб бермоқда эди. У кишиларни йўлда кетаётганда гапириш, чекищ, йўталиш ва аксириш каби одатларидан қайтарди.

«Йўталмоқчи экансиз,— дерди Мусъяченко,— қўлингизни тамшанинг. Аксирганда фақат кафтингизнинг ичига қараб аксирингки, ҳатто ўртоқларингиз ҳам эшитмай қўлсин!»

Партизанлар тўхтаган жойларида ҳар бир дақиқадан фойдаланиб, буюмларни жой-жойига қўйиши, рюззакларни олиб юришни, ҳордиқ чиқариши ўрганиб олдилар. Мусъяченко ўрмон тўрғайлари чириллашини қилиб, тезда ва шошилинч қайтиш хабарини берди. Ҳаммалари дарё ёқасидаги бутазорга ташланишди. У ерга яшириниши ва янгидан хабар берилиши билан Афипсга қайтишди. Биз бир неча марта тиканли бутазорда бўлганимиздан, бизнинг кийим-кечакларимиз тилка-пора бўлиб, ҳилпираб қолишибди. Тимдаланиб кетган қўллар, оёқлар, юзлар зўр бериб ачишарди.

Геня ҳозир ҳам Мусъяченконинг ёнидан бир қадам нари кетмасликка ҳаракат қиласарди. У шундай хилват ўрмонда ҳам ўзини худди шаҳар уйидаги каби дадил ҳис қилган бу матонатли, беозор одамга жуда катта ҳурмат билан қаради.

— Йўқ, Петр Петрович, мен эҳтимол ўрмон жойла-
рини бундай қилиб аниқлашни ҳеч қаочон сизчалик би-
лолмасман!— деди Геня, қушларнинг овозига қараб
уларни бир-биридан ажратишда уч марта янгишғанига
хафа бўлиб.

— Шундай, дўстим, ҳаммаси ҳам бирдан бўлавер-
майди! Ўрмонда яшаб кўрсанг, борди-ю... борди-ю, ал-
батта, сабр-тоқатли ва диққат билан кузатиб борувчи,
назоратчи бўлсанг, сенга кўп сирлар маълум бўлади.
Ҳаммадан муҳими эса, Геня, табиатни севиш керак, ана
шу вақтда у албатта сенга ўзининг бутун сирларини
очиб беради, сендан яширмайди.

Шуниси борки, Геня ҳам бу юришни бизнинг ҳамма-
миз каби осонликча босиб ўтмади. Билолмадим, агар
доимий машқ ва гимнастика билан машғулот ўтказиб
турмаганда унинг ҳоли нима кечарди. У, мана шундай
вақтда иш берди! Дарёдан ўтиш пайтида Геня қоқилиб
кетди, оёғини тошга уриб олиб қаттиқ лат еди. Аммо
у бўшашиш ўрнига баттарроқ куч-қуввати тобланган
бўлиб кўринди, ҳатто оқсоқланиб юрмасликка ҳаракат
қилди. Биз унинг оғзидан чарчаганлигини билдирадиган
бирор оғиз нолиш сўзини эшитмадик.

Бошқалар ҳам шикоят қилишмади. Қишилар анча-
гина юришди, тикка жойларга тирмашиб чиқишиди, тез-
оқар дарёдан ўтишди, азбаройи чарчаганликларидан
тўхташган жойларида тинкалари қуриб, чўзилиб ётиб
қолишиди, тамакини соғинишди, ташналиқ азобини тор-
тишиди, аммо синовдан ўтишди.

Айниқса Сафроновга жуда қийин бўлди. У оғир, се-
кин иш қиладиган одам. Уни юрак касали безовта қи-
ларди. Аммо у ҳам азаматлик қилди.

Геня икки-уч марта унинг ёнига келди.

— Ўртоқ Сафронов, Владимир Николаевич! Мил-
тифингизн берсангиз, мен уни кўтариб олсам?

— Йўқ, дўстим,— деб жавоб берди у энтикиб, тердан
хўй бўлган қўллари билан қизариб кетган юзларини ар-
тар экан,— мильтиқни қўлимиздан фақат жон бераёт-
ганимиздагина қўйиб юборишимиз мумкин. Милтиқсиз
партизан — партизанми!

Олдинда қаердадир тўсатдан ўрмон тўрғайининг
қаттиқ чийиллаши эшитилди. Ҳамма диққат билан у
томонга қулоқ солди ва ким қаерда турган бўлса, ўша
жойда қотиб қолди. Ўрмон чангальзорликларida одам

ёки бошқа бир нарсани кўрсалар ўрмон тўрғайлари улардан қўрқанларидан ана шундай қичқиради. Ҳа, эҳтимол бу хавф-хатарнинг хабари дар?.. Бир неча дақиқалар ўтди. Шохчалар овоз чиқармасдан қимиirlаб қолишиди. Уларнинг орасидан Мусъяченко чиқиб келди. Бу — ҳақиқий хабар бериш эди. Мусъяченко бу галги хабарни ўқиб-ўрганиш мақсадида эмас, балки чинакам ҳам зарур бўлгани учун хавф-хатардан огоҳлантириш мақсадида берган эди.

Бу Ламбина тоғининг шимолий ёнбағрида, лагерга қайтиб келаётган вақтимизда — йўлда содир бўлди. Қадим замонларда Ламбинус деган қандайдир бир грек шу ерда оҳак куйдирар экан. Шунинг учун бу тоғ унинг номи билан аталиб кетган. Маймунжонлар билан ўрагиб, чирмashiб кетган ёнғоҳзорнинг қуюқ чангалзорларида Петр Петрович кичкинагина булоқ кўрибди. Таги шағал билан тўла бу булоқнинг тиниқ суви ундан чиқиб, тошлар устидан сал-пал жилдираб, қалин ўтлар орасига кириб, тезда кўздан ғойиб бўлар эди. Булоқ олдидаги қум устига оғир, қўпол этикнинг излари яқ-қол тушиб қолган. Биз келгунимизча бу ерга кимдир келиб-кетганга ўхшайди. Биз Мусъяченко раҳбарлигида теварак-атрофдаги шохчалар орасини қидириб чиқдик. Лекин ҳеч бир нарса тополмадик.

— Ҳар ҳолда бу ерга кимдир келиб кетган,— деди Петр Петрович,— ҳамда босилган изни муҳокама қилиб қаралганди, бу из яқиндагина тушган... Бундан хулоса булоқчани назорат остига олишга тўғри келади!

Мен Геняниг ёниб турган кўзларидан булоқчани назорат қилиб боришни худди уига топширишларини ил-ҳақ бўлиб кутиб турганини сездим. Бўлмасам-чи! Қўлда калта бешотар милтиқ билан шохчалар орасига яшириниб, сирли бир бегона одамни кутиб ўтириш... Аммо булоқчани назорат қилиб бориш комбинат ёғ экстракцион заводининг собиқ директори,— Евгенийнинг яқин ўртоқларидан бирига: Михаил Денисович Литвиновга топширилганда, секингина хўрсиниб қўйди, холос.

— Михаил Денисович, сен булоқчага келадиган йўлни яхшилаб билиб ол, эртагаёқ тонг ёрншгунча бу ерга етиб келасан! Мана, шу ерга, шу шохчалар орасига яширинасан, хўпми,— деди унга Мусъяченко.

...Юриш бизга кўп нарсаларни ўргатди. Биз лагерь теварак-атрофи билан тўла-тўқис танишиб чиқдик, қулай

сўқмоқ йўллар, булоқлар, довонлар, саёз жойларни топдик. Ундан ташқари, энди партизанларнинг ҳар бири-нинг қандай қобилияти бор эканлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Биз, бундай кишилар билан ҳар қандай вазифа-ни ҳам қойилмақом қилиб бажара оламиз деб бемалол айтишимиз мумкин.

Ўрганмаганликдан бўлса керак, ҳамма ҳам ҳаддан ташқари чарчади. Лагерга жимгина — фақатгина тезроқ ўринга кириб ётиш истаги билан кириб келди. Аммо командантимиз Кузнецов бераҳмоқ эди. Партизанлар қанча вайсамасин, унинг «илтифот қилиши»ни қанча сўрамасин, барибир у ҳаммани ювенишга, янгидан кийинишга, овқатланишга мажбур қилди ва шундан кейингина, ётишга рухсат берди.

— Бу нима қилганинг! Ечиниб ётмасдан чўзилиш ҳам роҳат бўлдими? — деди Геня онасига, ўринга ёта туриб. — Ростини айтсан, ойижон, жуда ҳам, ҳалиги тушуняпсизми, жуда ҳам қийин бўлди! Баъзан кета туриб ўйлаб хаёл сурисиб кетаман, шунда: «Бўлди, вассалом!.. Энди бир қадам ҳам жилмайман! Тамом!» дейсан. Қейин ўзингни енгасап ва йўлингда давом этасан. Буни спортчиларда «иккинчи марта нафас олиш» деб аталади. Фақат мен бу ерда бошқа бир нарса бор деб ўйлайман. Биз партизанлар ахир қасамёд қиласмиз-ку. Ана шу нарса бизга мадад, далда берди! Тўғрими, ойижон?

* * *

Бир кун ўтди ва лагерь ҳаётида ҳам бир неча муҳим воқеалар бўлиб ўтди. Шундай қилиб, Литвинов тоғ булоғига қатнаб юрган «Меҳмон»ни ҳам тутиб олиб келди. Ўзиям росмана «меҳмон!» экан-да! Барваста, ғамгин кўринишида, чаккаси ва иягида кўп кунлаб олинмаган туклари турибди. Немис карабин милтиғи ва ҳанжари билан қуролланган, оёғида этик, эгнида йиртиқ калта камзул, шапкасини қоши устигача тушириб, босиб кийиб олган эди у.

Уни Литвинов ва уни йўлда учратган Павлик Худоерко олдиларига солиб лагерга олиб келган вақтларидан, лагердаги ҳамма партизанлар асири кўриш учун югуриб келишди. У буқчайиб, ерга тикилиб борар ва фақат аҳён-аҳёнда икки ёнидаги милтиқларини отишга тайёр ҳолда ушлаб уни олиб келаётганларга бўри қараш қиласлар ёки уни ўраб олган партизанларга кўз қилишди.

рини ташлаб қўярди. Тирик душманни кўриш учун ҳар бир киши ҳам қизиқарди: биз кўрган биринчи душман шу эди-да, ахир!

Асири тезда командирлар турадиган чодирга олиб келишиди. Унинг кетидан комисsar Сафронов, Евгений ва мен кирдик.

Литвинов жуда мулойим, камтар одам. Ҳатто унинг овози ҳам паст ва ҳамиша ушинг юзида уятчанг табасум бўлади. Унинг юзига қараб туриб, бу одам мардлик кўрсатади деб ботиниб айтолмайсан. Мана йиртқични тутиб келганини қаранг. У қандай қилиб бу ишнинг уддасидан чиқа олганини, худди оддий бир нарса ҳақида гапиргандай кулиб, ҳикоя қилиб берди:

— Ҳўш, нима бўпти... Ҳўш, бордим, шохчалар устига ёнбошлаб ётдим. Олдимга карабин милтифимни, ёнимга гранаталарни қўйдим. Қузатиб ётибман. Қуёш тиккада — жазирама! Томоғим қақраб кетди, сувдондан сув ичишга эса қўрқаман: сал қимирладингми, ўтлар шитирлашади. Жим ётибман. Ўлгудек ташна бўляпман. Шу пайтда, булоққа қушчалар учуб келди. Сув ичиша бошлишиди. Яна шундай ажойиб қилиб ичишадики, тошнинг устига ўтириб олишади, тумшукларига сувни тўлдириб олиб, фар-фар қилиб бошларини орқага ташлаб чанқовларини бостиришади! Ҳақиқатан ҳам қарасанг ҳавасинг келади... Кейин тўсатдан ҳаммаси бирдан парвоз қилишди ва фойиб бўлишди. Ҳа, дейман, бизни Петр Петрович ўрмон ҳикматларига бекордан-бекорга ўргатмаган экан. Агар қушлар учиб кетган экан, демак бирор кишининг келишини кутавер. Сергак бўлдим, кутяпман. Беш дақиқа кутяпман, ўп... Ҳеч кимдан дарак йўл! Ҳа, дейман. Бу энди менга бир сабоқ!.. Фақат эндиғина сувдонга ёпишмоқчи бўлиб турувдим, бутоқларниг қирсиллаганини эшитиб қолдим. Яна бошқаси қирсиллади, яна яқинроқда. Мана шу вақтда ҳақиқатан ҳам мен жуда исиб кетгандай бўлдим! Бир вақт қарасам мана шу амаки чиқиб келяпти. У у ёқ-бу ёққа бир-бир қараб, аланглади, карабинини ерга қўйди-да, ўзи булоқчага ётиб олиб симириб сув ича бошлади. Иш тамом, вассалом... Албатта тамом-да, чунки милтифини мен ундан олдинроқ қўлга киритишга улгурган эдим. У қуролсиз бўлгач, нима ҳам қила олар эди дейсиз! Мен уни бошлаб келавердим... Қўръясизки, қандайдир нохуш, индамас амакини келтирибман!

Ҳақиқатан ҳам асир кам учрайдиган ишдамас — гунг одамлардан бўлиб чиқеп. Биз ундан бир оғиз ҳам сўз эшитолмадик. У бизнинг барча саволларимизга қовоги ни солиб жим туриш билан жавоб берди. Уни тинтув қилгандарида компасдан бошқа ҳеч нарса — бир парча қоғоз ҳам топиша олмади. У билан немисча гапириб кўришмоқчи бўлишди — финг демайди, русчасига ҳам финг демайди:

Немис тилини аъло даражада биладиган Мария Янукевич у билан узоқ олишди. Евгений асирни сўроқ қиласётганди Геняни чақирди. Юзлари оқариб, зўрга ҳаяжонини боснб турган Геня, бир-қанча вақт асирга қараб турди. Кейин оҳисталик билан немисча сўради:

— Сиз кимсиз?

Асир чурқ этмади. Геня унга Евгений томонидан айтиб турилган япа бир қанча саволларни берди, асир буларга ҳам ҳа деб жавоб беравермагач, бирдан бўғилиб, чинқирган товуш билан шундай деди:

— Барибир биз сизнинг ким эканлигинизни биламиз!
Сиз — душмансиз!..

Ўрнидан турди ва чодир ичидан тез чиқиб кетди. Асир унинг орқасидан хўмрайиб қараб қўйди, аммо бир оғиз ҳам гап гапирмади. Ўша куниёқ биз уни партизанлар штабига юбордик.

Геня кечқурун Павликка шундай деди:

— Биласанми, у шундай қабиҳ, разил эканки, жоним ҳиқилдоғимга келди. Худди илонга ўхшаган хатарли, ёвуз, ифлос одам экан. Сен унинг қўлларини... унинг кўзларини кўрсанг — бўш, қалайдан қилишганга ўхшайди... Турган гап, Зояни шунаقا бадбахтлар қийнашган, шулар осишган!

Литвиновни кўриб қолиб, унга ташланди:

— Михаил Денисович! Бу газандани қандай қилиб тутиб олганингизни айтиб беринг!?

— Лекин, дўстим, мен буни аллақачапоқ айтиб берганиман! Сени ишонтириб айтаманки, агар сен, Павликни ёки бошқа бирон кишиими, ким бўлмасин, барибир менинг ўрнимда бўлгандарингда, худди шундай иш қилган бўлардингиз. Нимасини айтиб бераман.

— Эҳ, агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда эди!..

Ундан кейин Павликка қараб гапириб кетди Геня:

— Мана, Михаил Денисовичнинг қандай киши эканлигини кўриб қўй. Мен унинг ўрнида бўлганимда эҳти-

мол қанча мақтанчоқтык қилган бўлардим! Сен-чи?.. Йўқ, сен бутунлай бошқачасан... Мен ҳам шундай бир ҳақиқий иш қилгим келяптики!

Биз кейинроқ штабдан аниқлаб билсак, Литвинов томонидан ушланган одам ўтакетган фашист шпиони — разведкачиси экан. Унинг ўзи рус бўлиб, Германиядаги маҳсус қўпорувчилар тайёрлаш мактабини тамомлаган ва бошқалар қатори партизан отрядларининг турар жойларини аниқлаш учун тоғ этакларига юборилгани экан.

* * *

Гитлерчилар Краснодарни ишгол қилганларидан ке-йин Кубань дарёсини кечиб ўтишди, қирғоқдаги жойларга силжиш учун ҳаракат қилиша бошлаганда, уларни бу ерда Қизил Армия қисмлари тўсиб, тўхтатиб қўйди. Шундан кейин улар Қизил Армиянинг орқа томонига ўтиб олиш учун тоққа чиқиб кетиш йўлини ахтара бошлашди.

Партизан штаби, Афипс дарёси ёқалаб кўп сонли гитлерчилар тўдаси бизнинг отряд жойлашган ерга ке-лаётганлигидан бизни огоҳлантирган эди. Крепостной ҳарбий советида фашистларни Смоленск билан Крепостной станицалари ўртасида тутиб турилсин деб қарор қилинди. Операцияни — отряднинг биринчи жанг ҳаракатларини ўтказишга — тўққиз киши кетди. Ҳужум жангларига раҳбарлик қилиш эса Евгенийга топширилди.

Партизанларнинг қисқагина сафида қўлларини икки бағрларига босиб, жанг ҳаракатларига кетаётган ва отряд командири бўлганим учун аввало менинг, кейин эса партия ташкилоти секретари Сафроновнинг сўнгги, хайрлашув сўзларини эшитган Генянинг юзлари қандай жиддий, қандай кескин ҳолда турганини ҳали ҳам эслайман. Геня гоҳ лагерда қолувчи партизанлар орасида турган онаси томонга кўз қирини ташлаб қаар, гоҳ группа командири — ўз акасига — бутун ихтиёри, кучини жамлаб, акасининг ссойишта ва сабот билан кетаётганига ўзини ўхшатмоқчи бўлиб қараб турарди. Кейинчароқ, Генянинг ўзи бизга иқрор бўлиб айтишича, у ҳаммадан ҳам мен ёки онаси гўё уни биз бехосдан айтворган сўзи ёки ҳаракати учун, уруш ҳаракатларига кетаётган партизанлар орасидан ажратиб олиб қолар деб қўрқкан. У бизнинг ўғлимиз бўлгани сабабли айниқса

унинг ҳақида кўпроқ қайғуришимиздан хавотир олган экан. Аммо унинг қўрқиши беҳуда эди — бундай ҳодиса бўлгани ҳам йўқ. У онаси билан илгарироқ ҳайрлашиб олишга улгурганди, Елена Ивановна унга оҳиста, лўнда қилиб эҳтиёт ва пишиқ бўлиши, ҳар қандай ишда группа командирининг гапига қулоқ солиши зарурлигини айтиб қўйганди. Үғлини биринчи жангга кузата туриб, унга айтган гаплари ана шулардан иборат эди, холос. Геня мен билан тезгина қўл бериб кўришиш ва кўз уриштириб олишга ҳам улгуролди.

Ҳамма оқ йўл тилаб ҳайрлашгач, партизанларнинг кичик тўдаси, қисқа команда билан лагердан чиқиб кетди. Ростини айтаман! Занжир шаклида кетаётган партизанларга, айниқса улар ичидаги иккитасига — группа командири ҳамда еткасига карабин милтиқ осиб олган, қадди-қомати келишган, нозиккина йигитга қараган вақтимда юрагим эзилиб кетди. У ҳеч қаёққа қарамасдан кетарди. Мана, қуюқ шохчалар орқасига ўтиб ғойиб бўлди... Елена Ивановна гўё ҳеч нарса бўлмагандай уни ўраб олган партизанлар билан алланималар ҳақида гапиришарди. Албатта... Шундай бўлиши ҳам керак-да!

Лагеръ ҳаёти одатдагидай ўз навбати билан ўтарди. Аммо биз нима қилмайлик, нима ҳақида гаплашмайлик, биринчи жангга жетган ўша тўққиз киши ҳақида ўйлардик. Биз уларнинг қайтишларини зўр интизорлик ва хавотирлик билан кутардик. Бир кеча ўтди, бир кун ўтди, яна бир кеча... Гоҳ битта, гоҳ яна бошқа бир партизан сўқмоқ йўлга чиқар ва келишмаётганмикан деб қулоқ солиб келарди.

Мана, охири ўzlари ҳам келиб қолиши! Ҳаммалари соғ-саломат. Ҳаммалари жамул-жам келишиди.

Елена Ивановна юқ қопчиғидан болаларга тоза кийим-кечакларни олиб бера туриб сабрсизланиб, Генядан, уруш ҳаракатларининг тафсилоти ҳақида сўрарди. Генянинг эса икки юзи қип-қизил лоладай ёниб турарди. Унинг фикри бошидан ўтказган воқеалар билан тўла, аммо у Евгенийга усталик билан қаарар, худди ўшандай жимгина турар ёки тажрибакор жангчи оҳангни билан:

— Ҳаммасини айтиб бўлардими, ойи? Худди урушнинг ўзидагидай... — дебгина қўярди.

Айтиб бергиси келмагани учун ойиси ундан чакана хафа бўлмади. Ахир, Генянинг жангда ўзини қандай

тутгани, ўзини қандай ҳис қилгани, бошидан шималар кечиргани бизни жуда ҳам ҳаяжонга солиб қўймаганмиди? Ахир, бу унинг биринчи жангга бориши эди! У ўз умрида биринчи марта хавф-хатарга дучор келди, биринчи марта ҳалқ қасосчисининг оғир бурчини, ўз жанговар бурчини ўтади. Ҳозир у анча тетик, кўтариинки руҳли, ҳатто хушчақчақ бўлиб қолганди. Лекин бу унинг таъсиrlанишидан, ҳатто, бу унинг асли сезгила-рини яширганидан ҳам бўлиши мумкин.

Мен Геня ҳақида Евгенийдан суриштирдим.

У ғинг демасдан, ҳаммасига бардош бериб келди, — деди қисқа қилиб акаси.

— Ҳўш, қалай,— деб сўрадим мен Генядан, у ювииб, кийиниб бўлиб, овқатланишга кетаётгап вақтида.

У, мени қизиқтираётган нарсани дарров тушунди. Кўзларимга тикилди.

— Жуда ҳам даҳшатли,— деди оддийгина қилиб у.— Аммо... аммо буни бартараф қилиш мумкин. Сиз мен учун хавотир олманг, дадажон!

Мен унга ҳеч нарса демадим, фақат «Раҳмат сенга, ўғилгинам!»— деб ичимда ўйлаб қўйдим, холос.

Евгенийдан қисқагина рапорт эшитгач, биз комиссар ва Сафронов билан жангга қатнашувчиларнинг дам олишларига имконият бериш учун операцияни таҳлил қилиб, текшириб чиқиши тушки овқатдан кейинга қолдирдик. Аммо разведкачилар тушки овқат пайтидаёқ уларни саволларга кўмид ташлашган эди. Улар ҳам опе-рация қандай ўтганлигини тасаввур қилиш мумкин бўларли даражада жавоб беришга баҳиллик қилмадилар.

Смоленск станицасига борадиган йўл Крепостной ор-қали ўтарди. Станицалар орасида ўн икки километрча ўрмон йўли бор. Унинг ўртароқ бир жойидаги айрилишида Евгений олтига разведкачини қолдирди. Ўзи эса икки ўртоғи билан Смоленскга қараб писиб кира бошлади. Ҳеч қандай шовқин-суронсиз жилишиди. Ҳатто оёқ остидаги шоҳ ҳам қирсилламади, барг ҳам шитирламади. Шундай бўлса ҳам фашистлар ўқи остида қолиб кетишга сал қолди!

Бунга қўрқоқ ўрмон тўрғайлари гуноҳкор эди. Раз-ведкачиларни кўрди-ю, ваҳима қилиб чириллашиб, бу-тун ўрмонни бошига кўтаришди. Гитлерчилар бундан хавотирланишиди, уларнинг автоматлари тириллай бошлади. Евгений то ўрмон тўрғайлари ундан кейин гитлер-

чилар жим бўлишмагунча ўртоқлари билан бутазорлар ичиде писиб қолиб кетди. Ана шундан қейингина разведкачилар бири кетидан бири полиз бўйлаб фашист соқчи отрядини айланиб ўтиб, станицага кириб боришиди.

Разведкачилар Смоленская станицасида гитлерчиларнинг тўрт юздан кам бўлмаган автоматчиларн, иккита броневик, қирқдан ошиқроқ автомашиналари борлигини аниқлашга эришдилар. Станицада турувчилар Евгенийга:

— Кеча кечқурун фашистлар машиналарига ёнилғи қўйиб тайёрлаб қўйиншиди. Йўлга чиқиш учун отланишатётганга ўхшайди,—дэйишиди.

Шундай қилиб разведкачилар эҳтиёткорлик билан Смоленскаядан чиқиб, ўз одамларининг олдига қайтиб келишиди.

Разведкачилар йўл ёқасидаги буталар орасида қуюқ ўрмоннинг тош йўлгача зич бўлиб кетган жойидаги йўлнинг айрилишида ётди. Евгений хабарчи тариқасида назоратчи қўйди, бошқа бир партизани эса тош йўлдаги белгиланган ерга пистирмага юборди. Агар гитлерчилар биринчи зарбадан ўзларини ўнглаб олиб ҳужумга ўтиб қолсалар деб бир группа сал четроққа яширинди. Ундан ташқари партизанлар тош йўл устига дарахтлар таҳлаб, уйиб ташлаб, унинг олдига катта чуқурча қазилди ва уни пухтагина қилиб яшириб қўйиншиди. Энди фақат чидам билан туриш ва кутишгина қолган эди.

Евгений ҳандай ҳаяжонга тушганини ҳикоя қилиб берди. Ҳа, унинг ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқ! У ахир биринчи марта ҳужум жангларининг муваффақияти, ўртоқларнинг ҳаёти учун жавоб берувчи командир сифатида хизмат кўрсатяпти, у ҳамма парса кўзда тутилганми?—деб ўйлаб кўрди: бирдан шу дақиқанинг ўзидаёқ операциянинг кетишини ўзгартишни тараб қилувчи тасодифий бир нарса рўй бериб қолса нима бўлади?.. У дикқат билан партизанларнинг юзига қараб чиқди. Йўқ, у ҳеч кимга шубҳа билан қарамайди. Аммо уларнинг биронтасини ҳали иш жараёнида синааб кўрган эмас-ку!

— Мен укамга қарасам,—деб ҳикоясида давом этди Евгений,— у, ўт устида қорнини ерга бериб, оёғини узатиб ётипти. Қўлида карабин. «Қалай, укажон?» деб сўрадим,— «Жойида,— деди у,— кун иссик, чанқадим», «Ҳаммаси шуми?— деб ўйладим мен.— Йессиф-у, чанқа-

дингми? Ҳа, ваҳима йўқми?» (Ёки Геня ўзининг асл сезгиларини яшираётганимикан?) Қейин мен «Сабр қил!»— деган эдим, «мен ҳам сабр қиляпман!»— деб жавоб берди Геня ва жилмайиб қўйди. Биласизми, дадажон, шундан кейин мен унинг жилмайгани учун шу қадар миннатдор бўлдимки! Демак, укам чўчимапти экан-да!..

Пойлаб ётавериш ва кутавериш жонга тегди. Ташналиқ кишини қийнайди. Навбатма-навбат кўзни илинтириб мизғиб олишади. Шундай қилиб, икки кеча ва роппа-роса бир кун ўтди. Разведкачилар охири, фашистлар тоғдан ошиб бу ерга келиш ҳаракатларидан воз кешишмадимикан деб ўйлай бошлашди.

Хабарчи эрталаб душманинг яқинлашиб келаётганини маълум қилди. Биринчи бўлиб броневик кўзга ташланди. У келаверар ва ҳар эҳтимолга қарши йўл ёқасидаги бутоқларни пулемётдан ўққа тутарди. Сал орқароқда қолиб, унинг кетидан автоматчилари билан иккита уч тоннали машина секин судралиб келарди.

Булар — партизанларнинг жуда яқин масофадан кўрган ва буларга юзма-юз келган биринчи душманлари эди. Ҳа, босқинчилар! Мана шулар экан-да!. Уларнинг эгнида кўзга ёт кўринадиган кўк кул ранг шинель, бошида қандайдир бесўнақай, пешонасигача тушириб кийиб олган мис қалпоқ, қўлларида қорайтирилган пўлат автомат бор эди. Броневик устига оқ-қора билан крест чизиб қўйилган. Ҳаммаси бегона, кишида нафрат қўзғатади. Бизнинг она еримизда, жонажон Краснодарда бебошлиқ қилиб юраётган гитлер ювиндихўрлари шулар экан-да... Қани, уларнинг жангда қандай экаиликларини бир кўрайлик-чи!

Партизанлардан биронтасида ҳам на қўрқинч ва на саросимага тушиш бўлмади — фақат ҳаммада: мана шу ёўр қўғирчоқларни милтиқ билан отиб ташлаш, уларнинг устига граната улоқтириш истагигина бор. Аммо командир буйруқ бермаган ва шунинг учун ҳам ўрмон жимжит эди...

Броневик илгарига қараб ўтиб кетди. Мана биринчи уч тоннали машина, унинг кетидан иккинчиси кўринди. Евгений ва унинг буйруғи билан Геня дарров бор гавдалари билан тикка туриб олишди-да, гранаталарни улоқтиришди. Гранатадан сўнг машинага қараб орқама-орқа ёнилғи солинган шишалар учди. Бошланди дея-

вер! Портлашлар, бирдаң ёниб кетгап оловлар, қасир-қусир отишмалар, дод-фарёдлар... Фашистлар шохлар орасига бекинишга уриниб, йўл устида фойдасиз югуриб-елишарди. Қаёққа ҳам қочиб қутиларди дейсиз! Уларни йўл четидаги шулемётнинг тинимсиз ёfilaётган ўқ довули қувиб бориб турарди.

Броневик илгарига қараб чопарди. У юриб бораётган йўлнинг қайрилишида баланд тўсиқ бор эди. У бунга дуч келиб, орқа томон бурилишга ҳаракат қилган эди, чуқурликка — қопқонга тушиб қолди. Фашист племётчи-сининг лентаси тамом бўлганиданми ёки пулемётга бир нарса бўлдими, ҳар холда броневик чуқурлиқда ёнига қийшайиб жимгина ётиб қолди. Фақат унинг мотори ишлар ва орқадаги чиқариш пайчасидан ҳаво ранг бу-лутсимон тутун чиқарди. Шунда тош йўлдаги пиистирмада ўтирган партизанлар жангга киришиди. У броневикка, унинг моторини, унинг тўп ўрнатилган минорасини, ку-затиш тирқишлиарини нишонга олиб, ёнилғи солингган шишаларни устма-уст ота бошлади. Броневик тутун билан ўралишиб қолди, ўт алангаси кўтарилиди. Гитлерчилар эшикларини очиб ташқарига чиқишиди ва отилган ўқдан учиб, шу заҳотиёқ ерга ёпишиб қола қолди.

Жанг тугади. Тезда орқага чекиниш керак эди. Смоленская томонидан яқинлашиб, келаётган фашистларнинг асосий отрядлари машинасининг гувуллаган овозлари эшитилди. Кейинроқ разведка бизга: «фашистлар ўша куни жанг майдонида ўлганларини йиғиштириб олишди ва станицага қараб қайтиб кетиши», деб хабар қилди. Партизанларни таъқиб қилиб боришга журъат қилиша олмади.

— Смоленская томонидан келаётган, гувуллаган овоз кучайиб борар, борган сари яқинлашарди,— деб ҳикоя қилди Евгений,— аммо шундаям бизнинг кетгимиз келмасди. Бизнинг ҳаммамиз ҳам жанг билан қизишиб кетган эдик. Ҳамон душман солдатларига қараб отгимиз келар, уларнинг дод-фарёдларини эшигимиз, қўрқуқанини, саросимага тушиб қолганини кўргимиз келарди. Аммо бундай куч камчил вақтида, фақат тўсатдан босиб қолиш билангина муваффақиятни қўлга киритиш мумкин эди, холос!

Қайтаётган вақтларида, йўлда Евгений укасидан ҳеч нарса сўрамади. Ўзи Геняни жангда кўрди-ю, сўраб ҳам нима қилсин!

— Мен унга қараб туриб, ўйлаб кетдим,— деб ҳикоя қилди менга Евгений,— ундаги бу босиқлик, саботлилик хислатлари қаердан пайдо бўлиб қолилтийкин? Энди-гина мактаб курсисидан чиққан эди-ку!..

Евгений шундай саволни ўзига ҳам бериб кўриши мумкин эди. Бу жанг — унинг ҳаётидаги биринчи жанг бўлиб, у ҳам бунда иродали командирнинг фазилатларини намойиш қилди. Ҳа, агар одам мақсадли, ҳақиқий одам бўлиб, унинг устидан юксак ҳамда олижаноб ғоялар ҳукмронлик қилаётган бўлса, у одамда ҳал қилувчи дақиқаларда унинг ўзи ҳам билмайдиган куч-қувват пайдо бўлиши табиий.

Бизнинг биринчи жанговар операциямизни таҳлил қилган вақтимизда отряд раҳбарлари унинг муваффақиятларини қайд қилиб ўтди, аммо энг муҳим бир қамчилик ҳам кўрсатиб ўтилди.

— Элликта немисга шунча патрон сарф қилинадими, ахир?— сўради комиссар разведкачилардан.— Агар ундай бўлса бир-икки ой вақт ўтгандан кейин, бизга фақат пичоқ-ханжарлар билангина жангга киришга тўғри келиб қолади!

Евгенийнинг дили сиёҳ бўлди: ҳақиқатан ҳам тўғри, ўқ-дориларини тежаб ишлатиш ҳақида ўйламаган экан!..

* * *

Тунда мен қизишиб шивирлаётган овозни эшишиб қолдим:

— Женя, нега сен Смоленская томонга қилинган разведкага мени ўзинг билан бирга олиб кетмадинг-а?

— Укажон, ухла! Сен станицадаги полизлар ичидан мен билан бирга ўрмалаб юрмаганинг учун бир еринг камайиб қолдими?

— Агар бунинг тескариси бўлганда нима бўларди?— шивирлади Геня,— агар сен шохлар орасига беркиниб, менга автоматдан ўқ узишмаётганмикан?— деб ётсанг, сенингча, шунда яхши бўлармиди?

— Ёмон бўларди... қўй, ухла, укажон!.. Сен муҳим бир нарсани: интизомни эсдан чиқариб қўйяпсан.

— Йўқ, эсдан чиқармайман! Ахир, ўша вақтда сен буйруқ берганингда «финг» демай, бажаришга киришдим-ку! Ҳозир эса мен ўз акам билан гапиришяпман. Ҳозир биз сен билан келишиб олишимиз керак!

— Қани, бўлмаса келишиб олайлик,— деди Евгений эснаб.

— Сен эснама, сен аввал мана бу гапни ёдингда тут!— деди Геня чўккалаб ўтириб олиб, акасига энгашганича:— Ҳар қандай ишга бирга борамиз деб ишонтирасанми?

Евгений индамади. Мен ичимда Елена Ивановна ухлаб ётибди ва бу гапларни эшитмаяпти деб қувондим.

— Хўп,— деб жавоб берди охири Евгений.

— Раҳмат, сенга, Женя! Мен биламан, сен алдамайсан. Ҳамиша биргамиз... Бу энди қасам билан баробар!— деди-да, Геня қайтадан жойига ётди.

Тезда уларнинг беозор, бир текисда нафас олаётгандарни эшитилди. Мен ухлай олмадим: Валентин ҳақидаги фикрлар мени безовта қилас, қулогимда Генянинг пичирлаши эшитилар, «Менинг учун қўрқма, дадажон» деган сўзлари эсга келарди.

* * *

Гитлерчилар Қавказ тоғ этакларига, одам ўтиб бўлмас ўрмонларга, тошқин дарё соҳилларига партизан отрядлари ўнашиб олганини билгач, улар аҳоли турадиган жойларга, станицаларга ва қўрғонларга ўзларининг кучли гарнизонларини жойлаштириб, тог этакларини қуршаб олдилар. Биз шундай бўлишини олдиндан билиб, тайёрланиб қўйгандик: ахир олий қўмондонлик партизанлар отрядининг олдига қўйган энг муҳим вазифалардан бири — имконият борича фронтдан душман кучини кўпроқ чалгитиб, орқага ташлаш эди. Биз қўшни партизан отрядлари билан ўзаро келишиб олдик — улар ҳам оз эмас — биз билан «елкама-елка туриб» ҳаракат қила олар эди. Тез орада фашист қўмондонлиги тоғда ҳаракат қилиш учун тайёрланган «Альп тоғи мерганлари» қисмларини фронтдан олиб партизанларга қарши ташлашга мажбур бўлди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, энди бундан бу ёққа «521 белги»да туришимиз мумкин эмаслиги ва бу жой қаддан ташқари очилиб қолганлиги бизга маълум бўлди. Гитлерчилар тоғ этакларига яқинлашиб қолдилар. Тоғдан энди бориб бўлмайдиган бирон жойни, қандай бўлмасин, «бругут уяси»ни топиш керак эди, бизга.

Евгений билан Мусъяченко лагеримизга янги манзил — қўноқ топиш учун отга миниб тоққа чиқиб кетиш-

ди. Шу кетгандарича икки кун дом-дараксиз йўқолиб, кейин чарчаганликлари ва оч-наҳор қолганликларига қарамай мамнун бўлиб қайтиб келдилар. Уларнинг бормаган жойлари қолмабди! Қарабетга кўтарилишибди, айланма, қия жойлардан тирмасиб Крепость тоғига чиқишибди. Даралар ва водиларга тушишибди. Болта билан чанглазорлар орасидан йўл очиб ўтишибди. Тез ва илон изи бўлиб оқувчи Афипс дарёсини, унинг анча номсиз шохобчаларини ўн мартагача кечибдилар ва узоқ вақтгача тўғри келадиган бирор қулай жойни топишолмабди. Гоҳ яқинроқ жойида суви бўлмай қолади. Гоҳ ҳаддан ташқари, яланглик чиқиб қолади. Энг охири Стрепет тоғининг жанубий ёнбағрида, Кичкина Бўрилар Дарвозасининг орқа томонида худди ўзлари излаб юрган кўнгилдагидек жойни топишибди. Стрепет тоғи лагерь учун жуда ҳам қулай бўлиб чиқди. Унга, тошқин тоғ дарёси оқадиган дара томонидаги йўл оліб борарди. Бу томондан ҳам фақат тана изи, айланма, тор сўқмоқ йўл билан тоққа чиқиш мумкин эди.

Биз яна қайтадан асбоб-анжомларни йиғишига, тойларни арқон билан тортиб боғлашга, отларни эгарлашга киришдик. У-бу нарсаларнинг тараддудини қилиб юриб ва тўс-тўполон ичиди Геняниг менинг изимдан қолмай юрганини пайқамапман.

— Нега ишламаяпсан?— деб сўрадим мен ундан.

— Айтгандай, дадажон... Айтинг-чи, бизнинг бу орқага чекинаётганимизнинг зарари йўқми? Биз тоққа чиқиб жойлашиб олиб, кейин дарров жанг ҳаракатларини бошлаймизми-а? Фақат узоқ вақт кутишга тўғри келгани учун киши ачинади. Ҳозир янги бир жойга жойлашиб олгунча... Мен сиздан ўтиниб сўрайман: Сиз мени биринчи жангга юборасиз, хўпми? Ростингизни айтинг, дадажон!..

Бу партизанлар ҳаётининг энг бошланғич пайтидаги бизнинг қовушмаган суҳбатларимизни эслатарди. Ўша вақт унинг ўз хоҳишини отряднинг умумий вазифасига бўйсундириши зарур эканлиги ҳақида унга унча-мунча қаттиқроқ кўрсатма беришимга тўғри келган эди. Менга маълум бўлишича, у буни тушунган ва бирор марта бўлсин гинахонлик қилиш учун ўрин топмаган эди. Қарабасизки, бирдан яна қайтарилди! Маълум бўлишича унда ҳали «ўй ичига хос» «фронт орқасига хос» тарбия кучли экан. Йўқ-йўқ, дейди-ю, барибир айтиб қўяди.

— Биринчидан биз чекинаётганимиз йўқ, балки ишни тезлаштириш нуқтаи назаридан турар жойимизни ўзгартираётгиз, — деб жавоб бердим мен унга.— Иккинчидан, ҳамиша эсингда бўлсин, иккинчи марта бу ҳақда оғиз очмайсан! Сенга қандай бўйруқ берилса, сен ана шуни бажарасан, тушунарлими? Агар лагерда керак бўлмай қолсанг, жангга борасан... Ҳозирча эса, бор, ишлаб тур!

Шундай қилиб, худди ўша бизнинг биринчи гаплашган вақтимизда бўлганидай, Геня қизариб кетди ва деди:

— Тушундим!.. Кечиринг мени, дадажон!.. Буни мен интизомни ҳурматламаганим учун қилаётганим йўқ. Менинг ҳам шундай ҳақиқий ишларда бўлгим келади!

Орадан бир дақиқа ўтмасданоқ Павлик билан иккиси аравага қандайдир яшикларни орта бошлашди.

* * *

Биз лагеримизни Стрепет тоғига жуда мукаммал пухта қуриб олдик. Шу вақтча, фақат дарахтларнинг шовуллаши, жаҳлдор тўнғизларнинг хур-хурлари, тоғ бойқушининг мунгли қичқириқларигина эшитилган ёввойи, бўм-бўш дараларда — шундай бир умр жимжитлик ҳукм сурган жойда, энди болта зарбалари, арра ғийқиллашлари, кишиларнинг гап-сўзлари, ажойиб овозлар янграб кетди. Меҳнат оғир эди. Қояларни портлатишга, катта-катта тошларни қўлда ташишга тўғри келди. Қизил мис ранг танали ажойиб қарағай — қадимий дарахтлар ётарди. Улар бир-бирларига шу қадар яқин туришар ва шу қадар баланд эдиларки, уларни аганатиш учун катта усталик керак бўлар эди: шундай дарахтларни арралайсан, у эса ўз бутоқлари билан қўшини дарахтнинг устидаги шохларига илашиб олади.— Буни ҳеч қандай куч билаш ҳам ўз ўрнидан қўзғатиб бўлмайди.

Қурилишга партизанларимиздан икки киши — бу ишнинг усталари ака-ука Мартиненколар раҳбарлик қилишди. Каттаси — Данила, «Главмаргарин»да иш бошқарувчи, иккинчиси — Сергей бўлса техник бўлиб ишлашган, аммо дурадгорликни ҳам мукаммал эгаллашганди ва уни севишарди ҳам.

Бизнинг ичимиздан биронта ҳам киши қурилиш ишидан озод қилинмади. Иш биз кутгандан ҳам тезроқ

юришиб кетди. Ҳеч ким ёмон ишлашни ҳоҳламас — ўртоқларидан орқада қолишни уят деб билишарди. Шундай қилиб лагерь кўз ўнгитмизда қад қўтара борди. Ҳар бир взвод учун алоҳида тўтар жойлар қурилди. Ўчақбоши, ошхона, команда пункти, кичкина касалхона ва тоғнинг деярли айланмасига, қия жойларига узоқ разведкалар учун бино қурилди.

Иссиқ бўлсин деб қоянинг ичкарисида, чайла эмас, балки ундан пишиқроқ, кенгроқ ертўла қурдик. Унинг тупроқ солинган томи сув ўтказмас эди. Ерга тахта солиб тахланди. Взводлар жойлаштирилган ерда ўт ва қуруқ барглар билан тўлатилган узун тўшак сўрилар, столлар, скамейкалар, милтиқ қўйиш учун пирамидалар турар, ҳар хил майда-чуйда нарсаларга токчалар қилинган эди. Стол устида ойна ўрнига мураббодан бўшаган шиша қўйилган «қўлбола» фонус турипти. Ошхонага катта плита қурилган; нон ёпиш ва нон қуритиш учун ясалган рус ўчоги ҳам бор эди. Команда пунктини қазарма, узоқ разведка ва бош застава билан боғлаш учун дала телефони ўрнатилди.

Геня бошқалардан орқада қолмаслик учун уриниб ёғоч кесишни тезлатар, ўтин майдалар, арралар, кавлар, оғир нарсаларни ташир эди. Лагернинг иш бошқарувчиси Геняга дераза ромлари ва эшикларини қўйиши топшириди. У кейин радиостларимиз билан бирга антenna тортишди, радио тузатишди, икки ёқлама алоқани ўрнатди. Унинг юксак болалик қомати ҳамма ерда кўринар ва шўх овози эшитиларди:

— Биз худди ҳақиқий Робинзонлардек — ҳаммасини ўзимиз ўз қўлимиз билан қиласмиз! — деб хурсанд бўлди у, — дадажон, сиз Жюль Верннинг «Сирли орол»ини ўқиганмисиз?

У одамзод билимининг кучи, улдабуронлиги, усталиги ҳақидаги ва табиатни эгаллашда, ҳар қандай ғовтўсиқни енгишда одамга ёрдам берувчи коллективнинг кучи ҳақидаги бу китобни севарди.

Бизнинг тоғдаги лагеримизга ҳеч ким ўтолмасди. У ерга тепадан асло тушиб келолмайсан киши, шундай тикка, ҳатто ундан тоғ эчкиси ҳам зўрға тушарди. Пастдан эса дарани соқчилар отряди беркитиб турарди. Бизникига олиб борадиган сўқмоқ йўл айланма бўлиб қўтарилиб чиқар эди, яна бунинг устига иккита соқчи ўстехоми — бу сўқмоқ йўлни фронт ва ён томондан ўққа

тутиши мумкин эди. Сўқмоқ йўл бизнинг казармамиз ўти остида ҳам қоларди, яъни узоқ разведка биноси ичидан туриб унга қараб пулемётдан ўт очиш мумкин эди. Бизда лагердан чиқиб кетадиган «Эҳтиёт йўли» ҳам бор эди. Ундан ўтиб, бориб, тез орада тажовуз қилаётган душманнинг орқа томонига бориб қолиш ҳам ҳеч гап эмас эди.

Кисқача қилиб айтганда, бир неча тажрибали мерганлар бу лагерни узоқ вақт катта бир душман қисмидан мудофаа қила олиши мумкин эди. Фақат бизнинг партизанларимизгина биладиган тор сўқмоқ йўлдан ташқари тоққа олиб чиқувчи ҳамма йўллар миналаштирилди.

...Оғир иш куни охирлашди. Тоғ оралиғидаги дарада, пастда, туманинг енгил тутунлари ичидан кечки кўк тусдаги соялар аллақачоноқ чўзилиб узала тушди. Улкан қарагайларнинг таналари ботиб борувчи қўёшнинг нурида ярқираган мис рангидай товланади. Болталарнинг тақиллашлари, арраларнинг фирчиллашлари тўхтади. Лагерь жимжит. Геня билан Евгений ертўлардан бирига кираверишда ётган дарахт ғўлачасининг устида ёнма-эн ўтиришибди. Янгигина йўниб тарашланган қатрон дарахтининг ўтқир ҳиди анқийди. Оёқ тагида хушбўй ҳидли пайрача ётипти.

— Женя, бу ер ёқадими сенга?— деб сўради ундан Геня.— Менга қолса бутун умр бўйи шу ерда яшардим. Мана, шунаقا қулбада яшардим, ов қилардим, балиқ тутардим...

— Мактаб-чи? ВУЗ-чи?

— Ҳа, ростдан ҳам бу ерда ВУЗ йўқ... Ҳа, майли, ВУЗни тутгатгандан сўнг!.. Ёки яххиси мана бундай: ёзи билан туриш учун бу ерга сен билан, Валя билан баҳорданоқ кўчиб келиб олиш... Қалай? Унда роса ҳам ажойиб иш бўлармиди, тўғрими? Валянинг ёнимизда йўқлигига жуда ҳам ачиняпман-да!

— Валя билан бирга пионер бўлиб юрган вақтларимизда,— дейди Евгений,— биз ҳам шундай ҳаёт ҳақида орзу қилган эдик. Биз у билан бир ёз жуда ҳам баланд тоғ чўққисидаги пионер лагерида, Кавказнинг ажойиб бир бурчагида яшагандик.

У Геняга ўзларининг лагерлари жойлашган ўрмонзор, у ердаги тоғ дарёси ёқасида ўсган нина баргли қадимий дарахтлар, ўсиб ётган маймунжонлар орасида

айиқ билан учрашиб қолишлар, «абадий қор»га қилинган юришлар, тоғдаги пионер гулханлари... ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Ҳа, биласанми,— деди Геня, Евгений жим бўлиб ўйланиб қолганда,— бизнинг мана бу ертўламиизда ҳам уруш тамом бўлгандан кейин лагерь очиш мумкин-ку, ахир!

Евгений сукут қилди. «Уруш тамом бўлгандан кейин!».. Бу «уруш тамом бўлгандан кейинги» вақт келиб етгунча ҳали қанча кураш ва қанча оғирчиликлар бор! Ҳа, ростдан ҳам бу ерга тинчлик кунлари дўстлар билан ҳамда Маша ва Инночкалар билан бирга келиш жуда ҳам ажойиб бўларди...

* * *

Баъзан «худди партизанга ўхшаб юради-я»,— деб гапиришади. Бу иборанинг отрядимиздаги партизанларга ҳеч бир дахли йўқ эди. Биз Қизил Армия уставига асосланилган мустаҳкам тартиб-интизомга сезгирилик билан амал қилиб борардик. Албатта бу ишда отряд қўмандонлигига партия ва комсомол ташкилоти катта ёрдам кўрсатди.

Бизнинг катта операция планларимиз партизан отряди штаби томонидан тасдиқланарди. Операция ўтказишга тайёрланиб, ҳатто йўлдаги автотранспорт колонналарига бўладиган энг оддий ҳужумда ҳам, биз энг олдин операция белгиланган жойни синчилаб ўрганиб чиқардик. Уни кузатиб боришини ҳам йўлга қўярдик. Бу билан биз партизанларда ўз кучига ва ўзининг шу ишни уddyалай олишига бўлган ишончини тарбиялардик.

Лагеримиздаги кишилар кўз олдимизда ўзгариб борар, ўз жанговар бурчларини батамом англар, жанговар тартиб-интизомга онгли равишда амал қилардилар. Кабинет ишига ўрганиб қолган катта кишилар билан ҳам, мактаб ўқувчиси Геня билан ҳам шундай бир хилда иш олиб бориларди. Геняда бундай ўзгаришлар ички курашларсиз ва бир-икки марта ўз вақтида айтиб қўйилган қатъий «тушунтириш»лар, баъзан эса кескин сўзларсиз рўй бермади, албатта. Лекин тез кун ичида у ишни ўз вақтида ижро этувчи онгли бир жангчига айланди. У умумий иш қатъий партизанлик тартиб-интизоми талаб қилган вақтда, шахсий истак, дид ва интилишларидан воз кечиши биларди.

Евгений ва унга тақлид қилиб Геня ҳам, доимо — дам олишда ҳам ва жанговар ҳолатда ҳам, ҳаммадан олдинда бўлишга ҳаракат қилишарди. Евгений биринчи кунданоқ отряднинг жони бўлиб қолди.

* * *

Эрта тонг. Туни билан тог чўққиларида мудраб чиқ-қан булутлар, қуёш ўз нурларини унга сочиши биланоқ тезда тарқалди, эриб кетди. Геня нима қилса ҳам барий-бир бошқалардан олдинроқ туролмади: линейкагача эрталабки зарядкани қилиб олиш учун улгуриши керак эди. Бу зарядкани эса хоҳловчи кишиларни йиғиб, унинг ўзи ташкил этган эди.

— Бир-икки, уч-тўрт! — Қаттиқ овоз билан команда берди Геня. У равон, салмоқли ҳаракат қилар ва унга қараб ҳаракат қилаётганларни ҳам ҳушёрлик билан кузатиб борарди.

Эрта куз тонгида, тоғда бўлиш қандай яхши! Кузнинг олтин ва қизил ранглари тегиб ўтган қуюқ ўрмонлар билан қопланган тоғлар, айниқса тонг пайтида гўзал бўлади. Ҳамма ёқда кишини ҳайрон қолдиравли даражада жимлик. Ҳаво тоза ва шаффоғ. Вақт ҳали эрта бўлишига қарамай лагерда ҳаёт булоқдай қайнайди.

Эрталаб соат беш ярим. Ҳамма, ҳаттоки кечаси разведка ёки жангдан қайтиб келганлар учун ҳам уйқудан уйғониш пайти. Ҳаммалари ювенишади, кўрпа-тўшакларни, бино ичларини йиғиширишади, кийинишади ва қурол-яроғлар билан тўла қуролланиб роппа-роса соат олтида ўз бўлинмалари билан линейкага сафга тизилишади. Мен комиссар ва штаб бошлиғи билан бирга саф тортиб турган партизанлар олдига келаман. Лагерь навбатчиси бўлинма текшириб чиқиш учун тайёр эканлигини доклад қилади. У сафда қанча одам борлиги, қанчаси касал, ярадорлиги ва кимларнинг йўқлигини — ҳаммасини ҳисоблаб ахборот беради.

Отряд бўйича буйруқлар бўлса, уларни штаб бошлиғи ўқиб эшиттиарди. Партизанларнинг бутун куни билан то эртасига эрталабгача қоровулликка ва ишга тақсим қилинганлигини лагерь навбатчиси эълон қиласарди. Агар бошқа хил эълонлар бўлмаса ҳамма тарқарди. Одатда эрталаб соат етти яримда бўладиган нонушта вақтигача навбатчи ошпаз ва соқидан ташқа-

ри ҳамма ҳарбий машғулот ўтказарди. Меҳнат куни бошланиши билан бирорлар ишга киришар, бирорлар алоҳида топшириқ билан лагердан чиқиб кетарди.

Тушки овқат соат иккита, кечки овқат соат саккизда ейиларди. Саккиз яримдан токи соат ўнгача сиёсий машғулот, мажлис, ўқиш бўларди. Соат ўн яримда лагерь жимжит уйқу оғушига киради. Фақат соқчилар ва лагерь бўйича жавобгар бўлган навбатчигина ухламасди, холос!

7. Разведкачилар

Отряднинг жанговар ишларинн юзага чиқаришда яхши ташкил қилинган разведка катта ва муҳим аҳамиятга эга эди. Тўғрисини айтганда: муваффақиятларимизнинг қоқ ярмиси ҳеч сўзсиз, разведка туфайли эканини тан олиш жерак.

Биздаги разведкачиларга Евгений бошчилик қиларди. Бошқа партизанлар билан бир қаторда Геня ҳам разведкага катта ёрдам кўрсатди. Унинг шундай бир «йўллари» ва ўз имкониятлари бор эдики, булар кўп вақт ҳар қанча тажрибалари бўлишига қарамай катта ёшдаги разведкачиларнинг қўлидан келмасди. Унинг худди станица боласига ўхшаб кийиниб, одатда чўпонлар осиб юрадиган бўздан қилинган халтачаси ичига бир бурда зорора нон, бир жуфт пиёз солиб, уни елкасига осиб юрган вақтлари кўп бўларди. Бундай қарасанг Геняга ҳам ўхшамайди шунда. Балки сарғайиб кетган сочлари билан эрталабдап кечгача очиқ ҳавода подалар билан дайдиб юришга ўрганиб қолган — яланг оёқ, юзлари қорайиб кетган, чинакам чўпон боласига ўхшайди. Аммо бу «чўпон бола»нинг қаеригадир усталик билан тўппонча яшириб қўйилади, яширилганда ҳам шундай яшириб қўйилар эдики, уни ахтаришганда ҳам топиша олмасди. Бу «чўпон бола»нинг қарашлари эса сезгир, синчков, йўлдан қанча фашист машиналари уруш асбоб-анжомларини олиб ўтганлиги ва фашистлар қаерга янги отиш жойи қурганликларини тез билиб олувчан эди.

Геня билан разведкага кўпинча унинг дўстлари, қўшни партизан отрядининг худди шунга ўхшаган тенгқўр болалари ҳам бориб туришарди. Биз севиб «Миттивойлар» деб чақирадиган бу болалар фашист гарнизонлари томонидан ишгол қилинган станицага қириб боришар,

бир қанча бор қийин аҳволларга тушиб қолишар, аммо айтганларидай доимо сувдан қуруқ чиқишарди. Лагерга қимматли маълумотсиз қайтган вақтлари камдан-кам бўларди.

Геняни қўрғон ва станицаларда раҳмдил казак аёллари яшириб қўйишарди. Вақт ўтиши билан станица болалари ичидаги унга содиқ дўстлар пайдо бўлди. У биринчи учрашувда улар билан ҳар бир станица боласини жуда ҳам қизиқтирадиган нарсалар: ов қилиш, балиқ тутиш, кептар ҳақида гап юритарди. Сўнгра секин-секин босқинчилар ёниб қўйған мактаб, фашистлар ўзларининг энг ёвуз душмани деб таъқиб остига олиб юрган пионерлар ҳақида сўрарди. У болаларнинг қандай кайфиятдалиги ва унга қандай жавоб беришларига қараб, улардан отрядга тегишли бирор нарсани билиш мумкинми ёки, яххиси, гапни тўхтатиб қўя қолиш керакми эканлигини аниқларди. Болаларни «ўз одам» деб ишонч ҳосил қилгач, уларни немис комендантураси эшигига осиб қўйилган эълоннинг шималигини билиб келишга ёки бутун ҳовлиларни кесиб чиқиб, босқинчилар машинасиги ҳисоблаб келишга юборарди. У ёш станицаликлар билан ҳамкорликда варақалар тарқатар, фашист газеталарини ўғирлаб қочардилар. Бу ишларнинг ҳаммаси ёш разведкасидан эҳтиёткорлик, ҳар қандай ҳолатда тез ва аниқ ҳаракат қилиш, гаплашаётган одамининг сирини билиб олишни талаб қиласарди.

Геня ўз дўстлари билан жуда ҳам масъулиятли вазифаларни бажаарарди.

Гитлерчиларнинг Георгий-Афипокая станицасига катта кучларини йиғаётганлиги, афтидан уларни Новороссийскийга ташлашга тайёрланаётганликлари бизга маълум бўлиб қолди. Босқинчилар шу вақтда айниқса станицада пайдо бўлган ҳамма кишиларни жуда зийраклик билан кузатиб турдилар. Шундай бўлса ҳам биз олдин олинган маълумотни аниқлаб олишимиз зарур эди. Юборишга Генядан бошқа ҳеч ким йўқ. У разведкага биргина ўзи эмас, балки қўшни партизан отрядидаги ёш бола — Гриша билан кетди. Болаларга жуда ҳам эҳтиёт бўлиш кераклиги қайта-қайта уқтирилган эди.

Улар уч кунгача йўқолиб кетишиди. Учинчи куни Елена Ивановнанинг кўзлари уйқудан қолгандай қизариб кетганди. Евгений ғамгин, камгап бўлиб юрар, лекин икквлари ҳам ўз безовталикларини яширишарди.

Болалар тўртингчи куни кечаси эсон-омон лагерга қайтиб келишди. Геня ишнинг натижаси ҳақида қисқа ва аниқ қилиб ҳарбийларча ахборот берди. Ана шу ахборотнинг ўзидан разведка жуда ҳам яхши ўтганлигини англаш мумкин эди. Разведканинг натижаси шу қадар муҳим эдики, ҳатто биз уни шу кечасиёқ олий қўмон-донлика етказдик.

Орадан беш кун ўтгандан кейин (унда ҳам бўлса тасодифан — Генянинг йўлдоши Гришадан) бўлиб ўтган бу разведка ҳақида тўла-тўқис маълумот әшидик. Маълум бўлишича, бу разведка жуда ҳам осонлик билан ўтмапти...

Ушанда болалар лагердан кечаси жўнашди. Тош йўлдан юриш хавотирли эди. Тоғ этагидан текисликка олиб борадиган қишлоқ йўли билан кетишиди. Гарчанд бу йўлдан ҳеч ким юрмаган бўлса ҳам разведжачилар эҳтиёткорлик билан ҳар томонни қараб борар, тез-тез тўхтаб қолар, ҳар бир шубҳа қилинган шитирлаш овозларига қулоқ солиб әшитиб ўтишарди.

Тонг пайтида Рашилов қўрғонига етиб келишди. Болаларни шу ерда румин патрули тўхтатди.

Генянинг ёнида тўппонча — краснодардалик вақтида қаердандир топиб олган кичкинагина бельгия браунинги бор эди. Генянинг унга озмунча меҳнати сарф бўлганми — тўппонча эса у ер-бу ерларини тузатишни талаб қиласа, — у, уни тузатган эди. Уни эпақага келтириб, ўқлар қидириб топган эди. У ҳақиқатан ҳам дурустгина отадиган бу браунинги билан фахрланиб юарди.

Тўппонча Геняда кўнгилни тўқ тутса бўладиган жойга яшириб қўйилганди, юзаки ўтказилган тинтув ҳам бехавотир ўтди. Сўроқ қилиш бошланди. Рус тилида зўрғазўрға гапира оладиган румин сўроқ қилди:

— Қаёққа кетяпсан?

— Биз Ново-Алексеевкадан... жаноб комендантнинг буйруғи билан молларни ўша ёққа ҳайдаб боргандик...

— Сизлар ким бўласизлар?

Шунда болалар бир-бирларининг сўзларини бўлиб, Георгий-Афипская станицасида турувчиларнинг номларини айта бошлашди, уларнинг уйларини таърифлаб беришиди. Бир сўз билан айтганда ҳаммасини батафсил гапириб бераверишди ва гапни шундай чўзиб юборишидик, ҳатто әшитавериш патрул бошлигининг жонига ҳам

тегиб кетди. У қўлини бир силтади-да, уларни қўйиб юборишни буюорди.

Георгий-Афипскаяга полиция одамининг кўзига қўринмаслика ҳаракат қилиб эҳтиёткорлик билан ўтиб кетишиди. Ўз дўстларининг олдига етиб олишди. Қечга яқин эса станицада турувчи болаларнинг ёрдами билан бу ерга қандай қисмлар келиб тушганлиги, танк, машина, пулемётларнинг қандайлиги, ўқ-дорилар омбори қаерга ўрнатилганлиги каби қеракли маълумотларни йиғиб олишди. Ҳатто Геня темир йўл станциясига киришга ҳам журъат қилди. Вагон составларига қандай ва нималар ортилаётганлигини кузатиб, йўллар устида кезиб юрди. Умуман айтганда имконияти бўлган ҳамма иш қилинди.

Георгий-Афипскаядан оқшом пайтида йўлга чиқишиди. Полизлардан, орқадан айланиб ўтишиди. Станицадан эсон-омон чиқиб олишди. Бутун кечаси билан шошилиб йўл босдилар. Смоленскаяга яқинлашган вактларида тонг оқара бошлади. Мана бу ерда, тамаки саройи олдидиа эҳтиёт бўлишолмай қолди. Қўпол, қаттиқ қичқириқ эшитилди:

— Тўхта!

Болалар сапчиб бир томонга ўтишмоқчи эди, лекин кеч қолишиди: пистирмада ётган икки полициячи, худди ерни ёриб чиққандай, милтиқларининг оғзини уларга қаратиб бурди.

— Қим бу? Қаердан келяпсанлар? Қечаси нима қилиб юрибсанлар?

Болалар бу сафар ҳам чап бериб қутилиб кетишига ҳаракат қилиб кўрдилар: ахир уларнинг отлари йўқолиб қолган-ку, яна бу отлар ўзлариники эмас, фрицларники эди, уларни бутун кечаси билан ахтариб чиқишиди, тошишомлади, энди бўлса уйга кетишига қўрқишияти — отсиз станицага қайтишига руҳсат берилмаган-да...

Бу жавоб полициячини қаноатлантирумади.

— Қўлингни кўтар! Битта-битта кел-чи.

Геня ўз тажрибаси бўйича полициячилар билан бўладиган иш ҳатто гитлерчилардан оғирроқ бўлишини биларди. Уларни алдаш ҳам у қадар осон эмас, бунинг устига манфур сотқинлар болаларни бекорга отиб ташлашлари, кейин уларга содиқ хизмат қилишни билдириб, «муҳим жосус»ни ўлдирдик деб айтишлари ҳам мумкин.

Тез ва қатъий ҳаракат қилиш керак эди. Геня ўзининг кичик тўппончасини ўнг қўлида билинтирмай қаттиқ сиқиб, қўлини кўтарди ва полициячининг олдига биринчи бўлиб келди. Тез қўлини туширди — ўқ ҳам узилди, яна отилди. Яқиндан қадаб туриб отди. Полициячилар йиқилишиди. Ўлардан биттаси бақирди, ердан туришга ҳаракат қилиб кўрди, милтиққа ёпишди. Болалар ўзларини ўйл ёқасидан шохчалар орасига ташлашиди. Орқада ўқ овозлари гумбурлади.

Станицада ваҳима кўтарилиди. Тонг отар пайти оловлар милтилларди, қичқирган команда ва отишма овозлари эшишилди. Қоровуллар буталарга қараб отар, тўсиқлар орасидан эса қўл пулемёти уради. Фашистлар уларнинг кетидан қувлашга тушишиди. Болаларнинг боши устида ўқлар вишиллар, улар эса дармонлари борича югуриб елишар, йиқилишар, кўтарилишар, яна йиқилишар ва қувловчиларни изидан оздиришга ҳамда шу билан бирга бир-биридан ажралмасликка ҳаракат қилиб, у томондан-бу томонга ташланиб, яна қочишарди. Тун оғиб қолган эди.

Шарқ ёришиди. Тонг пайтида ҳамма ерни қоплаган туман ичидан шохчалар, станица, узоқдаги тоғларнинг фира-шира акси кўринди. Қувловчилар етиб келмоқда эди. Геня билан Гриша чапга, Афипс томонга бурилишиди. Гитлерчилар шу ерда қоюқларни кўздан қочириб қўяёзган эдилар, аммо болаларнинг боши устидан баргларни чирт-чирт узиб, яна ўқлар ҳуштак чалиб ўтди.

Яқин орада бўлиб ўтган ёмғирдан сўнг Афипс жўшқин бўлиб қолган,— у кўпикланар ва сув тагидаги тўнкаларни ағанатиб, тошларни думалатиб шовуллар, гирдобга айланарди. Унинг қутирган, кўпикли тўлқинларига ташланиш қўрқинчли эди, аммо бошқача йўл йўқ эди. Разведкачилар дарёнинг тез оқими билан охирги кучлари борича қурашдилар. Оёқларини тўнканинг қиррали бутоқлари, тошларига уриб қонатиб, қарама-қарши томондаги қирғоққа чиқиб олишиди. Автоматлар улар кетидан тез-тез отишни давом эттирарди.

Болалар анча ичкариликдаги ўрмонни мўлжаллаб ерга паст бўлиб энгашиб қирғоқ бўйидаги қуюқ толзор орқали кетишиди. Қуёш кўтарилиди, атрофни қоплаб ётган хира туман тарқалди, узоқ-узоқдаги қорли чўққилар ялтиради. Отишмаларнинг овози ҳам тинди. Афтидан гитлерчилар жўшқин Афипс орқали сузиб ўтишга боти-

нолмаган бўлсалар керак. Болалар ҳўл кийимларини сиқиб олишди ва эҳтиёткорлик билан кўп айланма йўл юриб бориб, оч, уст-боши титилган, ҳорғин ҳолда фақат кечасигина лагерга қайтиб келишиди.

Гришанинг разведка ҳақидаги жуда ҳам пойма-пой, лекин ҳақиқий ҳикоясини эшишиб бўлиб, мен унга рухсат бердим.

— Ҳар ҳолда билмоқчи эдим,— дедим мен Евгенийга:— нима учун Геня буларни биздан яширди? Онасини безовта қилишдан қўрқдимикан? Уни хавотирли операцияларга юборишни тўхтатиб қўйишимиздан қўрқсан бўлса керак?

— Ундаи ҳам, бундай ҳам бўлиши эҳтимол,— деб жавоб берди Евгений.— Аммо менинг ўйлашимча энг муҳими бу эмас.

— Нима бўлмаса?

— Бизда ахир мақтаниш одати йўқ. Уз ишингни қилдингми, топширилган вазифани бажардингми — жуда яхши бўпти. Қолган бошқа ҳаммасини «лирика!» дейиш мумкин. Ҳамма ҳам ахир шундай иш тутади — нима бўпти, у ҳам ҳаммага эргашяпти-да.

Биз кечқурун Евгений иккимиз Геня билан яна бир гаплашиб кўрдик. У бундан кейин ўз саргузаштлари ҳақида бизга батафсил ҳикоя қилиб беришга сўз берди.

Мана, бир кун ўтмасданоқ Геня яна олдимга келиб, улар Павлик Худоерко билан бирликда унинг ўз таърифича «оз-моз тентаклик қилиб қўйган» гуноҳига иқорор бўлди.

Улар бу сафар Смоленская станицасига разведкага боришиди. Улар қишлоқ болалари қийимида, чўнтақка граната ва тўппончаларни яшириб, станица кўчаларида гўё беғам кишилардек кетишарди. Тепаликда штаб биноси бор. Унинг ёнида ҳадлан ташқари шовқин-сурон бўляпти. Бу ё мастиликнинг шоду ҳуррамлигими ёки бирон мажлис бўляптими, буни билиб бўлмади.

Болалар катта кўчадан тор кўчага қайрилишиди. Шоҳлар ичига ва полизлар орасига яшириниб, штаб томонга қараб эмаклай бошлашди. Девор ёқалаб қоровул юради. У Генянинг полиз ичидаги юрганини кўрди-ю, лекин унга жуда ҳам аҳамият бериб қарамади. Шундай паллада жўякларда юрадиган болалар кам дейизими?

Қоровул муюлишдан эндиғина бурилган эди — Геня билан Павлик бино томонга қараб югуришиди ва дераза

ичига гранаталар ирғитиши. Киши кўз олдига келтириб бўлмайдиган тўс-тўполон бошланди, тартибсиз отишмалар гумбурлади. Разведкачилар фашистларнинг саросимага тушиб қолганидан фойдаланиб, яширинишга, ўрмон ичига кириб кетишга улгурдилар.

Нима қилиш керак? Геняни сўкиш керакми? Ахир у Павлик билан бирликда мардонавор портлатиш ишини бажарди-ку. Биз кейинчалик унинг гранаталари билан штабда бир неча фашист офицерлари ўлдирилганлигини билдик. Ҳаммадан ҳам энг муҳими шуки, фақатгина Смоленская аҳолисигина эмас, балки унинг ёнидаги қўшни станицадагилар ҳам: душманни боплаб ўз уясида урган бўлса, демак кучли партизанлар эканда, деб руҳланиб кетдилар!

Аммо болаларни мақтаб юборишдан ҳам ўзимни сақлаб қолдим. Генянинг ҳикоясини бамайлихотир эшитдим ва худди шундай вазиятда дедим:

— Мана, қилган разведканг ҳақида тўла ҳикоя қилиб берганинг жуда яхши бўлди!

* * *

Отрядга қўмондонлик қилувчилардан ҳеч бир киши ҳалигача гидрозаводнинг аввалги бригадири — партизан Георгий Феофанович Мельниковга нисбатан, кўп вақт вазифасини бажариш пайтида унга дуч келиб қоладиган ва дуч келиши муқаррар бўлган қийинчиликлар ҳақида: фақат ваҳима кўтардинг деб эмас, ҳаттоқи қийинчиликни бироз ошириб кўрсатдинг, деб бирор таъна-қочириқ қилишга ҳеч бир баҳона тополган эмас. Бу матонатли, камгап, кўп вақтларда эса осойишта, оғир одам эди. У ҳеч қачон ўз сўзини елга совурмасди.

Лекин ростини айтганда, унинг команда пунктидаги шошилинч, пойма-пой қилган ҳикоясини эшитганингдан сўнг, унинг аввалги осойишталиги билан ҳозирги дақиқадаги безовталаңгани юзларини солиштириб беихтиёр: «Бу одам ваҳима соляпти. Нима учун бундай қилаётган экан?» дейсиз. Лекин шуниси ҳам борки, бу ҳол ҳаммада ҳам учраши мумкин. Чарчаган, асабийлашган, ёлғиз бир ўзи узоқ вақт ўрмонда қолиб кетган, мана шунинг учун ҳам ўзини оз-моз олдириб қўйган бўлиши мумкин.

Мусъяченко билан Сафронов ҳам назаримда менинг фикрларимга қўшилгандай бўлишди. Евгений Мельниковнинг сўзларини зўр диққат билан эшитарди.

Георгий Феофанович жанговар ишларимиз ҳақидағи маълумотни бирлашган партизан отрядларининг штабига етказиб, у ердан ҳозиргина қайтиб келган эди. У топшириқни бажариб лагерга Афипс соҳиллари бўйлаб қайтганди. Қирғоқ бўйларидаги бутазорлардан ўтар, тошларга сирғаниб худди ҳар сафаргидай саранжом, сезгир, ҳушёр, ҳар бир тасодифга ҳозири нозир бўлиб юарди.

У Подгорний хутори қаршисидаги дарё соҳилидаги бутазор баргларининг яшил доирасида намоён бўлган осойишта манзараларга завқланиб қараб, бир неча минутгина ушланиб қолди, холос. Ботиб борувчи қуёшнинг тилла ранг нури билан товланган оқ уйлар мева боғининг қуюқ, кўм-кўк барглари орасидан очиқ чехра билан қараб туришарди. Ҳамма нарса осойишта, беозор ва жимжитлик билан нафас оларди. Мельников дарёга яқин уйдан, ёш бир казак аёлнинг икки боласи билан чиқиб келганини кўрди. У чақалоқни қўлига кўтариб олган, беш-олти ёшлиқ қизи эса юбкасининг этагидан ушлаб борарди. Гўё илиқ, шўх тўлқин партизанга келиб урилгандай, унинг юрагини иситгандай, кўзларини намлагандай бўлди.

Шунда бирдан ҳеч бир ақл бовар қилмайдиган шундай бир даҳшат юз бердики, бунинг нима эканлигини Мельников ҳалигача аниқ тушунтириб беролмайди. Борган сари кучайган даҳшатли овоз, тўсатдан чиққан зарба, ўт гирвати ва тутун чиқиб портлаш шундай кучли бўлдики, партизанга теварак-атрофдаги қоялар қимирлаб, силкиниб кетгандек туюлди. Қайноқ тўлқинлар уни оёқдан тойдирди. У нафаси қисилиб, эс-ҳушини йўқотар даражада йиқилди. У ҳали кўтарилиб олишга улгурмаган ҳам эдики, яна қайтадан хунук, даҳшатли овоз эшитилди ва партизанга бу зарба биринчисидан ҳам кучлироқ бўлиб туюлди.

Мельников бир қанча вақтгача юзи ва кўкрагини ерга берганича жимгина ётди. Агар дарёнинг бетўхтов шовқин-сурони ёки узоқдаги шаршара гувуллашини эсга туширадиган қандайдир янги бир овозни ҳисобламаганда, энди атроф жимжит эди.

Мельников тиззаси билан туриб олиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради ва ваҳимадан титраб кетди. Мельниковнинг қаршисида, Афипснинг нариги қирғоғида, яъни у ҳозиргина завқ билан қараган Подгорний хутори ўр-

нашган жойда ниҳоятда катта гулхан алангаланиб ётарди. У ерда биноларни, дараҳтларни ялаб-юлқиб сарғиши тусдаги ўт шуъласи авж олар ва бу шуъла устидан кечки топ-тоза осмонда қуюқ қора тутун чўзилиб буруқсиб борарди.

Бу шундай қутилмаган, шундай даҳшатли бўлган эдики, Мельников тикка туриб олди-да, ниҳоятда катта гулхан томонга қўлни чўзиб қичқириб юборди. Кейин у ақли-ҳушини йигиб олиб, шу заҳотиёқ қирғоқ бўйидаги бутазорларга яширинди ва у ерда гуллаб борувчи хуторни кўйдириб бир уюм ҳаробаликка айлантирган ўтни кузатиб ётди...

— Шундан кейин эса мен хуторда қишиларни кўрмадим,— деди Мельников ҳикоясини тамомларкан.— Ҳатто ўша казачка аёл ва кичик болаларнинг ҳам нима бўлганини билмайман...

У ўз ҳикоясини тугатиб, жим бўлиб қолди. Унинг офтобдан қорайиб кетган юзида ўзига хос бўлмаган ҳайратланиш, паришонлик пайдо бўлди. Чап қўл бармоқлари билан у камзулининг тугмачаларини то ўз ипига осилиб қолмагунча айлантираверди.

— Ҳаммаси шуми?— деб сўради Евгений.

— Ҳаммаси шу,— деб оҳиста жавоб берди Мельников.

Шундан сўнг орада чўккан жимжитликни Евгений бузди:

— Мен ўртоқ Мельниковнинг ахборотини жуда ҳам ажойиб, алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблайман! Сизларга эслатиб қўйяй, бундан бир неча кун илгари фашист радиоси катта, вайрон қилувчи кучга эга бўлган янги махфий қурол ҳақида ахборот берди. Биз ўша вақтда бу ахборотни фашистларнинг навбатдаги ҳийла-найранги, мақтансулоғлиги, алдамчилиги деб ҳисобладик. Аммо кўринишдан бундай бўлмаса керак... Биз қўмон-донликнинг кўрсатмасига мувофиқ фашист армияси қуролларида яратилаётган ҳар бир янги нарсани қузатиб боришимиз ва бу ҳақда тезда хабар қилишимиз лозим. Шунинг учун ҳам мен ўртоқ Мельниковнинг ҳикоясини жуда ҳам муҳим деб ҳисоблайман ва биз ҳаммасини яхшилаб билиб олишимиз керак, деб ўйлайман.

Албатта, Евгений ўз сўзида ҳақли эди. Ҳаттоқи Мельниковнинг ҳикоясида муболага бўлган тақдирда

ҳам, биз далилларни аниқлашимиз ва ҳар ҳолда тинч аҳоли устига келиб қандайдир янги бир қуролни сина-ганликлари учун душмандан қасос олишимиз керак эди.

Эртаси куни хуторда разведка ўтказилди. Қишлоқ уйларининг учдан бир қисмигина қолган. Бўлаётган аҳволдан қўрқан аҳолилар, хуторни ташлаб, тогларга чиқиб кетишган. Разведкачиларимиз улардан баъзи бирларини топишга мұяссар бўлишди ва улар Мельников ҳикоясининг ҳақиқат эканлигини тасдиқладилар.

Бундан ташқари, хутор устидан кузатиб борган разведкачилар қишлоқни ер юзидан мутлақо учирив юбориш учун янги ўққа тутишнинг гувоҳи бўла олишди. Масала равшан: фашистлар бу ерда катта вайрон қилувчи кучга эга бўлган янги қуролни синаб кўришган. Биз шунингдай бу қуролнинг куч-ҳаракатини кузатиб борган фашист корректировшикларининг Ламбина тоғида мерганлар билан қўриқланиб турганликларини ҳам аниқлаб олишга эришдик. Фашистлар Смоленская станицаси яқинида таъқиқланган зона қуришди, станицанинг ўзида эса гарнизонни ва қоровулликни кучайтириб юбориши. Бу, фашистларнинг сири Смоленская нинг қаериладир, яқин бир ерида яширинганинги кўрсатарди.

Евгений станицага икки-уч разведкачи юбориш, булар орқали аҳоли ичидаги бизнинг кўмакчиларимизга корректировщик-кузатувчиларни қўриқловчи мерганларни таъқиб қилиб туриш вазифасини юклаш ва таъқиқланган зонага яширилган махфий объектда нималар борлигини аниқлашга ҳаракат қилиш тўғрисида таклиф кирилди.

— Хўш, Смоленскаяга ким боради?— деб сўрадим мен,— билиб қўйинг, у ерда ҳозир фашистлар жуда ҳам ҳушёр тортиб қолган.

Евгений сукут сақларди. Унинг юзлари ўйчан, жиддий тусда. Қўзимиз қўзимизга тушди.

— Геня боради,— деди у.

Ха албатта Геня бориши лозим. Ичимизда қишлоқ чўпон боласи қиёфасида кийиниб хуторга кириб олиш унга жуда осон. Аммо... уни шундай хавф-хатарли қалтис разведкага юбориш жуда оғир эди!..

— Шундай, албатта, Геня боради— деб рози бўлдим мен. Шу пайтда бирдан Генянинг оқарган, ғазабкор юзлари менинг кўз олдимга келди, тинч ва кўмакчисиз

хуторни фашистлар йўқ қилиб юборганини эшитганда, унинг «Ҳайвонлар, ҳайвонлар! Биз бунинг учун сизлардан қасос оламиз!» деб ғазаб билан айтган сўзлари ёдимга тушди.

Ҳар гал Геня оғир вазифа топширилганда қаддини ростларди. У бу сафар ҳам шундай қилиб, юзларида мағрур сипогарчилик аломатлари пайдо бўлди.

— Ўзингга бир шерик топгин,— дедим мен Геняга бўлажак разведканинг мақсади ва вазифаларини тушунитириб.

— Мумкин бўлса, Федя боради, бўладими?— деб шу ондаҳқ сўради Геня.

Федя — ювош, ўйчан бола, ёши ҳам унга тенг, қўшни партизан отрядининг разведкачиси. Ҳозир у бизнинг отрядда эди. Геня у билан ошначилик қиласи ва бу кўринишдан ориққина, нимжон кўринган ёш боланинг са-доқатини, мардлигини жуда қадрлар эди.

— Жуда соз, майли, сен айтганингча Федя бўла-қолсин!— дедим мен.— Аммо эсингда бўлсин: ҳаммадан олдин ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўриш ло-зим. Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ партизан отрядининг команди-ри! Кетишга руҳсат берасизми?

* * *

Эрта тонг ёришган пайтида, Геня билан Федя Ламбина тоғи этакларига етиб олган эдилар. Қўтарилиб бораётган қуёш шуъласи туннинг зангори ва кўк рангдаги сояларини йўқотишга ҳаракат қиласи, тоғ чўққила-рига пушти ранг ҳамда сариқ ёғдулар билан жило бериб турган тонг шафаги тасвирлаб бўлмас даражада гў-зал эди.

Бироқ нур билан жаҳолат курашининг ажойиб кўри-ниши ёш разведкачилар дикқатини ўзига торта олмади. Кейин Генянинг ҳикоя қилиб беришига қараганда, улар худди шу соатда Ольха чакалакзорларида маймунжон-лар бир-бири билан зич, чирмашиб, шохлаб ётган йўл-нинг айрилишида шудрингдан ҳамма ёқлари ҳўл бўлиб кузатиб ётишарди. Аммо уларнинг дикқат билан кузатиб туришган нарсаси — фашист танклари ва солдатлари эмас, балки пушти ранг кўйлаги тиззасигача тушган қизчанинг кичкинагина гавдаси эди. Бу қизча аввал Смоленская томондан келадиган йўлдан тез ўтиб кетди. Ундан кейин бир томонга қайрилди-ю, йўл ёқасидаги

буталар орасига кириб йўқолди. Сўнгра йўлдаги тепаликнинг ёнбагир, салқин жойида яна пайдо бўлди. Ўрмонни ёқалаб яна орқага ўтиб кетди.

— Биласанми,— деб ҳикоя қилди Геня:— биз доимо унинг бир хил сўзни—«Жулька, Жулька!» деб чақириб турган ингичка овозини эшитардик. Бу одамнинг кулгисини қистатадиган сўз, тўғрими? Яна у сўз оғзидан ҳар хил оҳангда: гоҳ эркалаш, гоҳ ўпкалаш, гоҳ ўтинч ёки ранжиш оҳангидаги эшитиларди.

Кизча энг охири танасида каваги бор, бесёнақай кекса дарахт олдига келиб тўхтади-да, чарчаганидан тиззасини қўйиб, чўққайиб ўтириб олди.

— Сигир ахтараётганга ўхшайди!— деди ўсмоқчилаб Федя.

— Сигирни Жулька деб чақиришганини ҳеч маҳал эшитган эмасман,— деб қўшилмади унинг фикрига Геня.— Эчкини ўнгдай деб чақиришгандаги ҳам майли эди... Шу қиз Смоленскаядан эмасмикин, билгим келяпти. Агар Смоленскаядан бўлса, у билан гаплашсак ёмон бўлмасди-да.

— Қел, бориб биламиз қўямиз-да.

— Шошмай тур-чи!... Ҳозир бу қизнинг қанақалигини биламиз. Қизлар ҳам ҳар хил бўлишади, ахир!

— Қўйсанг-чи! Уни қара, йиғлаяпти. Ростдан йиғлаяпти!

— Ҳа, чинакамига йиғлаяпти...

Кизча ҳамон дарахт тагида чўккалаш ўтиради. Қўллари билан юзини тўсар ва унинг елкаларининг титраши кўриниб туар, аммо бу ҳол унча кўпга чўзилмади. Ўзини бир оз ростлаб олди, қўли билан кўзларини артди. Сочлари қирқилган бошини силкитди ва... ўз олдида икки нотаниш ўспирин турганига кўзи тушди.

Улардан бири — новча, яғрини кенг, офтобда қорайиб кетган, юмалоқ юзли ва қўй кўзлиси кўзини ундан узмасди. Бошқа бири — ориққина, қора кўзлиси ҳам унга мулоим табассум билан қараб туарди. Уларнинг иккаласи ҳам ёмон, йиртиқ, ямоқ кийимда, иккаласи ҳам елкасига бўз халтача осиб олган эди. Уларнинг туришларидан зиён-захмат етказадиган кишига ўхшамасди. Аммо қизча уларни кўриб, дарров эс-ҳушини йиғиб олди, қошини чимирди. Болалар худди ернинг тагидан отилиб чиққандай бирдан шовқин-суронсиз пайдо бўлиб қолганларидан кейин у хижолат ҳам бўлиб

кетди. Улар эҳтимол унинг кўз ёш оқизиб йиғлаганини ҳам кўриб қолишигандир?.. Теварак-атрофида душманлар изғийди. Туппа-тузук, ҳамиша одамларга очиқ чеҳра билан муомала қиласиган ростгўй совет болалари ҳам энди негадир бир-бирларига шубҳа билан қарашар, ўзларини эҳтиёт қилишарди.

Узоққа чўзилган жимликни биринчи бўлиб Геня бузди.

— Сен... бу ерларда сигир кўрганинг йўқми?— деб сўради у.— Биз йўқотган сигиримизни қидириб юрибмиз... Пешонасида оқ қашқаси бор, сариқ сигир...

Қизча кўрмаганлигини билдириб бошини чайқади.

— Ўзларинг эчки кўрганларинг йўқми?— деб сўради қизча.

Геня тантанали вазиятда Федяга қараб қўйди.

— Сен қаерликсан? Смоленскаяданмисан?— деб сўради у қиздан.

— Ҳа, ўзларингиз қаерлик?

— Бизлар...— Геня секингина жавоб бера бошлади. Унинг хаёлига бирдан бир фикр келиб қолди.— Биз Подгорний хуторидан бўламиз!— деди у.— Тогда яшаймиз...

Бу сўз қизга мутлақо кутилмаган бир тарзда қаттиқ таъсир қилди. Унинг жуда ҳам эҳтиёткорлиги дарров йўқола қолди. У, офтобда қорайиб кетган қўлларини бирбирига уриб, болалар томонга қараб қадам ташлади.

— Хуторданми? Подгорнийданми?— деб қайта сўради у.

Унинг юзлари самимий қайфуришни билдирав, катта қора кўзларида эса меҳрибонлик акс этарди. Хуторнинг қайфули тақдиди бу ернинг барча яшовчиларига маълум экан.

— Э... бечоралар-ей!..— деб юборди қизча, қўлларини кўкрагига қўйиб.— Ахир энди сизлар қандай тирикчилик қиляпсизлар?

Кишиларнинг қайфу-ҳасратига чин кўнгилдан ҳайриҳоҳлик билдираётган бу қизчани алдаб гапиргани учун, Геня уялиб кетди ва кейин бизга иқрор бўлиб айтишича, ҳатто қизариб кетди. Федя эса худди ҳеч нарса билмагандай, ўз қиёфасига кирди-ю, уларнинг кулбаси ёниб кетганлигини, энди ўзлари ўрмон, тоғларда оч-ялонғоч хавф остида кун кечиришаётганини дадиллик билан айтиб берди.

— Лаънатилар!— деб пицирлади қизча, муштчала-

рини қисиб, Федя ўз тарихини сўзлаб бўлганди. Унинг Федя ҳикоясига бўлган муносабати Геняни бир оз тинчлантириди. «Хайрият, ўзимизни килардан экан!»— деб ўйлади у ва юраги тинчланди.

Қизча айтишга айтиб қўйди-ю, лекин бегона одам билан гапиришгандай, ўзидан чўчиб хавотирланди. Аммо у болаларга бир бошдан қараб чиқиб яна бирдан табассум қилди. У, бу бегона болаларнинг кўзларидан «ўз» одамлари эканлигининг ифодасини кўрди. У ҳам худди Геня қувонгандай қувониб кетди...

— Сенинг отинг нима?— деб сўради Геня.

— Инесса!— деб энди бажонидил ва ишонч билан жавоб берди қизча.

— Инесса?— деб қайта сўради Геня.— Сен ҳали рус қизимасмисан?

— Нега? Йўқ, рус қизиман. Отим Инна эди, дадам Испаниядан қайтиб келгандан сўнг, мени Инесса деб чақирадиган бўлди...

— Даданг Испанияда бўлганми? Қачон?

Геня шу заҳотиёқ ўзининг севимли ёш қаҳрамони — испан ватанпарвари Хосе Салуенъяни эслаб кетди. **Мана** шундай қилиб, уч ўсмир — икки бола ва бир қизча — кекса, ичи қавак дарахт тагидаги майсалар устига ўтириб олиши ва худди эеки қадрдан дўстлардай суҳбатлашиб кетишиди.

Геня ва Федя, Инессанинг отаси испан фашист қўзғолончиларига қарши курашганлигини билиб олишиди. Ҳозир эса у гитлерчиларга қарши курашда. Лекин ундан кўпдан бери хат-хабар йўқ экан. Шунинг учун Инесса билан онаси унинг қаердалигини ёки тириклигини билишмас экан. Уруш бошлангунча улар Москвада туришган, Инессанинг онаси муаллима бўлиб ишлаган экан.

— Биз жуда яхши турардик!.. Мен музика мактабида ўқирдим,— деди қизча ва ишдан қавариб кетган жажжи қўлларига қаради.— Энди, қандай қилиб яна музика билан шуғулланишимни билмайман! Мен пианиночи бўлишни орзу қилардим...

Федянинг кейинроқ Геняга иқорор бўлишича, у ўша суҳбат вақтида ўзининг Краснодардаги бадиий студияда ўқиганлиги ва рассом бўлиш орзуисида эканлигини айтишга сал қолди, яъни ўзини тоғу тошлардаги босстирма уйларда ҳаёт кечирувчилардан деб танитгани

эсига тушиб, тилини тишлаб жим бўлиб қўя қолди. У хўрсиниб, тескарига ўғирилиб олди. Геня ҳам хўрсиниди: у ҳам шу онда инженер-конструктор бўлиш орзусини эслади.

Инесса шу йил баҳорида онаси билан Кубандаги бувисиникига боришганини айтиб берди. Бувиси вафот этибди, шунинг учун улар шу ердан кетолмай қолишибди. Сўнгра фашистлар келиб қолиб, турмуш кундан-кунга оғирлашаверибди! Ейдиган ҳеч нарса йўқ, гитлерчи босқинчилар талаган станицанинг барча аҳолиси қаторида улар ҳам оч қолиптилар. Ойиси ҳалигача ҳаста сил касали билан ётарди, энди унга иситма-безгак ҳам ёпишибди. Уларнинг бирдан бир суюнгани — эчки экан, Мана бундан икки кун олдин эчки йўқолиб қолибди. Шу эчкининг жуда ҳам бемаъни бир одати бормиш: шундай қайсар, ўзбошимча эканки, уни ҳеч йўлга солиб бўлмас экан. Инесса ҳамма теварак-атрофни кезиб чиқибди. Ҳеч қаерда эчкидан ному нишон топмабди — худди ер ёрилиб ерга кириб кетгандай! Эҳтимол, фашистлар эрмак учун уни отиб ташлашган бўлса, бирор ерда ўлиб ётгандир...

Геня шу дақиқада қизнинг самимий сўзларига самимий жавоб бериб гаплашолмагани учун жуда ҳам ачинди! Болалар бир-бирларига қараб қўйишиди. Улар эчкини топиб олиш учун Инессага жон-жон деб ёрдам беришлари мумкин эди-ю, аммо ҳозир бу ҳақда гап очишининг ўрни йўқ эди...

Геня ўрнидан турди. Унинг кетидан Федя ҳам қўзғалди.

— Инесса, сен ҳадеб куюнаверма,— деди Геня қизга қарамай.— Эчкинг топилади — мен бунга ишонаман. Биз уни топишда сенга ёрдам берардик-ку, аммо кўриб турибсанки...— у сўз тополмай қолди.

— Мен тушуниб турибман: сизлар ўз сигирларингизни қидириб топишларингиз керак! — деди Инесса.

— Сигир? Қанақа сигир?.. — Ҳа, ростданам, албатта шундай... Биз сигиримизни қидириб топишимиш керак... Аммо лекин гап бунда эмас! — у, уларнинг албатта Смоленскаяда бўлишлари лозимлигини қўшиб қўймоқчи эди, лекин жим бўлиб қўя қолмади, балки разведкачиларнинг одатига кўра ортиқча маҳмадонагарчиликни бозор кўтармаслигини билиб, жим бўлиб қўя қолди.

— Хайр, Инесса!

Қизча индамади, бошини қимирлатди ҳамда ҳафсаласи пир бўлгандай тескарига бурилди. У биринчи бор учраган болалар билан бекордан-бекорга очиқчасига гаплашиб юбордим деб, ўйлаган бўлса керак... Улар қандай қилиб дафъатан келиб қолишган бўлса, худди шундай, бирдан ғойиб бўлишди. Буталарнинг орасига киришид-ю, кўринмай кетишиди. Гўё бу ерда ҳеч ким бўлмагандай туюлди. Ҳеч қандай шохча ҳам қимирламади. Оёқ остидаги биронта бутоқ ҳам қиср этмади. У ҳатто уларнинг номларини ҳам сўрамади.

— Уша Инессага раҳмим келди,— деб ҳикоя қилиб берди кейинчалик бизга Геня.— Яна бунинг устига унинг номи ҳам шундай яқин бўлиб туюлдики... Инночкамизни эслаб кетдим. Аммо, нима ҳам қила олардик. Биз у вақтда бошқа ишлар билан шуғулланишга сира ҳақимиз йўқ эди. Шундай эмасми?

* * *

Геня билан Федя тушдан кейин Смоленская станицасига кириб боришиди. Кириб боришиди дейиш осон гап... Лекин бу фўзнинг тагида қанча-қанча эҳтиёткорлик, жасурлик, чидамлилик яшириниб ётибди! Қандай бўлса ҳам, чўпон болаларча кийиниб олган разведкачилар, ҳамма соқчилар отряди ва тўсиқларни орқада қолдириб, айниқса шу кунларда фашистлар томонидан ҳушёрлик билан қўриқлананаётган станицага кириб боришиди.

Ҳаммадан ҳам қизиги шу ердаки, боладар келаётуб ўйлда йўқолиб қолган Жулька деган эчкини топиб олишиди! Эчки станицага яқин жойдаги таъкиқланган зонада бўйнига бойлаб қўйилган яримта арқони билан ўтлаб юради. Инесса эчкини топа олмагани шундан маълум бўлди. Қизча фашистлар заставаси, қоровуллари, пулемётлари билан қуршаб олинган жойга яқинлашиб келишга журъат қилолмаган. Эҳтимол эчки шундай қўрқинчли бир жойга бора олади, деган фикр унинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Ҳа, разведкачилар эса худди ана ўша таъкиқ қилинган жойга қизиқиб қарашарди. Улар станица йўлида бирпас хаяллаб қолишгач, бирдан эчкини кўриб қолишиди. У бўлса яқиндагина қурилган дзот ёнидаги майсазорда бепарво ўтлаб юради.

— Мана, бу жуда ҳам ёмон ҳайвон-да— деб пичирлади дарфазаб бўлиб Федя,— саёҳат қилиб юриш учун топган жойини қарагин-а, буни!

Болалар станицада бир уйни топиб олиши керак эди. Партизан разведкачилари махфий учрашиб турадиган жойларини тез-тез ўзгартирадилар. Станицага бир неча марта келган Геня кўча бурчагидаги чекка ҳовлининг тўрида турган, ўтлар билан қопланиб ётган кўримсиз бир кулбани осонгина топиб ола қолди. Станицанинг катта кўчалари бўйлаб у ёқдан-бу ёққа изғиб, санғиб юрган фашист солдати, полициячисининг кўзига бирон марта ҳам кўринмаган болалар эпчиллик билан кулба ёнига яқинлашишга мусассар бўлиши.

Геня ва Федя деразага тортиб қўйилган оппоққина пардага узоқ вақт тикилиб қараб туришди. Дарҳол киришга журъат қилиша олмади. Разведкачиларни балким бу уйда нима кутаётганини ким билади дейсиз! Эҳтимол улар эшик тақиллатишган вақтда фашистлар қуршовида мардонавор яширин ишлар олиб бораётган ўз совет одами чиқиб эшик очар. Ё бўлмаса кимки уй эшигини тақиллатадиган бўлса, ундан шубҳаланиб, ҳаммасига осилиб оладиган полициячилар тузоғига илиниб қолиш мумкин. Ниҳоят Геня тақиллатишга қарор қилди, тақиллатди. Эшик орқасидан оҳиста шапшуп этиб қадам босиб келаётган оёқ товуши эшитилди. Шу вақт Геня ёлборган овоз билан ундан сўради:

— Холажон, бир қултум сув ичиб олишга рухсат берсангиз!

Эшик очилди. Остонада қора кўйнак кийган баланд бўйли бир хотин турарди. У болаларга диққат билан қараб чиқди. Унинг ранги оқарган эди. Кўзлари Геняга жуда ҳам танишдай кўринди. У қаердадир худди шунақа кўзни кўрган...

— Кирақолинглар ичкарига! Йўлдан чарчаб келгансизлар, дам олинглар,— деди майин овоз билан ҳалиги аёл.— Сизлар эҳтимол йироқ ердан келаётган бўлсангиз керак?

Бу худди ҳалиги Генянинг оғзидан чиққандаги каби расмий жумлалардан бири эди.

Болалар топ-тоза оддий ва шинам хонага киришди. Бу ердаги ҳамма нарса, уй эгаси оғир муҳтожлиқда яшашидан дарак берарди. Аммо Геняни бошқа бир нарса қизиқтиради: у стол устида ётган Толстойнинг

«Уруш ва тинчлик» китобини кўриб қолди. Геня бу томни жуда ҳам яхши биларди. У Евгенийни эди, лекин ҳозир бу том яширин иш олиб бораётганларга ўзини танитиш белгиси бўлиб хизмат қиласарди. Бу томни қанчадан-қанча мардона ватанпарварларнинг қўллари ушлаган экан!..

Геня ҳам шундан кейин ўзини бир оз енгил ва осо-йишта ҳис қилди — бундай вақтда қариндошингнинг тирсаги-тирсагингга тегиб туриши кишини қувонтиради! Фақат бир нарса Геняни ҳайрон қолдиради: наҳотки, шу нимжон, касалманд хотин яширин иш олиб борувчилардан бўлса ва Геня муҳим топшириқни шунга тёпширса?

— Болалар, мен ётмоқчиман! — деди хотин хаста, чарчоқ овоз билан. — Менинг тобим йўқроқ, безгак туяпти... Сизлар ўтиинглар, дам олинглар. Фақат мен сизларни ҳеч нарса билан меҳмон қилолмайман, ҳеч нарсам йўқ, кечиринглар.

У торгина бир каравотга ётди ва кўзини юмди. Геня билан Федя ҳайронликда бир-бирларига қараб қолишиди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин хотин кўзини очди ва болаларнинг ҳали ҳам эшик олдида туришганини кўриб яна гап ташлади:

— Менинг бунақалигимга ҳайрон бўлиб, эътибор бериб ўтирганлар! Мен безгакка чалингдан бери шунақа бўлиб қолдим. Бир оз ётсам ўтиб кетади... Кечқурун, сиз истаган одам келади. Унга нима айтишингиз зарур бўлса, айтасизлар! Ҳозирча ўз уйларингдагидай ҳеч тортинмай, бемалол жойлашиб ўтиинглар — ухланглар, дам олинглар. Ахир, сизлар эҳтимол бутун кечаси билан йўл юриб чиққандирсизлар, ухламагандирсизлар? Менинг уйим жимжит, тинч... — У Геняга қараб чиқди: — Евгений Петровичнинг укасимисан? Мен дарров танидим...

Геня каравот ёнига яқин келди.

— Сиз ҳеч бир безовта бўлманг. Қорнимиз тўқ, фақат оз-моз чарчаганмиз, холос. Биз ҳовлидаги саройчада бир оз дам оламиз, сиз ухлаб олинг. Бемалол ухлайверинг!

Шундан кейин Геня орқасидан Федяни имлаб эшикка чиқди.

Саройчада бойланган шохлар, маккажўхори поялари ва сомондан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Мана шу

вақтда болалар ўртасида шундай гап кетди. Бу гапларни кейинчалик бизга Геня эмас, балки Федя айтиб берган эди.

— Гап шундай, Федя,— деди Геня,— сен бу ерда қоласан. Мен эса бориб келаман. Дарров қайтаман...

— Қаёққа кетасан? Ўзингча нималар ўйлајпсан?

— Мен-чи, чопиб бориб эчкини топиб келаман,— деб жавоб берди Геня.— Кейин эҳтимол вақтимиз бўлмай қолар, ҳозир эса кечгача анча вақтимиз бор.

Федя бош чайқади:

— Сен эчкини қидириб келаман, деган хаёлни бoshингдан чиқар! Ўзбошимчалик қилишга ҳақинг йўқ! Сенга бирон нарса бўлиб, бирор шикаст етиб қолса нима бўлади?

— Ҳеч нарса бўлмайди... Ундан ташқари, сен ахир ўша киши келса нималарни айтиш кераклигини биласан. Қўриб турибсан-ку Федя, бу ишни бажаришимиз керак.. Биз унга ёрдамлашмасак бўлмайди.

— Кимга? Анави Инесса деган қизгами?

— Унга ҳам ва мана бу хотинга ҳам... Ҳали сен, унинг Инессанинг ойиси эканини фаҳимламадингми? У яширин иш олиб борувчи ўз кишиларимиздан!

Федя чўзиб сўз қотди.

— Инессанинг онаси дейсанми?!

Бўлмаса-чи! Биринчидан, мен буни кирганимда дарров кўзидан билиб олдим: Инессанинг кўзи ҳам худди шунақа. Ундан сўнг деворда бу хотиннинг чақалоқ Инесса билан бирга тушган сурати турибди... Ахир мен қандай қилиб бўлса ҳам боришим керак, тушуняпсанми, боришим керак! Сен эса бу ерда қолиб керакли ҳамма нарсанинг хабарини етказасан ва агар мен кечгача қайтиб боролмасам, отряддагиларга ҳам ҳаммасини айтиб берасан...

У хайрлашиб кетиш учун Федяга қўл узатди.

* * *

Геня бизга Смоленская станицасига қилинган разведка ҳақида ҳикоя қилганида Инесса деган қиз ва унинг онаси билан учрашишларини ҳам тўлиқ гапириб берган эди. Аммо эчки воқеаси ҳақида гапиришга яқинлашиб келганда, у худди сўзга хасис одамга ўхшади-қолди.

— Хўш, эчки масаласида нима дейишим мумкин?—

норози бир кайфиятда деди у.— Қайд қиласы ҳеч нарса бўлгани йўқ. Фақат омадим келиб қолди... Кейин нима бўпти, таваккал қилиб эчкини таъқиқланган зонадан ҳайдаб чиқариб олиб бордим... Умуман айтганда, мен у ерга тумшугимни суқишим хатарли эканлигини энди тушундим.

Генянинг эчкини қандай қилиб ҳайдаб олиб чиқиб кетгани ҳақида билишга мұяссар бўлган маълумотимиз ана шундан иборат бўлди, холос. Федя унинг ҳикоясига бир оғиз ҳам сўз қўшолмади. Ахир ўша пайтда, Геня эчкини топиб келишга кетган вақтда Федя саройчада диққат бўлиб, Геня келмаяптимикин?— деб ҳар бир товуш, ҳар бир шарпага қулоқ солиб ўтиради-да. Аммо ухлай олмасди. Уч соатдан ортиқ вақт кутди. У бир неча бор Геняни қидириб келишга ҳам шайлачди, аммо бу фикридан қайтди. У Геняга бир нарса бўлиб қолгудек бўлса, Федягина унинг ўрнини боса олишини эслаб, қидириб боришни тўхтатиб, саройчада пойлаб ётди.

Ниҳоят Геня қайтди:

У қўлидаги узун хипчин билан эчкини ҳайдаб келарди. Эчкини саройча олдига бойлаб қўйди, янгигина юлиб қўлтиғига қисиб олиб келган бир қучоқ ўтни ерга ташлади. Эчки сариқ қўзлари билан унга қаради ва Федяга туюлишича, мазах қилгандай: «Мэ-э-э!» деб чўзиб маъради. Геня секингина унга муштини кўрсатиб, дўй қилиб қўйди. Саройчага жирди ва чарчаган ҳолда маккажўхори похолининг ғарами устига ўзини ташлади.

— Лаънати эчки!— деди у.

— Сен уни қандай қилиб қидириб топдинг?

Геня норози бир тарзда елкасини қисиб қўйди:

— Сен тўғри гапирган экансан. Ҳозир бу ишга қиришиш керак эмас экан!

Федя Генянинг эчкини қандай қилиб тутиб олганидан бошқа ҳеч бир нарса айта олмади, аммо кўринишидан у Генянинг қўлига осонлик билан тушмаган бўлса керак.

Үйга новчагина, офтобда қорайиб кетган, юзларини ажин босган, яғрини кенг ва оқарган казакча мўйловли киши кириб келганда, қуёш аллақачонлар тоғдан пастга ботиб кетган эди. У стол четида жимгина ўтириб, Геняга диққат билан қараб, Генянинг ҳарбийлар-

ча қисқа ва аниқ қилиб етказган ҳамма сўзларини эшитди.

Ҳаммаси равшан,— деди. Унинг мўйловлари остида мулойим кулги аломатлари намоён бўлди.— Отангга... Командирга айтиб қўйгинки,— биз бу ерда баъзи бир нарсаларни ҳам билиб, аниқлаб қўйдик ва яна кўпроқ билишга ҳаракат қилиб кўрамиз,— деди у ёқ-бу ёрини тузатиб.

Яна у худди Геня гапиргандай қисқача қилиб, яширин иш олиб борувчиларнинг станица яқинидаги таъқиқланган зона деб доира билан ўраб олинган илгари-ги сут маҳсулоти фермасида ҳозир махфий ҳарбий обьект борлигини аниқлаганликларини ҳам айтиб берди. Шуниси ҳам борки, бу махфий нарса яширин иш олиб борувчилар томонидан билиб олинган эди. Фашистлар у ерга кучли қоровуллар қўйиб, олти стволли миномётлар ўрнатишган. Улар бу янги қуролни Подгорний хуторида синааб кўришди.

Бу хабар шу қадар муҳим эдики, Геня ҳатто, унинг ўз сўзи билан айтганда, сакраб табуретка устига чиқиб кетай деганди. Ахир, шу мўйсафи, мулойим одамнинг айтиб берган гапи ҳақиқатан ҳам разведканинг вазифасини ўзида тўла-тўқис мужассамлаштирган эди! Буларнинг барчасини у ердан қўмондонликка етказиши учун иложи борича отрядга тезроқ ҳабар бериши лозим эди. Қани энди қанот чиқарса-ю, учиб бора қолса... Нима қилиш кераклигини эса у ерда ўзлари билишади, албатта! Эҳтимол шу кечанинг ўзидаёқ қизил юлдузли бир неча самолётларимиз фашистларнинг махфий обьектига бир қанча «совғалар» ташлаб Подгорний хутори учун қасос олсалар!

Мўйловли киши дарров чиқиб кетди. Геня билан Федя уйда ўтириб қачон кеч бўлишини, келган йўлларига қачон кетишиларини ошиқиб кутишарди. Инессанинг онаси эса бу вақтда аллақачон каравотдан турган эди. У ҳовлидаги эчкини кўрибоқ бошини чайқади, болаларга қараб «Раҳмат!» деб қўйди. Сўнгра шу заҳотиёқ эчкини соғишга киришди.

Аёл ишини битириб уйга кирганидан кейин учовлари узоқ ўтиришиб тинчлик кунлари ҳақида сухбатлашди: Москва ва Краснодарда кечирилган ҳаёт ҳақида гапиришишди, кишиларнинг тинчгина, баҳтиёр ишлаб,

ўқиб яшаганларини өслашди. Қоронғи тушди. Разведкачиларнинг жўнаш фурсати етиб қолганди.

Эшик бирдан ланг этиб очилди, хонага Инесса югуриб кирди:

— Ойижон! Эчки қаердан топилди...— У болаларни кўриб остоноада тўхтаб қолди.— Вой, сизмисизлар!..— У тоҳ ўзининг кутилмаган меҳмонларига, тоҳ онасига кўз югуртириб алланималарни пичирлади.

У ҳаммасини: йўлда учраган бу болаларнинг кимлигини ҳам, улар нима учун унинг ойиси олдига келишганини ҳам, йўқолиб қолган эчкининг пайдо бўлиб қолиш сабабини ҳам дарров тушунди. У секингина бошини қўйи солди ва яқиндагина онаси айтган сўзни бу ҳам қайтарди:

— Раҳмат...

Бир қанча дақиқадан сўнг разведкачилар кетишиди. Инесса уларни сездирмасдан ўтиб кетса бўлади деб мўлжаллаган жойлардан ўтказиб, полизгача кузатиб қўйди. Мажнунтол каби шохчалари пастга осилган кекса қора терак олдига келганда Федя унга қўлини чўзди.

— Хайр, Инесса!

— Хайр... сизлар мени «Биз Подгорнийдан бўламиз» деб алдаган экансизлар! Мен эса билмасдан сизларга раҳимдиллик қилиб юрибман, тағин!— деди ва табассум қилди.

— Йўғ-е, ҳеч алдаганимиз йўқ, — деб жиддий қаршилик кўрсатди Геня.— Москва, Краснодар, Подгорний қишлоғи — булар ҳаммаси бизники, жонажон юртимиз!

У нима демоқчи эканини Инесса дарров тушунди ва бошини силкиб тасдиқлади.

8. Қопқонда

Бир кун бизга қўшни Павлов отрядининг разведкачилари қелишиди ва душманлар Пшед тоғ тизмалари бўйлаб ёғоч ва тупроқлардан мустаҳкам қилиб қурилган отишма жойлар — дзотлар қуряпти, деб хабар қилишди. Аммо бу дзотлар нимани қўриқлаши кераклиги, уларнинг куч-қуввати қандайлигини бу теваракатрофдаги партизанлардан ҳали ҳеч ким билмасди. Ўз-ўзидан маълумки, қурилаётган бу дзотларга эътиборсиз қараш мумкин эмас. Буни тезликда текшириб чи-

қишиш ва бу ҳақда қўмондонликини хабардор қилиш лозим эди.

Разведкага Павлов отрядининг партизанлари боришиди. Биз улар билан аллақачонлар дўстлик, ўртоқлик алоқаларимизни ўрнатганимиз. Евгений бизнинг партизанлик ҳаётимиз бошланишиданоқ қўшилар, шу жумладан павловчилар билан ҳам дўстлашишга ҳаракат қилганди. Ахир, доим ҳар бир ишда дўстлар таянчига сўяниш яхши эмасми! Шунинг учун ҳам павловчилар бу разведкани бошқариб боришини Евгенийга тавсия қилгандарида, у мамнуният билан розилик билдириди. Лекин қаерда Евгений бўлса — Геня ҳам ўша ерда бўлишга ҳаракат қиласади. Бунинг устига Павлов партизанлари ичидаги Генянинг тенғдоши ва ошнаси, дарвоҷе, ташқи томондан ҳам унга жуда ўхшаб кетадиган ўспирин Виталий ҳам бор эди.

Биз маршрутни павловчилар билан бирликда ишлаб чиқдик. Энг хавотирсиз йўл-энг узоқ бўлса ҳам, тоғни айланиб ўтиладиган эди. Эҳтимол у ерда биронта фашистни учратмаслик ҳам мумкин. Павлов партизанларидан бири — тоғ этагида яшайдиган, шу ерни яхши биладиган, эҳтиросли овчи Иван Тихонович бизни: «тоққа олиб борадиган йўл ниҳоятда оғир, айланма тоғ даралари бор, жарлик, юришга йўл йўқ» деб огоҳлантириб қўйди. Тоғ эчки ўтадиган йўлдан эса дарров ўтиб кетолмайсан киши — йиқилиб тушасан. Шундан кейин юришга енгилроқ, лекин шу билан бирга ҳаёт учун хавфлироқ йўлдан — фашистлар соқчи отрядлари билан қўриқлаб турадиган, ҳамда дзот қурилаётган жойлардан ўтишга қарор қилинди.

Разведкачилар жўнаб кетдилар. Орадан бир кун ўтди, иккинчи кун ўтди,— улардан дарак бўлмади... Разведкачилар олтинчи куни қайтиб келишди.

Мен биринчи бўлиб узоқдан ўз ўғилларимнинг келишган қоматларини ва худди шуларга ўхшаш келишган қоматли Виталийни ҳам қўриб қолдим.

Озид тўзиб лаблари порсиллаб ёрилиб, кўзлари ич-ичига кириб қизариб кетган Евгений ва Геняни биллиб олиш жуда қийин эди. Кийим-кечаклари титилиб, жулдур бўлиб кетганди.

Улар кечқурун бир оз дам олгани ўтиришганида, Евгений уларнинг чеккан кулфатлари ҳақида сўзлаб берди.

Разведкачилар кечаси хоторга яқинлашиб бориб, буталар орасига ётиб олишди. Об-ҳаво жуда қулай: қоронғи, иссиқ, бутун осмон юзини булут қоплаган эди. Аммо Иван Тихонович норози бўлгандай бошини қимирлатиб қўйди ва чуқур энтиқди. Қаттиқ шамол ва қурбақаларнинг вақиллашлари унинг тахминича кун очилиб кетишидан дарак берарди.

Разведкачиларнинг азалги душмани бўлган ой ҳали чиқмасдан бурун, хоторнинг ёнидан ўтиб кетишга шошилиш керак эди. Аввал бошлаб Иван Тихонович билан Виталий эмаклаб боришиди. Фашист соқчиларини айланиб ўтиш учун, одатдагидай четан деворни ёқалаб, жўяклар орасида тойиб-иқиқиби бўлса ҳам полизлар орасидан эмаклаб боришиди.

Ярим соатдан кейин манзара равшан бўлди: ҳозирча хоторнинг ҳамма ери осойишта. Аммо уни катта бир группа билан босиб ўтиб бўлмайди: фашистларнинг искович итларининг қайсиидир бир бурчакда вовуллагани эшитилиб турибди. Яна хотордан чиқаверишдаги иҳота ёнида соқчилар айланиб юришибди.

Иван Тихоновичнинг бошида оддий ва оқилюна бир план пайдо бўлди. У хотор яқинига ўтлоқдаги, ўриб олинган пичанзор устидан эмаклаб келди. Демак, қаердадир шу яқин орада сомон, пичанлар ғарами бўлиши керак. Ҳа, худди шундай. Мана биринчи ғарам, ма-на иккинчиси!.. Иван Тихонович шартли ишора билан хабар қилиб, Виталийни ўзининг ёнига чақириб олди. Улар иккаласи патронларининг қўроғошин қисмини синдириб порохни эса ерга соча бошлашди. Йингичка-гина порох йўли ғарамдан токи бир гуруҳ разведкачи-лар ётган буталаргача туташган эди.

— Сафланинг! — деган оҳистагина команда эши-тилди.

Евгений қаторнинг олдинги қисмига, Иван Тихонович эса — кетига туришиди. Виталий гугуртни ёқиб до-рига олиб борди. Чопқир аланга ер устидан чап то-монга, пичан ғарамига югуриб борарди. Партизанлар эса тез ва ҳеч қанақа шовқин-суронсиз ўнг томонга қа-раб кета бошлашди.

Ғарам ёнди. Унинг ёрқин шуъласи қоронғи осмон-га — юқорига отилиб чиқди. Хоторда ваҳима кўта-

рилди. Фашистлар ўт қўйғанларни қидириб топиш учун шохчалар орасига ташланди. Аммо разведкачилар бу вақтда хоторни бошқа томонидан айланниб ўтиб кетишганди. Улар душманларнинг ўтни ўчириш билан овора бўлиб қолганларини билиб, бемалол келишар эди, шамол эса оловни қўшни ғарамларга ҳам олиб бориб туаштириб юбориши мумкин эди...

Партизанлар Пшед тизма тоғ этакларига тонг отар пайтида етиб келдилар ва дозор тайинлаб, ўзлари дам олгани қуюқ бутазор орасига жойлашишди. Дозорлар тўсатдан бу бутазор яна қандайдир бошқа бир «кишилар билан тўлдирилган» хабарини бердилар. Павловчилар бу ерга нима мақсад билан келган бўлсалар, бир соат олдин бу ерга бошқа бир отряднинг разведкачилари ҳам худди шу мақсад билан келишганди. Партизанларнинг бир-бирлари билан учрашувлари шодиёнага айланди. Бу—тоғ этагидаги партизанларнинг ҳаммаси дўст ва душманни зийраклик билан кузатиб бораётганликларидан далолат берарди. Шунинг учун отряд раҳбарларини биргалашиб ҳаракат қилишда келишмовчиликлари бор деб айблаб бўлмасди: ахир партизанлар душманнинг янги турар жойини ҳали ҳеч ким билмаган ва биринчи марта разведка бўлаётган бир вақтда учрашилар-да. Улар бир-бирларига хабар қилиб, биргалашиб ҳаракат қилишни келишиб олишди.

Қуёш аста кўтарилиди. Евгений билан Иван Тихонович чекка ёққа эмаклаб бориши:— қани дзоти қаерда экан?

Иван Тихоновичнинг тахмини тўғри чиқди: бахтга қарши кун жуда иссиқ бўлди. Узоқда сароб бўлиб жазира маънанинг тарзини келишиб ётиди. Дурбинда хоторнинг оқ уйлари, фира-шира теракларнинг учлари кўринарди. Бир четда у қадар баланд бўлмаган, кўм-кўк буталари ўсиб ётган тепалик бор экан. Аммо ҳеч қандай дзот— ёғоч тупроқдан мустаҳкам қилиб қурилган отиш жойларига ўхшаган ҳеч бир нарса кўзга ташланмасди. Разведкачилар бу тепаликни жуда ҳам эҳтиётлик билан кузатиб чиқдилар, дурбинни ҳеч бир кўзларидан олишмади.

— Мен ҳеч бир шубҳаланадиган жойни пайқамаётирман,— деди Евгений,— Иван Тихонович, тағин бу уйдирма гап бўлмасин!

Иван Тихонович ўйчанлик билан бошини чайқади:

— Менимча, ундай бўлмаса керак. Агар ундай бўлса, бу тепаликлар қандай қилиб бунчалик кўм-кўк майсазор бўлиб қолибди?

Евгений тепаликларни кўриш учун яна дурбин билан тикилди: тепалик устида — ёнғоқзор, баланд ўтлар, қуюқ буталар ўсиб ётибди. Аммо булар дзот борлигидан далолат беролмайди!

— Евгений Петрович! Мана шу буталар менга ёқин-қирамай турибди.

Евгений билан Иван Тихонович тепаликни бир қанча соат кузатишиди. Аммо шубҳа қиласидан ҳеч бир нарса топишолмади. Фақат тепаликлар ва яна тепаликлар кўринарди, холос.

— Шундай бўлса ҳам, Евгений Петрович мен бориб ўша буталарни ўз қўлим билан ушлаб, пайпаслаб кўрмасам кўнглим жойига тушмайди.

Евгений тортишиб ўтирмади: кечаси тепаликнинг этаклари разведка қилиб чиқиласидан бўлди. Бутазорга қайтиб келишиб, иккинчи разведка отряди командири билан бирликда операция планини муҳокама қилишга киришишиди. Тепаликлар Подковой тоғлари бўйлаб ёйилиб ётибди. Евгений ўзи билан бирга павловчилар отрядидаги комсомолларни олиб тоғ ичкарисига кириб боради,— деб қарор қилинди. У шу ердан туриб ўқ узиши ёки граната ташлаши керак. Агар тепаликда ҳақиқатан ҳам дзот бўлса, ундан ўқлар узилади. Евгений дзот қанчалик кучга эга эканлигини аниқламагунча ўз тўдаси билан яшириниб тура туради. Агар дзот қудратли қуролларга эга бўлгудек бўлса, Евгений қоронгиликдан фойдаланиб нарироқча чекиниб туради. Иван Тихонович эса, чекинаётган комсомолларни ўз тўдаси билан ҳимоя қилиб, йўл очади. Агар Евгений тўдаси мушкул аҳволга тушиб қоласидан бўлса қўшни отряд орқа томондан зарба бериш учун тепаликнинг нариги томонига жойлашади.

Тепаликларни айланиб ўтиш учун биринчи бўлиб қўшни отряд йўлга тушди: улар узоқ йўл юришлари керак эди, ҳа, барча операцияни эса ой чиққунча таомомлаш лозим. Қирқ минутлардан сўнг Евгений комсомоллар билан бирга йўлга чиқишиди: орасида албатта Геня ҳам бор эди. Улар ҳеч қийинчиликсиз тепаликнинг худди ўзига чиқиб боришиди. Энди Иван Тихоновичнинг янглишганлиги шубҳасиз — бу ерда ҳеч қандай

дзотлар йўқ экан, деган фикрга келинди. Аммо... Евгений қўлидаги гранатани ташламади.

Бир неча қадам наридан, бақирган овоз эшитилди:
— Ha lt¹.

Шу минутнинг ўзидаёқ отишма овозлари кўтарилиди. Тепаликка жон кирди. Ўнгдан битта, чаплан иккита пулемёт отишмалари янгради. Осмонга вишиллаб ракеталар отилиб чиқди... Комсомоллар ернинг пастбаланд жойларидаги тупроқларни пана қилиб узала тушиб ётиб олишди. Пулемётлар тўхтовсиз тариллаб, автоматлар отилиб, ракеталар бирин-кетин ўчиб, ёниб турипти.

Ишлаб чиқилган операция планига мувофиқ Евгений группа билан чекиниши лозим эди. Аммо чиқиб кетиш ҳақида ўйлаб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ: чунки визиллаб учайтган ўқлар бошингни кўтартирмайди. Ён теваракдаги, дзот бағрига ўрнатилган пулемётлар эса қопқондан чиқадиган йўлни тўсиб турарди. Умуман, ўнтадан кам бўлмаган пулемёт савалар, ҳатто қирқ етти миллиметрли тўп ҳам халқумини чўзиб отарди.

Комсомоллар олов ҳалқа ичига тушиб қолишиди. Евгений тез-тез осмонга қаарди: иш ҳавонинг очилиб кетиши билан чатоқлашиши мумкин. Мана, ҳозир ой кўтарилади-да, фашист ўқлари улардан биронтасини ҳам омон қўймайди, ҳатто укасини ҳам аяб ўтирамайди... Мана, кимдир секингина қичқирди. Евгений олдинга ташланди: Геня?.. Йўқ, бу, ўнинчи синф ўқувчиши, кўк кўзли, хушчақчақ йигитча — Сидоренко эди. Аммо, барибир Геняниг ҳам, Евгенийнинг ҳам навбати келади...

Кейинроқ Геня онасига ҳамма гапни айтиб берганида билиндики, унда бошқачароқ фикрлар бўлган экан: «Мени ўлдиришса онам билан отам бирга қолишиади, бу воқеа ҳақида ўйлаб фақат афсус қилишиади, холос. Агар Евгений ҳалок бўлса-чи — Маша бева, Инночка етимча бўлиб қолади... Евгений конструктор, мамлакатга керакли одам. Мен-чи, Шура Сидоренко сингари мактаб ўқувчисиман... Аммо ҳеч бир ўлгинг келмайди!..» деб ўйлабди у.

¹ Тўхта! *{немисча}.*

Ракеталар бирин-кетин ёниб чиқиб турарди. Шу пайт тепалик ўллик билан тўлдирилган чўлдаги мозорларга ўхшаб кўринарди.

Геня Евгений томонга эмаклаб борди, пайпаслаб унинг қўлларини қидирди, қисди, ўзи гавдаси билан уни тўсиб ётишга ҳаракат қилди ва акаси билан ёнмаён ётиб қолди.

Мана шундан кейин ҳеч бир таърифлаб бўлмайдиган ҳолат юз берди. Бу топишмоққа ўхшаган воқеа ҳеч бир ечишгани йўқ, ҳамма ҳайрон: ўшанда отишмалар . секинлаша бошлади. Осмондаги охирги ракеталар сўнди, пулемёт сўнгги марта гумбурлади ва худди тушда кўргандай ҳамма ёқни жимжитлик қоплади... Эҳтимол уларни фашистлар ўраб олаётгандир? Бу мужмал ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ҳеч кутилмаган жимжитлик иғвогарлик учундир, балки тузоққа илнитириш учундир? Барибир! Бундан ортиқроги бўлмайди. Фурсатни қўлдан бой бериш мумкин эмасди. Евгений орқага қайтишга буйруқ берди.

Укажон?

— Шу ердаман, Женя!
— Сидоренкони елкамга ўнгариб олишга ёрдам бер.
— Йўқ. Уни мен кўтариб олиб кетаман. Шу билан гапни ҳам тамом қиласиз...

Геня совуқ, ҳаракатсиз жасаднинг оғирлиги билан қаттиқ чарчаб кучдан толди. Бу—Генянинг ўз кўзи билан кўриб, қаттиқ изтироб чеккан, ўз жонидан ортиқ кўрган биринчи одамнинг ўлими эди. Бошқа фашистларнинг ўлими ҳисоб эмас! Улар бизнинг еримизга ажал, вабо олиб келишди, ўзлари ҳам ўлимга маҳкумдирлар. Аммо Шура Сидоренко-чи! У ҳали яшави ва яна яшави керак эди! Генянинг йиғлагуси келди ва юрагида оташин қаҳру ғазаб қайнади...

Евгенийнинг бутун фикри, эсу ҳуши, ақли-идроқи зўр бериб ишлар эди. У ҳар бир дақиқада ҳужум қилишларини—қулоқни кар қилгудай отишмаларни, мушакларнинг кўкка чиқиб, портлашларини кутиб ётарди. Аммо дзотлар жимжит эди. Лаънати дзотларни орқада қолдириб кетгунларича соатлар ўтгандай сезиларди...

Шундай қилиб, мана Иван Тихоновичнинг кулибми ёки кўз ёши қилибми, энтиккани оз-моз эшитилди. У Евгенийни багрига босди. Евгений эса кучи борича ўз ҳаяжонини босишига ҳаракат қиласарди.

Шуниси ҳам борки, ҳаяжонланишнинг вақти ҳам эмас: тезда жўнаш лозим эди. Улар учун энди аввал ўтиб келган йўллар беркилиб қолди. Ягона йўл у ҳам бўлса тоғ орқали ўтадиган оғир йўл қолди. Разведкачилар Сидоренко учун пичоқ билан жадал гўр қазишиди, азиз ўртоқларининг жасадини лаҳад ичига қўйишиди, устидан тупроқ тортишиди. Бош кийимларини олиб, бирор дақиқа жим туришиди... Шунда бирдан осмон чети ёришиди. Ой кўтарилиб чиқди. Геня унинг ёлғиз номсиз гўрни қандай қилиб ёритганини кўз олдига келтирди. Томоғида пайдо бўлган зифирдай тупукни ютди ва тоққа чиқиб кетаётган партизанлар қаторига бориб қўшилди...

* * *

Партизанларни Иван Тихонович бошлаб борарди. У жуда ҳам ташвишли кўринарди, нуқул ўртоқларига қараб юрарди. Олдиндаги тоғ ёқалаб кетган сўқмоқ йўл мashaққатли йўл эди. Отряд ҳисобича биргина Сидоренко етишмай қоларди шекилли?..

Бир қанча соат ўтгандан кейин разведкачилар шу қадар чарчашибди, ҳани энди қимир этмай ётиб дам олишса: тош устида ёки жазирама офтобда бўлса ҳам бирор соат ором олиш улар учун энг катта баҳтдек туюларди... жуда судралиб қадам ташлашар, бир-бirlарига туртиниб кетишар, йиқилиб тушишарди... Иван Тихонович пастга, тоғнинг ён бағрига тушди. Шу ерда, кекса қарағайлар билан ўраб олинган ўтлоқзорда дам олиш учун ижозат берилди.

Партизанларнинг қайси бири қаерда турган бўлса, ўша ернинг ўзигаёқ таппа ташлаб ағанашди қўйишиди. Афтидан уларни оёққа турғиза оладиган куч бўлмади шекилли. Аммо бирор кишини дозор қилиб қолдириш лозим эди. Лекин кимни?

Евгений укасига қаради.

«Эплай оласанми?» деб сўради имо-ишора билан.

«Лозимми?— ундан бўлса, эплай оламан»,— имо-ишора билан жавоб берди Геня.

Шундай қилиб у, ердан ánча юқорида турган юз ёшли қарағай устида унинг танасини қўллари билан қучоқлашиб ўтириб олди.

Улар қаршисида чўл — жонажон Кубанъ чўли ёйи-

либ ётарди. Станицалардаги оппоқ уйлар худди қизлар тўда-тўда бўлишиб оқ рўмол ўраб чўлга сочилиб кетгандаи туюларди. Уйлар жазирамада жимир-жимир қилиб ловуллаб турарди. Мана шу топда улар худди оқ каптарларга ўхшаб ердан кўтарилибгина учеб кетадигандек бўлиб кўринарди.

Қани энди бир дақиқа бўлса ҳам мижжа қоқиб олсанг... Йўқ, ҳаттоқи бир секунд ҳам ухлаб бўлмас эди! Иссик, ташналик кишининг тинкасини қуриганидан гўё тоф этагида жилдираб сқадиган бутун ариқчадаги сувни шимириб ичиб қўяман деб ўйлардинг. Уйқусизликдан кўзлар ачишарди. Оёқлар зирқираб оғрирди. Аммо, шундай бўлса ҳам шу қарагай устида ўтириш, эркин нафас олиш ва яшашнинг ўзи ҳам баҳт эди. Қуёшда биқиллаб қайнаган қатроннинг ҳиди шунчалар яхши эдик! Бечора Сидоренко! Унинг онаси бор бўлса керак..

Геня қарагайнинг танаси устига чўзилди, уюшиб қолган оёқларини узаласига узатди, диққат билан узоқларга қарай бошлади. Қуёш тиккага келган эди. Уйлар гўё уфқининг саробида сузарди. Улар бирдан тебранишиди... Яна бир марта тебранишиди ва ... осмонга каптарлардек кўтарилишди!..

Геня болалик чоғида қўшниси унинг бир жуфт каптарини тортиб олиб кетганда қаттиқ йиглаганди. Аммо орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг каптарлар яна ўзлари уйга қайтиб учеб келишди. Геня уларга қараб, тамоша қилиб тўймасди. Улар мовий осмонда кишининг кўзини қамаштиарли даражада оппоқ бўлиб шу қадар чиройли парвоз қилишардик! У каптарларнинг қанот қоқишиларидан чиқадиган ажойиб овозларни ҳалигача эсидан чиқаргани йўқ.

Буниси нима экан... Геня кўзларини очиб қаради. Йўқ, булар каптармас, чуғурчиқлар, уларнинг кетидан иккиси галаси пастга қараб учишди ва қора булат каби ерга ёпирилишди. Чуғурчиқ — доно, жуда эҳтиёткор, қуш...

Геня шохчалар орасидан қараб, кузатиб ётарди. У бир нуқтага — чуғурчиқлар учеб чиққан томонга қараб турарди. Мана буталар қимирлади. Шохчаларнинг ораси очилди ва уларнинг ичидан фашистнинг калласи кўринди. Душман буталар орасидан ярим белигача кўтарилиб чиқди, ялангликни тезда кўздан кечирди, бошини

тепа томонга қараб силкитиб қўйди. У паст томондан партизанларни кўра олмас эди. Унинг кетидан яна беш гитлерчи солдат ялангликка қараб эмаклай бошлади.

Гена қарагайдан пастга худди олмахон каби, енгилгина сирғалиб тушди-да, тезда акаси ёнига эмаклаб борди:

— Женя! Евгений!.. Пастда фашистлар!

— Ҳаммани уйготилсун!.. Иван Тихонович, пастда душман!

Иван Тихонович секингина деди:

— Евгений Петрович, сиз менинг тажрибамга ишонаверинг, ҳозир ҳеч бир разведкачи тоққа тирмашиб чиқа олмайди. Мускуллари дармондан кетган... Жанг қилишга тўғри келади!..— У Евгенийга бир қараб қўйдида, қўшимча қилди:— сиз команда беринг...

Партизанлар қатор бўлиб ётиб олишди. Улардан бир оз нарироқда, қарагай танаси орқасида Евгений жойлашиб олган эди. У гранатага ўт олдирадиган запалларни жойлади, сумкадан ўқларни олди, тайёрланиб турди.

Фашистлар эса ялангликда юзга етиб қолди. Улар энгашиб, ўтларнинг устида партизанлар ётган тепаликни ярим доирада қуршаб келишарди.

Евгений чарчаганликдан ҳатто қимир этолмай ётган-дай кўринган разведкачиларнинг ҳаммаси ҳозир сафга кириб, жангга шайланиб турғанларини кўриб қаноатланди. Улар сабрсизлик билан командирга аланглаб қарашарди. У кутишда давом этарди...

Ҳа, мана Евгений бирдан милтиқни кўтарди.— Бу сигнал эди. Баб-бараварига залл овози гумбурлади. Фашистлар ўтлар устида ўз ярадорларини қолдириб тумтарақай қочишли. Аммо сал ўтмай яна янги ҳужум бошлашган эди, бу гал ҳам биринчи сафаргидай мағлубиятга учрадилар. Шундан кейин улар жим бўлиб қолишли. Фақат уларнинг санитарларигина ярадорларни судраб, ялангликда эмаклаб юришарди.

Партизанлар кутишди. Бошқа нима ҳам қилардилар? Улар ташналиқ ва қаттиқ чарчаганликлари туфайли ҳолдан кетишли. Қани энди тезроқ қоронғи туша қолса-ю, тоққа тирмашиб чиқиш учун уриниб боқишишса!.. Вақт жуда секин ўтарди. Қушчалар, гўё бу ерда ҳеч қачон отишма бўлмагандай бемалол чирқиллашарди. Ўт устида ҳеч қандай овоз чиқармай қанот қоқиб, каттагина ярқироқ капалаклар айланиб юришарди.

Мана, яна фашистлар пайдо бўлди. Улар энди ялангликада партизанлар бўлмаса керак деб ўйлаб, очиқ ва ошкора келишарди. Партизанлар душманни бу гал ҳам бир йўла баб-бараварига отишма билан кутиб олдилар. Фашистлар буталар орасига ташландилар. Икки душман пулемёти ўнг томондан партизанларга қараб ўқ ёғди-рарди.

Яраланган разведкачимиз инграрди. Унинг елкасини ўқ майдалаб кетибди. Ўқлар, бошлар устидан чинқириб учиб ўтарди. Евгений бир лаҳза орқасига қайрилиб қаради:

— Геня!

— Мен шу ердаман!

— Яна уч кишини олгину, тезда пулемётниг овозини ўчиринглар!

Геня майса устидан ақл бовар қилмайдиган тезлик билан сафни бўйлаб кетди:

— Виталий! Комсомоллардан яна иккитаси керак — менинг орқамдан юринглар, командир буюрди.

Болалар наъматакнинг бутоқлари орасига кириб кўздан фойиб бўлишди. Уларнинг биронтаси ҳам наъматак тиконларини, тошларнинг ўткир қирраларини сезишимади. Ниҳоят уларнинг кўзи олдида қуюқ майса билан қопланиб ётган жой кўринди. Пулемётлар худди мана шу ердан қирга қараб ўқ узарди.

Мўлжалга ўттиз қадамча қолганда комсомоллар бирдан сакраб туришди ва граната ташлаши. Тўрт жойда худди бир оҳангдай портлаш юз берди. Пулемётлар жим бўлиб қолди. Комсомоллар орқага ташланишди. Уларнинг олдини кесиб, бир тўда автоматчилар югуриб келишди. Аммо партизанлар болаларнинг орқага қайтишини ўт очиб ҳимоя қилиб турди. Жанг яна босилиб қолди.

Куни билан кутилган тун ҳам етиб келди. У жимжитлик ва салқинлик олиб келди. Аммо у партизанларга душман ҳалқасидан қутилиб чиқиб кетиш иложини олиб келолмади: чунки, ҳали тоғлардан ўтиб чарчамаган, уйқусизлик, ташналиқ кўриб ҳолдан тоймаган кучли душман ёнгинада турарди... Дарёдан ажralиб, тоққа қисилиб ётган разведкачилар қуршовда қолишган эди. Айланма, деярли одам чиқиб бўлмайдиган чўққиларга тирмашиб чиқишига эса улар мадорсиз эдилар.

Қуёшнинг сўнги ёғдуларидан кекса қайрағочларнинг таналари худди чўғ каби қип-қизарип кетгандай, уларнинг нина баргли шохлари эса эски бронза каби қорамтири тусга ўхшаб кўринади. Тоғда жимжитлик ҳукм сурарди. Теварак-атроф ҳам шундай сокинлик билан нафас олади! Ҳатто гитлерчиларнинг шу ерда, ёнгинада эканлигига ҳам ишонгинг келмайди. Улар эса мана шу яқинда, яланглик атрофига беркиниб олишган...

Партизанлар уч кечачи, уч кундуз сувсиз ётишди. Сувдон — флягалар аллақачонлароқ бўшалган эди... Секин-аста шовқин солиб тоғ тагида дарёча оқар эди. Партизанлар жимжитликда бу оҳангдор шовқинни эшитишарди. Дарёнинг ана шу жилдирашидан, ташналик яна ҳам азоб бериб ёндирарди. Бир қанча томчи сув ичсанг дарров шу оннинг ўзида кучли, мустаҳкам бўлиб қоладигандай, тоққа чиқиб, қопқондан қутилиб кетадигандай туюларди.

Жасур партизанлар дарёга ўтмоқчи бўлиб, уч марта уриниб кўриши ва ҳаммаси беҳудага кетди. Пулемётдан кетма-кет отилган ўқлар уларни қирғоқ бўйидаги буталар орасига олиб сиқиб қўйди. Бу кечаси бўлди. Бахтга қарши кечаси ойдин, ёруғ эди. Кишилар қарагай тагида қимир этмас ва пастдаги дарёнинг қандай шилдираоб оқишини эшитиб ётишарди.

Евгений кекса тилоғоч дарахти кавагидан қўланса ҳид қеладиган ҳалқоб сув топди. Рўмолчасини унга ташлаб намлаб, ярадорларга бир неча томчидан улашди.

Мовий осмонда оппоқ булутлар аста сузарди. «Ҳеч бўлмаса ёмғир ёғиб ўтса ҳам майли эди-я! — деб орзу қилишарди. Қийналиб ётган кишилар, — озгина ёғса ҳам майли эди». Томоқлар қақраб кетди. Ҳатто пи-чирлаб гапирилган сўз ҳам томоқни оғритар эди. Кимдир алаҳлаб «ошхонадаги жўмракни бураб қўй! Сув оқяпти!.. Ошхонадаги жўмракни бураб...» деган бир сўзни такрорларди.

— Бўлмади, бораман! — деди Иван Тихонович, — бораман... Одамларимизнинг қийналаётганларини кўриб қараб туролмайман! — у оппоқ, ғадир-будир бўлиб жетган тиллари билан қақраб ёрилиб кетган лабларини айлантириб намлаб чиқди ва ёрилиб кетган тилларида қоннинг излари қолди, — Николайни ўзим билан бирга

олиб бораман. Бир вақтлар овга бирга борардик. Энди бирга...

У жумласини тугатмасданоқ қўлини силтади. Евгений унга ва унинг йўлдошига камарларига бир неча флягани осишга ёрдам берди.

— Иван Тихонович, кечасигача кутиб тура олмайсизми?

— Йўқ. Фашист кечаси зийрак бўлади. Ҳозир эса улар овқатланади, ичадиганини ичиб олди, лоҳас бўлди, энди соя-салқинда дам оляпти.

Иван Тихонович хайрлаша туриб ўртоқларига эгилиб таъзим қилди.

Евгений овчилар дарёга қандай қилиб эмаклаб боришганини хавотирлик билан кузатиб турди. Мана, улар йўлнинг ўртасига ҳам етиб боришиди...

— Қандай бўляпти, Евгений Петрович?— деб сўрашди умид билан ва ташвишланиб партизанлар.

— Эмаклашяпти...

Бир неча минутдан сўнг яна:

— Қандай бўляпти, Евгений Петрович?

— Эмаклашяпти!..

Иван Тихонович кўринмай қолди. У — дарё бўйидаги буталар орасида. Сув оляпти!. Xўш: Николай қаерда қолди?

Шу пайт бирдан автомат кетма-кет ўқ узади.

— Ўзингизни босинг! Жойингиздан қимиirlаманг!— деб буюради Евгений.

Уч гитлерчи автомат билан Иван Тихонович кирган буталар орасига қараб югурди. Евгений милтиқни қўлга олиб мўлжаллаб ўқ узди. Учтасидан бири қулади. Аммо шу заҳотиёқ пулемётлар тилга кирди. Евгений ерга қапишиб кетди. Яна қайтадан бошлар устида ўқлар чинқирди. Яна иродани муштга йиғиши керак эди... Пулемётларнинг овози ўчди.

Евгений дурбиндан қараб: фашистлар дарёning нариги қирғоғида Иван Тихонович билан Николайни ҳайдаб кетишаётганини кўрди... Николай оёғини зўрга зўрга судраб босарди: у яраланган бўлса керак. Фашистлар уни милтиқнинг қўндоғи билан уриб ҳайдаб боришарди. Ана у йиқилиб тушди. Ўрнидан зўрга турди ва лиқиллаб Иван Тихоновичнинг орқасидан, пичанзорлардан секин-секин қадам босиб кетди...

— Xўш, нима бўляпти, Евгений Петрович?

У сукут қилди, аммо партизанлар унинг бу сукутидан ҳамма гапни тушуниб олишган эди...

— Ҳалок бўлишдими?— деб кимдир сўради.

Шундан кейин теварак-атрофни яна жимжитлик қоплагандай туюлди...

* * *

Яна тун. Дарё устида туман ёйилиб ётипти. Ҳаводимлигидан нафас ололмайсан.

— Мен бораман, ўртоқ разведка командири! Виталийни ҳам ўзим билан бирга олиб кетаман...

Геня шундай деди. У ўзини бошқалардан тузукроқ сезарди. Фақат кўзлари ич-ичига кириб, ташналиқдан лаблари қовжираб кетганди. Виталий ҳам у билан ёнма-ён турар ва у ҳам шайланиб Евгенийга қараб турарди. Евгений кўзини четга бурди... Ўз укасини шундай хатарли ишга юборадими? Аммо бошқа нима қилиш керак? Болалар ёш, чаққон... у Геняга қаради. Генянинг нигоҳи эса: «Ҳўш, нима учун жим турибсан?»— деб сўрагандай бўлди.

— Боринглар...— паст овоз билан деди Евгений.— Эсларингизда бўлсин: бир соатдан кейин ой кўтарилади.

Қуёш ботишидан то ой чиққунча бўлган вақт ичидаги фашистлар айниқса ҳушёр, сезгир бўларди. Аммо, бу ерда, шу тоғда ҳам Геняни нима кутарди? Яширмай, ҳалокат кутарди деса бўлади...

Евгений тунги жимликка жиддий қулоқ солиб, ҳар бир шарпани диққат билан эшишиб турди. Аммо Геня ва Виталий ҳеч қандай овоз чиқармай ўрмалаб боришиди ва Евгений, одатдаги кечаси бўладиган ноаниқ шитирлашлардан бошқа ҳеч нарсани эшифтади. Шундан кейин бирдан ёш партизанлар кетган томондан миналарнинг гумбурлаб ёрилгани эшитилди. Автомат устма-усттириллади. Тамомми? Евгенийнинг кўз олдилари қорон-филашиб кетди...

Аммо ҳозир укаси ҳақида қайгуриб ўтиришга унинг ҳақи йўқ эди: агар фашистлар миномётни ишга солишиган экан, тезда барча партизанларни оёққа турғизиш керак!

— Сафланинг!— деб қатор бўйича команда берди Евгений.

Командага нима бор эди? Ҳаммалари ҳам ўринла-

ридан туриша олмади. Туришганлари эса худди тушдаги каби имиллаб ҳаракат қилишарди.

«Агар душман ҳозир атакага ташланса борми, бизни тириклайин тутиб олиб кетиши турган гап!— деган хаёл Евгенийнинг бошини чулғади.— Тепаликка ҳам тирмашиб чиқишига улгуролмай қоламиз».

Отишма тўсатдан тўхтаб, жим бўлиб қолди. Тез орада гира-шира ўрмон ичида қайгули ва маюсона равишда тоғ бойўғлиси сайради. Бу сигнал эмасми?

Яна дарё бўйида, уста-уст автомат отишмаси эшилди. Кутимаганда партизанлар карабин милтигининг жудаям таниш, қисқа отишмалари жааранглади. Геня ва Виталийлар отишарди. Бўлмаса ким бўларди? Демак, улар тирик экан!..

Аммо отишмалар борган сари ялангликдан узоқлашиб борди ва охири жим бўлиб қолди. Евгений барчасини эшитди, барчасини кузатиб турди... Ой кўтарилди. Унинг кўкимтири нури партизанларнинг юзини ёритди.

Новда шитирлаб кетди. Тошлар орқасида соя милтиллади... Фашистлармикин?

— Ётинг!— Евгений ёнидан граната олди, қатор бўйича ҳаммага топшириқ берди:

— Мен граната ташламагуимча чурқ этган овоз чиқмасин!

Шундан сўнг бирдан саратон ҳашаротларининг чириллаган овозлари эшитилди. Генямикин?... «Йўқ,— деб ўйлади Евгений,— бу миямнинг чалгиши натижасида йўқ нарсаларнинг бор бўлиб кўриниши, бу алаксираш. Узни қўлга олиш, ҳалокатга маҳкум этилган ўртоқларни қопқондан қутқариб олиш лозим. Геня эса энди йўқ...» Аммо саратон ҳашаротлари қайтадан чириллай бошлади. Бу гал у шу қадар аниқ ва дона-дона қилиб чириллади, ҳатто Евгений ҳеч бир иккиланмай жавоб қайтарди.

Буталар ораси тароқланиб ҳар ёққа қараб очилди. Евгений қаршисида Геня туради. Ой нурида унинг юзидаги кулги ажойиб кўринди.

— Топширифингиз бажарилди, ўртоқ командир — флягалар сувга тўлдирилди!

Ялангликнинг устини ҳам оҳ-нола, ҳам дўстлик, шодлик хўрсанишлари тутиб кетди. Евгений олдинга қадам ташлади, биргина ҳаракат билан болаларни ўзига тортиб олиб, кўкрагига босди. Уларнинг иккови ҳам бош-

дан оёғигача ҳўл — шалоббо эди. Чидаб туриша олмасдан дарёға шўнғишибди. Икковларининг белларида ҳам анча фляга осилиб турарди. Евгений юзини яшириб, тескари қаради.

— Қандай удласидан чиқдинглар? — деб сўради у.

— Қандай қилиб уддалай олганимизни энди билмайман ҳам! — деб очиқ кўнгиллик билан жавоб берди Виталий.

— Сув илондай ўрмаладик! — деди хушчақчақлик билан Геня.

Партизанларга командирнинг ўзи бир неча қултумдан сув бериб ташналигини босди. Аммо шу бир қултумдан теккан сувнинг ўзи ҳам ажойиб муъжизаларни бунёдга келтириди. Партизанларга шу заҳоти қайтадан жон кирди, дадилланишди, қурол-яроғларини қараб чиқишиди. Евгений энди улар тоққа чиқиб кета олишларига ишонч ҳосил қилди. Майли ой қанча шуъла сочса сочаверсин, энди ундан қўрқишмайди!

* * *

Евгений ҳам, Геня ҳам тоғларда қандай қилиб юришганларини айтиб беришни хоҳлашмади, тўғрироғи айтиб беришолмади. Евгений фақат: «йўлда павловчл икки партизан тикка жарликка қулақ ҳалок бўлди» деди, бошқа сўз айтмади.

Уғилларнинг юзига қараб туриш оғир туюларди менга: каттасининг кўзларига ғам чўйкан эди; Геня бўлса назаримда бўйи анчагина чўзилиб, катта бўлиб қолганга ўхшарди. Гўё бир неча кун бола изидан юрган ўлим, унинг бегам ёшлигини олиб кетгандай эди...

— Ойимла қаердалар? — деб сўради ҳаммадан аввал Геня ва секингина қўшиб қўйди: — Мен энди ойимни ҳеч бир кўра олмайман деб ўйлагандим...

Бу вақтда Елена Ивановна бизнинг Планческийдаги илгариги турар жойимизда эди.

Евгений шу заҳотиёқ партизанлар штабига, немисларнинг дзотлари ҳақидаги хабарни Подков тоғлари координати билан қўшиб юборди.

У камгал, жуда ўйчан бўлиб қолганди.

— Нимани ўйлаб хафа бўляпсан, Женя? — деб сўрадим мен.

У оддийгина жавоб берди:

— Иван Тихонович тўғрисида... Шундай соф юракли одам эдики... Эҳ... энди улар, уни азоблашади...

Евгений жим қолди. Геня ва Виталий эса унинг ёнига келгани тортиниб, бир чеккада туришар эди.

— Сен бирор нарса сўрамоқчимисан Геня?— деб сўрадим мен.

У уялибгина жавоб берди:

— Дада, эҳтимол сиз менга Планческийга бориш учун бирор тоншириқ берарсан деган ниятдаман.

Мен ўзимни йўқотпб қўя ёздим: бола шу кунларда онасини жуда соғинганди. Қандай қилиб уни Планческийга юбориш ақлимга келмади?

— Қўшилиб боришимга рухсат берсангиз?— деб сўради Виталий.

Виталийнинг ота-оналари йўқ эди. У ёшлигидан бошқалар қўлида тарбияланган. У ўзи ҳақида гапирганида аламли кулиб, Лермонтовнинг ибораси билан: «Мен ҳеч кимсага ота ва она деган муқаддас сўзни айта олмадим..» дер эди. Шундай қилиб у павловчилар отрядига қайтиб бормади: Геня ва Евгенийга ўрганиб қолди.

— Бориб оналарингизни кўринглар-у, шу заҳотиёқ лагерга қайтинглар,— дедим мен.

* * *

Биз уч кундан кейин партизанлар отряди штабидан радиограмма олди:

«Сизлар аниқлаб кўрсатиб берган душман ўт очиш нуқтасини авиациямиз ер билан яксон қилиб ташлади. РККА қўмондонлигининг ташаккурномасини қабул қилинглар!»

Иккинчи яна бир хушхабар етиб келди: Иван Тихонович билан Николай ҳали ҳаёт эканлар! Евгений Иван Тихоновичдан хат олди: унда қандай қилиб душман қўлидан қутилиб кетганликларини соддагина қилиб тасвирлаб ёзган эди.

Фашистлар уларни станицага олиб келишибди, ўлгудай калтаклашиб, эски бир саройга қамаб қўйишибди. Уша куни кечаси қўшни хонага бир партизанка қизни тутиб қелиб, сўроқ қилишибди. Иван Тихонович фашистлар уни қандай таҳқираганларини эшишибди. Сарой деворининг тирқишлари очиқ экан. Фашистлар уй эшигини ёпиб қўйишни ўйламабдилар ҳам. Қиз чурқ

этмабди. Уни сумба билан уришибди, қўлларини қайнириб, темирии қиздириб босишибди, қиз фақат инграбди, холос. «Бу секин инграшдан бир кечада соchlарим оқариб кетди»— деб ёзганди Иван Тихонович.

Сўроқ тамом бўлгандан сўнг уйда ичқиликбоэлик бошлаинибди.

Николай сарой деворининг ёнида ётаркан, тўсатдан пастки тахтанинг қимиirlаганини сезиб қолибди. «Бунақа имкониятдан фойдаланишга ўликларнинг ҳам қурби етади. Биз эса ҳар ҳолда ҳаётмиз-ку!— деб ёзади Иван Тихонович.— Тахтани юлиб олдик. Энди бу ерда фақат бир иш: шу тахта олинган тирқишига сифишигина қолганди. Соқчи саройнинг бошқа томонида турарди. Худога шукур, у билан учрашиб қолишга тўғри келмади...»

Иван Тихонович ўзларининг станицадан қандай чиқиб олганликлари ҳақида гапирмабди. Аммо у «атрофимиздаги бизни ўраб олган тепаликлар орасида бир бурда нонсиз, уч кунгача худди кўр кишилардай адашиб юрдик. Партизанлар разведкасига дуч келганимизда ва ўзларимизникига етиб олганимиздагина тўйиб овқатландик» деб ёзибди.

Хатининг охирида: «Мен ёш казак қизи учун ўч олмагунимча тинчлана олмайман, Евгений Петрович: мен сизни биргалашиб ўч олишга чақираман» деган жумла бор.

Евгений хатни олиб келган алоқачидан унга: «Менинг қадрдоним Иван Тихонович, сизнинг ҳаётлигингиз билан мен бахтиёрман! Биргалашиб ўч оламиз» деган қисқагина хат юборди.

9. Жанговар кунлар

Бизга яқинроқ турган тоғлардан энг баланд тоғ — Ағиқе эди. Үннинг ҳар қандай шамол пайтида ҳам яланғоч, очиқ турган чўққиси, агар уни булат тўсмаса, лагеримиздан яхшигина, яққол кўриниб турарди. Чўққи орқасидаги тоғ қиялигига ажойиб яйлов: ширали ўтлари белга урадиган кенг ёнбағир ўтлоқ бор.

Соф ва асал ҳиди келадиган хушбўй ҳавоси, тақсимчадай келадиган мойчечак, каттагина, кўм-кўк чучмўмалар, хушбўй ҳид сочиб ўсаётган нўхатгуллар билан қопланган бу баланд тоғ чаманзори жуда яхши кўринарди.

Аммо яйловгача кўтарилиш осон эмас: баланд-пастликларни ва чуқур дараларни енгиг ўтиш лозим.

Биз аллақачонлароқ тоғлар чўққисини ўз назоратимиз остига олишимиз лозим деб мўлжаллаб қўйгандик. Афипс чўққиси, инсон чиқолмайдиган тоғ қалъаси бўлиши билан бирга Новороссийск остоналарида жанг қилаётган Қизил Армия қисмларининг орқа томонини, Қора денгизга олиб борадиган йўлни шу чўққидан ўққа тута олиш мумкин эди.

Яна бунинг устига разведкачилар, гитлерчилар ҳаво десанти тушириш иниятида Афипс чўққисидап фойдаланмоқчи эканликлари ҳақида аниқ хабар келтирдилар. Нима бўлса ҳам улардан олдинроқ чўққини эгаллаб олишимиз керак эди.

Аммо вақт жуда қизғили, жанговар эди — барча кишилар доим турли тошириқларни бажариш билан банд, баъзилар жанг ҳаракатларида: югур-югурда... Шунинг учун ҳам катта бир тўдамизни Афипсда ушлаб турга олмадик. Биз фақат подамизнинг каттагина бир қисмини Афипс чўққисининг орқа томонига, баланд тоғ тепалик яйловига ҳайдаб юборишга қарор қилдик. Шунинг билан бирликда «чўпон» партизанларга яқин чўққини седгак бўлиб кузатиб туриш ва бирор воқеа рўй бергудек бўлса дарров бизга хабар қилишни тоширидик. Уч партизан: инженер Луста, токарь Припутнев ва газ устаси Луговни «чўпонлар» қилиб юбордик.

Мен «подамиз» деб гапирдим. Ҳа, мана шу яқин вақтларда биз етарли даражадаги молларнинг эгаси бўлиб қолган эдик.

Бу воқеа шундай бўлгани эди: қунлардан бир куни команда пунктига, менинг ёнимга гуур ва қадларини ростлаган ҳолда Геня билан Павлик Худоерколар кириб келишиди.

— Сизга мурожаат қилишга рухсат этинг? — деб сўз бошлади Павлик ва рухсат олиб ахборот берди:— Биз Геня билан бирликда сигирлар подасини кўриб қолдик, шу подани фашистлардан қайтариб олиб келишга рухсат беришингизни сўраймиз.

Маълум бўлишича, Геня билан Павлик бориб келган Консулово ва Шабаново хуторларининг аҳолисидаги ҳамма сигирларни гитлерчилар тортиб олиб кетганлар. Босқинчилар эрта ё индии Краснодарга юбориш учун катта пода йиғмоқда экан.

— Станицада яшовчи таниш-билишлар фашистлар қўлидаги сигирларимизни қайтариб олинглар!— деб ўтиниб сўрашди,— деди Геня.— Молларнинг бир қисми отрядга бўлади, қолганини биз ғалабагача колхозчилар учун сақлаб туришимиз керак.

Биз Петр Петрович Мусъяченко билан болаларнинг таклифларини муҳокама қилдик ва уни қабул қилишга қарор бердик. Геня ва Павликка ёрдам қилиш учун икки партизанни қўшдик ва улар тўртталаси бизнинг келгусидаги подамизни қўлга киритиш учун кетишидни. Бу операцияда Худосрко бошлиқ қилиб тайинланган эди.

Улар икки кундан кейин қайтиб келишиди. Павлик ҳисоб берди:

— Топшириқ бажарилди: бир юз қирқ бош мол Қрим ўтлоқларида юришти!

Сўнгра у, бу сигирларни қандаи қилиб қўлга киритгани ҳақида батафсил гапириб берди.

Кичкинагина отряд лагердан чиқиши биланоқ олдинга қараб тез ҳаракат қилди. Уларга унча катта бўлмаган моллар подаси бир неча марта учради. Павлик чўпонлардан бу кимнинг подаси деб суриштириди. Партизанлар улар станицада яшовчи аҳолиники эканлигини билишиб йўлда давом этишаверди.

Куннинг иккинчи ярмида Консулово билан Шабаново хуторлари ўртасидаги қишлоқ йўлида чанг-тўзон булути кўтарилади. Партизанлар буталар орасига яшириниб, яқинроқ боришиди ва ўнта фашист икки юзга яқин сигирни Смоленская станицасига ҳайдаб олиб келаётганини кўриб қолишиди. Бўрдоқи, наслдор сигирлар эди. Босқинчилар ҳамма вақт энг яхши нарсаларни ўзлари билан олиб кетишига ҳаракат қилардилар.

— Орқамдан!— деб юкоманда берди Павлик.

Шундан сўнг тўрт сувори, тез-тез ўқ узганларича от қўйиб бориб йўлнинг ўртасига отилиб тушишиди.

Партизанлар худди очиқ ҳавода пайдо бўлган чақмоқдай босқинчиларнинг устига ёпирилишиди. Фашист босқинчилари бу ерда, кучли гарнizon томонидан ишғол қилинган қишлоқ ичига ўзларини тўла хавфсизликда турибмиз, деб ҳисоблаган эдилар.

Тўрт ёки беш фашист дарров қочишга тушди. Бошқалари милтиқларини кўтариб, қаршилик кўрсатмоқчи бўлишиди. Олишув унча узоқча чўзилмади. Чанг йўлда

тўрт босқинчининг ўлиги ётарди. Отишма овозидан чўчиған сигирлар ҳар томонга қараб қочиб кетиши. Яқин орадаги ўрмонлардан уларнинг безовта бўлиб маъраганликлари эшитиларди.

Уларни ҳаялламай йиғиши ва иложи борича тоққа ҳайдаш лозим эди. Ҳар бир дақиқа қиммат — ганимат эди. Ҳаш-паш дегунча лоп этиб станицадан қувловчилар чиқиб қолиши мумкин. Павлик иккى партизанга поданинг катта бир қўсминн тоққа қарама-қарши ёққа ҳайдашга, айланма йўл билан олиб бориб, сигирларни Қрим ялангликларига олиб чиқишига буйруқ берди. Ўзи эса душман кўзини чалғитиш учун Геня билан бирга йигирма-ўттизтacha сигирин тоққа томон ҳайдаб жетди.

Болалар энди яшириниши ўйламадилар ҳам — унинг аксинча, улар очиқ-ойдин сакраб ўйнашар, иложи борича кўпроқ шовқин-сурон ва чанг-тўзонни кўтаришга ҳаракат қилишар эди. Фақатгина таъқиб қилувчилар бошқа йўлларга, Қрим ўтлоқларига қараб кетаётган подаларни ўз ҳолига тинч қўйса бўлгани эди! Фашистлар ана шу қармоққа илинди. Улар станицадан отда лўкиллаб келиб, одамларнинг овози, сигирларнинг маъраши эши-тилаётган томонга — Павлик ва Геня кетган томонга қараб ташланиши. Дўстлар сигирларни чоптириб, ҳайдаб, асосий подадан анча нарироққа олиб кетишганди. Таъқиб қилувчилар болаларга энди этиб олай деганларида, улар ўзларини бир томонга уриши ва қуюқ ольха дараҳтлари орасига кириб ғойиб бўлишди.

Биз подаларни Қрим ялангликларидан яширин йўллар билан баланд Афипс тоғи орқасидаги пода боқила-диган яйловларгача кўп мاشаққат билан ҳайдаб келдик ва уларнинг устидан назорат қилиб туришни биз ҳазиллашиб «чўпонлар» деб юрган уч партизанга топширдик.

* * *

Биз Мусъяченко билан иккимиз лагерь ошхонасининг муздаккина бир ерида ўтириб навбатдаги диверсия пла-нини муҳокама қилардик. Шу вақт ошхонага «чўпонлар»дан бири, Припутнев югурни кириб келди. У шу қадар ҳаяжонланган, шошилган эдик, ҳатто у бизга қандай қиёфада туриб мурожаат қилишни ҳам унтиб қўйганди.

— Ота, Лустани ўғирлаб кетиши!— деб қичқирди у, ошхонага юргурганча кириб.

Менга, Мусъяченкога қаради, қизарип кетди, кўйлакларини тортиб тўғрилади, тикилиб турди-да:

— Кечиринг, ўртоқ командир! Сал бўлмаса миямни ҳам йўқотиб қўйай деган эканман...— деди ва бир бошдан ахборот бера бошлади:— Биз молларни ўтлатиб юрадик. Кечаси ўн бешга яқин одам бизга ҳужум қилди. Биз Лугов билан бирга патрон борича отишиб турдик. Сўнгра пичан гарами ичига яшириндик. Босқинчилар бу вақтгача Лустани ушлаб олишган эди. У қоровулликда турган эди. Луста билан бирга улар тўққиз сигирни ҳам ҳайдаб олиб кетиши!— Припутнев нафасини ростлаб, терлаган юзларини енги билан артиб олди.— Қоронғида булар қандай кишилар эканиник ажратса олмадик... Немисчалаб ҳам, русчалаб ҳам гапиришганини эшишиб қолдик. Биз тонг ёришганда молларни қўшни отряднинг базасига қараб ҳайдадик. Мен ўзим эса шу ҳолатда бу ёққа қараб чопдим...

— Энди, Петр Петрович, Афипсга боришга тўғри келиб қолди,— дедим мен Мусъяченкога.— Бошқа одам йўқ. Аҳвол жиддий — фашистлар Афипс чўққисига ҳирс билан боқишиялти!

— Шундай қилишга тўғри келади.

Биз тезда ошхонадан чиқдик.

— Геня, Павлик, қани отларга мининг!— деб команда бердим.

— Александр Дмитриевич Куц уч жангчини олиб, орқамиздан етиб бориши лозим!— деб буйруқ берди Мусъяченко.

Шу пайтда Евгений лагерда йўқ эди, у навбатдаги разведкага кетган.

Биз шошилардик. Олдинда эса, йўлни ҳаммамиздан яхши билган Мусъяченко отда учиб борарди. Унинг орқасидан Геня, Генянинг орқасидан мен, бизнинг орқамизни Павлик Худоерко тўсиб борарди. Йўл сершоҳ дарахтзорли эски ўрмон билан тикка кесиб тушган жарликлар ёнидан ўтган эди. Унча узоқ бўлмаган бир срла шўх Афипснинг шовқин-сурони эшишибарди. Ундан бир қанча марта кечиб ўтганимиз.

Кичкина Бўрилар дарвозаси деб аталадиган жойда, тоғ оралиғида айниқса қийин бўлди. Қоялар билан сиқилган кучли дарё оқими ўкирар, кўпикланарди. Отлар

бўйинни олдинга чўзиб, гоҳ спраниб қоқилиб, аста-секин юришарди, лекин нима бўлса ҳам барибир бизни юқори, қарама-қарши соҳилга олиб чиқиши. Бизни бу ерда кутилмаган бир бақириқ овози тўхтатди:

— Тўхтанг, дўстлар! Қаерга кетяпсизлар?

Буталарнинг ораси очилди ва бизга қараб келаётган пистоқи рағидаги камзули ичидан йўл-йўл ички кўйлак кийиб олган тўртта денгизчи чиқди. Булар бизнинг қўшиларимиз — Архипо-Осиповлар отрядининг партизан матрослари эди. Улар бизга узоқ разведкадан қайтиб келаётганликларини айтиб бериши. Биз ҳам ўз навбати билан қаерга кетаётганимизни уларга айтиб бердик.

— Биз сизлар билан биргамиз! — деди Лустанинг ўғирланганини эшиштган денгизчилардан бир новчароғи. Бундай тоғда кечаси ўғирлик қилиб юрганларнинг ким эканлигини билиш қизиқарли иш... Аммо лекин шуниси ҳам борки, пиёда суворига йўлдош эмас. Биз тоғ орқали тиккасига кесиб ўтамиз, шояд, сизларга етиб олсак! Совуқ Тирқишда кўришгунча хайр!

Яна отларимиз чопиб кетди. Мана, эски черкас мозори, қуюқ ўрмон ҳам анча орқада қолди. Мана, бизнинг кўз олдимизда ўзининг ниҳоятда гўзаллиги билан Катта Бўрилар дарвозаси деган жой кўриниб турибди.

Афипс қоя ораларидан ўзига йўл ахтариб, қопқоронғи даралар ичидан даҳшат билан ўкирмоқда. Торгина сўқмоқ йўл (у ердан ҳаттоқи икки отлиқ ҳам ўта олмайди) тиккасига кесиб тушган қояга жуда ҳам ёпишиб кетган. Яхшиси пастга қарамаслик керак! Бошинг устидаги тош қоялари осилиб турилти. Дарвоза орқасидаги баланд, киши ўтиб бўлмас ўрмон эса, тим қора девордай бўлиб кўринади. Йўл борган сари айланма бўлиб борарди. Отлар битта-битта қадам ташлаб кетарди. Биз шошилиб борардик. Кеч кирди.

Бирдан буталар ичидан бизга қараб, йўлбарсга ўхшаб юнглари ҳурпайган йиртқиҷ — катта кавказ итлари ташлапишиб увиллашди, улар бўғиқ овоз билан акиллашарди. Демак, биз қўшни отряд яйловига чиқиб олибмиз.

Мана, тери билан тортиб қўйилган кенггина чайла. Тутун ҳиди анқийди. Ўт алангаланарди. Гулхан ҳам ҳозир ҳамма ёнини қоронғилик ўраб олган бу баҳайбат қуп-қуруқ тоғлар орасида танҳо ўзи кўринарди. Бизни бу ерда Лугов кутиб турарди. У бизга ҳеч қандай бир

янгилкини айтиб бера олмас эди. Луста дом-дараксиз кетган, унинг қасрдалиги ва унга нима бўлганини ҳеч ким ҳам билмасди.

Биз ҳаддан ташқари чарчаган эдик. Шу ерда, чайлада ухлаш учун қоладиган бўлсак, жуда ҳам ажойиб бўларди. Мен Генянинг гулхан атрофида кўзларини юмиб, маза қилиб керишиб ўтирганини кўрдим. Аммо дам олиб ўтиришга вақт йўқ эди.

— Чарчадингми? — деб сўрадим мен Генядан.

— Албатта, бошқалар қатори мен ҳам чарчадим...

Бир пиёладан иссиқ чой ичиб, бир бурдадан зогора нон тишлаб, биз яна йўлга равона бўлдик. Ойсиз кеча. Ҳатто икки қадам олдинда кетаётган отнинг сағрини ҳам кўзга кўринмасди. Оёгинг остида эса тошлар, агабаб тушган дарахтларнинг танаси ётибди.

Афисс тогидан ошиб ўтдик. Пастга қараб тушиш бошланди: бу эса тепага кўтарилиб чиқишдан ҳам қинироқ эди. Отларнинг юганини тортиб яна ҳам секинроқ юришга тўғри келди. Мана, бизнинг олдимиздан тиккасига кесиб тушган жарлик чиқиб қолди. Ана ўша ерда, пастда, ўтган кечаси Лустани номаълум кишилар ўғирлаб олиб кетишган. Худди тубсиз жарликнинг лабида турганга ўхшайди киши. Шундай зим-зид кечада пастга тушаман деб ўйлаш ҳам беҳуда эди.

Тунаб қолишга тўғри келди. Тош-шагалли ерда бoshimiz тагига эгарни ёстиқ қилиб ётдик.

Қоровуллик қилишга Павликнинг ўзи биринчи талабгор бўлиб чиқди. Ётиш жойимиз қаттиқ ва ўнғайсиз эди. Бадан зирқираб оғрирди. Шиддат билан кучли соvuқ шамол эсади. Аммо ҳамма ҳам шундай чарчаган эдикни, бир-бирларининг пинжига киришиб бир зумдаёқ оғир, қаттиқ уйқуга кетишди. Мен фақат бир неча дакиқагина ухлаганига ўхшардим. Геня эса мени уйгота бошлади:

— Дада, туринг, тонг ёришяпти!..

Совуқ, зах, қалтирашдан одамларнинг тиши-тишига тегмайди... Пастда, жарликда қуюқ туман денгиз бўлиб ётипти. Ҳозир мана шу денгизга чўкиш керак бўлади деган фикр туғилса, кишининг бадани увишарди.

Теварак-атрофдаги жарликдан секин-секин, эҳтиёткорлик билан тушилди.

Мана, биз охири партизан ўғирлаб жетилган ерга ҳам келдик. Мусъяченко шу топдаёқ унинг ҳамма ёғини

кўриб, текшириб чиқди. Депсалган ўтлар яққол кўриниб турибди. Аммо ҳеч қандай қон аломатлари кўринмайди. Лустани тирик ушлаб кетишганга ўхшайди. Петр Петрович пастга, ерга қараб энгашиб, изларни текшириди. Улар етарли даражада жуда кўп эди: ўтлар устида, қумлар устида, ариқчада ҳам кеңг қалпоқли мих билан михланган товоннинг изи бор эди.

— Фрицлар,— деди қисқача қилиб у.

Аммо излар ариқ ёқасига бориб йўқолган. Биз қанча ариқ, жарлик бўйидаги буталар устига чиқиб қарамайлик — ҳеч нарса кўринмади! Аммо бизнинг бир изтонаримиз умидини узолмаганига ўхшади.

— Топамиз,— деди у.— Ахир ҳавога учиб кетмагандир-ку, улар!

Геня атрофга аланглаб қараб, ҳаяжонланиб тақорлади:

— Дада, мен ишонтириб айтаманки, улар ҳеч қаерга кетмаган. Улар мана шу бирор яқин жойда, бутазорлар ичida яшириниб ётишган бўлмасин тагин...

Шунда бирдан худди унинг сўзларини тасдиқлагандай жарликдан ариқчага қараб тош думалаб кетди, сўнгра иккинчиси, учинчиси... Биз кўкат устига ётиб олдик. Карабиннинг затворлари шарақлади. Наҳотки Геняниг айтган гапи тўғри чиқса? Қескин жимлик дақиқалари чўқди...

Аммо, мана тепадан ҳашаротнинг таниш чийиллаган овози — шартли белги овозлари эшитилиб қолди. Булар — бизларнинг одамлар, ўзларининг келганилари ҳақида билдириб қўйишиди. Бир неча дақиқадан сўнг тўртта денгизчи ва Куз бошлиқ бизнинг партизантаримиздан утаси ялангликка чиқишиди. Улар Катта Бўри дарвозасининг орқасида учрашибдилар. Яна из ахтариш бошланди. Ҳамма қидирди. Аммо изни топиш Мусъяченкога насиб бўлди.

— Топдим! — деб қичқирди у ва ҳамма у томонга қараб ташлапди.

Петр Петрович ариқчанинг қирғонида тиззасининг кўзи билан чўқкалаб ўтиради. У қум устида зўрға билан-билинмас бўлиб турган изга тикилиб, худди варани очиб қўйилган китобни ўқигандай, дадил гапирди.

— Буни қаранглар,— деди у.— Улар шу ердан ариқчага тушишипти ва бир қанча вақт сув ичидаги юришипти — кўринишидан улар бу билан бизни йўлдан оздир-

моқчи бўлишган бўлса керак. Ҳа, мана бу ерда эса, оқимнинг юқорироқ қисмидан соҳилга чиқиб олишишти. Улар, менинг билишимча, ўн бештacha одам бўлса керак... Луста ҳам улар билан бирга, мана бу унинг этигининг излари. Дадил қадам босаётганга ўхшаб кўринади. Демак, ярадор эмас экан!

— Хўш, энди ҳамма гап равшан!— деди хурсанд бўлиб Геня. У ўзининг «ўрмон ҳаёти» муаллимига муҳаббат кўзи билан қаради.

Мусъяченко ўйчанлик билан бошини силжиди.

— Равшанликка равшанку-я... аммо... ҳали хурсанд бўлишга вақт бор!— деб эътиroz билдириди у.— Мана бу ёлғиз озқ йўл Совуқ Тирқишига олиб чиқади. Агар босқинчилар у ерга биздан олдинроқ бориб ўрнашиб олсалар, уларни у ердан чиқарпб бўлмайди. Улар бизни какликдаи қириб ташлашади. Мен бу лаънати Тирқиши жуда яхши биламан...

Биз маслаҳатлашиб олиб шундай план ишлаб чиқдик: дengизчилар из билан боришади. Куц босқинчиларнинг Улановка станицасига қараб кетадиган йўлларини кесиб қўйиш учун учта партизан билан чапга қайрилиб кетади. Бизнинг тўдамиз эса, ўнг томондаги сўқмоқ йўлни кесиб ўтиб, нима бўлса ҳам душманни қувиб етиши, уларни Совуқ Тирқишига ўтказмаслиги лозим.

Мана, шундай қилиб, биз гоҳ тепаликларга жўтарилиб, гоҳ пастликларга қараб тушган сўқмоқ йўллардан тез-тез чопиб бормоқдамиз. Бир соат, икки соатлаб чопиб боряпмиз. Охири кўз олдимизда очиқ бир яланглик кўринди. Унинг орқасида қуюқ бутазорлар билан қопланиб дарага кирадиган қоп-қоронғи тор йўлакча ётибди. Совуқ Тирқиши деган жой худди ана шу ернинг ўзгинаси бўлади.

Геня тез чопиб кетаётган отни орқага тислатди. Мана у, сўқмоқ йўлда нима сабабдандир ётган бир нарсани кўриш учун эгардан энгашди. Нима экан ўзи? Қини очилиб ётгац тўйпонча!

Мен қичқириб юбордим:

— Бу тузоқ! Геня, олға!

У отни қамчилади. От сакраб кетди ва шу замониёқ чапдаги бутазорлар ичидан бизга қаратиб ўқлар отила бошланди. Жуда ҳам яқин орада визиллаб ўқлар учарди. Геня мени ўз гавдаси билан тўсиб қолиш учун олдимга от сакратиб келди.

Биз ялангликдан қуюндеқ учиб ўтиб кетдик. Тирқиши-га кираверишдаги бутазорда шошилиб отларин йиқитдик. Улар оёқларини узатиб қотиб қолишиди. Биз худди пана жой топгандай казакчасига отнинг орқа томонига ётиб олдик. Уларнинг қоринлари устига калта бешотар милтиқни қўйиб, ялангликнинг нариги томон буталари ичидан чиқаётган отишмаларга ҳамжиҳатлик билан жавоб қайтариб турдик. Бирдан чап томондан даҳшатли отишмалар эшитилиб қолди. Куллар тўдаси етиб келгач, бизнинг қийин аҳволда эканимизни билib, ёрдам қулгани ошиқишибди.

Душманлар дарғазаб бўлиб жон-жаҳдлари билан ҳамон бизга қараб ўқ узарди. Улар буталар орасига яшириниб, биз томонга қараб эмаклай бошлиашди... Очиқчасига жангга киришиш қалтис иш бўларди, ахир улар ўн беш киши! Битта йўл қолган эди — душман кўзича ўзимизни ўлган ҳолга солиб, ҳийлагарлик ишлатиб кўриш йўли қолганди, холос. Бу эскидан синааб кўрилган казак ҳийлақорликларидан бири эди. Павлик биринчи бўлиб отишни тўхтатди. У ўз оти орқасида ўлика-ка ўхшаб ётар, аммо бешотар милтиқ душман томонга қаратиб ўқталган эди. Павлик бармоқлари билан милтиқ тепкисини ушлаганича бутазордан кўзини узмасди. Иккинчи бўлиб Мусъяченко «сафдан чиқиб қолди», сўнгра Геня, ундан сўнг мен.

Душманлар отишни давом эттиришарди. Биз жавоб қайтармадик. Мана шундан кейин улар ҳам тўхтаб қолишиди. Шохчаларнинг ораси секин-секин икки ёққа қараб очилди — буталар орасидан икки фашист мўралади-ю, тезда шошилиб яшириниб олди. Яна мўралади, эҳтиёт бўлиб у ёқ-бу ёқни қаради, чиқди ва тошларга қоқилиб-суриниб биз томонга астагина кела бошлади.

Биз қимир этмай ётардик. Мен шўрлик отимнинг қандай қилиб қалтираб-титраб турганини сездим. Қўрқиб кетдимикан? Яраланганикан? Мен Геняга қарадим. Унинг юзларида кеоскинлик, диққатлик аломатларн акс этарди! Қошлари чимирилганди. Болаликдан асар ҳам кўринмас, у чинакам жангчи эди! Қимир этмай ётибди.

Душманлар борган сари яқинлашиб келяпти... Мана биз билан уларнинг орасини қандайдир ўргадаги эллик метрча масофа ажратиб турибди. Яна буталар орасида отишмалар янгради ва бирдан қаттиқ «Ура!»

овозлари эшитилди. Денгизчилар жангга киришган эди.

Биз томонга қараб отланган фашистлар тошнинг орқасига йиқилишиди. Аммо улардан биттаси сөкин турди, бизнинг қимир этмай ётганимизни кўриб, бир нима деб қичқирди. Буталар орасидан яна бир қанча гитлерчилар чиқди. Улар ўт очиб устларига ёпирилиб келаётган денгизчилардан ўзларини ҳимоя қилдилар. Чап томондан йўлни кесиб ўтиб, ўз кишилари билан Куц ҳам шошилиб келарди.

Бизнинг аҳволимиз оғир эди: отиш мумкин эмас, чунки отсак ўз кишиларимизга тегади. Отмасдан туриш эса — душманларнинг Совуқ Тирқишига ёриб киришларига йўл қўйиш бўлади! Геня ва Павлик менинг ишорам билан қадларини рўй-рост кўтариб туришди ва фашистлар қаршисига қараб ташланишиди.

— Ётинглар!— деб қичқирди Павлик ўзимизниларга, граната билан қулоч ёзиб.

Бир жойга ғуж бўлиб тўпланиб қолган душманлар саросимага тушиб, довдираб қолишиди. Павликнинг гранатаси худди ўшаларнинг ёнида портлади, Унинг кетидан Генянинг гранатаси учди. Ялангликни гумбурлаш овозлари ва тутун қоплаб олди. Омон қолган бир неча фашистлар буталар ичига қараб ташланди. Биз Мусъяченко билан иккаламиз карабиндан уларга қараб отиб турдик. Фақат тўрттагина гитлерчи буталар ичигача қочиб киришга улгурди. Денгизчилар уларнинг кетидан ташланишиди...

Умуман айтганда, Мусъяченко душман сонини тўғри ҳисоблаб чиққан экан: уларнинг ҳаммаси ўн олтига — ўн тўрттаси фашист-қўпорувчи ва яна иккитаси сотқинлар экан. Уларнинг ёнидан топиб олинган ҳужжатлар бизни кўпгина нарсадардан хабардор қилди. Қўпорувчилар төғ этакларига партизан отрядлари қўмондонлигиш қириб ташлаш учун юборилган эди. Матъум бўлишича уларга «тил» керак бўлгани учун ҳам улар Лустани тутиб олиб кетганлар. Молларни ҳайдаб кетишларига келганди эса, афтидан улар тоғда кўпроқ юришни мўлжаллаб, ўзларини бепул гўшт билан таъмин қилишга қарор берган бўлсалар керак.

Энди Лустани ахтариб топмоқ лозим эди. Вазифа енгил эмасди. Чақиришиди, қичқиришиди. Буталарни, теварак-атрофдаги торо тошларнинг орасини қидириб чиқдик. Сигирларимиз топилди. Улар отишмадан қўр-

қиб, буталар ичиға изғиб кетишган экан. Аммо Лустани топа олмадик. Бизнинг денгизчи дўстларимиз қизиққонлик қилишгани ва биронта ҳам қўпорувчини тирик қолдиришмагани учун афсусланишга тўғри келди. Ахир энди Лустанинг нима бўлганини сўраб биладиган бирон киши ҳам йўқ-да.

Павлик билан Геняни Совуқ Тирқишида ҳар бир бутани кўздан кечириб чиқиш учун қолдиришга қарор қилинди. Лустани ё тирик, ё мурласини бўлса ҳам тошиш шарт эди. Ўзимиз эса лагерга қараб жўнадик.

Биз ҳали ялангликни кесиб ўтмаган ҳам эдикки, жуқсиз бир қичқириқ эшилдиқ. Қайрилиб қарасак, ўнг томондаги қоя тегида бир одам турарди. Бу ахир ўша...

— Леонид Федорович! — деб қичқириб юборишиди Геня ва Павлик баб-баравар ва Лустага қараб ташлашиди.

У улар томонга юрмоқчи эди, гандираклаб тўхтаб қолди. Болалар уни эҳтиёткорлик билан ушлаб қолишиди. У Павликнинг елкасига суюниб, яна олга қараб ҳаракат қилди.

Душманлар Лустани ўлгудай қийнашган. Улар «эҳтирос билан» сўроқ қилишган, партизанлар ва уларнинг бошлиқлари ҳақида билиб олишмоқчи бўлишган, аммо ҳеч нарса билиша олмаган, албатта. Шу ерда олишиб кетишган, фашистлар Лустани савалаб, аллақаердаги бир буталар орасига ташлашган. У қўлига бойлаб ташланган камарни қоянинг ўткир томони билан қирқиб, оғёғидаги занжирни ечган ва даралар орасига яширинган. Азоб билан қийналган Луста, эси-ҳушини йўқотган. Ҳуши ўзига желганда эса, ялангликдаги бизнинг товушимиэни эшитиб қолган.

— Мен аввалларни биронта ҳам фашистни тириклийин ушлаб олмаганимизга афсусланган эдим, — деди Геня Павликка. — Энди эса афсусланмайман... Одамга азоб бериш! Бу шундай пасткашлики! Падар лаънати ҳайвонлар!.. Улар Зояни ҳам азоблашган эди...

* * *

Ҳамма вақт одамларга аралашиб кетаверадиган тий-рак Геняга кўзим тушиб қолиб қарасам, команда пункти ёнида, тош устида тумшайиб, қовоғини солиб ўтирипти.

— Сенга нима бўлди?— деб сўрадим,— тобинг қочдимн?

У қўл силтади ва теварак-атрофга бир аланглаб олиб, деди:

— Жанговар машина тўғрисида доим орзу қилиб келардим. Уни охири олдим ҳам... Энди бўлса бирдан...

Мен унинг галидан ҳеч нарса тушунмадим, лекин бисиҳтиёр жилмайиб қўйдим. Генянинг овозида болаларга хос оҳанг бор эди: гўё унинг яхши кўрган ўйинчоғини кимдир олиб қўйган-у, у шундан нолиётгандай эди. Ёнимда турган Евгений кулди ва укасининг елкасига уриб қўйди:

— Шунгаям хафагарчилик керак эканми, Геня?! Ҳеч нарса йўқотганинг йўқ. Шу вақт ичида танкетка сенинг қўлингда бўлди, боплаб йўрғалатдинг, айтганларидек, бечора машинанинг ёғини чиқариб юбординг!..

Мен эндигина партизанлар отряди штабидан қайтиб келиб турган пайтим эди, ўзим йўқ пайтимда ўтказилган жанговар операциялар ҳақида менга ҳали ахборот беришга улгуришмаган ҳам эди. Биз Евгений билан команда пунктига бордик. У ерда у, танкетга воқеасини айтиб берди.

Бир куни Евгений Вишкага тоғини «зиёрат қилиш»га қарор қиласди. Бу тоғ ўз номига жуда ҳам монанд эди. Ҳар куни эрталаб, тонг ёришиши биланоқ фашистларнинг кузатувчилари ўша тоғ устига чиқиб олишарди. Уларнинг у ерда кичкинагина майдончаси ҳам бор эди. Кузатиш пунктига олиб тушадиган нарвонни дзот муҳофаза қилиб турарди. Тепадан, тоғнинг устидан ҳамма нарса, яланглик ва йўллар ҳам ҳудди кафтдагидай кўриниб турарди. Кундуз куни фақатгина йўл устида эмас, балки киши пайқаб бўлмайдиган тоғ атрофидаги тўнғиз юрадиган сўқмоқ йўлларда ҳам партизанлардан биронтаси кўриниб қолгудек бўлса, Вишкадан берилган хабар бўйича бу ерга миналар чийиллаб сочилар ва яқиндаги станицадан автоматчилар ортилган юқ машиналари ҳам дарҳол етиб келарди. Умуман айтганда, Вишкага тоғини аллақачон, Евгений айтгандай «зиёрат қилиш»га тўғри келган эди. Лекин тўғрисини айтганда бунга қўл тегмади, чунки ундан ҳам зарурроқ ишлар бор эди.

Шундай қилиб куни кеча, тунда Евгений Вишкага қараб йўлга тушди. Ўзи билан у Геняни, икки мерганни, Дегтяр қўл пулемёти билан икки партизани ҳамроҳ

қилиб олди. Тоққа қош қорайғанда етиб келишди ва ҳар сафаргидай буталар орасиңга кириб ётиб олишди. Үмуман, партизанлар кутишга одатланишган: улар ҳали тонг отиб, туман ёйилиб кетмагунча бемалол, қуит билан кутиб жишилди. Төр орқасидан қуёш ҳам кўтарилди.

Евгений дурбинда кузатаркан, уч фашист кузатувчиши буталар орасини ёриб ўтиб, Вишка томонига қараб келаётганини кўриб қолди. Мана, улар дзотга қараб кўтарилишди. У ёқ-бу ёққа аланглаб олишди-да, кейин унинг ичига яширинишди. Бир оздан сўнг дзотдан бир фашист чиқиб келди. У шошилмасдан зинадан тепага кўтарилди, майдончанинг бир ёнига ўтиб тўхтади. Унинг кўз олдида намоён бўлиб турган кенг манзарага зериккан кишидек қаради ва маза қилиб роса керишиб, эснай бошлади. Шу ери чатоқ эди, у мириқиб ухлаб олган бўлса керак.

Евгений дурбинни укасига берди. Мерган милтиғини олди. Анча вақт мўлжалга олиб ётди... Ўқ учди! Ҳалиги фашист қўлларини ёзиб, чалқанчасига орқасига ағдарилиб тушди. Унинг жонсиз гавдаси зинапоядан пастга қараб сирғалиб тушиб кетди. Шериги унга қараб ташланмоқчи эди. У ҳам бирга қулади. Учинчиси эса дзотга кириб бекиниб олди. Шу ўтирганича тумшугини чиқаргани қўрқди.

Вишканинг жим бўлиб қолганидан ташвишга тушган фашистлар дзотга алоқачиларини юборишли. Гитлерчилар буталар орасига яшириниб, ерга энгашиб, эҳтиёткорлик билан чор атрофга олазарак боқиб тоққа кўтарилилар. Аммо улардан биронтаси ҳам қайтиб тушмади. Мерган партизанлар ҳеч бир ўқни хатога кетказмай, битталаб териб турдилар.

Станицадан автоматчилар тушган машина йўлга чиқди. Машина партизанларнинг ниқобланган отиш жойи олдидан ўтганда, буталар орасидан пулемёт шиддат билан тақаб отиб, савалади. Машина бирдан ўнгга қайрилди ва станицага жўнаб қолди.

Бир оз вақт ўтди. Кейин узоқдан танкетка фидирағининг шалдиришлари эшитилди. Душман кичкина танка билан партизанларга қараб бостириб келарди. Евгений буталар орасидаги пана жойни қолдириб, укаси билан бирга йўлнинг чет — ёқа жойига — ўнгга қайрилиб кетадиган ерга ўтиб олишди.

Танкетка ғилдирагининг шалдираган овозлари бор-
ган сарп яқинлашиб кетарди. Танкетка йўлнинг қайри-
лишида тўхтаб қолди. Геня ундан кўзини олмасди. Эҳ,
бу қандай машина-я! Ҳозир заводдан чиққанми, мунча
янги — унинг ҳеч бир қирилган жойи ҳам йўқ!.. Евге-
ний ҳайдовчининг кузатиш тирқишини мўлжалга олиб,
оптик мплтиқнинг окуляр — ойналарига қараб қолди.
Ўқ овози эшитилди! Бир қанча дақиқа ўтди — танкетка
ҳаракатдан тўхтади. Сўнгра секин-аста темир қопқоқ
юқорига кўтарилди. Пулемётчишининг боши бир зумгина
қопқоқ устида пайдо бўлди-да, Геня карабиндан ўқ
узган эди, темир қоқпоқ шақирлаган овоз билан ёпи-
либ қолди.

Яна пойлаш бошланди.

Беш дақиқа, ўн... танкеткадан ҳеч қандай овоз чиқ-
масди. Шунда ака-укалар йўл ўртасига чиқишиди ва
танкеткага қараб чопишиди. Қопқоқни устидан туриб
очиши осон эмас. Ўлган фашистларни тортиб чиқаришиди.
Геня тоқатсизланиб қопқоқдан ичкарига қаради. Яна
бир дақиқадан сўнг — қарабсизки, у ҳайдовчининг жо-
йида ўтириб олибди. Ҳаяжондан титраган қўли билан
машина дастагини ушлаб кўрди. Бу ердаги ҳамма нар-
салар унга таниш, ҳаммаси унга маълум! Демак, у ма-
шина ҳақидаги маълумотномаларни бекорга ўқимаган,
ва Краснодардаги танкадромга бекорга бориб келмаган
экан! Моторни кўрди, бошқариш дастагини ишлатиб
кўрди — ҳаммаси жойида, ҳаммаси тўхтовсиз ҳара-
кат қиларди. Геня қопқоқдан калласини чиқариб қа-
ради.

— Ўртоқ разведка командири! — деб докладини
бошлади, аммо бу шаклда узоқ гапиролмади ва бошқа
оҳангга ўтди: — Женя, азизим! Танк энди бизники, пар-
тизанларники! Ўҳ-ҳў... Буни қара, жуда **ажойиб!**..

Евгений укасига қараб кулиб қўйди. Тўсатдан ўнг
томондан шовқин-сурои эшитилди. Йўлда қоровуллик
қилиб юрган фашист броневиги келарди. Танкеткани
ташлаб, қолган партизанлар билан тоққа қочиш керак
эди ё бўлмаса...

Ака-укалар бир-бирларининг кўзларига тикилишиди.
«Танкеткани ташлаб кетиши? Ҳеч бир!» — деди Геня-
нинг маънодор кўз қараши! Евгенийнинг қарори ҳам
шундай эди. Ўлиб ётган гитлерчиларни йўлдан судраб
буталар орасига беркитди ва у ҳам машина қопқоғи-

дан ичкарига тушди. Қопқоқни қаттиқ ёпди. Пулемётни текшириб чиқди.

— Қел, Геня, броневик келмасдан туриб Смоленскага қараб кетдик.

Танкетка айланып да душман томонидан ишгол қилинган станица томон физиллаб кетди. Ақа-ука чурқ этмай боришарди. Геня қошларини чимириб лабини тишилаган. У қулоқни кар қылгудек шовқин-сурон овозлари ичида олға қараб, бўлаётган ҳаракатга томоман берглиб кетган эди.

— Мен унга қарадим-у, ўйлаб қолдим,— деб ҳикоя қилди менга Евгений,— Қаранг, болада бунчалик хотиржамлик, босиқлик қаердан найдо бўлиб қолди? У ўз ҳаётини хавф остида қолднриб, танкеткани душманинг уясига қараб бурди. Бу нима — ёшлиқданми, ёки тушумасликданми? Ўйқ! У қандай хавф мавжуд эканини тушунарди. Ростини айтсам, дадажон, бу рус юрагининг ўзига хос баҳодирона журъати, шавкатли жасурлиги, энг яхши хусусиятларидан бири эди.—Ҳаяжондан Евгенийнинг овози қалтиради.— Мен шу дақиқада ўз укам билан жуда фахрландим! Бошим осмонга етди!..

Танкетка соқчилар отряди турадиган заставадан эсон-омон ўтиб кетди. Ақа-укалар Смоленская станицасида ўтказилган мардона разведкаларининг бир қанчасида бўлишган. Аммо станицани унинг ҳар бир қадамида қуролланган фашистлар дайдиб юрган катта кўчасидан кесиб ўтиб кетиш шундай ғалати ва даҳшатли туюларди. Борди-ю, фалокат бўлиб мотор ишдан чиқиб қолса-чи?.. Аммо чекиниш учун, ўйлаш учун эпди вақт ўтган эди. Улар фашистлар штаби остонасидан нарироқда тўхташди.

Геня акасига қаради ва узун-узун сигнал берди. Остонага сакраб фашист офицерлари чиқишиди. Евгений бир неча секунд сабр қилди: қўявер, у ерга яна кўпроқ йиғилишсин! Ана керак бўлса — танкетка пулемёти сайраб кетди. Остонада ваҳшиёна қичқириқлар эшитилди. Гитлерчилар тирирчилаб, ҳар томонга тумтарақай қочишиди. Баъзи бирлари қочиб кетаётгандан ўқ еб йиқилди. Штаб ойнасидан танкеткага граната ташланди, лекин зарар етмади. Евгений ойнага қараб пулемётдан кетма-кет ўт очиб уни тилка-нора қилиб юборди ва:

— Шитоб билан олға!— деб команда берди.

Танкетка бирдан ўрнидан қўзгалди. У қарама-қар-

ши ёқдан кслайтган душман солдатлари ва офицерлари га пулемётдан ўқ узуб кўчадан гизиллаб келарди. Ана станицанинг четидаги тўсиқ... Яна бир неча дақиқадан сўнг станица орқада қолиб кетади. Олдинда йўл очиқ, нарироққа боргач, бошқа томонга буриб олиб кетиш мумкин...

Аммо тўсиқ-панжаралар олдида фашист заставаси бор. Оғир ҳажмдаги пулемёт танкеткани ўққа тутмоқда. Бронтешар ўқ бакни тешиб кетди, ёнғин пайдо бўлди. Томоқни ачиттирувчи тутундан нафас олини қийинлашди. Геня, шамол эҳтимол алангани ўчирад, деган манода тезликни кучайтирди. Аммо аланга баттарроқ авж олди.

Геня станицадан чиқиб кетгач, танкеткани тўхтатди. Ортиқ чидаш мумкин эмас эди. Ака-укалар қопқоқни очишиди, танкеткадан сакраб тушдилар. Иссикдан икковларининг ҳам иафаслари димиққанди. Генянинг калта камзули куйиб кетди. Шошилиш керак. Танк ёки броневик бирдан кетишганда бостириб келиб қолса борми, кўраверасан.

— Секинлашма, Геня, тезроқ!— деб шошилтирди Евгений.

Геня бўлса зўр бериб орқага, тутун билан қоплашиб ётган танкеткага қааради. Евгений ва Геня партизанларининг сўқмоқ йўли билан лагерга омон-эсон қайтиб келишди.

Геня кўп вақт куйиб-пишиб юрди деб ҳам бўлмайди. У овқат вақтида ҳар вақтдагидай хушчақчақ, серҳаракат бўлиб кўринди.

— Хўш, омадинг қалай?— деб сўради Евгений.— Омад жойидами?

Биринчи қарашда Геня худди ўринсиз жавоб бергандай бўлди:

— Урушдан кейин кишиларнинг яшаси, уй-жой қуриб олиши учун ёрдам берадиган кўпгина машиналарни ихтиро қилишади. Шундайми? Ана шундай машиналарни бошқариш жуда ҳам ажойиб бўлади. Менимча, танкеткани ҳайдашдан ҳам ажойиброқ бўлади!..

* * *

Партизанларнинг кичкина бир тўдаси навбатдаги ҳужум жангларидан кейин лагерга қайтиб келишди. Улар орасида Евгений ва Геня ҳам бор эди. Биз Елена

Ивановна билап Геняниң чап қўлини зўрға қимирлатиб келаётганини дарров пайқаб қолдик. Унинг ранги оқариб кетган, аммо ўзи дадил эди. Плаши эса қонга беланган. Елена Ивановна ўғлига ташланди ва тезлик билан боғланган жойни ечди. Елкасида яра қорайиб кўршиб турарди.

Геня: дайди ўқ тегиб ўтнб кетди, деди. У елкасини ўзи дарров боғлаб олиб жангга қатнашибди. Сўнгра қайтиш бошланади. Яраси азоб бериб оғриди. Қўп қоп жетганидан боши айланса бошлайди. Аммо Гепя яраланганини ҳеч кимга айтмайди. Ўртоқларини йўлдан қолдиришдан қўрқиб, у тишини-тишига қўйиб, жимгина йўл босиб, бошқалар қатори дарёдан кечиб ўтади, тоғ тиккаликларига тирмашиб чиқади. Фақат биргина Павлик Худоерко Геняниң яраланганини, унинг елкасида қон борлнгини пайқаб қолади.

— Унинг ёнига югуриб бордим,— деб бизга ҳикоя қилди Павлик,— «Геня, сен яраланганимисан деб сўрасам: «ҳа, яралангман, қичқирмагин»,— дейди. «Уни боғлаш керак ахир!» десам, «аллақачон боғланган»,— дейди. Мен ундан: «Қани, менга карабинни бергин!» деб сўрадим. «Овозингни чиқармá! Карабинни бермайман! Билласанми,— деди у,— Сафроновнинг менга нима деганини: сўнгги нафас олгунимча қўлдан қуролимни ташламайман!» Мен унга яна: «Ахир сенга қийин бўлади-ку!» дедим, у бўлса менга жавоб ҳам бермади, ҳатто менга қайрилиб қарамади ҳам. Шундай ҳам қайсарки!..

Геняниң бу қилиқларида учалик айтадиган бир нарса йўқ эди. Бизнинг отрядимизда шундай бир қоинун-қоидага риоя қилишарди: жанг ҳаракатларини тезда тугатишда ўртоқларга халақит бермаслик учун сўнгги кучинг қолгунча бардош қилишинг керак.

Бу жангда фақат биргина Геня ярадор бўлгани йўқ. Госпиталга ундан ташқари, яна тўрт партизанинн жўнатдик. Тўғри, улар каравотда фақатгина бир кеча ётишди. Эрталаб эса йўқлама ўқилишига чиқишида ва госпиталга фақат ярани бўглатанинн учун келиб туришга рози бўлишди. Геня ҳам госпитал каравотида ўз тили билап айтганда «ланж» бўлиб ётишин ҳеч бир ёқтирмасди. Лекин унинг яраси бир оз шамоллади ва елкаси қаттиқ оғриди. Ислитмаси кўтарилиди. У ярани боғлаш пайтида чидам билан турди, аммо унинг ла-

ѓөрь ҳаётида иштирок этишига халақит берган «тентак фашист ўқи»дан хафа бўлди. Вақтинча Геняни барча ишлардан бўшатиб қўйишига тўғри келди. У дераза олдидаги ўз тўшаги устида, китобдан бошини узмай, иорози ва шумшайган ҳолда ўтиради.

Евгений бир кун упинг ёнига келиб ўтиради:

— Ҳўш, елка қалай? Оғрияптими?

— Оғриб турибди... Чидаш мумкин.

Евгений қўли билан укасининг сочини оҳистагина силаб қўйди:

— Баракалла сенга, азамат! Биринчи бўлиб жангда катта иш қилдинг.

— Ҳе-с... шу ҳам катта иш бўйтими...

Лекин шуниси ҳам борки, Евгенийнинг бу сўзи Геняда мамнуниятлик тутдирди. У ҳатто қизариб ҳам кетди.

— Ўзинг нима ўқияпсан?

— «Пўлат қандай тобланди»ни.

Геня бошини қўллари орасига олиб ўйга чўмди. Павел Корчагиннинг гражданлар урушида кўрсатган жанговар ишлари унга яқиндагина ҳаддан ташқари қаҳрамонлик бўлиб кўринарди. Энди эса унинг ўзи душман билан жанг олиб боряпти. Ҳаттоқи, жангда ярадор ҳам бўлди... Эҳтимол, энди унинг Павка билан дўстлашишга кўпроқ асоси бордир.

— Женя, миямга бир фикр келди. Қани энди Павел Корчагин бизнинг отрядга олинса-а? У фашистларнинг таъзирини боилаб берарди! Шундай эмасми?.. Женя, сен Худоеркони кўрмадингми? У мендан хафа бўлди, жиннивой... Кўрсанг айтгин, кириб кетсин.

Павлик ярадор дўстининг ёнига келди. Улар шивирлаб, алланималар ҳақида узоқ вақт гапиришди. Павлик кетгандан сўнг Геня ётиб олди ва ойнадан чангалзорга, бир парча кўм-кўк осмонга қаради. У зерикди. У қўлига ўқувчилар дафтарини олди ва тузукроқ ўрнашиб олиб, қалам билан узоқ вақт унга бир нималарни ёзди. Дафтар устига энгашиб гоҳ алланималардан кулиб, гоҳ ўйлаб ва қаламни қаттиқ гажиб қоронги тушгунча ўтиради.

— Қоронгид-я!— дедим мени унга, бир дақиқага бориб хабар олиб келиш учун келганимда.— Қўзни ишдан чиқарасан!

— Ҳа, аллақачон ёзиб ҳам бўлдим.

- Нима ёздинг ўзинг?
- Шунчаки...
- Шунчаки бўлса ҳам айт-чи, нима ёздинг?
- Шунчаки... Ҳа, сиз ёзадиган кундалик дафтарга ўхшаш.

У менинг отрядининг бутун ҳаётидаги ҳамма воқеаларни ёритиб борадиган кундалик дафтар тутишмни биларди.

- Қизиқ.. ўқиса бўладими?
- Арзимайди! Менини унга ўхшамай қолди... Ростданам, агар истасангиз...

Мен «кўршапалак» фонусини ёқдим ва қўлимда Генянинг дафтарини ушлаганим ҳолда унинг ёнига бориб ўтирдим.

- Ёзган хатингни қара-я, дўстим!
- Ахир бундай ёнбошлаб хат ёзиш ўнғайсиз-да!
- Мен «танк билан жанг» деган биринчи сатрини ўқидим.
- Охирги жанг ҳақида ёзяпсанми?
- Шунаقا!

«Қои-қоронги, изгирипли кечада. Биз Павлик Худоерко билан йўл ёқасида дозорда ётибмиз. Заранг дарахтининг шохчалари бизнинг устимизда соябон бўлиб, ишкомдек осилиб турипти. Дараҳт бошларида шамол ғувиллайди. Ариқчалар шовиллайди. Йўлнинг у томонида эса тунги қуш жуда ҳам зериктирасли, ғамгин, ҳаттоқи юрагингни ҳам безовта қиласиган даражада сайраяти. Тепага қарасанг — заранг дарахти барглари орасидан қоп-қоронги осмондан юлдузлар кўринади. Мана бу жуда ҳам гўзал. Улар худди тунги ялтироқ қуртлардек у жойдан-бу жойга, бу жойдан-у жойга учиб ўтаётганга ўхшайди. Бу шохчалар эса — юлдузларни гоҳ кўрсатиб, гоҳ бекитиб турарди.

Туриб юргинг, керишгинг, оёқнинг чигалини ёзиб келгинг, плашга ўралиб ётгинг ва ухлагинг келарди. Аммо ухлаш мумкин эмас, ётиш, қараш, эшитиш керак эди. Уйқу билан курашиш жуда ҳам оғир. Бу вақт ичида мен шеър ёдлаб олдим ва рус тарихининг бирор воқеа хронологиясини ёдимга туширдим, алгебра формуласини қайтардим, фойдаси йўқ! Бошдаги фикрларчувалашиб кетади. Кўзлар юмилади. Шу пайт мен «иродали гимнастика» тўғрисида ўйлаб кетдим. Бўйнимни таранг қилиб тутиб, бошимни у томондан, бу

томонга бураман. Гүё қаршиликларни енгаётганга ўхшайман, қўл бармоқларимн қисаман ва яна очаман. Бу эса менга шеър ёки формулалардан яхшироқ ёрдам берди. Лекин шундай бўлишига қарамай уйқу яна хуруж қилиб келяпти.

Павлик азамат. У қимир этмай ётипти, худди ухлаётганга ўхшаб ётипти. Лекин йўқ, Павлик ухлаётгани йўқ! Бу Павлик жуда ҳам ажойиб-да, ундаги бундай сабот-матонат қаердан пайдо бўлиб қолди? Ўзи худди чақмоқ тошдай қаттиқ, юраги эса меҳрибон. Бунақа дўст ортириш яхши!

Ундан «Павлик, сен ухляяпсанми? деб сўрасам: «Ҳа, ухляяпман, ҳатто туш ҳам кўряпман»— деб жавоб беради. «Қандай?»— деб сўрасам, у «Гүё мен Берлинга, Гитлер олдига борган эмишман. Навбатчи генералга — унинг фашистбаччаларига: унинг қора юрагини олиб ташламоқ учун «Бати» отрядидан Павел Худоерко келди, деб хабар қилинг деяётган эмишман»— «у-чи?» дедим мен, «Гитлерми?» деди у.— Қўрқанидан бомбадан сақланадиган жойга тўшиб олиб «Ундай аҳволнинг бўлиши мумкин эмас! Менинг азамат солдатларим аллақачонлароқ ҳамма партизанларни осиб юборган!»— деб бақираётган эмиш.

Биз Павлик билан секингина кулишиб олдик баралла кулиш мумкин эмас, албатта. Кейин эса мен ростдан ҳам Берлинда бўламизми деб сўрадим. У «бўлишимиз муқаррар!» дейди. Шундай қилиб унинг жавоблари мени хурсанд қилди! Ҳатто уйқу ҳам қочиб кетди. Азамат — Павлик! У доим ҳушёр, хушчақчақ, бошқани ҳимоя қилмоқ учун сўз топа олади. Шунинг учун ҳам мен унга: «Павлик, сенга баракалла, азамат!» дедим. У эса «Хўш, нима учун? Берлинга, Гитлернинг олдига борганим учуми?»— деб сўрайди. Биз вақтни мана шундай ўтказдик.

Биз бутун купи бўйи тонгнинг айланма тош қоя йўли, ёввойи тўнгизнинг сўқмоқларидан юрдик ва тошқин дарёларни кечиб ўтдик. Утиш жуда ҳам оғир бўлди! Операция ўтказиладиган жойга кечаси келинди. Йўлга мина ўрнатилди. Дозорлар қўйилди. Қандай қилиниши лозим бўлган бўлса, ҳаммаси адо этилди.

Эрталабга яқин шамол тўхтаб қолди. Павлик: тонг отиш пайтида ҳамма вақт шабада тўхтаб қолади. У ҳам озмоз дам олиши керак-да, дейди. Ариқларнинг

шилдирашлари эшитилиб турипти. Қандайдир бир қушча үйғонгандай бўлди, учиб кетиб қўшни шохчага бориб қўнди, патирлаб уринди, жим бўлиб қолди. Буталар тагидан тишини югуриб ўтиб кетди, ўзини Павлик нинг этагига уриб олиб қўрқиб пинғиллади ва тез четга ўтиб олди. Шохчанинг тарсиллаган овози эшитилиб қолди — бу эса Евгений қоровулларни текшираётганидан хабар берарди. Самолётлар баланд-баландларда овоз чиқарар ва яна жим бўлиб қоларди.

Мана, энди ўрмонда тоңг ота бошлади. Осмон фонида заранг дарахтнинг шохчалари энди равшан кўринмоқда эди. Юлдузлар сўнди. Осмои қизариб бормоқда. Мана, тог орқасидан куёшнинг бир томони яллиғланиб кўрина бошлади. Туман тарқаб йўқ бўлиб кетди. Ўтлар устида шабнамлар ялтираяпти. Ҳа, қушчалар-чи, уларнинг эрталаб сайрашларини айтмайсанми? Агар мен шаҳарда яшаётган бўлсам шунақаларни кўрган бўлармидим? Яхши!.. Лекин бирдан яна янги товуш эшитиб қолдик. Бунинг нималигини ажратиб олиш жуда қийин. Сўнгра моторларнинг гувиллаётгани аниқ маълум бўлди. Жуда ҳам узоқда, осмондами, тог орқасидами ёки йўлдами — дарров англаб ололмайсан киши. Борган сарп аниқроқ, борган сари яқинроқда гувиллаяпти. «Танклар Афинсга яқинлашиб келяпти!»— деди Павлик ва бу хабарни Евгенийга етказиш учун чопиб кетди.

Евгений баланд бир дарахтнинг тепасига чиқиб олди. У ердан туриб дурбинда қараса барча йўллар кўринарди. Тўғри, танклар, фашист танклари келяпти! Евгений пастга тушиб кетди. «Ҳамма уйғотилсан. Жангга тайёрланилсан!»— деб команда берди. Мана энди соқинлик ҳам тугади. Биз йўл ёқасида, буталар орасида қотиб қолдик. Қўлда танкка қарши отиладиган гранаталар. Тўй гумбурлаб кетди. Снаряд шохчаларни синдириб учиб кетди. Пулемёт кетма-кет отилиб, дарахтларни бир савалаб берган эди, шохчаларнинг ҳаммаси учиб кетди. Бу энди доимо бўладиган гап: фашист колониаси ўрмонга кириб борди дегунча уни савалаш бошланади. Фашистлар ўрмондан қўрқишади.

«Дозорлар асосий тўдага тўплансин!»— деб буўруқ берди Евгений,

Ҳар галгидай танк биринчи бўлиб бизнинг ёнимиздан ўтди. Унинг кетидан автоматчилар тушган оғир

машина ўтпб кетди. Улар автомобилнинг кузовида туриб олиб ўрмонга қараб ўқ отишарди. Биринчи машинашнинг орқасида яна автоматчилари билан бирга ўқдорилар, озиқ-овқатлар юкланган машиналар келарди. Менинг хаёлимда бошда келаётган танк, кечаси биз мина қўйиб қўйган жойдап ўтиб кетгандай бўлиб кўринди. Шунда тўсатдан гумбурлаб қолди-ку! Қулоғим чинқириб кетди. Келаётган бош танк портлаб кетган эди. Пиистирма рўпарасидан иккинчи танк кўринди. Евгений унга қараб гранаталар отди. Портлаб кетди. Танк айланмоқчи бўлганди, аммо унинг ўрмаловчи ғилдираги мажақланган эди. У ариқчага тушиб қолганича йўлни тўси-қўйди. Машиналар устма-уст келиб унга урилди. Ана шу ердан бошланди деяверинг! Танк ва машинага қараб ёнилғи солинган шишалар отила бошланди. Аланга чиқди. Танк билан машина тутун ичидаги қолиб кетди, уларни қўриб ҳам бўлмасди. Гранаталар бирин-кетин ғизиллаб турибди, пулемётимиз тасир-тусир отишяпти. Машиналар йўлга тўдаланиб қолди, ғилдираги билан ярадор гитлерчиларни эзиб ташла-моқда. Ҳамма томондан гранаталарни портлаган овози эшитилди, ердан қуонлар кўтарилиб чиқади. Үқлар чинқиради. Ана шу ердан бир нарса юрагимни тимдалагандай бўлди. Мен бунга кўп аҳамият бермадим. Худди елкам куйгандек бўлди.

Колоннанинг охирида келган фашистларнинг учинчи танки бирдан қўзғалиб, буталарни мажақлаб, ёш дарахтларни синдириб, айланиб бизнинг орқамизга ўтиб олиш учун чопарди. Евгений унинг келаётганини кўрмади ҳам, эшитмади ҳам. Хўш, нима қилиш керак энди, дейман ўз-ўзимга! Мен эса жанг майдонидан сал нарироқда, ҳимоячилар группасида турар эдим. Шунинг учун ҳам мен бутун отряд хавф-хатар остида қолгап бир пайтдагина ўз постимни ташлаб кета олардим. Хавф-хатар эса мана кўз ўпгимизда турилти! Танк ҳозир дарахтлар орасидан ёриб ўтади-да, орқамиздан чиқади. Унда Евгений группасига ўт ёғдириб ва ўрмаловчи ғилдираги билан эзиб ташлаши кўриниб турилти. Ҳозир ўйлаб ўтиришнинг вақти ҳам эмас. Мен ўрнимдан сакраб туриб, танкка қараб югуриб кетдим. Яширимай-нетмай очиқ ердан югуриб кетяпман. Мени билиб қолишибди. Пулемётдан қисқа-қисқа ўқ ёғдира бошлашди. Үқларнинг ҳаммаси эса ёнимдан учиб ўтиб

кетяпти. Мўлжалга олиш фашистлар учун қийин эди-да: танк кучли тўлқинлар орасида у ёқдан-бу ёққа қийшайган денизданаги қайиқ сингари ағанаб, ёш чакалакзорлар ва баланд-пастликларни ёриб кириб борарди. Мен танкниң жуда ҳам яқинига югуриб бордим ва граната ташладим-у, ўзим отилиб дараҳт орқасига яшириниб олдим. Гумбурлагай портлаш овози эшигтилди. Танк тўхтади. Кейин, қарасам яна жон кириб қопти. Пулемётниң оғзи менга қаратилди. Ана шу пайт менга Павлик ёрдамга келди. Мана буни дўст, мана буни ўртоқ деса бўлади. У ҳеч қўрқмасдан тўғридан-тўғри душман пулемёти томонга кўкраги билан юғурди ва менга қараб ўзини отди, қўлимдан шартта ушлади. Биз тепалик орқасига бориб ағанаб тушдик. Пулемёт ўқлари устимиздан учиб ўтарди. Павлик ўрнидан туриб гранатани шундай чаққонлик билан ирғитдик, тўғри танкниң минораси тагига урилди. Пулемёт жим бўлиб қолди.

Ўрмонда ҳуаштаклар чалинаётганини эшидик. Евгений чекиниш ҳақида хабар беряпти. Фашистларнинг иккинчи мотоколониаси яқинлашиб қолмоқда эди. Гитлерчилар жаиг майдонини ярим доира қилиб эгаллаб, бизни қуршаб олишмоқчи эди. Ўшанда ҳимоячилар груниаси жаигга кирди, биз эса душман ҳалқасидан чиқдик. Ҳамма бўлган гап ана шу».

Мен Геняниң дафтарини ўқиган вақтимда ўз ҳаяжонимни яшириб қолишим осон бўлмади!

У менинг ўқиб бўлиб, гапирмасдан жимгина ўтирганимни кўриб қўлимдан дафтарни шошилиб олди-да, ёстиқниң тагига тиқиб қўйди.

— Ёмон чиқибдими, а?— деб хижолат бўлиб сўради у.— Ёзиш жуда қийин... Шунда ҳам ёзгинг келади, тасвирлагинг келади, лекин ҳеч бир тасвирлай олмайсан. Алдашга-ку алдаганим йўқ-а. Лекин ҳар ҳолда воқеа қандай бўлган бўлса худди шундай бўлиб чиқмади-да. Бундай эмас!. Нима учун шундай бўлар экан?— кейин у кулиб қўшиб ҳам қўйди:— Пўқ, мендан ёзувчи чиқмайди!

— Ёзувчи чиқмаслиги мумкин,— дедим мен,— лекин сен «кундалик» тутиб борсанг бўлар экан!

Афуски, Геня вақти йўқлигиданми ёки тоқат қиломаганиданми, ўз кундалигини давом эттирмади. Эҳтимол ўз «ёзувчилик» қобилиятидан ҳафсаласи пир

бўлгани учун шундай қилгандир. У ахир ҳамма вақт ўзига жуда ҳам талабчаш эди-ку.

10. *Мина уруши*

— Вақт етди, энди темир йўлдан бошлишга вақт етди!— деди менга Евгений бир кун иккаламиз ёлғиз қолиб сухбатлашганимизда.

У, сарғайиб кетган юмшоқ қарагай барглари тўшалган ерда — баланд қарагай дарахти остида қўлни бошининг орқасига қилиб чалқапчасига ётарди. Мен карабин миљтиқни тиззамга қўйиб тўнкада ўтирадим ва ўғлимнинг сўзларини дикқат билан эшитардим. Биз у билан иккаламиз лагерга мутлақо яқин жойда турардик, аммо теварак-атроф шундай сокин ва шундай жимжит эдики, бир неча километрли атрофда биронта ҳам жонли нарса йўққа ўхшарди. Виз Евгений билан мана шу ҳолда юракдан гаплашишга ҳар вақт ҳам мијассар бўлавермас эдик.

— Мен бир кун штабда поездларни портлатиш пайти келганлиги ҳақида гап бошлигани эдим,— деб сўзини давом эттириди Евгений,— қаршилик қилишдн: тажрибамиз йўқ эмиш. Кубанда тўё шу вақтгача битта ҳам темир йўлда қўпорувчилик бўлмаган эмиш. Ахир кимдир бошлиши керак-да! Шундай қилиб биз бўлмасак, бизнинг отрядимиз бўлмаса ким бошлаб бориши керак?.. У ахир, фақат техника билими бор кишилардан ташкил топиши лозим. Биздаги партизанлар эса ҳар бири ё техник, ё инженер,— у қўли билан тиззасини ушлаб ўрнидан турди ва яна ўтириди.— Мен сизга шуни айтиб қўйишим керакки, мен Кубандаги биринчи фашист поезди албатта бизнинг қўлимизда кули кўкка совурилади, деб юракдан қасам ичган эдим!.. Биз автоматик мина ясаймиз, ўзимизникига эга бўламиз! Шундан кейин поездларни портлатамиз — бу бизнинг бурчимиш. Ундан кейин эса... Кейин шу ерда, тоғ этакларида миначи қўпорувчилар мактабини ташкил қиласиз. Қўшни отрядлар унга ўзларининг энг яхши партизанларини юборишади. Биз уларни мина ишига ўргатамиз. Шундан кейин темир йўлларда душман поездларининг кули кўкка совурилади ва кўприклар ер билан яксон бўлади. Яна кўп минглаб фашистлар эса Кубань тупроғидан ўзига гўр топади! Ахир

мина уруши партизанлар курашининг энг фойдали формасидир.

Шу яқин кунларгача Евгений ёш совет инженери бўлиб ишлаб юарди. У ўз ҳаётини ижодкорлик, яратувчилик ншига бағишилади. Энди эса ўрмоннинг энг настқам жойиб олиб портлашлар, вайроналиклар ҳақида ўйлайди... Ҳа, шундай қилиш лозим эди! Халқимиз ғалабамиз учун озмунча қурбонлар бераптими! Кейинчалик биз душманлар қўлидан озод қилинган тупроқда барча бузилган нарсаларни меҳр ва ғамхўрлик билан қайтадан тиклаб оламиз ва энг гўзал ёрқин ҳаётимизни яна янгидан қура боштаймиз.

Евгений қуруқ чўпни тишлаб ўтиради. Агар у ўртоқлари билан автомат минани қайтадан лойиҳалаб чиқиши ўйлаган экан — уддасидан чиқади. Партизанлар учун мина мактабини ташкпл қилишни ўйлаган экан — ташкил қилади. У сўзи билан иши бир кишилардан, бизнинг биринчи беш йилликларимиз мактабини ўтган кишилардан. У ҳаётининг мазмуни халқига доимо хурсандчилик билан, жони-дили билан берилиб, хизмат қилишдан иборат бўлган кишилардан.

Шамол қарағайларниң учини тебратар — тоғ ўрмонини узоқ денгиз довулига ўхшаган гувиллаган шовқин қоплаган эди...

* * *

Евгений ва унинг яқин дўстларининг «мина уруши» ҳақидаги орзулари тез орада рўёбга чиқадиган бўлиб қолди. Отряд қўмондонликдан Смоленская станицасининг орқасига ўтиб, Смоленская — Георгий-Афипская — Ново-Дмитриевская — Северская йўлига чиқиш ва учта кўприкни миналаштириш тўғрисида буйруқ олди.

Бу отрядимизнинг мина билан катта қўпорувчилик фаолиятини бошлашдаги биринчи иши эди. Биз унга жуда жиддий тайёргарлик кўрдик: босиб ўтиладиган йўлнинг планларини ишлаб, вазифаларин тақсимлаб чиқдик. Миналаштириш иши Ветлугин командасидаги иккинчи взводга топширилди.

Ҳар бир партизаннинг қандай қуролланганлиги текшириб кўрилгач, йўлга чиқилди. Йўл Крепостной ва Топчиева станицалари орқали Ламбина тогига қараб борардл. Юриш анча оғир эди. Юк халталарининг қайишлари елкани эзарди. Юк ҳам анча-мунча салмоқ-

ли: етти кунга етадиган озиқ-овқат, ҳар бир одамга бир юз йигирма донадан запас ўқ, гранаталар, танкка қарши қўйиладиган минали яшиклар, буларнинг сиртида қуроллардан карабин мильтиқлар, дискали РПД пуллемёт бор эди. Яна сув билан тўлдирилган фляга ҳам олинган эди, албатта.

Одатдагидай, партизанчасига залихирдек тизилиб борардик. Разведкашинг бош қисомини Евгений бошқашиб борди. Йўл энг аввал ўрмон ичидан, Афисс ёнидан ўтарди, кейин қуюқ чангальзор ичидаги ёлғиз оёқ йўлдан юрдик. Оқшомга яқин қандайдир суви қуриб қолган бир ариқчанинг бўйидан чиқиб қолдик. Кўлмак сувли бир ялангликни топдик, ўт ёқмасдан овқатланиб олдик ва тунаб қолиш учун жойларни тўғрилай бошладик.

Уша куни кечқурун ҳамманинг оёғи йўл юришга бутунлаш кўнмаётгандай туюлди, юргиси келмасди. Зирқизирқ оғриб турса ҳам эрталаб яна йўлга тушилди. Энг оғир жанг ҳам бизни шу Ламбина тоғига чиққанимизчалик тинкамизни қуритмаган эди. Топчиева Тирқишлиари — чуқур, қисқа даралардан юрдик. Тошлар, сув тагидаги тўнкалар устидан, йиқилиб тушган дарахт таналари тагидан ўрмалаб ўтдик. Бу воқеаларнинг барчаси, елкамизда оғир юқ қопчиғи бўлгани ҳолда, айланма тепаликлар бағрида юз берарди.

Геня менинг ёнимда борарди. У чарчаганлигидан камгап бўлиб қолди, диққатли юзлари сўлганди — у менга ёрдам қилмоқчи бўлар — гоҳ шохларни бир четга суриб йўлимни очар, гоҳ айланма тепаликларга кўтарилишда қўлини менга узатар эди.

Йўлнинг охирига келиб оёқларгина эмас, ҳатто қўллар ҳам қалтираб-қақшаб бутун бадан зирқираб оғриди. Қисқа дам олиш учун рухсат берилди: тонг эндиғина отиши билан биз яна оёққа турдик.

Ламбина тоғидан секин-аста эҳтиётлик билан тушдик. Душманлар мана шу яқин орада эди. Уннинг устига биз бу ерга биринчи марта келмоқда эдик. Карта ва компасга қараб ўз турган жойимизни аниқлаб олишга тўғри келди. Гоҳ-гоҳ дарахтнинг тепасига чиқиб томонларни аниқлаб олар эдик. Кундуз соат 3 ларда кўпrikка яқин келдик ва буталар тагига ётиб олдик. Қоронғи тушишини кутиш керак.

Ярим кечада миналаштиришга киришилди. Мен бундан безовта бўлганимни эътироф қилишим керак: оғир

йўл юриб шу қадар тинкаси қуриган миначига ишониш қандай бўларкин, деб ўйлардим. Аммо миналаштириш яхши — аниқ, ҳеч қандай шов-шувсиз, тез ўтди. Бунақа нарсаларга жуда қаттиқ турадиган ва синчилаб қарайдиган Ветлугин ҳам миналарни текшириб кўриб, иш «боплаб бажарилган» деб топди. Энди фақат кутиб ётиш ва дам олиш қолганди. Кечакопкоронғи. Биз портлатиладиган жойдан эмаклаб нари кетдик.

Тонг пайтида тош йўлда душман автоматчилари тушган оғир юк машинаси кўринди. Биз ҳаяжонланиб уларни дурбин билан кузатиб турдик. Кузатув пунктидан кўприк яхшигина кўринарди: унинг ёнида эски, эгри-бугри қора қайин дарахти, унинг олди томонида эса тош йўлни беркитиб турувчи бугалар ўсар эди.

Оғир юк машинаси бугалар орқасига яшириди. Бирор минут ўтди шекилли, яша бошқаси яшириди... машиналар кўринмай қолди. Мияга қандай фикрлар келмади дейсиз! Гитлерчилар балки мина қўйилган жойни пайқаб қолишгандир?..

Мана, оғир юк машинаси буталар орасидан тош йўлга чиқди. У кўприк устига етиб борди-ю, алангаси осмонга буралиб чиқди, кўприкнинг бир қисми иккинчи бир томонга учиб тушди. Бир неча секунддан сўнг бизнинг қулоғимизга портлаш ва гумбурлаш овозлари етиб келди.

Хали биринчи портлаган минанинг тутунлари тарқамасдан туриб яна бошқа бир кўприкдан иккинчи машина ҳавога учиб кетди.

Бизга танкларнинг шалдир-шулдир овозини эшиттириб, Смоленская ва Ново-Дмитриевская томонпдан тревога кўтарилиди. Биз шу заҳотиёқ тоққа қараб кетдик.

Ярим соатлар чамаси ўтар-ўтмас учинчи гумбурлаш юз берди. Учинчи кўприкда броневик портлатилди. Тоғ оралаб кучли садо янгради. Гўё тоғ чўйқилари партизанларнинг муваффақияти ҳақидаги ҳайбатли хабарни худди бир-бирларига етказгандай бўлардилар.

* * *

Евгений бир неча кундан кейин, кечаси янги портлагаш ишини ўтагани лагердан чиқди. У билан олти партизан, шу жумладан Геня ҳам бирга борди. Генянинг

кучуги — Дакс унга эргашиб олди. Партизаплар бүгалинга узоқдаги баланд тоғ устидаги тош йўлга қараб жўнади. Бунинг чуқур қоя устидаги осилиб турган айланма тош пештоқи — кўприги бор эди. Разведкага чиқиши арафасида тош йўлдан душманнинг маҳсус тоғ ўқчи қисми ўтиши ҳақида хабар олинди.

Олдинда ака-ука Мартиненко — Сергей ва Даниллар боришар, бу иккиси ҳам хотиржам, қовоғи солингац, камгап, тоғни яхши билган ва уни севган серзавқ овчишлардан эди. Улар кечки пайт гулхан атрофида Геня ва бошқа болаларга овчилик тарихига доир, кишини ҳайратда қолдирадиган анча-мунча нарсаларни ҳикоя қўлиб берарди.

Олдинда қўёшининг биринчи ёғдуларни билан ярқираган улуф тоғ тизмалари кўринди. Туман қоялар устини зангор тутундек қоилаб ётар, пастда эса дарё шовилларди. Сергей Мартиненко бирдан тўхтади, қўлини кўтарди. Партизанлар ерга ётишди. Геня паст овоз билан бақираётгани, олдинга қараб талпинаётган Даксни қийинчилек билан ушлаб турди.

Мартиненко миљтиқни елкага ташлаб олди. Акс садо қайта-қайта ўқ отнганидан дарак берди. Геня қўйиб юборған Дакс ластга қараб чопиб кетди. У ерда, қирққулоқ ва маймунжонлар ўсиб ётган қоялар орасида ёввойи чўчқалар галаси югуриб юрарди. Ёш бир тўнғиз бир оз орқада қолиб чопарди. Унинг кетидан қонли из чўзилиб келарди. Дакс тўнғизига қараб ташланди, гарданига ёпишиб олди. Гўё ирилловчи, бақириувчи, чинқириувчи бир тугун ерда думалаб юргандай бўлди. Яраланган тўнғизнинг оғзидан қонли қўпик отилиб чиқар, аммэ ҳали у кучли ва қутулиб чиқиб кетишига ҳаракат қиласарди. Дакс тўнғизни хиппа бўғиб гарданига тиши-тирноги билан ёпишиб олди. Сергей Мартиненко ўз вактида етиб келди. У жуда тезлик билан пичоқни бандигача тўнғизнинг қўкрагига ботириб санчди. У ёибошнга ағдарилиб тушди ва оёқларини силтади. Зарба бериш мана бунақа бўлади! Овчи партизаннинг қўлига тушиб қолган фашистнинг эсономон қутулиб чиқиб кетиши жуда қийин-да!

— Оббо Дакс-эй! — деди Геня, партизанлардан ҳар бирига навбат билан қараб чиқиб. — Тўнғизига қараб роса ташланганини кўрдигларми?! Баракалла, Дакс!

Ака-ука Мартиненколар жим бўлишар ва тортишиб,

ўзлари одатланиб қолган усталиклари билан қўлга киритилган ўлжанинг терисини шилишарди. Улар ёввойи ҳайвонлар олиб кетмасин деб нимталаңмаган гўштини дарахтнинг тепа жойига осиб қўйишиди. Партизанлар қайтишларида бу гўшти лагерга, завхозни хурсанд қылнш учун олиб кетишади.

Юрган сари йўл яна ҳам қийинлашиб борарди. Сўқмоқ йўл аллақачон орқада қолиб кетган эди. Шохчалар, буталар ва дарахт илдизларига ёпишиб, довонга тиккасига чиқиб боришарди. Ҳар юз метрдан сўнг дам олишга тўғри келарди. Шу қисқагина дам олиш пайтида ҳам Евгений доимо шошилтиради:

— Юринглар, қани ўртоқлар, юринглар!

Довон яқни — қандайдир бир эллик метрча масофа қолганди. Аммо партизанлар бу эллик метрипнг деярли ҳаммасини қия қоялардан тирмасиб юриб, бир соатдан кўпроқ вақт ичида юриб ўтдилар. Ака-ука Мартиненколар шу ерда ҳам олдинда боришарди. Улар кўзга илинар-иличинмас чиқиқ ва дўйгларга ёпишиб кавакларга фин пичоқларини тиқиб, бир-бирларини тортиб, мушукка ўхшаб тошлардан ўрмалааб ўтиб кетишар ва кейин эса қолганларни ҳам арқон билан тортиб олишар эди.

Охири мана кўтарилиш ҳам тугади. Мана довон! Фарби жанубдаги тоғ чўққилари қуёш ёғдусида худди оппоқ қанотдай ялтирашарди. Ўнга қарама-қарши бўлган узоқ-узоқ шимол томонда тутун пардалари билан ўралган жонажон Краснодар кўзга чалинади.

Партизанлар шу ерда, тоғ қиррасида туриб бир қатор узун арқонга боғланишиди. Улар ёмғир ва шамолда сийқаланиб кетган қуп-қуруқ тошлар устидан юриб сеқин-секин довондан ошиб ўтишга ҳаракат қилишди. Улар шу қадар текис ва силлиқ эдики — ҳатто уларда йўсун ўт ҳам ўсматган эди. У тошларнинг ўткир қирралари киши кафтини қирқарди.

Дакс «Фас!» деган команда берилиши биланоқ дарров тиш-тироғигача қуролланган фашистга ташланганди. Яраланган тўнғизга қараб ташланишдан ҳам ҳайиқмади. Аммо ҳозир бу довонда эса кучук бутун турқи билан силлиқ тошлардан сирғаниб ўтолмаслигини билдириб гингшиб, Геняниг оёғи остига ётиб ёлварди.

— Дакс, сен қўрқма! — деб оҳиста ва мулойимгина

қилиб гапирди унга Геня,— қўрқма, сен оҳистагина ўтгина... Менинг учун қўрқинчли эмас, деб ўйлайсанми? Менинг учун ҳам қўрқинчли, аммо лекин мана, мен эмакляпман-ку!

Дакс гуноҳкорларча ўз эгасига қаради ва қорни билан ётиб олиб, уларнинг кетидан секин-аста судралиб эмаклади.

Довон ошиш икки соатча давом этди. Генянинг елкасидаги ҳали яхшигина билиб кетмаган яраси оғриди, портлатувчи мoddа, озиқ-овқат ва патронлар солинган сафар қопчиғининг қайиши баданига бўтарди. Белбогидаги гранаталар ҳам шундай оғир туюларди. Оғзида нам қолмади. Оёқлари оғриди. Аммо у юрпшдан тўхтамади. Ахпр акасидан тоққа олиб кетишниш ўзи сўради-ку. Шунинг учун ҳам Евгений Геняга ҳаяжонланиб қараган вақтда, у ҳали тетнкдай бўлиб кўринишга ҳаракат қилди. Ҳатто илжайиб қўйди.

Тушиш кўтарилиб чиқишидан ҳам қийин бўлди. Яна бунинг устига қоронги туша бошлади — оёқ қўйиб тушадиган жойни пайпаслаб топишарди. Арқон билан сал настроққа тушганларидан сўнг бир оз енгил бўлди. Буталарнинг қаттиқ илдизлари ёрдам берди— тушиш пайтида уларни ушлаб тушиш мумкин эди.

Шундай қилиб, охирида пастга қараб анча текис сўқмоқ йўл бошланди. Яна йўлга чиқишидан олдин бу ерда ярим соат дам олиб олиш мумкин бўлди.

Батамом қоронги тушди. Тоғларни пайпаслаб юриб бўлса ҳам партизанлар кечаси билан юришди. Фақат тонг пайтига яқин улар йўл ёқасига чиқишиди. Ҳали туннинг сояси билан ўралган тизма тоғ ортидан уларга қуёш ўз ёғдусини сочди. Тоғнинг нариги томонидаги овулдан эчкининг маъраши, итнинг вовиллаши эшитилди.

Бир кунча қаерда бўлмасин беркиниб туриш зарур эди. Йўлдан сал нарироқда шохчаларида худди арранинг тишига ўшаган тиканаклари бор чангалзор ўсиб ётарди. Нима ҳам қилардинг. Тўғрисини айтганда, бундан дуруустроқ дам оладиган жойни топиб ҳам бўлмайди! Бундай чангалзорга кавказ овчаркаси бўлганда ҳам юбориш қийин.

Ака-ука Мартиненколар чангалзорни болталар билан кесиб, торгина йўл очишиди, отряд дам олиш учун ётган вақтида эса бу йўлакка кесилган буталарни таш-

лаб қўйишиди. Тиканли чангальзор партизанларни ҳар қандай ҳушёр қоровулдан ҳам дурустроқ асади.

Геня дозорда эди. Ака-ука Мартиненко ва партизанлардан биргина Карпов деган киши разведкага чиқиб кетишиди. Улар кечаси қайтиб келишиди. Евгенийга шундай ахборот берди:

— Кўприк яқин. Унга олиб борадиган йўлнинг ҳеч қандай қийинлик жойи йўқ. Бир чўпонни учратган эдим, у фашистлар подани кеча кўприкдан ўтказишган бўлса ҳам бугун ўтказишмади, дейди. Чўпон бугун бўлмаса эртага кўприкдан каттагина мотомеханикалаштирилган қисм ўтади деб ўйлаяпти. Демак, биз ўз вақтида етиб борибмиз-да!..

Отряд ўзининг тиканли бошпанасидан чиқди. Чуқурликдан туннинг кўм-кўк оқшомида кўприкнинг енгил, оппок, чиройли пештоқи ва тоғ чўққисидаги тош йўлнинг қайрилтаси ғира-шира қўриниб турарди. Кўприкнинг бу томонида ёмғирдан сақланадиган соябон ёнида икки соқчи юришарди. Уларнинг ноаниқ қораларини бир-биридан ажратиш мумкин эди. Соқчилар худди автомат сингари қадам ташлашарди: бир томонга қараб ўн қадам босишка, яна айланиб олиб, орқага қараб яна тўппа-тўғри ўн қадам босишарди.

Кўприкнинг бошқа томонида — қоп-қоронфи, пастак-кина бир ёғоч уй, соқчилар жойлаштирилган маҳсус уй. Қоялар устидаги юксак осмонда юлдузлар порларди. Қоп-қора ўрмон ичкарисидан уккининг қичқириғи эши-тилди. Пастда, пештоқ остида тошларга думалаб шов-кин-сурон билан дарё оқиб ўтарди.

— Карпов ва ака-ука Мартиненколар соқчиларни йўқ қилишсин! — деб буйруқ берди Евгений. — Лекин дўстларим, эҳтиёт бўлинг, кўприкнинг нариги томонидаги соқчи бирон нарсани билиб қолмаслиги учун оқи-лона ҳаракат қилинг. Тушунарлими? Соқчилар билан ишингизни тугатиб бўлгач, иккала Мартиненколар, кўприкни миналаштиришга киришинг. Недрийга, Козмин ва Геня, сенга тош йўлга мина қўйишини буюраман.

Карпов ва ака-ука Мартиненколарнинг қораси жарликлардан қоқилиб-тиқилиб боришиди ва кўприк пештоқи ёнида қотиб қолишиди. Соқчилар соябонларнинг ёнига келишиди. Ака-ука Мартиненколар қўлларидағи пичоқлари билан уларга қараб ташланди. Соқчилар

ҳеч бир овоз чиқармай ерга ағанашди. Сергей ва Данила улар устидаги шинелини ечиб олиб мурдаларини жарликдан дарёга итариб юборишиди.

Мана шундай қилиб Карпов қўлларига ғилтиқ ушлаб олиб, гитлерчилар шинелида пастда олдинга-орқага, олдинга-орқага қараб секин-аста юрмоқда. У иккинчи шинелини соябоннинг якка чўпига осиб қўйди, тунги шабада унинг этагини бир оз силкитиб қўярди. Ака-ука Мартиненколар бошлаб қўпrikкнинг тош ётқизилган жойига ва пастга, пештоқнинг пойдеворига мина қўйишиди.

Евгений қўпrikка ўрмалаб келди: қилинган ишни текшириб қўрди. Миналар тўғри қўйилган эди, ғоят тез ёнувчи шнур билан боғланниб, моҳирона равишда яшириб қўйилган.

Тош йўлга уч мина қўйишиди, тўртинчи энг катта минани йўлнинг энг четки туртиб чиқиб турган жойига қўйишига қарор қилинди. Геня терга тушиб болта билан тошларни кўчиради. Ака-ука Мартиненколар унга ёрдам беришиди. Бир неча дақиқадан сўнг ҳаммаси тайёр бўлди. Партизанлар буталар орасига яшириниб, кейин тезликда ҳамма группа қояга қараб кўтарилишиди. Кундуз куни мана бу ердан тош йўлнинг бурилиш жойи, қўпrik ҳам, соқчиларнинг казармаси ҳам жуда аъло даражада кўриниб турарди.

Пастда, казарма ёнида тонг ёришиши билан соқчиларнинг йўқолганлиги учун тўс-тўполон бошланди. Уларни тош йўлдан, жарлик остидан қидиришиди. Топишолмасликлари турган гап: соқчиларнинг жасадини албатта дарё оқизиб кетган. Охири қидириш тўхтатилди. Соябон ёнида янги соқчилар нари-бери юра бошлади.

Партизанлар қутишар эди... Тош йўлда ҳеч ким йўқ. Лекин мана, қайрилишда бир жуфт қўтос қўшилган арава пайдо бўлди. Қўтослар бошини силкиб, аста-секин Геня мина қўйган жойга яқинлашишиди.

Геня улардан кўзини узмасди. Наҳотки минага тегиб арава портлаб кетса?.. Ахир бу минага партизанлар томонидан шу қадар қийинчилик билан олиб келтирилган толнинг роса ярмиси кетган-ку... Йўқ, афтидан бу хавф-хатар ўтиб кетди, шекилли! Ҳали ҳам қўтослар шотида ўтирган ҳайдовчининг уларни узун шохчалар билан савалаб борганига қарамай, беғамлик ва совуқонлик билан юриб келишарди. Улар қўпrik-

ка чиқишиди ва қайрилишнинг орқа томонига ўтиб ара-ва кўздан фойиб бўлди.

Фақат икки соатдан кейинги тош йўлда кўпдан бери кутиб ётилган сигнал овози келди. Тоғнинг орқасидан душман солдатлари ва офицерлари тушган юк машинасининг колоннаси чиқиб қолди. Мана, бошлаб борувчи машина кўприк устига келди. У ҳозир шу дақиқада ҳавога учиб кетади. Лекин... машина мина устидан ўтиб кетди. Евгений ранги оқарганича, лабини тишлиб ётарди.

Мана бирдан—портлаш юз берди! Бош машинанинг орқа фидираги минани босган эди, тошлар, темирлар, тахталар, фашистлар осмонга учиб кетди. Колонна тўхтаб қолди. Қўпорилган пештоқ олдида машиналар устма-уст келиб урилиб қолишиди. Фақат орқада қолган бир машинагина кўприкка қараб юриб келарди. У тезлик билан юриб келиб, тош йўлдаги дўнгга яқинлашди, уни ошиб ўтди, ошиб ўтди-ю, ер ва тошлар қуюнида ваҳимали овоз билан жарликка учиб тушди. Қоянинг чиқиб турган жойи ва унинг олдидағи йўлнинг майдони ҳам у билан бирга ағанааб кетди.

Машиналар уюлиб ётган ердаги энг сўнгги уч мина портлади. Улар юк машиналарини жарликка отиб юборишиди. Гитлерчилар тош йўлда у ёқдан-бу ёққа югуриб қолишиди. Партизанлар уларни қоядан туриб ўққа тутишди.

Геня пастга, тош йўлга қараб чопди. У тошнинг орқасига яшириниб олиб, яқин масофадан фашистларни отиб турарди. Евгений билан Карпов эса юқоридан—қоядан туриб ҳарбий қисм жойлаштирилган казармадан қочган соқчи аскарларни савашарди. Бир неча дақиқадан сўнг Евгений қайтиш хабарини берди. Ҳамма иш қилинганди эди. Қўшни қишлоқда эса тревога кўтарилиган ва тош йўл ёқасида душман пулемёти савалай бошлаган эди.

Мана, яна довондан ошиб ўтишга, айланма йўллар билан юришга тўғри келди... Тўғри, энди йўл юриш бир оз енгиллашган эди: оғирлик қиласидан тол ва ҳарбий асбоб-анжомлар ўз жойларини топиб қолишиганди.

Евгений бу уруш ҳаракатларидан ҳаяжонланган ҳолда хушчақчақ бўлиб қайтди. Мен уни кўпдан бери бундай аҳволда кўрмаган эдим. Мени елкамдан қучоқлаб олди.

— Орзумиз рўёбга чиқяпти, дадажон!..

У эрталабга яқин температураси ошиб, боши оғриб, касал бўлиб қолди. У дарров ўзини олдириб қўйди, ранги оқариб кетди. Елена Ивановна унга қандайдир бир порошокни зўрлаб ичирди. Аммо уни тўшакда ётишга мажбур қилиб бўлмасди. У онасига:

— Кейинроқ кўпроқ ётиб оларман! Ҳозир ҳеч вақтим йўқ. Ҳозир жуда ҳам ишнинг қизғин пайти!— деганмиш!

* * *

Икки-уч кундан бери тинмай эзиб ёмғир ёғарди. Совуқ, намгарчилик, беҳузур бир кун бўлди. Ҳавони булат қоплади, у тоғ чўққиларига ёпишиб олди. Мана бу — қиши келаётганини дарров эсга туширди!..

Лекин кечга яқин шамол булатларни ҳайдади. Улар ғарбга, дengiz томонга қараб жилди. Тоғ тепасида тиниқ осмоннинг қора дengизга ўшаган кенг доираси очилди. Унинг у ер-бу ерида ёрқин юлдузлар жимирлашарди.

Лагерь ухларди. Қоровуллар буталар орасида қимир этмай ҳушёр туришарди. Тоғдан кечки, ноаниқ овозлар эшитилди. Бу кеча биз барча оила аъзоларизмиз билан бирга йигилган эдик. Маълумки, бундай тўпланиш доимо бўлавермасди. Евгений ҳалигача касали тузалмаган бўлишига қарамай, у ҳам биз билан гапиришиб ўтиришга чиқди. Биз туннинг жимлигига қулоқ солиб узоқ вақт сукут сақлаб ўтирдик. Геня биринчи бўлиб сукунатни бузди:

— Қандай яхши-я!— деди оҳисталик билан. У бoshини қўллари орасига олиб ўтирас, осмонга қарапди.— Қандай жимлик-а! Шунча юлдузлар, юлдузлар... Бундай кечада қанча-қанча орзулар қилиш мумкин, тўғрими Женя?— жавобини кутиб ўтирмай у давом этди:— Мен доимо ҳозир орзу қилиш уят бўлар деб ўйлардим. Бу нимаси — кишилар жанг қилаётган, ҳалок бўлаётган бўлса-ю, сен яна орзу қилсанг?. Кейин қарасам, ҳаммалари ҳам бирор нарсани орзу қилишаркан: Виктор Иванович ҳам, Владимир Николаевич ҳам, Мария ҳам, Павлик ҳам. Яна ҳаммамиз ҳам бир нарса ҳақида: фашистларни тор-мор келтирганимиздан кейин қандай яшашимиз, ишлашимиз ҳақида орзу қиларканмиз. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳамма қанча

кўп орзу қилса, шунча қаҳру ғазаб билан жанг қила-ди! Чунки ҳар бир қиши ҳам ўз орзуси, фақат ғалаба-дан кейин рўёбга чиқишини яхши билади...

Совуқдан жунжиш — Евгенийни қалтиратиб юборди. Геня сакраб ўридан турди-да, команда пункти уйига зинғиллаб бориб, пахталиқ чопон олиб келди, уни акасининг елкасига ташлаб қўйди.

— Раҳмат... Нега жим бўлиб қолдинг? Қани айт-чи, ўзинг нима ҳақида ўйлајпсан?

— Женя, менинг худди сенга ўхшаган конструктор-инженер бўлгим келяпти. Ҳамма нарсани билгим, ҳам-ма нарсани қилгим келади. Ана ўшанда... — у жим бў-либ қолди.

— Ана ўшанда нима бўлади? — деб сўради Евгений.

— Ушанда... сен кулмай тур-чи!.. Мен бир машина конструкцияси устида ишлай бошлайман. Мен ҳамма жойда юра оладиган машина ихтиро қиласман!

У жим бўлиб қолди, қоронғида акасининг юзига қаради ва унинг меҳрибонона диққат билан унга қара-ётганини кўриб тез-тез ва эътибор бериб гапира бошлади.

— Ҳамма жойда юра оладиган машина, кўринишидан катта авиация бомбасига ўхшаган бўлади. Ҳа... бундай... юрганда ҳавонинг қаршилигига камроқ учрайдиган шаклда ясалади.

У пўлатдан ва синмайдиган ойнадан қурилади. Ҳамма жойда юра оладиган бу машинанинг ғилдира-ги, худди бомбардимончи самолётларники сингари ав-томатик тарзда кузовига йифилади. Керак бўлиб қол-ган пайтда ундан қанотлар ёзилиб чиқади. У ерда худди автомашина, сувда эса сув ости кемаси, ҳавода худди самолёт каби учади. Лекин бундан ташқари, Женя, энг муҳими шуки, ҳамма жойда юра оладиган бу машина ер остида ҳам юра олиши мумкин!

— Сен қандай қилиб бунга эришмоқчисан? — деб сўради қизиқиб Евгений.

— Ҳа, бу нима бўпти?.. Менинча бунинг ҳеч қан-дай ҳайратланадиган ери йўқ, — деб ишонч билан таъ-киллади Геня, — ахир, Москва метро қурувчиларида ҳам ерга тишлишиб кирадиган қалқон бор-ку. Ҳа, пар-малаб кавлайдиган машиналар-чи? Нима учун олдида айланиб турадиган, бурғули, ҳамма жойда юра олади-гап машинанинг бўлиши мумкин эмас? Ҳўш, сен нима

деб ўйлайсан? Бўлиши мумкинми, йўқми? Менинг ҳамма жойда юра оладиган машинамда йўғон, синмайдиган ойнадан қилинган дераза бўлади. Дераза тепасида пројектор туради. Мен ернинг остига тушаман-да, у ерда дераза олдида ўтириб олиб, тошкўмир конлари-ни, темир маъданларини, мис, кумуш, олтин маъданларини — ернинг барча хазинасини кўраман! Ер ости харитасини тузиш мумкин. Ватанимизнинг қандай бадавлат, қандай қудратли бўлиб қолишини бир ўйласанг! Тоғдаги кишилар ер ости бойликлари харитасини қўлланма қилиб кўмири, темир, олтин, кумушларни қўлга киритадилар. Жуда ҳам ажойиб бўлади, тўғрими?

— Жуда ҳам ажойиб! — деб очилиб, севинч билан жавоб берди Евгений. — Сенинг ҳамма жойда юра оладиган машинанг менга жуда ҳам ёқиб қолди! Ҳа, машина деб мана буни айтса бўлади. Бу ҳар қандай бир танкеткадан минг марта яхши... — у жим бўлиб қолди. Бир оз ўйлаб олгандан сўнг яна гапирди: — Геня, мен ҳам орзу қиламан. Ғалабани, бутун дунёда фашизм устидан ғалаба қозонишини орзу қиламан. Шундай ғалаба ҳақида, бундан кейин бутун дунёда уруш олови чиқмайдиган ғалаба ҳақида ўйлайман. Мен ҳар бир одам қора, оқ, сариқ баданли ҳар бир инсон ўзига ва болаларига ҳеч қандай хавф-хатар қолмаганлигини, одамсизмон ҳайвон қириб юборилганлигини ва энди ҳеч қаҷон, ҳеч қандай уйга бомба тушмайдиганлигини билиш вақтининг келишини орзу қиламан!..

Евгений қўлини Генянинг елкасига қўйди. — Биз ғалаба қозонганимиздан сўнг Краснодарга қайтиб кетамиз. Мени Маша, Инночкалар кутиб олишади. Яна комбичатга кириб ишлайман. Менинг ўйлаб қўйган анча ниятларим бор... Биз ишлаб, тинч ҳаёт қуриб олсак, бу ёғи яхши бўлади!..

Уларнинг гапларидан ҳаяжонланган Елена Ивановна ўғилларини бағрига босди.

— Онажон, ахир сиз ҳам орзу қиласиз-ку? — деб сўради Геня.

— Мен сенинг ҳамма ерда юра оладиган машинангда Невъянский, Волга, Дон устидан учиб ўтамиз деб орзу қиляпман ва мен қайтадан яна бир марта бутун ҳаётимни ёдимга тушираман... Кейин эса, Краснодарда кампир бўлиб яшаб, набираларим Инночка ва сенинг болаларингга қараб юрарман, Геня.

— Нима учун фақат бизникинигина, ҳа, Валентинники-чи?

Елена Ивановна бошини қуи солиб жим бўлиб қолди. Ҳаммамиз ҳам қандайдир ноқулай бир ҳолатда қолган эдик. Геня беихтиёр шиддат билан онасининг бағрига сўқилди.

— Валентиннинг болаларига қарай ололмасам ке-рак,— деб оҳиста гапирди онаси. Валямиз ҳалок бўлди...

Шундай қилиб, у шунча узоқ вақтдан бери юрагида сир тутиб келган Валентиннинг Қримдаги ҳало-катини ҳикоя қилиб берди. Биз бу дилхаста, қайғули хабарни эшитиб жим бўлиб қолдик.

— Нима учун, хўш нима учун, сиз буни биздан яширдингиз?— деб сўради Евгений.— Нима учун ўша замоноқ айтмадингиз?

— Эҳтимол, мен нотўғри иш қилгандирман... Валентиннинг ўлими сизларни қувватингизга путур етказади, деб қўрққан эдим.

Евгений шиддат билан келиб онасининг қўлини ўпди.

— Онажон, бизни ҳимоячиларингиз деб биладиган вақт келди,— деди у.— Фақатгина мен эмас, балки Геня ҳам энди чинакам эр йигитлардан. Сиз эса бутун қайғу, оғирликни биргина ўзингизга ағдариб олибсиз!

Геня юзини қўллари билан беркитиб, ҳеч бир қимирламасдан ўтиарди. Бошқа ҳеч бир нарса тўғрисида гаплаша олмадик. Шу ўтирганимизча анчагача ёнмаён ўтиридик...

* * *

Елена Ивановна дарров уйқуга кетди. Менинг ҳеч уйқум келмасди: Ҳаёлимдан отряд ишлари ўтарди. Үғиллар жимжит ётишар ва менга ухлаб қолгандай кўринишарди. Аммо мана Геня тўлғана бошлади.

— Сен ухлаётганинг йўқми, Женя?— деб сўради у бўғиқ овоз билан.

— Йўқ...

Улар бир кун кечаси ҳам шундай бир пичирлашиб олишувди. Бу бундан анча вақт илгари, биз биринчи операцияни ўтказганимиздан сўнг бўлган эди.

— Биласанми Женя, мен сенга бир нарсани таклиф қилмоқчиман?

— Гапларингни эшитяпман, фақат секинроқ гапир!

— Женя, иккинчи разведкага бора кўрма! Сенинг ўрнингга мен бораман.

— Нима учун?

— Сен эса лойиҳаламоқчи бўлган минанг устида ишла. Мунтазам ишла! Мина бизга жуда ҳам зарур!.. Сен бўлсанг ҳеч қолмасдан разведкага чиқаверасан. Буни лойиҳалаш керак-да ахир...

Евгений жим бўлиб қолди. Кейин деди:

— Яхши. Мен бу ишни уддаламагунимча ҳеч қаёқ-қа бормайман...

Ҳамма бўлган гап мана шу эди. Бу ерда на «она» ва «Валентин» деган гап тилга олинмасди. Аммо ака-укалар ҳалок бўлган қариндошлари учун қасос олишга аҳд қилдилар.

11. 10 Октябрга ўтар кечаси...

Тунда ака-укалар лойиҳалаштириш ҳақида гаплашиб олишган мина кейинчароқ отрядимизда «Бўри бомба» деган ном олди. Ким уни шундай деб атаганини ҳозир эслай олмайман. Евгений, унинг дўсти Геронтий Николаевич Ветлугин ва отрядда мина ишини энг яхши билувчилардан Кириченко ва Еременколар қуюқ мажнунтол дарахти тагида ўтириб бир неча кунлаб чертёж ҳамда ҳисобни текширилар. Дакс ҳамиша Евгенийнинг ёнила, олдинги узатилган оёғига жағини қўйиб ётарди. У зийрак кўзлари билан Евгенийга қарап ва дўстларнинг қизғин тортишувида лол бўлиб иштирок этгандай бўларди. Тортишувлар эса ҳақиқатан ҳам қизғин ўтарди. Ахир, ҳаммасини ҳисобга олиш, ҳаммасини олдидан кўриб қўйиш керак эди: юкнинг оғирлиги темир йўл изига паровоз фиддираги орқали қай босимда тушади, тебраниш қонунлари, паровоз фиддирагининг темир йўл изига тегишиб ишқаланиши ва мина зарядидан темир йўл изи пойдевори ўргасидаги халқоб бўлиб қолган сувгача ҳисобга олиниши керак эди-да!

Кўк майсага ёзилган чодир устида ўқувчилар дафтаридан йиртиб олинган бир варақ қофозга шошилиб чизилган схема, мураккаб техника ҳисоблари ётарди. Шу пайт миначилар томонидан келаётган товушларни эшитиб, беихтиёр илмий текшириш институтида, инженерларнинг техника йиғилиши ўтятти деб ўйлади, қиши. Геня бўш вақтларида акаси ва миначиларнинг

ишларини кузатиб борар ва ўзи бу ишни билмагани учун ич-ичидан ачинар эди.

Ниҳоят мина ясаш режаси ҳам бўлди. Бу — темир йўлдаги поездларни портлатиш учун мўлжалланган қудратли, мукаммаллаштирилган маҳсус мина бўлиб, бу тол ва танкага қарши отадиган гранатани моҳирлик билан бир-бирига мослаштиришдан ясалган эди. Унга ҳеч нарса, на чизимча, на ип боғланади, уни миначилар эмас, балки паровоз ўз оғирлиги билан портлатади.

Конструкторлар ҳисобича, гитлерчиларнинг одат бўйича йўлга чиқишдан илгари темир йўл изларини текширишга юборадиган тўрт ғилдиракли машинаси мина устидан бемалол ўтиши мумкин эди. Мина тузилишининг ҳамма сири темир йўл излари орқали паровознинг мина зарядига берадиган оғирлигининг аниқ ҳисобида эди.

Евгений Ветлугин билан биргаликда ҳар бир схема ва ҳар бир мўлжал — ҳисобни эзмаланиб, қайта-қайта текшириб чиқишарди. Ҳаммаси тўғри эди. Аммо бу ҳали назария; минани эса тажрибада синааб кўриш зарур эди. Буни синаш вақти-соати ҳам бирдан етиб кела кольди.

Краснодардаги жасур яширин ташкилотчилар алоқачилар орқали қора денизга ёриб ўтиш учун фашистлар сафига янги кучлар келиб қўшилгани ҳақида отрядимизга хабар бердилар. Кейин бизнинг разведкачиларимиз ҳам, гитлерчилар Георгий-Афипская билан Новороссийск станциялари орасидаги темир йўлда қатновни қайта бошлаб юбордилар, деган хабарни олиб келдилар. Георгий-Афипскаядаги босқинчилар бўш вагонлар ва паровозларни олиб кетди. Бу ерга Краснодардан аскарлар ва қурол-яроғ ортилган машиналар колоннаси келди. Фашистларнинг катта ҳужумга тайёрланётганликлари аниқ эди. Улар ҳозирнинг ўзида аскарларини Новороссийск остооналарига ташлаш арафасида туради. Энг муҳими шуки, нима қилиб бўлса ҳам босқинчилар планини барбод қилиш керак! Буни эса, биз партизанлар бажаришимиз лозим эди!

Биз қўмондонликка Георгий-Афипская — Северская участкасидаги поездларни портлатиш учун рухсат сўраб хат юбордик. Шундай портлатиш йўли билан вақтинча бўлса ҳам гитлерчиларнинг Новороссийскка ўтиш йўлини томомила тўсиб, беркитиб қўйиш мумкин

эди. Биз сабрсизлик билан жавоб кутардик. Айниқса Евгений кўп ҳаяжонланган эди. У бу навбати янги «Бўри бомба»—автоматик мина билан ўтказишимиз мўлжалланган бу операция отрядимизнинг келажакдаги бутун ишини аниқлаб, белгилаб беришни ўйларди. Шундан кейин темир йўлларда портлатиш ишлари отряднинг асосий касби-кори бўлиб қолди. Кейин бора-бора теварак-атрофдаги партизанлар учун отрядда «миначилик вузи» ташкил этилади.

Евгений биринчи минани ўзи қўйишини ва фашист поездининг қандай қилиб Кубанда биринчи марта кули кўкка совурилишини кўришни орзу қиласарди. У касалдан турганидан ҳали ўзини анча қувватсиз сезарди. Лекин шундай бўлишига қарамай, уни операцияларга қатнашишидан ҳеч қандай нарса тўхтатиб қола олмаслигини биз яхши билардик.

* * *

Ниҳоят 5 октябрда темир йўлни портлатиш учун рухсат олинди. Ҳамма нарса тайёр: «Бўри бомба» ло-йиҳасининг тўғрилиги яна қайтадан текшириб кўрилиб, вазифалар олдиндан тўғри тақсимлаб қўйилган эди. Уша куни ярим кечада биз — миначилар отряди йўлга чиқдик.

Биз ўн тўрт киши эдик. Албатта Евгений ҳам бор эди. Шундан бир кун олдин Геня бир тахта тунука олиб, қишики печка қуриб бергани Планческийга жетганди. Евгений иккимиз унинг биз билан бирга бормаганига қувондик: операция хавфли эди. Бизнинг қаерга ва қандай мақсадда кетаётганимизни лагерда ҳеч ким билмас: бўлажак операциялар ҳақида бизда умуман ортиқча гап-сўзлар қилинмас эди.

Тун бўйи депсалган, эзғиланган таниш йўлдан юрдик. Евгений аравада келди. Унинг ранги оқарган, озғин, пастки қовоқлари кўкариб кетганди. Уша куни кечаси унинг иситмаси кўтарилиган бўлса эҳтимол.

— Геронтий! — деб чақирди у аравадан туриб Ветлугинни, — қани бу ёққа кел-чи, кел, мана бу ерга ўтири!..

Шундай қилиб яна уларнинг ўша мина ҳақидаги паст овоз билан гапириладиган мажлислари бошланди.

Зим-зиё тун. Чурқ этмай йўл босардик. Фақат отлар гоҳ-гоҳ пишқириб кишиншар, қайрилишга келганда эса Евгенийнинг узун араваси гижирлаб кетарди. Шунда орқадан қандайдир бир ҳаракат овозлари, бўғиқ чақириқ эшитилди. Қоронғида тез-тез ва енгил қадам ташлашарди... Кутимаганда ёнимда Геня пайдо бўлди. У оғир нафас олар, ярим йўлгача чопиб келгани билиниб турар эди.

— Дадажон... нима учун мени ўзингиз билан бирга олиб кетмадингиз!.. Биз ахир Женя билан ҳамма операцияларга бирга борамиз,— деб аҳдлашиб қўйғанмиз. Мен отрядга жанг қилиш учун келганиман, ахир...

Ҳаяжондан унинг овози тинди, у жим бўлиб қолди. Унинг юрагини қандай сезгилар қоплаганини мен жуда яхши тушунардим. Шундай дақиқада тартиб-интизом ҳақида совуқ ва қаттиқ бир огоҳлантириш эшитишдан у жуда қўрқарди! Унинг бу ерда тўсатдан пайдо бўлиб қолиши тартиб-интизомнинг очиқдан-очиқ бузилиши-ку. Бунинг устига яна у, устки кир кийими билан, орқага осиб юриладиган халтачасиз келяпти — бизда операцияга шу ҳолатда чиқиш рухсат этилмаган эди. Аммо биз кетаётган операция алоҳида—бизнинг биринчи марта темир йўлда ўтказадиган портлатишмиз эди. Ака-укаларнинг сўнгги кечадаги гаплари менинг эсимга тушди... Геня менга жиддий илтимос назари билан қаради. У елкасига онасининг карабин милтигини осиб олганди. Ҳақиқатан ҳам у, бу тоғ этакларига жанг қилгани келган эди. Хўш, айтинг-чи, мен унга нима дейишим керак эди?

— Яхши бўпти, қани, бизлар билан бирга юрақол!— дедим.

Шундай қилиб, тезда бир томонга қараб қадам ташлади. Қоронғига кириб ғойиб бўлди — у одамларнинг энг кетига бориб қўшилган эди.

Крепостнойнинг пастки қисмидаги Красно хуторида биринчи тўхташ жойимиз тайин қилинган эди. Қундузи биз йўлда очиқ ҳаракат қила олмас эдик. Қоровуллар қўйиб, ухлашга ётдик. Биргина Ветлугин шошилиб автомобиль миналарига яшиклар тайёрлашни тугатиш учун ухламасди. Бу миналар ҳам бир янгилик эди. Уларнинг тузилиши асосан темир йўл миналари тузилишига ўхшаб кетарди: мина устидан дехқонларнинг араваси бемалол ўтаверади, агар оғир юқ машинаси ўтадиган

бўлса-чи, у вақтда портлайди. Хўш, энг муҳими — мина қидирувчи бу минани топа олмасди: у ёғоч ва толдан ясалган бўлиб, унга бир грамм ҳам металл аралашмаган эди.

Биз аравада олиб келинган, ғамланган озиқ-овқатларни, патронлар, гранаталар, мина каби нарсаларнинг ҳаммасини ярим кечада юк қопчиқларимизга тақсим қилиб чиқдик. Ҳар бир кишига ўттиз килограммчадан юк тўғри келди. Кечаси йўлга тушдик. Яна ҳаво айнаб қолди. Булулгар худди бошинг устида осилиб тургандай. Ёмғир қўйиб берди. У ҳазонлар устига тушиб шилдирап, қўзга урарди. Биз ёмғир ўтмайдиган плашларга ўралиб олиб, занжир шаклида кетма-кет илгари-лаб борардик. Мен Генянинг орқасидан кетардим. Унинг ранги очиқ газмолдан нари-бери тикилган қопчиғи кўз илгамас қоронғиликда кетишимизда менинг учун ягона мўлжал — нишон бўлиб борарди.

Секин, эҳтиётлиқ билан жилар эдик. Душманни издан чалғитиш учун йўлни орқамизга юриб кесиб ўтдик. Темир йўл изи ёнидан айниқса жуда эҳтиёткорлик билан ўтдик. Кўпприк устидаги фашист қоровуллари чўлни ракета отиб ҳаддан ташқари ёритиб юборди.

Ҳар беш-олти километр йўл босиб, сўнгра тўхтаб дам олардик. Қопчиқларни ечиб қўйиб, шишган оёқларни унинг устига қўйиб ўтиришардик. Ўн минутча ётишардик-да, ёмғир, лой, шамолда баланд-пастлик, жарлик, тиканзор буталари оралаб, елкада оғир қоп билан автомат ва бешотар, танкка қарши отиладиган гранаталарни осилтириб яна йўлга чиқардик. Геня менга доимо диққат-эътибор билан қарапдп. Аммо ўша кечаси айниқса жуда ҳам меҳрибонлик қилди: тўхтаб дам олган вақтларда халтасини бериб турди, юк кўтарадиган қайишларни сириб тўғрилади, баландликнинг айланма ерларидан ўтишда қўлини узатиб ёрдамлашди.

Эрталабга яқин Коваленков деган хоторга етиб келдик. Ҳамма, айниқса касал Евгений ҳаддан ташқари толикқан эди. Бундан кейин яна шу аҳволда йўлни давом эттириш ҳеч бир мумкин эмас эди. Тўхтаб тувзуккина бир ухлаб олишга қарор қилдик. Дозорлар қўйилиб ўсиб ётган буталар орасига ёнбошладик. Ёлғиз ётганингда жуда совуқ ейсан киши. Ҳаммамиз бир ерга гужанак бўлиб, ўз иссиғимиз билан бир-биримизни иси-

тиб, устимизга ниқоб — халта ёпиб ётдик. Менинг иккни томонимда икки ўғлим ётарди. Геня бўлса худди ўша бўлалигидагидек бўйнимдан қучоқлади-ю, дарров уйқуга кетди.

Чарчаган партизанлар ухлаб қолиши. Фақат навбатчиларгина алмашиниб овоз чиқармасдан дозорликка ўрмалаб кетишарди. Евгений бўлса дозорларни текшириб қўйиш учун вақт-бевақт ўрнидан турарди. Геня ҳам ҳар гал уйғонар, нотинч бўлиб акасининг кетидан кузатар, унинг бу ишида ўрнини боса олмасми-канман деб ачинарди.

Тонг ёришиб кетди, аммо тоғни ҳали туман қоплаб ётарди. Тўсатдан узундан-узоқ автомат отишмаси эши-тилгандай бўлди. Унга жавобан иккинчи, учинчиси ҳам отилди...

Биз буталар орасида қимир этмай жангга тахт бўлиб ётардик. Лекин тездан разведкачимиз: ҳамма ёқ жимжитлик, осойишта, булар хутордан чиқиб бемаъни-гарчилик қилиб, ўзларини ҳар томонга уриб ботирлик қилаётган фашистларнинг иши, деган хабарни келтириди.

Биз бутун куни билан буталар орасида кузатиб ётдик. Яна қоронғи тушди. Биз қўшни ариқдан флягалиарга сув тўлдириб буталар орасидан чиқдик. Чунки бир жойда кўп туриб қолиш хавфли бўларди. Изларни ҷалкаштириб юбориш учун ҳаракат қилиб, тиканли тоғолчалари ичидан ўтдик. Убинка дарёчасини бир қанча марта кечиб ўтдик. Қейин эса тонг ёришгунча у қадар катта бўлмаган, сийраккина ўрмончага яшириндик.

Эрталаб дозорлар қўйиб, ухлаш учун ётдик. Фақат Евгенийгина дам олишдан бош тортиди. У разведкага чиқажаклигини айтди. Кўзлари ич-ичига кириб, икки юзи бўртиб кетибди, иссифи бор эди. Ветлугин ва Янукевич бизнинг ҳаммамиздан ҳам кўра, у дам олиши кераклигини ўзига уқтироқчи бўлиб кўрди. Евгений уларнинг барча эътирозларини эшилди, ҳар галгидай хушчақчақ кулиб қўйди-да, қейин ҳеч қачон ўзимни ҳозиргидай бардам ва бақувват сезмаганман, деб жавоб берди. Талашиб-тортишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Бирон ишни ўйлаб, ўша ишни охирига етказмагунча у ўша иш билан куйиб-пишиб юраверарди. Геня Евгений билан кетди, чунки ўз ўрталарида шартлари бор эди-да!

Бу разведканинг жуда ҳам қийинлиги маълум бўлиб қолди. Ака-укалар соатлаб тош йўлни, кўчани, темир йўл изини кузатиб буталар орасида чуқурликка яшириниб ётишди. Ҳаммасини — қоровулларнинг қандай қилиб ва қачон навбат алмашинишини, дозорлар қанча вақтда юриб-туришини, поездларнинг қачон келиши ва йўлдаги автомашиналар ҳаракати каби нарсаларнинг ҳаммасини билиш керак эди. Улар Георгий-Афипская станицасига етиб ҳам келишди. Эрта тонг пайтида Новороссийскка оғир юкли ҳарбий эшелон жўнашини билдиб олишди.

Ўша 9 октябрь куни кечқурун Евгений менга барча кузатишлар тамом бўлганлиги ҳақида ахборот берди. Унинг фикрича, яхшиси, поездни Георгий-Афипскаядан тўрт километрча бери ўтиши билан портлатиш керак. Чунки у ерда темир йўл излари, тош йўл ва эски йўллар бир-бираига яқин турарди.

Ҳамма дадилланиб кетди. Мўлжал яқин эди! Биз ярим кечада темир йўл изига яқин бориб, миналаштиришни тезда тамомлаймиз-у, эрталабга қадар тоғ томонга чиқиб кетишга улгура оламиз. Партизанлар ҳал қилувчи жанг олдида тургандай ўзларини тетик сезиб, темир йўл изи томон оҳиста жўнашди.

* * *

Аёзли кеча эди.

Ўрмондан чиқдик. Евгений бошлиқ разведкамиз илгарила бормоқда, Теварак-атрофида дозорлар. Орқада ҳимоячилар, олдимизда эса яп-яланточ, ноқулай бир дала ястаниб ётибди. Унинг нарисида ғира-шира қоронғида зўрга ажратиб бўладиган темир йўл изи қора лентага ўхшаб чўзилиб кетган. Йўлнинг ён-верида баланд тераклар бор. Темир йўл изи орқасида — тош йўл ва арава йўллар...

Бирдан қоп-қоронғи осмонда Георгий-Афипская станицаси томонида, ундан сўнг бу ердан узокроқ Северская станицаси устида бирдан оппоқ шуъла ёнди-ю, бир зумда сўнди. Кейин кўк нур ҳамма ёқни ёритди. Унинг кетидан қизил... Аланглар гоҳ ўчиб қолар, гоҳ яна ёнарди. Бу паст, қоп-қронғи осмонни ялтиғ каби ёритиб юборган, тез-тез бўлаётган ранг-баранг портлашлардан қандайдир хунук бир ҳол содир бўлганлиги сезилиб турарди.

Ёруғлик телеграфи ишларди. Аммо биз фашистларнинг нур воситаси билан қандай хабарлар берадиганини қаёқдан биламиз.

— Бу қанақаси бўлди? — деб оҳисталик билан сўради Геня.

Унга ҳеч ким жавоб қайтармади.

Ранг-баранг аланганинг сирли, овозсиз ўйини ўн беш минутларча давом этди. Бутун шу ўн беш минут вақт ичиди биз қимир этмай жимгина осмонга қараб тикилиб турдик. Лекин бирдан телеграф ишлашдан тўхтади ва ҳамма ёқни қоронгилик босди.

— Шошилиш керак! — деди менга Евгений секингина,

Унинг овозида одатдан ташқари хавотирлик сезилди. Бу хавотирлик беихтиёр менга ҳам ўтди.

Разведка олға юрди ва гўё қулоқ тун қаърига кириб йўқолгандай бўлди. Темир йўл изида қурбақанинг вақиллагани эштилди. Евгений бу билан йўл очиқ — сўқмоқ йўлдаги душман миналари олиб ташланди, деган ишорани билдири. Разведкачиларнинг кетидан партизанлар тиканли ғовлар тагидан бирма-бир судралиб эмаклашди ва темир йўл изига чиқиб олишди.

Мен темир йўл кўтармасига яқинлашганимизда сарриқ чиганоқлар сочилгани ва у гўё «арча» қилиб ясатилганини кўриб ҳайрон қолганимни эслайман. Бизнинг қолдирган кичик бир изимиз ҳам тунда айланиб юрувчи қоровулларга темир йўл изида кимнингдир бўлганидан дарак берарди. Шунинг учун биз биринчи партизанни темир йўл изининг четидан шпалга қўлимида кўтариб чиқардик. Униси бўлса, бошқасини ўз қўли билан тортиб олди. Ҳар ким ҳам сепиб қўйилган қўмларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилиб, астасекин кўтарилаарди. Пастга ҳам худди шу усулда тушилди.

Ҳимоячилар группаси буталар орасига жойлашди. Дозорлар ўз жойларини эгалладилар. Миначилар ишга киришиб кетишиди. Биз бир соат ичиди ишни саранжом қилишимиз керак эди.

Темир йўл изини Евгений билан Криченко миналаштириди. «Бўри бомба»ни Евгенийнинг ўзи кўмгиси келарди.

Геня, Янукевич икковлари бирликда темир йўл билан ёнма-ён кетган тош йўлда фин пичоғи билан чуқур қазидилар. Қазиган тупроқларини Геня ерга ёзиб қўйади.

йилган пахталик курткага, ундан ҳам ортганини эса шапкасига солиб олиб кетди ва буталар орасига сочиб юборди. Үғлимнинг Янукевич қархисида унга мина яшигини узатиб тургани ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. У минани портлатувчи модда билан тўлдирдида, чуқурга оҳиста туширди ва эҳтиёткорлик билан чуқурнинг устини ёпди. Кейин Геня карабинни елкага ташлаб, тош йўлда хушчақчақ, серғайрат бўлиб Янукевичнинг топширигини бажариб юрди. Мана у менинг ёнимдан Евгений ишлаб турган темир йўл изи томонга чопиб кета туриб бир дақиқача тўхтади-да:

— Сиз совуқ еганингиз йўқми, дада? Эҳтиёт бўлинг, шамоллаб қолманг тағин!— деди менга.

Темир йўл излари туташган кўтарма тагида аллақачонлар чуқур кавланган ва унинг ичига танкка қарши отиладиган иккита граната кўмилган эди. Гранаталар билан бир қаторда темир йўл шпали тагида портлатувчи қутичалар ётарди. Евгений кўтарманинг устки қисмини беркитди, у ёқ-бу ёғини текислади ва «арча»га ўхшатиб қўйди. Мина кўмиб бўлинди. Фақат унинг предохранитель шпилкасини суғуриб олишгина қолди. Буни мина иши билан шуғулланувчилардан бирортаси, барча киши чўл томонга нарироқ бориб тургандагина бажариши керак эди. Евгений шошилиб текислаб қўйилган тош йўлга қараб югуриб қолди.

Мен тош йўлдаги ишнинг қаҷон тамом бўлишини кутиб ўтирадим. Иш ҳозирча мўлжалдагидай борарди. Биз темир йўл билан тош йўл ўртасидаги эски йўлни миналаштирмасликка қарор қилдик. Унинг шу қадар дабдаласи чиқиб кетган эдики, ҳатто фашистлар ҳам ундан фойдалана олмаган эдилар.

Мен «Тош йўлни миналаштиришни тутатамиз-у, сўнг тоққа, ўз уйимизга қайтамиз» деб ўйлаган эдим.

Атроф жимжит. Тераклар темир йўл кўтармаси бўйида қора ҳайкалдай қотиб турарди. Штирлаш овозлари эшитилди — Геня тош йўлдан олиб чиқилган ортиқча тупроқларни буталар орасига тўкаётган эди.

Бу нима?.. Бирданига Георгий-Ағифская томонидан тунда зўрға эшитиладиган овоз пайдо бўлиб қолди. У борган сари қаттиқроқ ва яна қаттиқроқ эшитиларди. Балки бомба ташлаш учун самолёт учиб кетаётгандир?.. Йўқ, бу самолёт эмас, шовқин эди: бир хилда

кучайиб бораётган шовқин эди. Дақиқа сари кучли әши-тила борарди. Поездмикан?.. Аммо поезд фақат әрталаб ўтиши керак эди-ку!

Ха, поезд бўлиб чиқди. У қайрилишдан кўринди. Жадаллик билан қиялик бўйлаб оғир вагонли поезд келарди. Мана шунинг учун ҳам телеграф Георгий-Афипскаядан Северскаяга ранг-баранг аллангалар билан шу ҳақда хабар берган экан! Фашистлар поездни эрта-лаб эмас, балки тунда юборишибди!.. Кейинчалик биз фронтда аҳволнинг оғирлашганини ва шунинг учун фашистлар ўз резервларини олдинроқ юборганликла-рини билдик.

Мана, яна поезднинг келаётганн озлик қилгандай, дабдаласи чиқсан эски йўлдан душманнинг броневиклари, тош йўлдан эса оғир автомашиналари учиб келарди.

Бир дақиқа ҳам вақтни бекорга кеткизмай маълум бир қарорга келиш лозим эди. Ҳозироқ, тезда тоққа чиқиб кетиш керак! Аммо темир йўл изидаги «Бўри бомба»дан предохранитель шпилькаси ҳали тортиб олинмаган эди. Эски йўл ҳам миналаштирилмаган эди! Поезд мина устидан ҳеч бир зарар кўрмай ўтиб кетади. Қийинлик билан бўлса ҳам броневиклар эски йўлдан ўтиб кета олади. Миналаштирилган тош йўлдан бораётган автомашиналарнингни кули кўкка соврилиши мумкин.

Ҳеч шубҳа йўқки, бир полкка яқин автоматчи -- эсесчилар билан тўлган поезд таққа тўхтайди. Броневиклар ҳам тўхтайди. Ёритувчи ракеталар отилади. Бизни кўришади — бекинадиган жойимиз эса йўқ, кўришади-ю, осонгина отишади қўяди... Лекин бизнинг учун қўрқинч туғдираётган нарса бу нарса эмас эди. Қўрқинч туғдираётган нарса — қўмондонлигимизнинг буйругини бажара олмаётганимиз, душманнинг тўсатдан фронтга бостириб кириб бораётганини тўхтата олмаётганимиз эди. Бизнинг Қизил Армияга ёрдам бера олмаётганимиз оғир эди...

Ана шу фикрларнинг ҳаммаси бир-бир хаёлдан ўтди. Поезднинг шовқини эса боргани сари яқинлашар, кучая борар эди. Евгений ва Геня менинг ёнимдан югуришиб ўтиб кетди. Улар шошилиб тош йўлнинг тагига қўйилган иккита энг сўнгги минани яшириш билан овора бўлаётган Янукевичга ташланишди, улар миналарни ердан олишди ва эски йўлга, келаётган броневикка қа-

раб чопишиди. Улар бир минани йўлнинг ўнг томонига, бошқасини чап томонига қўйишиди ва ўсиб кетган тоголча дараҳтини айланиб ўтиб темир йўл изи томонга чопиб кетишиди...

Паровоз жуда ҳам яқинлашиб қолган эди. Тагидан аланга чиқаётгани қоронғида кўриниб турарди. Оппоқ буғнинг тўпланиб ҳуштак чалиши, гилдиракларининг бир мейрдаги тақиљлаши эшишилди. Евгений билан Геня поезд келаётган томонга қараб югуришиди. Юлдузларнинг хира нури остида уларнинг белларидан танкка қарши отадиган гранаталарни юлиб олгани ва унинг ичига портлатувчилар солиб қўйишигани кўриниб турарди.

— Улар нима қилишяпти-а?.. деб қичқирди қулоғиминг тагига келиб Ветлугин.— Жинни бўлишдими? Уларни тўхтатинг!

Паровоз мина қўйилган жойдан бир неча ўн метр нарида эди. Шундай шошилинч бир вақтда яна шундай қоронғиликда темир йўл излари тагига қўйилган мина-даги зинғирча шпилькани қаердан топиб бўларди! Шундан кейин ака-укалар ҳозирги ҳолатда шундай иш қилишга — танкка қарши отадиган граната билан минани портлатиш ва поезднинг кулини кўкка совиришга қарор қилдилар.

Улар шу дақиқада бу иш уларнинг ўзлари учун фалокат келтиражагини ҳаёлларига келтиришганмикан? Мен ишониб айта оламанки, тушунишган. Тушунмасликлари мумкин эмас эди!.. Ахир Николай Гастелло душман танклари уюмiga ўзининг ёнаётган самолётини юбора туриб, уни муқаррар ҳалокат кутаётганини билар эди. Ўз кўкраги билан фашист пулемётининг оғзини тўғсан Александр Матросов ҳам ғалаба шон-шухрати учун ўлимга кетаётганини билар, тушунар эди...

Мен белимдаги гранатани шартта юлиб олдим-да болаларимнинг орқасидан югуриб кетдим. Югуриб етолмадим... бир портлаш юз берди, яна бошқаси... Бу портлашлар «Бўри бомба»нинг портлаши билан ваҳни-мали, қулоқларни кар қиларли даражада гумбурлаган овозлар ичига кўмилиб кетди! Олов алангаси кўзни қамаштириб юборди. Чидаб бўлмас даражада ҳарорат ёйилди. Нафас сиқиларди. Портлаш тўлқинлари менинг ёнимдаги турган терак устларини худди пичоқ кесган-дай кесиб ўтарди.

Мен ҳозир ҳам, орадан бир қанча йиллар ўтиб кетганига қарамай, паровознинг қаққайиб турганини, унинг қозони ёрилганини, паровоз фиддиракларининг терак бўйидан юқорига учганини, вагонларнинг қияликка қараб қарс-қурс, шақир-шуқур қилиб бир-бирларининг устларига ағанаганликларини, эсесчиларнинг гўштлари тилим-тилим бўлиб, сочилиб кетганини кўз олдимга келтира оламан.

Янги мина гумбурлади. Йўлдаги броневикнинг кули кўкка учди. Уни айланиб ўтиб шу заҳотиёқ иккинчиси портлади. Портлашлар, портлашлар, портлашлар... Гумбурлашлар, оловлар, тутунлар, даҳшатли овозлар... Миналар тош йўлдаги машиналар тагида портлаб, гитлер автоматчиларининг гавдаларини дабдала қилиб ташлади. Портлаган поезднинг синиқ парчалари ловиллаб ёнарди. Ундан чидаб бўлмас даражадаги иссиқ ҳарорати келарди. Портлашнинг гумбур-гумбурлари давом этди — тош йўлдаги автомашиналарда снарядлар портлади.

Аммо тоқатим тоқ бўлганди: бир дақиқа ҳам ғанимат. Мен синиқ вагон парчаларига қоқилиб, ўзимни темир йўл изларига ташладим. Менинг орқамдан Ветлугин ва Янукевичлар югуришиб келарди. Ўтнинг алашгаси билан ёритилган темир йўл изининг кўмирга айланаб кетган синиқ парчалари остида ўлган Евгенийим ётарди. Дўстлар уни шу заҳотиёқ кўтариб олиб кетишиди. Геняни эса кўролмадим... У қаерда бўлиши мумкин? Ҳаётмикан?.. Қочиб кетишга улгуриб, бирон ерда ярадор бўлиб ётибдимикан?..

— Геня! — қичқирдим мен. Овозим ёнаётган ўтнинг шовқини ва яраланган фашистларнинг бақиришлари ичida кўмилиб кетди. — Геня! — деб югуриб юардим, қоқилардим, ийқилардим, шунда ҳам: — Геня! — деб чақиравдим.

Мен уни сал нарироқдан, буталар ичидан топдим. Ҳали бадани иссиқ эди. Үмид туғилди: тирик! Ўғлимни кўтардим, гўё у мени қучоқлаб оладигандай унинг қўлларини бўйнимга солиб қўйдим. Уни тош йўлдан эҳтиётлик билан олиб ўтдим. Қарама-қарши ёқдан кимдир — партизанлардан бири чиқиб қолиб, ёрдам қилмоқчи бўлиб менга отилди. Ўзимни унутиб қўйиб:

— Кет! Бермайман... — дебман.

Ветлугин яқин келди. Биз Краснодардан кетгандан

кейин у мени биринчи марта «Отахон» эмас, балки Петр Карпович, деб айтди ва:

— Геняни Евгений билан ёнма-ён қўйинг,— деди.

* * *

Шу ердаёқ — тош йўлнинг орқасидаги тоголча дарахтининг шохчалари тагида шошиб-пишиб фин пичоғи билан чуқур кавладилар. Унинг ичига ўғилларимни қўйишиди, устига тупроқ тортиб кўмишиди... Бошимиз устида энди ўқлар визиллай бошлади. Жони омон қолган гитлерчилар буталар атрофини ўраб олишмоқда эди. Мен мозор олдидা бир оз ушланиб қолдим: мен бу кичкина тепачаларни шохчалар билан яшириб қўйиш учун уриниб қолган эдим...

Бирдан қаердандир Павлик Худоерко пайдо бўлиб қолди, қўлимдан ушлаб кучи борича бутазор ичидан тортиб чиқарди. Фашистлар жуда яқин жойга келишиб қолган экан.

Далаю дашт устидан кетдик. Теварак-атрофда на бир бута, на бир хас-чўп бор. Куз осмонида юлдузлар ўчди. Тўсатдан бошимиз устида ёруғлантирувчи ракеталар ёрилди. Янукевич қўлимдан тортди. Ерга йиқилдиг-у, қотдик. Ердан худди биз бутазорни кавлагандагидай заҳ ҳиди келарди. Энди мен Елена Ивановнага нима деб жавоб бераман?..

Фашистларнинг таъқибидан қочиб-қутулиш учун кўп азият чекдик. Тонг отарда тоғ бағрига яқинлашдик. Мен юрак ҳисси азобидан бошқа, ҳеч қандай чарчашни — ҳеч нимани сезмасдим. Менинг юришим, яна анча юришим, яна бир кун, икки кун... юришим мумкин эди. Аммо ўртоқларим-чи, улар дам олишлари керак эди. Аммо дам олиш мумкин бўлмай қолди. Бошимиз устида фашист самолётлари гувиллаб қолди. Улар осмонда кенг доира ясаб, калхатдай парвоз қилишарди: партизанларни ахтаришарди.

Биз жимжит йўл билан чўзилишиб Крепостной яқинидаги энг олдинги манзилга қараб кетдик. Операция арафасида Евгений билан иккаламиз шу ерда ўтирган эдик. Унинг ўша вақтдаги овози ҳали қулоғим тагида жарагларди:

«Дада, сиз биз билан бирга портлатиш ишига бор-маслигингиз керак. Сиз командирсиз. Оловнинг ичига

киришга ҳақингиз йўқ. Ҳаммасини ўзимиз тўғрилаймиз...»— деган эди у.

Ҳамма жуда чарчади. Аммо менинг ухлайолмаётганимни кўрган дўстларим мени бунчалик қайғу-ҳасратим билан ёлғиз ташлаб қўймасликни истаб, ўзлари ҳам ухлашмасди. Мен ётиб гўё ухлаётгандай бўлдим. Ҳамма нарсани ўйлаб чиқиш, ўзимни қўлга олишим лозим эди.

Энди Евгений ҳам, Геня ҳам йўқ... Аммо отряд бор. Отряднинг жанговар операция плани бор. Уни Евгений тузиб чиққан. Бу план Ватан шон-шуҳрати учун турмушга оширилиши лозим. Мен ҳаётимда биринчи марта Елена Ивановнага барча ҳақиқатни айтиб бермасликка қарор қилдим. У ўғилларининг ҳалокати ҳақидаги хабарни қандай қилиб эшитаркин? Ундан кўра менинг ўзимнинг ҳалок бўлганим яхши эмасмиди!..

Мен бутун кучимни йиғиб олиб, унга «бизни таъқиб қилиб келган броневиклар билан бўлган тўқнашувда қаттиқ ярадор бўлишди. Тасодифий келиб қолган самолёт билан уларни фронт орқали мамлакат ичкарисига юборишга мусассар бўлдик»— деб айтдим.

— Шу гап тўғрими?— деб сўради Елена Ивановна.

— Тўғри.

— Менинг кўзимга тикилиб қаранг-чи!

Мен унинг тикилишларига чидам билан қараб турдим. У менинг сўзларимга ишонди... Аммо, қачон бўлмасин, бир кун эмас бир кун, унга ҳақиқатни айтиб беришим керак-ку! Ёлғончилик менинг устимда гўё бир тошдай боссиб ётарди. Менинг учун жуда ҳам қийин. Озиб-тўзиб ва бутун қайғу-аламни хотинингдан яшириб, бир ўзинггина куйиб-пишувинг жуда оғир.

Охири мен унга бор ҳақиқатни айтиб бердим. Шундай қилиб, биз ҳозиргача ҳаётда хиссамизга тушган бошқа ҳамма нарсалар каби, бу қайғу-ҳасратни ҳам бирга бўлишдик...

Разведкачилар бир оз кейинроқ, ўша кечада бир паровоз ва йигирма беш вагон пачоқланганини аниқладилар. Тош йўлда икки автомашина, эски йўлда икки броневик портлабди. Фашистлар портлаш юз берган ердан, ярадорларни ҳисобламаганда, беш юздан ошиқроқ жасадни олиб чиқиб кетганлар.

Ана шу қўрқинчли кечадан бери, ўн йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Вақтнинг ўтиши ярангни тузатади дейи-

шади. Йўқ, бу бўлмаган гап. Ҳаётга қайтиш, ишлаш, кишилар билан муносабатда бўлиш, ҳатто ҳазиллашиш ва кулишиш мумкин ва лозим! Аммо тузалмас яра доимо қонаб туради: фарзанд доғи сира-сира эсдан чиқмайди...

* * *

Отряд ялангликда саф тортди. Комиссар мотам митингини очди.

Евгенийни отрядда севишар эди. У бу севги ва ҳурмат туфайли ўртоқларидаги ғалабага бўлган ишончнинг янада мустаҳкамланишини биларди. Геняни ҳам севишарди. Ўни ҳам қўрқмас ва баҳодирлиги учун ҳурмат қилишарди.

Мигингда ҳамма ҳам Евгений билан Геняниг партизанлар учун азиз бўлганликларини изҳор қилгуси келарди. Юракдан содда, оташин сўзлар чиқарди. Ҳаммалари ҳам бир нарса ҳақида: босқинчилар томонидан ҳақоратланган жонажон еримиз, жонажон халқимизнинг сарсон-саргардонлиги ва қайғуси учун улуғ ва ҳаққоний ишимиз йўлида жонини ҳам аямаган Евгений ва Геня учун қасос олиш ҳақида гапиришарди.

Елена Ивановна сўзлай бошлади. Унинг овозидан шундай қайгу ва ҳасрат оҳанги келардики, қаторда қимир этмай турган кишиларнинг изифирин шамол тегиб турган юзларидан кўз ёшлари юмалаб тушарди. У биз учун ўғилларнинг қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирди. Улар ҳалок бўлишди. Учалови ҳалок бўлишди... Агар Ватан учун керак бўлиб қолса, биз ҳам ўз ҳаётимизни аямаймиз. Аммо биз қасос оламиз, болаларимизнинг ўлими, таҳқирланган Кубань учун душмандан шафқатсиз суратда қасос оламиз.

Комиссар саф олдида буйруқ ўқиб эшилтириди. Партизанлар отрядлари қўмондонлиги буйруқда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ақа-ука Игнатовлар ва бошқа кўпгина партизанларнинг ҳукумат мукофотнга тақдим этилганлигини эълон қилди.

Митингдан кейин мажлис бўлди: қўмондонликдан отрядга «Ақа-ука Игнатовлар номидаги отряд» деб ном берилиши ва Евгений ташкил этган Стрепет тоғидаги лагерга унинг номи берилишини сўраб қарор қабул қилди.

Дакс бўлса энди тез-тез тонг тепасига чиқиб ўтирад,

соатлаб олисларга тикилиб, Геняни кутар ёки Елена Ивановнанинг ёнига келиб ётарди. Шу пайтда таниш бўлмаган одам унинг олдига бориши хавфли эди; юнглари тишка бўлар, қаттиқ ириллар, ўзининг қозиқ тишлигини кўрсатарди.

Елена Ивановнанинг уйқуси қочди. Унинг соchlаридаги кўпгина кумуш толалар пайдо бўлди. Фарзанд доғини эсидан чиқариб юборишга ҳаракат қилиб кечаю кундуз ишларди. У нималар билан машғул бўлмади, нима ишлар қиnlмади дейсиз! Қаердандир юнг топиб келиб, партизанларимизга иссиққина пайпоқ тўкир, кийим-кечакларнинг йиртиғини ямар, янги уст-бош кийимлар тикарди. Ахир тоққа чиқиб, тиканли олчазорларда эмаклаб юриб, ҳаммамизнинг ҳам кийим-кечакларимиз тез йиртилиб кетарди-да...

Тез орада қўшни отрядларда катта қаҳрамонона жанг операциялари бошланди. Елена Ивановна уларга хизматга юборилди. У жанг майдонида ярадорларни боғларди, тоғда госпиталь ташкил қилди.

Биз янги жангларга, янги операцияларга тайёрлана бошладик. Партизанлар мендан тез-тез сўрашарди:

— Отахон, қачон бошланади?

Аммо шошилиш керак эмас эди. Майли, юрак қизиси са қизисин, бир неча кун тоқат қилиб турдигиз. Тўсатдан ва мўлжалдагидек қилиб зарба бермасак, кўнгил тўлмайди. Евгений айтганидай ҳеч бир ҳовлиқмай, қурбон бермай, қақшатғич зарба беришимиз керак...

* * *

Қишиш бошланиб қолди — қаҳратон, захкаш, изфирин совуқли қишиш бошланди. Тоғ устида паст-паст бўлиб қорамтири булутлар сузарди. Қора, ялангоч қолган ўрмон шамол кучайиши орқасида бўғиқ овоз билан инграрди. Ҳўл-нам қор ёғди-ю, дарров билчиллаб эриб кетди. Тоғ сувлари тўлиб-тошиб, музли тош устида оқ кўпиклар билан ҳайқириб борарди.

Ёвуз душманга қарши кураш давом этарди. Отряд фашистларни қиради, уларга қарши олиб борилган қаттиқ жангларда кўп мувваффақиятларни қўлга киритди. Биз тобора кураш тажрибаларини йиғар, мина уруши усууларини такомиллаштириб борардик. Гитлерчиларнинг ўзлари учун қўрқинчли бўлган бу урушни тўхта-

тишга қарата қилган ҳамма ҳаракати муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Биздан ўрнак олган Кубандаги бошқа отрядлар ҳам партизанлар курашининг бу даҳшатли турини қўллана бошладилар. Партизанларнинг хато кетмайдиган ўқи босқинчиларни қириб ташлади, партизан миналари билан фашистларнинг автомашиналари, ўқдори анжомлари ва аскарлари ортилган поездлари, броневиклари, танклари портлади. Халқ партизанлар сиймосида ўзининг ҳимоячисини кўрди, уларга ёрдам берди, ҳаққоний ишимиzinинг ғалабасига ишонди.

Гитлерчилар биз турган жойларда ўн икки мингга яқин партизан тўпланган деган овозаларни тарқатгандар ва чет-чет станицаларда эҳтиётдан катта кучлар ушлаб туришди.

Мен ҳар бир янги муваффақиятимиз пайтида беихтиёр темир йўл изларига яқин олчазор буталари орасидаги мозор тепаликларини эслардим.

Биз декабрда партизанлар ҳаракати Марказий штаби Евгений ва Геняни Совет Йттифоқи Қаҳрамони унвонига тақдим этганини ва отрядимизга «Ака-ука Игнатовлар отряди» деган ном берганлигини эшилдик.

12. Доимо сафда

Отрядимиз 1943 йил 12 январь куни Крепостной станицаси остонасида бизни ўраб олишга ҳаракат қилган гитлерчиларга қарши узоқ, оғир жанг олиб борди. Биз жуда қўйналдик. Душманлар устимиздан ўқ ёғдирар, пулемётлари тинмай савалар, бетўхтов миналар ёғиларди. Биз сўнгги кучимиз қолгунча чидаб турдик. Буталар, тошлар ораларидан, тоғ бағирларидан янгидан-янги фашист галалари чиқиб келарди. Бизни ярим ҳалқа қилиб ўраб олишганди. Узоқ вақт чидаб туришга тўғри келармикан?..

Лекин мана бирдан бизнинг ўнг томонимиздан автоматнинг кетма-кет тириллаши ва унга ҳамоҳанг бўлиб янграётган қудратли «Ура!» овозлари эшилдиди. Мен ўша томонга қараб ташландим, кўзларимга ишонмасдим. Совет жангчилари ҳалқа усулда ёйилиб, қатор орқасидан қатор бўлиб фашистларга томон ҳамла қилиб келарди. Уларнинг шапкаларидаги юлдузчалари, милтиқ найзалари чақнарди!

Шодлигимизни, ҳаяжонимизни тасвирлаб ёзиш қи-

йин! Жонажон, севикли Қизил Армия биз билан бирга!
Ана шу фикргина бизга куч-қувват, далда берди.

Еш бир жангчи тошнинг орқасига ўтиб, тиззасига
бошини энгаштириб, шошиб-пишиб қўлидаги ярасини
боғлади.

— Қаердан келяпсиз, ўртоқ?— деб сўрадим мен
ундан.

У индамасдан жануб томонга қараб калласини қи-
мирлатиб ишора қилиб қўйди. У ерда Қавказнинг қорли
чўққилари зангори булатлар билан юксалиб турарди.
Кўринишича жангчи янглишганга ўхшарди: уларнинг
у ердан кела олишлари мумкин эмас эди. Ахир у ердан
ўтиб бўладиган жой йўқ-ку...

Жангчи қўлини боғлаб бўлди, сакраб ўрнидан турди.
Милтигини олди-да:

— Ота, Краснодар яқинми?— деб сўради ва жавоби-
ни ҳам кутмай, ўзиникиларга етиб олиш учун чопиб
кетди.

Энди қудратли рус «ура»си жарликлардан узоқда
янграли. Гитлерчилар зарбага бардош бера олмадилар.
Улар ўзларининг асосий кучлари жойлашган Ламбина
тоғи чўққиларига улоқтириб ташланди.

Мен кечқурун гитлерчиларнинг тоғ ўқчи қисми коман-
дирларидан бирини, фашист асирини сўроқ қилишда
қатнашишга мусассар бўлдим. Уни худди сира кутулиб
кета олмайдиган, ташвишли бир фикр қамраб олган-
дай, саволларга хаёли паришон ҳолда жавоб берарди.

— Айтинг-чи, жаноб лейтенант!— деб сўради у ўзини
сўроқ қилаётган офицердан:— Сиз қаердан келдингиз?

— У ёқдан,— деб қисқа жавоб берди совет лейтенан-
ти ва худди тош ёнида турган жангчидай, жануб то-
монни кўрсатди.

Гитлерчи бошини чайқади:

— Бундай бўлиши сира мумкин эмас! Менга бу тоғ
чўққисининг ҳар бир қисми маълум. Унинг сўқмоқ йўл-
ларидан ҳатто тоғ эчки ҳам ўтолмайди-ку!..

— Биз ўтолдик!

Шундай, улар ўта олишди! Бошқалар қила олмаган
нарсани улар, рус солдатлари қила олишди. Улар неча
кунлаб тоғ орасидан юришди. Уларга артиллерияни, бир
қатор аравани, ошхонани, лазаретни, ҳатто оғир пуле-
мётларни қолдириб кетишга тўғри келди. Жангчилар-
нинг оёқлари тирналиб, қонга беланиб жарликлардан

тирмашиб чиқишиди. Улар икки кунгача ҳеч нарса ейишмади. Аммо улар тоғдан ошиб ўтишиди ва бир минутни ҳам қўлдан бермай найзага ёпишишиди, улар душманни барбод қилишиди, мажақлаб ташлашиди, қувиб юборишиди...

* * *

Партизанчилик ҳаёти тугади. Биз Краснодарга қараб йўл олдик! Совет Армияси шиддатли ҳужум билан гитлерчиларнинг қаттиқ қарама-қаршиликларини енгди. Үн иккинчи февралда Қора денгиз қўшинлари тўдаси жангчилари Кубань дарёсидан кечиб ўтиб, Краснодарни озод қилдилар.

Ҳаммамизнинг ҳам тезроқ шаҳарга кириб боргимиз келар эди, кечасигина эмас, ҳатто хавф-хатарларни писанд қилмай, кундуз куни ҳам юргимиз келарди. Станицаларда шодлик, байрам! Атрофда ҳали душман қисмининг қолдиқлари бор ва станица казаклари эса сотқинларни тутишар, фашистларнинг баъзи бир тўдаларини босишар, манфур босқинчиларнинг чекиниш пайтларида кўприкларни бузишар эди. Станицаларда бизларни худди туғишганларидай кутиб олишарди. Қазак қизлари партизанларнинг чўнтакларига гитлер чигирткала-ридан сақлаб қолишган энг сўнгги тухум, чўчқа ёфи, нонларини солиб қўядилар.

Биз секин юриб борардик: Елена Ивановна оёгини зўрға кўтариб босарди. У кейинги пайтларда мустаҳкамроқ, дадилроқ бўлиб қолған эди. Аммо жонажон уйига яқин қолганда яна ҳолдан тойди. Үнинг қайғуаламини тушунган ўртоқлар уни авайлашарди.

Тош йўлдан ўтиб бўлмас эди: ундан чекинаётган душман қисмлари тўхтовсиз ўтиб турарди. Биз ботқоқли қишлоқ йўллари билан келдик.

Фронтни 15 февралда Ново-Дмитриевская станицаси ёнидан босиб ўтдик. Ёш бир сержант бизни бoshимиздан оёғимизгача зидан қараб чиқиб, ҳужжатларимизни тегажаклик қилиб текшириб кўрди. Кейин бирдан баралла кулди, елкасига автоматини осди, мени бағрига босди, уч марта ўиб:

— Бораверинглар, ўртоқлар, йўл очиқ! — деди.

Шундай қилиб биз Краснодар кўчаларига ҳам кириб бордик: жонажон, таниш кўчалар, майдонлар, таниш уйлар, чорбоғлар ёнидан ўтиб бормоқдамиз.

Фашист босқинчилари ташлаб кетган қанчадан-қанча танк, автомобиль, шатакчи машиналар, мотоцикллар сочилиб ётиди! Бизнинг уруш ғаниматларини тўпловчи командаларимиз ўшалар олдида ҳаракат қилишарди. Биз шикастланган ва энди жим бўлиб қолган фашист техникиси ёнидан Краснодарни қутқазиша бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, деб фуур билаш ўйлаб ўтардик.

Бизнинг ўғилларимиз ана шунинг учун ҳалок бўлдилар...

Душманнинг жабр-эулми остида азоб тортган кишилар — жонажон совет кишилари бизни қарши олиш учун кўчаларга чиқдилар, қўлларимизни қисиб, бағриларига босдилар.

— Ойижон, фрицлар: партизанлар қўрқинчли бўлади,— деган эдилар-ку!

Бу гапни олти-етти ёшли кичкинагина бир қизча айтган эди. Унинг ориққина юзидаги кўзларида шодлик чақнарди. У Павликка етиб олди-да, индамасдан қўғирчогини унинг қўлига тутқизиб ўзи қочиб қолди. Ўйлаб қўринг-а, бу унинг энг улуғ, қиммат баҳо ҳадяси эди.

* * *

Үйимиз шип-шийдам бўлиб ётарди... Ана холос, афтидан биз уйда ўз қайгу-ҳасратларимиз билан ёппа-ёлғиз қолган бўлсақ керак. Қайтганимизнинг биринчи кунларида шундай деб ўйлардик. Агар бу, ҳақиқатан ҳам шундай бўладиган бўлса, жуда қўрқинчли, жуда аччиқ ҳақиқат бўларди. Аммо биз шуни тезда тушуниб олдикки, тушуниб олдиккина эмас, ҳатто юрак билан ҳам сездикки — биз ёлғиз эмас эдик. Ҳа, бу энг муҳими ва қаммадан қимматлиси эди!

Биз ёлғиз эмасмиз! Бутун ҳалқимиз — раҳмдил, оқ кўнгил совет ҳалқи биз билан бирга! Бизнинг қайгуимиз — демак уларнинг қайфуси. Ўнлаб, юзлаб... йўқ, минглаб ва қўли бизга номаълум бўлган кишилар қариндошлиқ ёрдамини кўрсатдилар ва дўстлик қўлларини чўздилар. Муҳаббат ва тасалли бериш сўзлари билан мурожаат қилдилар. Бундан биз мадад олдик. Бу бошқа ҳар қандай нарсадан ҳам улуғ эди. У бизни ҳаётга қайтариб олиб кирди.

Мен Евгений ҳалокати ҳақида Машага қандай хабар қилишни ўйлаб озмунча азоб чекдимми? Маша ўзига отряд билан тоққа чиқиб кетишга ҳалақит бериб тур-

ған касалдан тузалиб кетгандан сўнг, қизи билан Краснодарнинг пастки қисмидаги яшаб турган ўз синглисингни кига кетади. Синглисингни кига бир неча кун тургандан сўнг, у шаҳарга қайтиб келиб, дугонасини кига жойлашади. Уйга қайтиб бориш мумкин эмас: уларнинг хонасида гитлерчиларнинг соқчилари турарди.

Фашистлар бутун шаҳар бўйлаб, Кубаннинг бутун тоғ бағирлари ва ўрмонларидағи партизанларни қириб ташладик деган овозларни тарқатганлар. Лекин Маша бундай овозаларга ишонмайди. У партизанлар ҳали ҳаётлигини, уларнинг курашаёттанини ва уларнинг қаторида унинг Евгенийси ҳам душманларга қарши курашаётганини биларди. Унинг ҳам бу курашда иштирок этгуси келар, яширин ташкилотда ишлашга даъват қилганларида жуда ҳам севинган эди. Кейинроқ унинг қулоғига Евгений яраланган деган овозалар эшишилди. Аммо унинг ўлими ҳақида ҳеч нарса билмасди.

Елена Ивановна унингни кига бориб, ҳаммасини айтиб берди. Бошимизга тушган мусибат Маша билан бизнинг орамизни яна ҳам яқинлаштириб қўйди. У бизнингнига Инночка билан тез-тез келиб турарди ва бу билан бизнинг етим бўлиб қолган оиласига анча-мунча ҳарорат олиб келарди.

Биз шунча вақтдан буён ҳалок бўлди деб юрган Валентинимизнинг ҳаёт эканлиги ҳақидаги хабар бизга буюк қувонч келтириди. Унинг госпиталдан чиқиши билан тўғри Краснодарга келган куни ҳеч эсдан чиқмайди. Оғир яраланиш, қийинчилик, хавф-жатар уни тугатолмабди. У госпиталда эканлигига ёқ акаси билан укасининг ҳалок бўлганлигини эшишибди ва шунда чеккан қайғу-ҳасратларининг нишоналари билинар эди. Уруш йиллари ичидаги кўп нарсаларни кўрган ва кўп нарсани бошидан кечирган Валентин Евгений ва Геня ҳақида гапирганида юзидан ёшлар думалаб тушарди.

— Буни унтиш мумкин эмас...— деди у.— Шундай ака-укаларим билан фахрланаман! Улар учун ҳар томчи қонимни беришга тайёр эдим...

У кейинроқ Қримда қандай қилиб қутулиб қолганини ҳикоя қилиб берди.

У пулемётдан ўқ узиб қисмларимизнинг орқага қайтишини таъминлаб ҳимоя қилиб турарди. Сўнг пулемётга шикаст етади. Валентин яраланади, эс-ҳушини йўқотади, йиқилади. Партизанлар уни кечаси топиб

олишиб, тоққа олиб кетишибди. У кўзини очса, ўнгир ичида йўсун ўт ва юмшоқ барг тўшалган жойда ётибди. Унга меҳрибонлик билан қараб, парвариш қилишади. У тузала боради ва икки ойлардан сўнг юра бошлайди. Уни партизанлар катта ергача ўтказиб қўйишга мусассар бўлишади. У тузалгандан сўнг уни Волга бўйидаги махсус қисмга юборишади. У бу ерда фашистларни ғалабали суратда тор-мор келтиргунча, шаҳар учун олиб борилган жангларда охиригача қатнашади. Шу ернинг ўзидаёқ уни ҳарбий хизматдан озод қилишади.

— Мана шундай қилиб, мен Краснодарга қайтиб ҳам келдим...— деда ўз ҳикоясини тутатди Валентин. У онасининг қўлларини ушлади. Унга юзларини босди. Евгений ва Генялар ҳам оналирига ўз муҳаббатлари ва эркаликларини ифодаламоқчи бўлганларида шундай қилиб, пинжига киради.— Афсус, ўшанда мен нима учун сизлар билан бирга қолмадим-а, нима учун!..

* * *

Ҳукумат отрядимизнинг жанговар ишига юқори баҳо берди: партизанларнинг ҳаммаси орден ва медаллар билан мукофотландилар. Шимолий Қавказ фронтининг Ҳарбий совети ўз мурожаатида шундай деб ёзган эди:

«...Халқ қасосчилари — партизан ва партизанкалар — душманинг ичкарисида бўлиб, немис босқинчиларини ваҳимага солдилар. Минглаб гитлерчилар тоғларда, кояларда, Қавказнинг қалин ўрмонларида, Терек ва Қубанинг лойқа сувлари, Азов бўйи текисликларида партизанлар қўлида ўқ еб ўзларига гўр топдилар.

Ватан Қубань ўғиллари, ака-ука Игнатовларнинг қаҳрамонлик жасоратларини ҳеч қачон унутмайди. Совет ватанпарварлари ўз жонларини қурбон қилдилар ва Новороссийскка кетаётган душман поездини портлатдилар. Портлаш натижасида 500 дан ошиқ немис солдати ва офицерлари қириб ташланди».

1943 йил марта СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Евгений ва Геняга Совет Йттифоқи Қаҳрамони деган фахрий ном берилди.

Уларнинг жасади шаҳарга келтирилди ва Краснодар Марказига, уйимиз ёнидаги скверга кўмилди. Қабр устида қора харсанг тошдан қилинган оддий, келишган ёдгорлик қад кўтарди. Унинг икки ёнбошидаги гранит постаментларида ака-ука қаҳрамонларнинг бронзатдан

ясалган ҳайкали ўрнатилган. Иккинчи ёдгорлик эса уларнинг қаҳрамонлик кўрсатган жойларига қўйилди. Харсанг тошдан қилинган ёдгорлик ва бронзадан қилинган ҳайкал бўсағалари доимо гуллар билан тўла. Бу гуллар онанинг меҳрибон қўллари билан ўтқазилган. Бўйнига пионер қизил галстугини таққан ўғил ва қиз болалар — ўқувчилар эрга баҳордан бошлаб то кеч кузгача ўғилларимиз қабрига келиб гул қўйишади.

Бу ёдгорлик олдига нозиккина, кўзлари шаҳло бир қиз тез-тез келиб туради. У ўсмирнинг бронзадан қотиб қолган очиқ чехрасига, чизиқларга узоқ тикилиб туради ва кейин хиёбоннинг соя жойида битта ўзи узоқ вақт айланиб юради. Бу Генянинг дўсти — Дина.

Инночка ҳам бу ерга бувиси ёки ойиси билан тез-тез келиб туради. У гулларга қарайди, уларга сув сепади, кўкатларни текислайди. Кейин чарчаб, сершоҳ заранг дарахти тагида, курсида бувиси билан ёнма-ён ўтиради.

— Бувижон, дадамнинг ёшлиқда қандай бўлганликларини ҳикоя қилиб беринг! — деб қолади, қизча шунда.

Қуёш — Ватанимиз осмонида чарақлаган сахий қуёш сквер дарахтларининг учига заррин нурини сочиб туриди. Умр ўтмоқда, ҳаёт гулламоқда, ҳаёт кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда.

* * *

Совет халқи ўзларининг баҳт-саодати ва озодлиги учун ҳаётини қурбон қилган қаҳрамонларини унутмайди.

Қўпгина мактаб, пионер дружиналарига Евгений ва Геня номлари берилди. Краснодар ва Сочи ўртасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони ака-ука Иінатовларнинг номида пассажир поезди қатнайди. Геня ўқиган мактаб ва шаҳар болалар кутубхонаси унинг номи билан юритилади. Яқинда Волгоград кемасозлик корхонасидан «Ака-ука Игнатовлар» деган шатакчи кема сувга туширилди. У ёш денгизчилар томонидан иқтисод қилиб қолинган материал ҳисобига давлат планидан ташқари қурилган.

Уни Волгоград ГЭС қурувчиларига топширишиди.

Биз Елена Ивановна билан иккаламиз байроқлар билан тантана ва байрам тусида ясатилган бу кеманинг бортида бўлишга муяссар бўлдик. Унинг қўйруқ томонида, қутқазиш чамбараги устида ва гилдиракларида

ёз қуёшининг ёрқин нурлари остида «Ака-ука Игнатовлар» деган сўзлар порлаб туради.

Кема саҳнида туриб, совет халқи улуг ишоотлар қураётган қудратли дарёning мовий сувига тикилардик. Бизнинг ўғилларимиз ҳам коммунизм қурувчиларнинг биринчи қаторида турибди, деб ўйлардик. Улар ҳамиша шу ерда, биз билан. Улар умрбод бизнинг меҳнатимизда, бизнинг курашимизда, ҳар галгидай биз билан бирга. Коммунизмнинг сўнмас иши учун жонини қурбон қилганларнинг ҳаммаси умрбод биз билан бирга!

Ана, бутун теварак-атроф — дарё, зангори осмон, улуг Ватанимизнинг қуёшли кенгликлари — ҳаммаси ҳам гўё баралла қичқиришиб:

«Яшасин ўлимни енгувчи ҳаёт!»— дейди.



МУНДАРИЖА

1. Халқ жангга отланди	3
2. Болалик ва ёшлик ҳақида	28
3. Биз қандай тайёрландик	51
4. Фронтдан келган меҳмон	69
5. Биз жўнаб кетдик	84
6. Тогдаги лагерь	95
7. Разведкачилар	124
8. Қопқонда	145
9. Жанговар кунлар	162
10. Мина уруши	186
11. 10 октябрга ўтар кечаси	200
12. Доимо сафда	216

ЎРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

ИГНАТОВ ПЕТР НАРПОВИЧ

БРАТЬЯ-ГЕРОИ

Повесть

Рассом И. Нирков

Перевод с издания Детгиза (Москва) 1955 г.

Издательство „Ёш гвардия”—Ташкент—1962 г.

Редактор А. Зиннуинов
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Т. Рахимов
Корректор И. Абдуазизов

Босмахонага берилди 14.V-1962 й. Боснига руҳсат этилди 24 VIII 1962 й. Форма-
ти 84×108^{1/32}. Босма листи 7.0. Шартли босма листи 117. Нашр. листи 12,2.
Тиражи 15000. „Ёш гвардия” нашрнёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30.
Шартинома № 87-61

„Қизил Ўзбекистон”, „Правда Востока” ва „Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашри-
ётининг босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока” кўчаси, № 6.
1962 й. Заказ № 1058. Баҳси 52 т.